

Я. Ш. 191

ПЪЕСАЛАР

ИЗДАВАНЕ

УП ПП ИИ НН



П Ъ Е С А Л А Р




ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1954



TOP-MOP



014467



ҚАТНАСУЧИЛАР:

Арслан — Уезд-шаҳар коммунистик партияси комитетининг раиси.
Семёнов Аркадий Иванович — Фарғона fronti ҳарбий
қўлларининг бош қўмондони.

Иванов Иван Васильевич — Шаҳар особий отдeл бошлиғи.
Дилбар — Арслонининг хотини.

Собиржон

Марков Василий Григорьевич — Ҳарбий комиссар ўрин-
босари.

Султонбек — Угоревком раисининг ўринбосари.

Хопраслоқов — Область нақили.

Баҳодир }
Омон } — ёш коммунистлар.

Нурмағ }
Мадазим } — милиционерлар.

Мадаминбек }
Аҳмадонсод } — қўрбошилар.

Мирхонлиқбой — қишлоқ бойи.

Дехқонбой }
Содиқ } — қишлоқ йигитлари.

Матқовул }
Етмишиной } — кекса деҳқонлар.

Имомдомла

Элликбоши

Полковник Рейли — инглиз жосуси.

Командирлар, хотин-қизлар, аскарлар.

БИРИНЧИ ИАРДА

БИРИНЧИ КҮРИНИШ

Арслон Кучкоровнинг уйи. Арслон ухлаб ётипти. Дилбар оёқ унда уйга киради. Девордаги соат саккизга занг уради.

Дилбар. Ҳадемай меҳмонлар ҳам келишади. Самарини қўйворай... *(Ошхонага ўтади, яна қайтиб чиқади)*. Уйғотаймикан? Ўқ, нича ухлаб, ором олсин, роса бир ой бўлдики, от устидан тушмайди. Босмачилар билан олиша-олиша операциядан кечагина қайтиб келди, бугун яна жўнаб кетади. Вой, ўнга қолмай жўнашлари керак эди-я, уйғотаман. *(Майин товуш. блан.)* Арслон, Арслон. *(Қимирлатиб кўради.)* Товба, тозаям ётипти-ку. *(Аста юзидан ўнади.)*

Арслон *(уйғаниб)*. Дилбаргинам...

Дилбар. Ҳо ёқмай қолсин. Ўпса дарров уйғона-из-а. Туринг энди. Ахир, олам-жаҳон кишини нонуш-ига чақирганмисиз? Туринг дейман!

Арслон. Ҳозир, ҳозир! *(Арслон кийинади.)*

Дилбар. Бугунам дод чиқди. Балога йўлиққур босмачилар яна бирқанча шўринг қурғурларнинг ёсти-гини қуритди чоғи.

Арслон. Босмачиларнинг зўравони Мадамин қўлга тушмай қолди. Шу иш кўп ёмон бўлди-да, Дилбар!

Дилбар. Оз бўлмаса, шаҳар қўлдан кетаёзди-я...

Арслон. Мадамин Сойгузарни, оқлар Пистамазор, Хакан, Султонсупани эгаллаб олишган экан. Саркарда Фрунзе юборган Казанский полк бу газандаларни роса саналади.

Дилбар ошхона томон кетади.

Арслоннинг кўзи девордаги портретга тушади.

Улуғсифат, ёқимтой, меҳрибон устод. Совет давлатига, партияга филокор солдат. Бу блан мен Бешбош заводида ишладим. Менга ҳунар ўргатди. Эҳ...

Дилбар (*Арслоннинг сузини эшитиб*). Онаси Мария Алексеевнани кўриб, ҳол-аҳвол сўраб келаман девдингиз?..

Арслон. Бордим. Каминир қўймасдан мени меҳмон қилди.

Дилбар. Тези хурсанд бўлиб атрофингизда гирди-кайалак бўлгандир (*чиқади*).

Арслон (*портретдан кўзини узмай*). Бу кеча ҳам тушимга кириб қонти: босмачилар устига от қўйдик. Бирдан унга ўқ тегиб йиқилди. Шунда ҳам яраланган йўлбарсдай на'ра тортди команда бериб ётипти. Бильдин партия комитетининг раиси бўлиши бланок, ўнлаб ўзбекларни партия сафига тортди. Ленин йўлини ўзбекларга тушутирар, унинг деганларини жон куйдириб уқтирар эди. Биз ҳам унинг оташин сўзларини жон қулоғи блан тинглар эдик. У гапирганда худди олов бўлиб ёнар эди. Барча коммунистларни босмачиларга қарши курашга кўтариб, ўртоқ Фрунзенинг буйруғини жон-дил блан бажарди. Мадамин блан генерал Монстронинг шайкасини тор-мор қилди. Аламзада душман бу азамат, ёвқур большевикни ўлдирди. Бильдин ўлди...

Дилбар идиш-товоқ кўтариб киради.

Аммо алланичुक шубҳа-шарпалар меннинг ич-ичимни ари бўлиб талайди... Бильдинни отган ким? Кўзимга алақандай бир жаллоднинг совуқ башараси кўринади, холос. У ким? Бу катта бир сир. Буни албатта билиш керак!

Науза. Эшик тақиллайди.

(*Арслон эшикни очади.*)

Хопралзоқов, Семёнов, Ивановлар кирадилар,
сўрашадилар.

Марҳамат, марҳамат меҳмонлар!

Иванов. Бевақт безовта қилдик... Хафа бўлмай-сиз, Дилбархон.

Дилбар. Бошимиз осмонга етди. Хуш келиб-сизлар!

Семёнов. Ўтган сафарги гўшт ўрнига ўрик солинган бугдой паловнинг мазаси ҳали-ҳали оғзимизда. *(Кулишади.)*

Дилбар. Палов десангиз, ҳозироқ тайёр қиламиз.

Семёнов. Раҳмат, ҳазил, бўлак кун.

Арслон. Бошқалар қани, келишадими?

Иванов. Султонбек, Василий Григорьевич, Тургунжонлар ҳозир келишади. Ҳамманиям нонуштага таклиф қилган экансиз-да.

Арслон. Ҳа энди... операцияга жўнаш олдидан бир кўришиб, гаплашиб олсак деган эдим.

Семёнов. Арслон, ўртоқ Хонраззоқовни танидингизми? Бу киши областдан... Биз блан қишлоққа чиқади.

Арслон. Марҳамат, ўртоқ Хонраззоқов.

Хонраззоқов. Сизни зафар блан қутлайман.

Арслон. Раҳмат, ўртоқ Хонраззоқов!

Семёнов. Ўртоқ Хонраззоқов уездимиздаги ер-сув, вақф ишлари блан танишади.

Арслон. Қани меҳмонлар, дастурхонга марҳамат.

Меҳмонлар ўтирадилар, Дилбар самовардан чой қуяди.

Семёнов. Дилбархон, овқатга жуда ҳам пазандасиз-да.

Дилбар. Аркадий Иванович, менинг пиширганларим ба'зи бировларнинг оғзига ёқавермайди. Сиз мақтайсиз холос.

Иванов. Ия, ҳали шунақами? Олдиндан оққан сунинг қадри йўқ, деб шунга айтадилар-да. *(Кулишади, эшик тиқиллайди.)* Келишди!

Арслон. Ҳозир-ҳозир! *(Бориб эшикни очади.)*

Султонбек, Марков, Баҳодирлар киришади. Ғовур-ғувур, ҳол-аҳвол сўраш.

Марков. Салом дўстлар, салом, Дилбархон!

Дилбар. Келинглار, келинглар, марҳамат.

Арслон. Мунча кечикмасаларингиз?

Марков. Минг марта узр... Зарур иш чиқиб қолди...

Султонбек *(столга кўз қирини ташлаб)*. Ўхў, ошқовоқдан қолибмиз-ку!

Марков. Шунинг айтинг-а. *(Ўтирадилар.)*

Султонбек. Дилбархон, насибамизга яраша бординир...

Дилбар. Султонбек ака, сизникини олиб қўйганман.

Султонбек. Қуллуқ, минг марта қуллуқ, Дилбархон!

Дилбар. Қани меҳмонлар, олинглар. Баҳодиржон, олинг!

Арслон. Баҳодир, тортинма ука...

Баҳодир. Адаб сақлаб турибмиз... Йўғасаму мунанқангги сомсаларди бир тоғарасини, даҳага кирган қуртдай, биринида растарарам қилиб ташлаймизку-я.

Иванов. Билди, ёш коммунист!

Марков. Бу ёш коммунистларам бешотарнинг ўрнига нуқул қогоз отишади. Наҳотки, уч кун ичида ёш коммунистлардан ўнга яқин ариза олсам... Милтиқ сўрашгани — сўрашган.

Баҳодир. Беринг-да, милтиқ бермас экансиз сизни қогозга кўмиб ташлаймиз, ўртоқ Марков.

Иванов. Ёш коммунистлар милтиқнинг қадрига етмайди, деб ўйласалар керак-да.

Баҳодир. Билмасам, шунақадир-да. Ахир шаҳарга кирган босмачиларди коммунистларди биқинида туриб растарарам қилган ким?

Марков (*салкасига қоқиб*). Ёвқур йигит! Тўғри айтасан, ёш коммунистларам жуда катта ғайрат кўрсатинди.

Арслон. Ўртоқ Хонраззоқов, шаҳар айланди-ми?

Хонраззоқов. Айландим. Кўча-кўйларда бчлар беҳисоб, йўллар бузуқ, чироғ йўқ, корхоналар вайрон. Терлама, безгак касали халқ тинкасини қуритган... эҳ... бу босмачи халқ бошига битган бало бўлди.

Баҳодир. Босмачилар динди қулфини очамиз деб калитини халқди сандиғидан ахтаришяпти.

Хонраззоқов. Ростанам аҳвол жуда оғир.

Арслон. Биласизми, бу каллакесар босмачилар оз бўлмаса бутун Фаргона водисини эгаллаб, талаб, ёндириб вайрон қилаёзган эдилар. Ленин отадан мадад келиб қолди-ю, биз босмачиларни енгдик. Ўртоқ Семёнов саркарда Фрунзенинг ишонган командирларидан. Катта иш кўрсатди бу киши.

Семёнов. Жуда мақтаб юбордингиз, Арслон.

Хонраззоқов. Эшитдик, олам-олам хурсанд бўлдик. Босмачилар бир зарб блан бутун Фарғона водисини эгаллаб, сўнг Тошкентга ҳужум қилишмоқчи экан. Булар Дутов блан тил бириктириб Туркистондаги ёш Совет ҳукуматини йиқитиш мақсадида ҳаракат қилишган.

Марков. Эҳ... газандалар!!

Султонбек. Мадамин, Маҳкам қўрбошини роса саваладик.

Иванов. Ўш блан Жалолободдаги коммунистларимиз босмачилар блан мардона курашиб кўпгина қурбон беришди.

Хонраззоқов. Шон-шараф бўлсин ўшандай қаҳрамонларга.

Семёнов. Аммо Монстров блан Мадамин ўзларининг асосий кучларини шаҳардан саломат олиб кетаолганлар.

Хонраззоқов. Афсус! Афсус! Мен ўйлайманки, бу ишда ҳам қўйнимизга кириб олган бирон душманинг қўли бўлса керак!

Иванов. Шубҳасиз! Генерал Монстров блан Мадаминни қандай бўлмасин тутмоқ керак!

Семёнов. Душман ҳали зўр. Илоннинг боши янчилмаган, илон қочган, у яна захрини қуяди. Мадаминбек, Соли махсум Қоратерида; Андижон уездига Маҳкамхожи, Парпи, Муйдин қўрбошилар; Қўқонда, Эргаш, Эшматбойвачча, Ислонқул; Наманганда, Омонполвон, Аравонда Холхўжа, Тўйчи; Шаҳрихонда Ўтампонсод, Гарва; Тошлоғда Алиёр, Шермат кўр. Бу илонларни батамом янчиб ташламагунимизча мамлакатимиз, халқимиз тинчимайди.

Иванов. Қашқардаги Англия консули Эссертон, собиқ Николай консули Успенский ҳам Бухоро амири Мадаминнинг мағлуб бўлганига мотам тутишиб, додвой кўтаришти. Булар қайта бошдан қурол-олтин ва'да қилиб, сўлоғи чиққан босмачиларни яна тикламоқчи.

Иванов (*ўрнидан туради, чўнтагидан газета олиб Арслонга кўрсатади*). Ўқидингизми?

Арслон. „Наша газета“-ку?

Иванов. Қизиқ гаплар бор: Америка консули Тредуэлл ҳам Англия миссиясининг бошлиғи Макартнейлар Совет Туркистони блан дўстона алоқа тузамиз деган баҳона блан ўтган йили Тошкентга келишган

эди. Халқ бошига битган бу босмачилик балоси ана ўша виждонсиз, дипломат башара босмачиларнинг иши бўлиб чиқди.

Семёнов. Улар Америка президенти Вильсон буйруғи билан Туркистонда ҳархил контрреволюцион уюшмалар, фитналар ташкил қилинган.

Арслон (уқиб). Уху, нитаҳаси жуда карнай-ку. Туркистонда заҳас бўлиб ётган паҳталарни Ҳиндистонга жўнатиш учун қанча пул, қанча туя керак... Аллақачон ҳисоб-китобни туғрилаб қўйинган экан. Бир юз эллик минг туя, харажатлар учун эллик икки миллион руния керак эмиш.

Султонбек. О, аблахлар-э. Булар чучварани хом сапанани.

Хоираззоқов. Бу ҳолга ера чидаб туриш мумкин эмас.

Семёнов. Тошкентдан қочган инглиз жосуси подковник Рейли ҳозир Мадамин штабиди. Мадаминнинг жиловни уша тулки тумшук маккор Рейли қўлида. Вильсон Бухоро амирини ҳам советлар Туркистонига қайраб солиш учун ҳаракат қилмоқда.

Иванов. Бухорода уттиз минг кишилик армия тузини учун Америка, Англия давлатлари ўн уч мингдан зиёд қурол аслаҳа юборинти. Инглизларнинг Советлар Туркистонидан буичалик қурқиб ваҳимага тушишларининг асосий сабаби ҳам бизга ма'лум. Мазлум Ҳиндистонда ҳам тонг отинидан чўшидилар.

Арслон. Леши юборган бирнеча юз вагон ғалла ва беҳисоб уқ-дорилар буидан бирнеча кун бурун Тошкентга келтирилипти. *(Газетага ишора қилади)*

Хоираззоқов *(газетани олиб)*. Қандай яхши гап. Душман бизни очлик сирғмоғи билан бугмоқчи эди, ammo ниятига етолмади.

Семёнов. Леши Фрунзе ҳам Куйбишев ўртоқларнинг зиммаларига тездан Фарғонадаги босмачилик ҳаракатини битирини вазифасини юклади. Туркистон, айниқса Фарғона коммунистлари бу вазифани адо этишда биринчи сафда туринлари керак. Кенг деҳқон оммасига ёруғ йўлни кўрсатиш, Совет ҳукуматининг нималигини уларга тушунтириш лозим. Улардан милициялар дастаси тузиб, яроқлантириб, тездан уларни босмачиларга қарини кўтариш, шунингдек душман иғвосига учган, алданганларин ҳам туғри йўлга солиш керак!

Марков. Яроқ дейсизми? Менимча, синалмаган аламонга яроқ бериш қандай бўларкин, Аркадий Иванович! Яроқни олишади-ю, „ҳайт“ деб босмачига чиқиб кетишади.

Семёнов. Марков, ташланг бундай қўланса гапларин!

Иванов. Бу хил фикрлар душман тегирмонига сув қуяди, холос.

Марков. Коммунистман. Ўз фикримни қўрқмасдан айтишга ҳаққим бор. Минг қилса ҳам маҳаллий шароитни яхши биламан.

Иванов. Ўз да'войингизни нима блан исбот қилаоласиз?

Марков. Маҳаллий халқ революцион тушунчага эга эмас. Революция қозонида қайнамаган. Бунинг устига революцион кадрлар кам. Шароит оғир. Ҳар қадамда машаққат, очлик, вайронгарчилик. Туркистонда жуда эҳтиётлик блан иш кўриш керак, маҳаллий халққа ортиқ даражада ишониш яхши натижа бермайди. Тажриба шуни кўрсатди.

Семёнов. Гап меҳнаткаш деҳқон, камбағал косиб устида бораётир. Фикрни чалғитманг, Марков!

Султонбек. Ўртоқ Марков, Баҳодирга ҳам ишонамисизми? Ахир Баҳодир ўзини жангда кўрсатган ёш коммунист-ку?

Марков. Ёш коммунистларга ишонаман. Уларга яроқ беришга қарши эмасман. Угорком лозим топаркан, қурол берилади. Бирнеча коммунистлар кафил булсалар бас.

Арслон. Кафил?! Мана мен кафил бўламан. Беринг! Ёш коммунистларнинг гайратини сўндирманг. Булар босмачиларга қарши шердай курашади. Совет ҳукумати учун жон фидо қилади, ўртоқ Марков!

Иванов *(соатига қараб)*. Вақт ҳам бўлиб қолди.

Семёнов. Мен борай... *(Қўзғолишади.)*

Дилбар. У нимаси, ўтирмайсизларми?

Семёнов. Раҳмат Дилбархон. Ўртоқ Марков, буйруқ беринг тайёрланишсин, жўнаймиз.

Марков. Есть! *(Чиқиб кетади.)*

Иванов. Аркадий Иванович, биз сизни қаерда кутмо оламиз?

Семёнов. Кўприк бошида учрашамиз. Биз кетдик. Арслон, сиз-чи?

Арслон. Етиб оламан.

Семёнов. Дилбархон, ҳозирлик кўринг, Арслон блан бирга кетинг.

Дилбар. Тайёрман, Аркадий Иванович.

Иванов. Дилбархон шаҳарда қолади. Биз у блан буердаги душманларни қармоққа иламинз, шундайми Дилбархон?

Дилбар. Шундай!

Нурмат (*эшикдан кириб келади*). Арслон, аскарлар ҳам келинди.

Арслон. Отин кўчага олиб чиқинг, тоға!

Нурмат. Хун бўлади! (*Чиқади. Иванов, Семёнов, бошқалар ҳам чиқадилар.*)

Мадазим (*киради*). Ассалом, Султонбек, битта меҳмон келиб ҳужраиғизда сизни кутиб турипти.

Султонбек. Чиқавер, ҳозир бораман.

Мадазим. Хун. (*Ўзича.*) Валакисаланг, хўжайин! (*Чиқиб кетади.*)

Хонраззоқов. Раҳмат, ўртоқ Қўнқоров, кўп хурсанд бўлдим. Раҳмат сизга, синглим. Шу яқин бир жойда оладиган нарсаларим бор эди, шуларни оламану сизларга йулда қўйишаман-да.

Арслон. Ҳали мининг бўлади, икки соатлардан кейин жўнаймиз... Лекин кутиб қолмайлик.

Хонраззоқов. Минингда бўламан. Хайр. (*Кетаман бошлайдн.*)

Султонбек. Хайр, ўртоқ Хонраззоқов.

Хонраззоқов чиқиб кетади.

Арслон. Султонбек, мен кетаман, сен шаҳарда қоласан. Хун'ёр бўл, курашни бунангирма, халқ тинч бўлсин. Шаҳарни кўз қорачиғидай сақлашлар.

Султонбек. Сен хотиржам бўл, шаҳарда тартиб, тинчлик сақланади. Ахир мен...

Арслон. Дилбар синглинг қатори... Аҳволидан хабар олиб туришингни илтимос қиламан.

Султонбек. Жоним блан, сен онланг ҳақида сра ташвин чекма. Дўстинга инсон. Хайр. (*Чиқади.*)

Арслон (*Дилбарга*). Чақир, кутиб қолди, кираверсин.

Дилбар чиқади, Собиржонни бошлаб киради.

Дилбар, сен нарсаларимни...

Дилбар. Хўн. Ҳали ҳам йиғиштираётувдим. (*Чиқади.*)

Арслон (*шивирлаб гапирди*). Хўш Собиржон? Собиржон. Ҳаммаси жойида.

Арслон. Ўртоқ Иванов нима деди?

Собиржон. Бўлди... Эртага чиқиб кетаман.

Арслон. Сергак бўл! Душман ичила юрасан, сиринг очилса омон қўйишмайди. Қўрбошиларга яқин тур. Юриш-туришинг уларни шубҳага солмасин. Мадамин жудаям қаттол, айёр қўрбоши. Шунга ҳазир бўл. Бошингга қилич келса ҳамки...

Собиржон. Бу тўғрида кўнглингиз тўқ бўлсин. Менга ишонинг. Ҳамма гапингиз қулоғимда.

Арслон. Демак эртага?

Собиржон. Шундай. Хайр ака, омон бўлинг!

Арслон. Хайр дўстим, Карим тўра! (*Кулишади.*) Саломат бўл. (*Қучоқлашиб хайрлашади.*)

Собиржон чиқиб кетади. Арслон Дилбарни чақиради.

Дилбар!

Дилбар ичкаридан отилиб чиқади.

Кўришгунча, хайр! (*Бағрига босади, бирзум иккаласи жим қолишади.*) Ўзингни дадил тут. Ана, ана холос. Дарров кўз ёши.

Дилбар. Ўзингизга эҳтиёт бўлинг. Очин-тўқин қолманг... Ер юткур босмачиларни тугатиб тезроқ эсон-омон қайтиб келинг, кўзим йўлингизда бўлади, мени унутиб қўйманг! (*Бошини Арслоннинг кўксига қўяди.*)

Арслон (*Дилбарнинг сочидни силаб*). Бас, менинг ҳам кўнглимни бузиб юбординг. Бир ой деган гап нима, ўтади, кетади. Онам блан синглимни ёнингга келтириб ол.

Дилбар. Шундай қиламан.

Арслон. Хайр! (*Ўпадаи.*)

Дилбар. Хайр!

Арслон чиқиб кетади, Дилбар югуриб бориб деразадан қарайди, от туёқларининг товушлари, музика, майдонга тўпланаётган отлик аскарларнинг ашуласи эшитилади.

Парда

Қоронғи ҳужра. Хонраззоқов жаҳл блан сўзламоқда. Султонбек тик турипти. Турғунжон ҳам Аҳмадпонсод Хонраззоқовни тишлайдилар. Буларнинг юзларида изтироб, ваҳима, алам аломатлари.

Хонраззоқов. Бек шу кеча-кундуз қаерда?

Султонбек. Қоратерида.

Хонраззоқов. Соли махсум-чи?

Султонбек. Хирабекка от қўйиб қочганича домдараги йўқ. Шунақаси айланиб Балиқчиға ўтиб кетган бўлса керак.

Аҳмадпонсод. Ё Балиқчидаги Ойчурик ё бўлмаса Намангандаги Шамсиқўл тўқайига кириб кетган бўлса ҳам ажаб эмас!

Хонраззоқов. Жони ширин шафтолипуруш Махсум. Арслоннинг ҳамласидан қочган мушукдек бўпти-да. Мана (*хатни Аҳмадпонсодга топширади*), тездан етказасиз!

Аҳмадпонсод (*хатни қўйнига яширади*). Иншоолло!

Хонраззоқов. Сиз, понсод, бекнинг маслаҳатдон, бообрўй қўрбошиларидан бирисиз. Кўп қўрбошилар кейинги пайтларда жон ваҳмида, ҳукумат блан ярашабошлади. Қўрбошилар „Иттиҳод“нинг ғазабидан қўрқсинлар! Ярашганларга ўлим! Бу гапни сиз ҳам эсингизда тутинг!

Аҳмадпонсод. Ундай деманг тақсир. Мени юрт билади, ўша қамчисидан қон томган Аҳмадпонсод мен бўламан.

Хонраззоқов. Сиз Турғунжондан керакли нарсаларни олиб, тездан чиқиб кетинг! (*Хайрлашиб Аҳмад чиқади.*) Хўш?

Султонбек. Енгилдик...

Хонраззоқов. Ҳаммангизни отиб ўлдириш керак! Шунча куч, шунча қувват!

Султонбек. Бўлмади, бўлмади!.. Юзлаб кишиларимиз қўлга тушди, пулемётга тutilди...

Хонраззоқов. Бўлмади, бўлмади! Ахир „Мухторият“ бўлмаса, Осипов ис'ёни бўлмаса, жанговар штаб емирилган бўлса, Фрунзе Колчак армиясининг Белов қўмондасидаги жанубий группасини тор-мор қилиб, Россия блан Туркистонни қўшган бўлса, Закаспиядан инглиз қўшинлари уриб чиқарилса, полковник

Рейли Тошкентдан паранжи ёпиниб қочган бўлса, ниҳоят бек блан генерал Монстровларга боғланган умидлар ҳам сув юзидаги кўпикдай барбод булган бўлса, қани айтинг, нима бўлади? Нима бўлади? Сиздан сўрайман? *(Жимлик.)* Айтаолмайсизми?.. Мана мен айтаман: сизга ҳам, менга ҳам ўлим рўбарў бўлади. Тушундингизми, ўлим!!

Султонбек. Биламан!

Хонраззоқов. Билсангиз, нимага шиддат, қат'ий ҳаракат кўрсатмайсиз? А? Галиринг. Ким айтади сизни энг бақувват шу'бамизнинг раиси деб?

Султонбек. Осдик, ёндирдик, буздик, вайрон қилдик, лекин барибир енгилдик... Кўзимиздан ўт чақпатапти булар...

Хонраззоқов. Кимлар ўшалар? Кимлар?!

Султонбек. Фрунзе!

Хонраззоқов. Фрунзе! Фрунзе!.. *(Ваҳима араши ҳаёл суради.)* Чинакам Фрунзе... Биз учун зўр қаҳшат.

Султонбек. Фрунзе юборган Семёнов ҳам Ивановлар, айниқса шу ерда туғилиб ўсган Бильдин, Арслонлар. Булар бутун коммунистларни, ишчиларни бизга қарши кўтараолдилар.

Хонраззоқов. Бильдинни ўлдирдингиз-ку?!

Султонбек. Ўлдирдик. Аммо ўрнига ана у Арслон ўтириб олди.

Хонраззоқов. Арслон!.. Арслон!.. *(Ўйга чўмди, яна бирдан жонланиб.)* Йўқ, биз енгилмаймиз, жон борича яна олишиб кўрамыз!! Арслон!! Шундайми? Хўп, хўп! Биз ўша Арслонни мушукка айлантирамыз. Семёновни биронта тоғ орасига олиб кириб ўша ерда тошга бостириб юборамиз! Эшит, сенинг „Иттиҳод“ олдида обрўйинг зўр. Султонбек, агар биз енгаолсак, сени бундан ҳам юқорига кўтармоқчимиз. Ички ишлар министри мансабига номзодсан. Шунинг учун бош штаб сенга бирнеча вазифа топширади.

Султонбек. Қулоғим сизда.

Хонраззоқов. Сен бошлаб Арслонга зарба урасан...

Султонбек *(ҳайрон)*. Қандай?

Хонраззоқов. Унинг сиёсий обрўйини букасан...

Султонбек. Қандай қилиб? Бу ахир, осон иш эмис-ку? Орадан кўтариб ташлаш бўлса бошқа гап эди...

Хонраззоқов. Йўқ, йўқ. Арслонни ўлдириш блан ўзимизни ташвишга солиб қўйишимиз мумкин. Сен унинг хотини Дилбарни биласан-а?

Султонбек. Бўлмасам-чи.

Хонраззоқов. Жуда ҳам таниш. Дилбар деганларича бор.

Султонбек. Худо ҳамма ҳуснини ўшанга берган.

Хонраззоқов. Жуда гузал илон, чақади. Арслон севадими?

Султонбек. Жонидан ортиқ яхши кўради.

Хонраззоқов. Ҳа бале. Арслоннинг қақдини букиш, юрагига заҳар қўйиш ҳам сиёсий бурдини тупроққа булғаш керак. Ана шу нинда унинг хотини бизга ёрдам беради...

Султонбек *(тушунмай)*. Қандай?..

Хонраззоқов. Оилавий турмушига заҳар сола-миз. Уни сиёсий масалалар блан эмас, оила жанжалла-ри, рашк, ишқу муҳаббат можаролари блан чулғаб таш-лаймиз. Англашилдими?

Султонбек. Тушундим, қойил қиламан...

Хонраззоқов. Бали. Энди Марков блан гапла-шиб яна қурол, ўқ-дори олиш учун ҳаракат қил. Уни биласан-а, у ўз одамимиз. *(Бир халтада пул узата-ди.)*

Султонбек. Биламан. *(Халтани олади.)*

Хонраззоқов. Ивановга эҳтиёт бўл, Фрунзе уни бекорга юбормаган...

Парда

У Ч И Н Ч И К Ў Р И Н И Ш

Арслоннинг уйи. Нурмат ёлғиз печкага ўт қўймоқда.

Нурмат. Товба, баҳор бўлиб қолди-ю, совуқ ҳа-ли ҳам кетмайди. *(Ҳовлиқиб қўлида қоғоз Баҳодир киради.)*

Баҳодир. Она, она! Суюнчи!!

Нурмат. Ҳа Баҳодир, нима гап?

Баҳодир. Босмачиларни растарарам.

Нурмат. Ўнкангни бос!

Баҳодир. Босиб бўлмайди. Ўртоқ Марковдан қу-рол оладиганга ўхшаймиз... Ёш коммунистлар штаби ҳам обод бўлиб қолади, босмачиларни растарарам.

Нурмат. Ұхшаймиз. Ҳали милтиқни олмасдан туриб мунча ҳовлиқаяпсан, аввал ол!!

Баҳодир. Эрта-индин беради. Опамдан севинчи олай дондим. Ҳа майли, кетдим. Постда Омон ёлғиз қолунди. Хайр, растарарам, тоға! (*Чиқади, Нурмат кулли қолади.*)

Мадазим (*кўчада туриб*). Ҳой Нурмат, кутиб тур леб музлатиб қўйдинг-ку, валакисаланг!

Нурмат. Мадазим, шамдай қотдингми, киравер!

Мадазим (*кириб ўзини печкага уради*). Вой-вой, печкаҳои, жуда интизор қилдингиз-да. (*Печкани қучоқлайди, буқоғини куйдириб олади.*) Вой-вой-вой, печканиг кўрсин!

Нурмат. Хо-хо-хо, эҳтиёт бўл!

Мадазим. Ия, олаяптиларми, дейман. Гапни калта қилинг, валакисаланг.

Нурмат. Заб бахтинг бор экан-да. Тунов кунги қаттиқ савашда битта ўқ тегса борми, мана, бу гум-базни вайрон қилиб кетарди, хо-хо-хо...

Мадазим. Аскиянг ўзингдан ҳам совуқ-а. Ўша бизга тегадиган ўқ сизди тўппингизди жиягига тегса борми, пешонангизди шўрини қуришиб кетар эди, валакисаланг, хо-хо-хо!

Нурмат. Вой-ей, бирам бесўнақай лаб-лунжи шалвираган хунук одамсан-ей.

Мадазим. Нима-нима? Ҳой ҳусни Юсуф, қани юр бир ойнакка қарайлик-чи. Чиройда қай биримиз ўтқир эканмиз (*иккаласи ойнакка қарашади*).

Нурмат. Айнакни ҳам расво қилдинг.

Мадазим. Бу менинг ҳуснимга хол бўлиб тушган, валакисаланг. (*Ўйнаб.*) Вой белим, ушлама қўлим, ўхшатмагунча учратмас, исми шарифингга шўрлик бошим қўрбон бўлсин, Нурматвой.

Нурмат. Мунча жаврадинг, жағинг тушкур. Жу-да хунук-да, кел узиб ташлайқолай. (*Мадазимнинг буқоғидан ушлаб тартади.*)

Мадазим. Вой дод, вой дод! Нурмат мингвошинчи дод! (*Шу вақтда кўча эшик очилиб, Дилбар кириб келади.*)

Дилбар. Нима бўлди, тоға? Нима гап?

Нурмат. Йўндай, ўзимиз, ҳазил мутоиба...

Мадазим. Ўзр, Дилбархон узр.

Дилбар. Бугун жужурмисиз?

Нурмат. Жужурман. Сендан бир хабар олай дедим. Ха, Лолахон катта бувисиникига кетди, аям хавотир бўлмасинлар деди.

Дилбар. Шунақами?

Мадазим. Дилбархон, қалай, Арслон акамни соғинмай тинчгина ўтирибсизми, валакисаланг?

Дилбар. Тинч ўтирибман, шукур.

Мадазим. Сиз асти хавотир бўлманг. Ўртоқ Семёнов блан Арслон акамлар ишларни дўндиришяпти. Арслон акам Ўроз қўрбонни блан Раим понсодни ўлдириб, Туйчи қўрбонини элдикта йигити блан тутиб шаҳарга юборинг. Булар ҳам жуда кўп қишлоқлардан ўтармин.

Дилбар. Булардан хабарим бор.

Нурмат. Юр кетайлик. Постда Баҳодирдан бошқа ҳечким қолмаган эди.

Мадазим. Дилбархон ўзи ёлғиз қоладими?

Нурмат. Сенга ўхшаб қўрқоқмиди, қани юр. *(Мадазим чиқар экан, киши билмас уйнинг калитини чўнтагига солади.)*

Икковни *(кўчада)*. Тўхта! Отиласан, яқинлашма! Кўтар қўлингчи!

Дилбар эшикка бориб узоқларга қулоқ солади, жимлик. Эшикни бекитади, калитни ахтиради, нонлож, эшикни қаттиқ ёпиб ёзув столга келиб ўтиради. Бир нарсалар ёзмоқчи бўлиб, қоғоз-қалам олади, уйқу босади, қўлидан қалам тушади, ухлаб қолади. Бироздан кейин Мадазим Султонбекни имо-ишора блан йулакка олиб киради.

Мадазим. Мана калит роса, ухлатиб кирасиз. Ҳечкимга эшикни очманг. Мен бор. Дадил бўлинг, валакисаланг, хо-хо-хо!

Султонбек *(маҳкам ёқасидан сиқиб)*. Жим! Шарақлама буқоқ, сенга ҳали ҳам ишониб бўлмайди!

Мадазим. Қиёматда ишонасизми? Қани чўзинг аввал!

Султонбек. Ма, ўн минг сўм, қолганини кейин оласан.

Мадазим. Ўн минг? Хайр, майли, шунга ҳам шукур.

Султонбек. Қулоқдон бўлиб тур. Турғунга айт, тайёр турсин!

Мадазим. Хўн хужайини, о валакисаланг-ей. *(Чикиб кетади.)*

Султонбек эшикка келади, қулоқ солади, оёқ учида юриб боради. Дилбарнинг ухлаб ётганини кўради, бир нафас жим қолади. Унинг ҳусни-латофатидан завқланади, энгашиб, сочларини силаб, қўлидан ўпади.

Дилбар (*чўчиб ўрнида туради*). Ким? Кимсан? Ким?

Султонбек. Қўрқманг-қўрқманг, мен, мен, Султонбек.

Дилбар. Султонбек? Хўш, ярим кечада! (*Бирдан ранги ўчади, титрайди.*) Нима гап? Нима хабар?!

Султонбек. Тинчлик, мен... ўзим...

Дилбар. Хўш?..

Султонбек. Дилбархон. Гуноҳимдан ўтинг! Мен хунук иш қилиб қўйдим.

Дилбар. Номус қилмадингизми?! (*Кўзига тикилади.*)

Султонбек (*тўсатдан ўзини Дилбарнинг оёгига ташлайди*). Дилбархон! Кафаним бўйнимда, қилич сизнинг қўлингизда! Кесинг, бу толи'сиз бошни. Бардошим тугади. Бор ҳаловатимни йўқотдим. Ортиқ тоқат қилолмайман. Дард-аламимни айтмасдан уйингиздан кетмайман. Очiq гап шуки, мен сизни яхши кўраман. Икки йилдирки, ишқингизда ўртаниб, адо бўлдим.

Дилбар. Султонбек! Андиша қилинг!

Султонбек. Сизни севиш, шу ойдек чиройининга, нақш олма юзингизга, ханжар киприкларингизга гирифтор бўлиш гуноҳми? Ахир, гўзаллар шафқатли бўлишлар, дейдилар-ку. Менга ҳаёт бағишлайсиз, ёки ўзимни ўзим бахтимдай қопқора шу сочларингиз билан ҳозир бўғиб ташлайман. Мен бир ғариб қул, сизга мажруҳ сингари оёғингиз остига йиқилдим...

Дилбар. Арслон дўстингиз бўлади. Уни хўрла-
ган! Уялинг!

Султонбек. Тоқатим йўқ! (*Бориб ёпишади.*)

Дилбар. Кет! (*Итариб ташлайди.*) Дод дейман, кимни келма, мунофиқ!

Султонбек. Рад қилманг! (*Яна ёпишади.*)

Дилбар. Шарманда! Дод соламан!

Султонбек. (*Ўрнидан туради, жаҳлини ичига*)
Ҳи-ҳа, дод дейсанми? Нима дединг?! Яна бир
Арслонга вафодорман дедингми? Арслон кет-
гани кайф-сафо қилиб ётганингни ким билмайди?
Шир! Ҳозир қўйингиздан чиқиб, деразадан таш-

лаб қочган ким?! Қайси ўйнашинг?! (Пауза.) Сен дўстим Арслонга арзимаيدиган хотинсан! Сирингни Арслонга мана мен ўзим очаман!. Гувоҳларим бор!! Ҳа қалайсан энди?!

Дилбар (*титраб-қақшаб*). Ифлос, ҳали бундай найрангларни ҳам биламан-де? Ҳа-ҳа, жуда қилвирсан, илоннинг ёғини егансан. Бировни маломат қилишга уялмадингми? Уял, бир марта уял! Номус қил! Ахир, мен сенга нима қилдим? Қачон деразамдан одам тушди? Қаердан ўйлаб чиқардинг бундай қўланса гапларни?! (Пауза).

Султонбек (*газабдан тушиб, Дилбарга яқинлашди, яна илондай авраб*). Дилбархон, тавба қилдим, кечиринг мен шармайдани, ҳаммасига балойи ишқ сабаб! Ишқ деб шу расво йўлларга кирдим. Тўғриси, Арслондек дўстим ҳам кўзимга кўринмай, ундан кечиб юбордим. Баракалла, ҳусни латофатда десам, эрга меҳру, вафода ҳам танҳо экансиз. Қойилман... Шунинг учун ҳам мен энди ўз дардимни ўзим тортаман. Бундан сўнг ишқ ҳақида сизга сўз очмайман. Фақат сир шу ерда қолсин. Арслон билакўрмасин, йўғасам ўзимни ўлдираман, ёш жонимга зомин бўласиз. Гуноҳимни кечиринг, ҳаммасига ҳуснингиз сабаб. Хайр, яхши туш кўриб ётинг, Дилбархон! (*Секин чиқиб кетди.*)

Дилбар ўртада ҳангимаг бўлиб қолади. Бироздан сўнг, оғир қўрқинчли хаёдан қутулиб, ўзига келади. Ҳўнграб йиғлаганча ўзини кроватга отади. Чироқ олинади. Султонбек парда олдида кимнидир кутиб туради. Мадазим, Турғун кирадилар.

Мадазим. Қандай хизмат бор, хўжайин?..

Султонбек. Ишлар расво, буқоқ! Ҳеч қайириб бўлмади.

Мадазим. Ёпирай...

Султонбек. Жим! (*Турғунни ишора қилиб чақирди.*)

Турғун. Хўш, бегим?

Султонбек. Понсодга айт, шу бугуноқ олиб чиқиб кетсин. Дилбар бизга Арслонни янчиб ташлаш учун энг яхши восита! Я'ни хотини босмачи. Бояги мўлжалланган тўрт ҳовлига кир, қўлингдаги қоғозда номлари кўрсатилган беш кишини топ, гум қил. Кечаги қўлга тушган агентнинг пенсиясига мана бу хатни ёпиштириб отиб ташланглар, ўлигини Чоргузардаги кат-

та толга осиб қўйинглар. Дилбарга ҳеч биттанг қўл тегизакурма, бошинг кетади. Аҳмад акага ҳам шундай деб тийинла!

Тургун. Хўп хўжайин, кўрнамак эмасмиз.

Султонбек. Мадазим!

Мадазим. Лаббай, хўжайин?

Султонбек. Сен шундан кейиноқ Арслон акамнинг хотини ўз хоҳиши блан босмачиларга чиқиб кетди, деган гапни тарқатиб юбор!

Мадазим. Хўп, хўжайин, оббо валакисалангей.

Султонбек. Ҳисоб жойида, хўжайин ҳам хурсанд...

Яна Арслоннинг уйи, вақт ярим кечадан ўтган, Дилбар уйкуда. Деразадан босмачиларнинг каллалари кўринади.

Парда

Тўртинчи кўриниш

Шаҳар ҳарбий комиссариати. Марковнинг кабинети. Стол-стуллар, телефон, деворда шаҳар харитаси, Султонбек, Тургун, Марковларнинг бошлари бир ерда, -хуф'я суҳбат қизиган.

Марков (*киноя блан*). Бечора Арслоннинг бошига ёмон кулфат тушипти-да.

Султонбек. Ҳа шундай... Хотин зотига сра ишониб бўлмайди... Арслоннинг куни тугади... ўзидан кўрсин.

Марков (*қошиқ блан стаканни кавлаб*). Қани азизлар, марҳамат, чой ҳам роса тобида экан.

Султонбек. Раҳмат, Василий Григорьевич!

Марков. Менинг мусулмонларга азали ихлосим зўр.

Султонбек. Биз дўст блан душманни яхши фарқ қиламиз.

Марков. Биламан, э'тиқодингиз менга баланд, ташаккур!

Султонбек. Биз, яширин ташкилотимизнинг топшириғи, дўстингиз полковник Рейли ҳам Хонраззоқов афандининг маслаҳати бўйича, марҳамат ва эҳсонингизга сизиниб, сизнинг ҳузурингизга келдик.

Марков. Полковник Рейли? Ҳа... биламан, иш кўрган, мудаббир жосус. Тулкидек ҳийлакор, лекин саҳий бир инглиз. Хонраззоқов... Ҳа...Афтидан ташкилотингиз зўр тадбирлар кўраётган бўлса керак?..

Султонбек. Ташкилотимизнинг Англия давлати блан алоқаси тобора кучайиб борапти.

Марков. Биламан. Ҳа, бошлар оёқ бўлиб, оёқлар бош бўлди... *(Столга уриб.)* Чндаш мумкин эмас. Бу гадойваччаларни дорга тортиш керак, холос!! Уҳ... *(Пешонасини рўмолча блан артади.)*

Султонбек. Биз айни шу масалада сўзлашгани ҳузуригизга келган эдик. Қисқаси, Мадаминбек қурол-ўқ-дорн масаласида анча қийналиб қолди.

Марков. Яна қурол, яна ўқ-дорн дейсизми?.. *(Пауза.)* Шуниси борки, биз инглизлардай тўла та'мин қилолмаймиз-да.

Тургун. Ҳа деган, туяга мадад, дейдилар.

Марков. Хун. Қанча керак? *(Султонбек бир халтада олтин узатади.)* Ган пулда эмас...

Султонбек. Албатта, албатта... Шундай бўлса ҳам... ахир... *(Халтани узатади.)*

Марков. Хун, қўлингизни қайтаргим келмади. Муқаддас жанг учун бел боғлаган бир ташкилотнинг оқчаси табаррук бўлади... *(Халтани чунтакка уради.)* Ҳозирча сизларга икки юзта милтиқ ҳам ўн яшикда ўқ-дорн бераман.

Султонбек. Марҳаматингизга ташаккур!!

Марков. Фақат бу милтиқларни тўғридан-тўғри бериб бўлмайди. Икки юз милтиқ-а... айтингизга осон...

Тургун. Йўлини тошин керак. Ўўл кўн, йўриқ кўн.

Марков. Йўлини ҳам узим тошиб қўйганман. Ёш коммунистлар яна милтиқ сўраб келишди. Йўлакда ўтиришпти. Ана шу ёш коммунистларнинг талабларини қондирсак нима дейсиз?! Ундан кейин... ҳалигидай...

Султонбек. Офарин! Ақлингизга қойил!

Тургун. Буни яхши ўйлабсиз.

Султонбек. Бу мурувватингиз асло ёдимиздан чиқмайди, бўлмаса бизга рухсат, хайр!

Марков. Майли, боринг. Сизга узим хабар қиламан.

Султонбек. Хайр! Бахтимизга саломат бўлсинлар. *(Султонбек, Тургун хайрлашиб чиқиб кетади. Марков звонок чалади, дежурний киради.)*

Марков. Бояги йигитлар кетиб қолганимидими?

Дежурний. Йўқ, кутиб туришпти. Жуда бетоқат, бесаранжом болалар экан...

Марков. Қани киритиб юбор.
Де журний. Ҳозир! *(Чиқади.)*

Марков папирос чекади, иш блан шуғулланади. Баҳодир блан
Омон эшикдан секин бошларини суқиб қарайдилар.

Баҳодир. КирOVERсак майлигами?..

Марков. Киравер! Киравер! Қани-қани, марҳамат,
келинглар! Хўш яхши йигитлар, хизмат?

Баҳодир. Тагин келдик-да! Ўртоқ Марков! Ахир
коммунистлар штабини тузганимизга роса икки ой бўл-
ди. Штаб бор. Командирлар, боевой йигитлар бор, аммо
яроғ, ўқ-дори йўқ. Шу чоққача бизга милтиқ бермай-
сиз, ахир йигитларимиз растарарам, тўпаланг қилишаяп-
ти...

Марков. Яхши йигит, мен сенга неча мартаба
айтдимки, ёш коммунистлар ҳали яроғ тутишни бил-
майди, қадрига етмайди, деб.

Баҳодир. Ёшларни ҳазил фаҳмламанг! Кўрсангиз
олов дейсиз.

Омон. Биз машқни қиёмига етказиб, милтиқ отиш-
ни ҳам хатм қилворган ёшлар бўламиз. Милтиқни қўрқ-
май бероверсангизчи...

Баҳодир. Ҳа қўрқманг, ятак ўғриси босмачилар-
ди этагини турмушлаб, елкасига бир мушtabla, растара-
рам қилиб ташлаймиз!

Марков. Сизлар машқни яна қиёмига етказиб ту-
раверинглар. Аввал мен ўзим бориб бир кўрай, ана
ундан кейин яроғ ҳақида гаплашамиз...

Омон. Ўртоқ Марков асти камлик кўрманг... биз
армонда қолмайлик, бизга милтиқ беринг, ғайратимиз-
га чидамасдан ухламай чиқаяпмиз! Аввал милтиқти бе-
риб кўринг-а, худо урсин правардида ўзингиз қойил
бўлмасангиз, юзимга туф денг?!

Марков. Ана холос! Ёш коммунистлар ҳам худо
урсин дейдими?

Омон. Бир оғзимдан чиқиб кетди-да.

Марков. Йўқ, кўнглим ҳеч сув ичмаяпти. Бў-
майди.

Омон. Ўртоқ Марков!

Марков. Гап битта!

Баҳодир. Бермайсизми?

Марков. Бермайман! *(Столга ўтириб хат ёзи-
бошлайди.)* Милтиқни олдириб юборасанлар.

Баҳодир. Олдин бизга милтикти беринг, олдириб юборсак мана биз турибмиз-ку, растарарам қилиб отиб ташланг.

Омон. Майли отинг, биз шунга шартта қўл қўямиз!.

Марков. Бу танинганга қайси аҳмоқ ишонади.

Омон. Сиз ишонасизда... не... (*Оғизни қўли билан бекитади.*)

Марков. Ганга чечан кўрмасан! Йўқ! Бермайман! Милтиқни олдириб юборасан-у, ўзинг шаҳарда қоласанми? Ушунга заҳоти қочасан. Йўқ бермайман, бор кетишовур!

Баҳодир. Омон, кетаберайликми? Ёмонам ўжар-да. Арслон акам кафил бўлса ҳамки, кўнмади, кўнмади-да.

Омон. Тагин бир ялиниб, ялпоғланиб кўрсакми дейман.

Баҳодир. Сенда ҳам лаби-даҳан борми, хумпар?

Омон. Э... даҳанимдан намакоп тўкилди. Фаҳмландим. Мен уни роса тузладим.

Баҳодир. Э тузламай қуриб кет.. ўшанинг учун роса тутун қайтариб ётган эканда...

Омон. Юр, йўғасам икковимиз баббаробар жавраб, бир қулоғ-миясини ейлик-чи, зора инсофга келса, бу сўқсовил.

Марков (*иккинчи кабинетдан чиқиб келади*). Эртага келишарсан...

Баҳодир. Ўртоқ Марков бугун, эрта, индин дейсиз... Ахир юрт хонавайрон бўлиб, тирикчиликда маза-матра қолмади. Юрт бетинч, сен бетинч.

Омон. Баҳодир шаҳар йигити, мен бўлсам қишлоқдан Тешиктошдан келганман. Қишлоғимга бормаганимга роса бир ярим йил бўлди. Онам ўлипти... Уйимизни босмачилар ёндириб юборипти... Ахир... Қайси йигит бардош қилади, бундай зулмга!.

Баҳодир. Юртни талаб, бева-бечораларни қонқора қақшатган босмачиларни ҳиқилдоғидан бўғиш...

Марков (*Баҳодирнинг билагидан сиқиб*). Хо-хо-хо, хўп-хўп! Сенларнинг чайирлигингга қойилман. Чинакам ўт олов! Молодец Баҳодир, Омон! Молодец ёш коммунистлар!.. (*Елкасига қоқиб.*) Хўп бўлади!..

Баҳодир. Бўладими, ўртоқ Марков?!

Марков. Бўлади!

Баҳодир. Раҳмат, раҳмат, ўртоқ Марков! (*Марковни қучоқлашади.*)

Марков. Бас-бас, кўп талтайишма!

Баҳодир. Омон! Қўлингни бер, хумпар! Ошигимиз олчи! Энди растарарам!.

Омон. Азбаройи худо, ичимга сиғмаяпман...

Баҳодир. Э худо демай тур, яна бермай қўяди, хумпар!

Омон. Мана пешонамди ушла, севинганимдан иситма чиқиб кетди...

Баҳодир (*пешонасини ушлаб*). Пох! Қорабез-гакнинг ўзисан-а, хумпар!

Марков. Қани спискани чўз, қанча?

Баҳодир (*қўйнидан қоғоз чиқариб узатади*). Юз элликта, холос!

Марков. Ўхў, кўпайтириб юборибсан!

Омон. Бу ҳам етмайди, ўртоқ Марков!

Баҳодир. Камайтманг, ўртоқ Марков, ўғлингизнинг тўйида ўзим хизмат қиламан...

Марков. Йўқ, юзта — бас...

Баҳодир. Ахир растарарам-а, растарарам!

Марков. Чинакам растарарам қиласанларми?

Баҳодир. Растарарам қиламиз!

Марков. Бўлмаса юзта ҳам эмас...

Баҳодир. Хўш-хўш?

Марков. Юз элликта ҳам эмас. Яна элликта запаси блан, бор икки юзта.

Баҳодир. Икки юзта, икки юзта! Ростданми, ўртоқ Марков? Омон ўйинга туш хумпар, икки юзта!

Марков. Шошма, мана шу милтиқларни биронтаси йўқолса...

Баҳодир. Йўқолмайди, ўртоқ Марков!

Марков. Бундақа ғози йўқ гапни кўп эшитганимиз. Мабодо йўқолса...

Баҳодир. Биронтаси йўқолса бошимиз блан жавоб берамиз. Тўғрими, Омон?

Омон. Бошимиз блан жавобгармиз...

Марков. Хўп олинг, лекин бошингиз блан жавобгарсиз...

Баҳодир. Борди-ю икки юзта милтиқни, босмачиларни растарарам қилиб, неварачевараси блан кўпайтириб берсак-чи, а... а... унда нима бўлади?

Омон. Ҳа, унда нима бўлади?..

Марков. Унда-ми? (*Ўйланиб*.) Унда мана бу кўкрагингга қизил нишон, тагингга улоқчи от!

Баҳодир. Қайтган номард, мана қўлим!

Омон. Қайтганини худо...

Баҳодир (*Омоннинг оғзини ёпиб*). Омон!

Марков (*резолуция қўйиб Баҳодирга беради*).

Ма, ол! Ўртоқ Шатскийга учра!

Баҳодир. Шу бугун оламизми?

Марков. Шатский қайси куни деса, ўша куни оласан, ҳам ўша куниёқ тарқатасан. Демак, босмачиларни растарарам...

Баҳодир }
Омон } Растарарам! Рас-та-ра-рам!

П а р д а.

ИККИНЧИ ПАРДА

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Қишлоқ. Мачит жиловхонаси, пешин намозини ўқиб чиққан ёш-қарилар ҳар томонга тарқалишади. Мирхолиқбой имомдомла билан сўзлашиб, мачитдан чиқиб келади.

Имомдомла. Қани бошласинлар, бой афанди.

Мирхолиқбой. Илмингиз бор, сиз илгари бошланг, тақсир.

Имомдомла. Йўғе, йўғе.

Мирхолиқбой. Қани, қани.

Имомдомла. Шундайми, хайр. (*Остона хаттаб ўтади.*)

Мирхолиқбой. Бизникида қазилик палов тайёр, тақсир.

Имомдомла. Мана бу ҳикматни қаранг-а, ҳай-ҳай-ҳай.

Мирхолиқбой. От сўйганмиз, шу ҳафта ичи бизникига бир азиз меҳмон ташриф буюрадилар.

Имомдомла. Ҳай, ҳай, биз беҳабар қолмайлик, бой афанди.

Мирхолиқбой. Бе...имомдомласиз меҳмон кузатиб бўлармишми?

Имомдомла. Каромат қилдилар, бой афанди, меҳмонни исми шарифларини билсак-а, лаббай.

Мирхолиқбой. Мадаминбек.

Имомдамла (*чўчиб*). Ё олло!.. Салотан тунаж-но. (*Ичида ўқийди.*)

Мирхолиқбой. Ҳа, домла, имонингиз саксон на парига сапчиб кетди?.. (*Кулги.*)

Имомдомла. Кулмасинлар бой афанди, сипоҳларининг шопу шалоплари бир ёқда турсин, номи ваҳмангизлари ҳам юракларни бесанранжом қилади-я.

Мирхолиқбой. Бали-е... Қани тақсир, вақтлик бориб ошни ейлик, элликбоши ҳам бизникида, юртга сочган солиқлар борасида бир маслаҳатлашиб олмасак бўлмайди. Нимагаки, қишлоғимизга бекдан илгари Аҳмадпирсон келармиз деган миш-мишлар бор.

Имом домла. Аҳмадпирсон?.. Ундай бўлса, бой афанди, фурсатини бой бермай, юртдан солиқни тўплай-лик. Қани... *(Нул кўрсатади.)*

Мирхолиқбой. Қани, қани. *(Чиқадилар.)*

Матқовул ҳам Етмишвой қўлларида хасса, мачитдан секин чиқиб келинади. Яқиндан милтиқ товуши эшитилади. Иккови бир сакраб тушади.

Матқовул. Куллиявнинг батар дегандай, Етмишвой, қандай оғир кунларга қолаянимиз-а...

Етмишвой. Ҳа, энди бу ҳам бир кўргилик, қолу бало.

Матқовул. Ўзингди қорнинг тузиккина тўймайд-ю, яна бу бекларди солган қоп-қоп жаримаси ор-тиқча... Тобу тоқат тугади!

Етмишвой. Айтгандай, хабарингиз бўлдими, Парфи қўрвоши Абулқосимни отиб кетшти.

Матқовул. А? Эй бечора-е. *(Фотиҳа ўқийди.)* Айтгандай, у шўрнинг қурғур, қўрвошилардан тушган солиқларди ҳаммасини тўлаган эди-ку.

Етмишвой. Солиқ жўнидан эмас, болшовойлар-га Парфи қўрвошининг турар жойини шипшитиб қўй-ган экан.

Матқовул. Ҳа энди шу экан-да, айтсанг ўлди-риб кетса, айтмасанг бу жавру зулмларга тоқат қилиб бўлмаса...

Деҳқонбой *(қовоғи солиқ, вазмин қадам ташлаб киради, сунага бориб ўтиради)*. Уф...

Етмишвой. Деҳқонбой, ҳорма. Яна нима гап?

Деҳқонбой. Жонингдан ҳам тўйиб кетдинг ки-ши. Абдусатторнинг отасини ҳозирнинг ўзида, ўз ери-ди отиб кетишди.

Матқовул. А, Нима? Худо раҳмат қилсин...

Деҳқонбой *(шивирлаб)*. Аҳмадпирсон келди, ер бошидаги деҳқонларди йиғиб ҳаммасига: пахта экишма! Ҳукуматга пахта экадиган бўлишсанг аввал бўйинларингга қафаларингни олиб олиб, иннайкин пахта экиш!.. деб буйруқ қилди.

Матқовул. Оббо, яна бунисиям бормиди?

Содиқ (*кириб*). Саломалайкум, тинч ўтирибсиз-
ми? А, Деҳқонвой, нимага дарров қайтақолдинг?

Деҳқон. Нима бўлди?

Содиқ. Ана эликвошининг ўзидан эшит! (*Элик-
воши киради.*)

Эликбоши. Ҳой юрт! Бугун бизнинг қишлоққа
Аҳмадпонсад меҳмон бўлиб келди.

Ётмишвой. Жуда яхши бўпти...

Матқовул. Камар боғлаб хизмат қиламиз...

Ётмишвой (*ўзича*). Шўримизга шўрво тўкилипти...

Матқовул. Энди қишлоқдиям бўшатиб секинги-
ни жилаверсак бўлар экан.

Эликбоши. Ҳар хонадонга ярим путдан гуруч,
бир путдан ем, ўн боғдан беда, ҳар маҳаллага икки
бошдан қўй солиғи тушди. Намозасрни ўқигандан кейин
маслаҳатлашиб, солиқларни тайёрлаб беришларинг
керак.

Деҳқонбой. Бу қандай гап?! Ахир бундан уч
кун аввал эплаб-сеплаб, йиғлаб-сиқтаб Парфи қўрвоши-
нинг солиғини тўлаб жўнатувдик, энди буниси ҳам
бормиди? Халқнинг рўзғори бузилди, юрт вайрон бўл-
ди, таландик, кафангадо бўлдик! Қачонгача юрт бошида
қамчи ўйнатасиз...Инсоф деган нарсa борми сизларда?!

Эликбоши (*ўқрайиб қараб*). Деҳқонбой! Ҳов-
рингдан пастроқ туш! Ёш жонинг бор! Ё калланг оғир-
лик қилаяптими? Бу — лашкарбоши ғозий Мадаминбек
томонидан тушган солиқ! Буни тўламагanning жони
нечта?!

Деҳқонбой. Нимамишни тўлаймиз?! Битимишни
тўлаймишни?! Азбаройи худо, жондан тўйдик! Пичоқ
бориб суякка етди! Товуқди катагидек жойим қолди.
Ана шуниям сотинглар-у бекларди солиғига беринглар!..

Эликбоши. Сотамиз! Маҳалладан кўчириб ҳам
юборамиз! А'зойи баданингни ёриб ташлайман. (*Қам-
чи кўтариб Деҳқонбойнинг тепасига боради.*)

Деҳқонбой. Уринг, эликвоши, уринг! (*Яктаги-
ни йиртиб, кукрагини шапалоқлаб кўрсатади.*)

Шу вақтда босмачилар бир тўда деҳқонларни уриб-сўкиб
ҳайдаб кирадилар.

Эликбоши. Бошқалари қани? (*Имомдомла
пайдо бўлади.*)

Ўнбоши. Қолганлардиям тутиб келтирамиз...

Имом домла. Ҳой, бадбахтлар! Худонинг уйи — мачитга келишга ҳам бўйинтовлик қиласанларми?

Элликбоши. Бор, битта қўймай олдингга солиб суриб кел. Жаримани тўламаса уй-рўзғор асбобларини ўзларига кўтартириб кел!

Ўнбоши. Хўп эликвоши ота! *(Чиқиб кетади.)*

Букри чол. Нимаизни берамиз?! Иложимиз йўқ!

Деҳқонбой. Иложингиз бўлмаса оғизга талқон солиб олмасдан, гапирмайсиларми, ахир?! Жарима деган бир марта бўлади, икки марта бўлади, уч-тўрт марта бўлади, э, деҳқонга ёруғ кун борми?

Матқовул. Деҳқонбой тўғри айтади, барака топкур.

Мирхолиқбой киради. Жим кулоқ солади.

Имом домла. Падарингга ла'нат, баччағарлар, фил-нафсуламр айтганда, бу солиғлар жаноби Муҳаммад Аминбек ғозий томонларидан тушган солиғ бўлса-ю, дини ислом шариати гарройи набавиянинг равиақи учун харж қилинсаю, сен имони суст, худо беҳабарлар буни тўлашдан бош товлайсанлар!

Етмишвой. Сиздақа борларга ҳеч гап эмас, биздақа йўғларга қийин! Ўзимизди гаровга қўямизми?

Мирхолиқбой. Тўхта, тўхта ҳамманг! *(Етмишвойнинг кўзига тикилиб боради.)* Хўш, қария, мусулмонмисан?

Етмишвой. Алҳамдулилло мусулмонман!

Мирхолиқбой. Мусулмон бўлсанг, ўзингни гаровга қўясанми, уй ичидаги рўзгорингни олиб чиқиб сотасанми, иш қилиб шу бугундан қолдирмай солиқни топасан, имонсиз! *(Кўкрагидан итариб ташлайди, Етмишвой гандираклаб бориб йиқилади, ўртага ғазаб блан Деҳқонбой тушади.)*

Деҳқонбой. Бой! Бас, андишанинг отини қўрқоқ қўйманг! Бувангиз тенги одамни нега туртасиз?!

Мирхолиқбой *(кулиб)*. Хўш-хўш, ҳа сарпоёқ, тилинг чиқиб қолдими, урсам ҳақим бор, отанг қирқ йил тузимни ичган.

Деҳқонбой. Сиз уни қирқ йил қуртдек шимигансиз, бой! *(Бир-бирига ғазаб блан тикилишади.)*

Мирхолиқбой. А?!

Етмишвой (*қалдираган товуш блан*). Жон ўғлим,
и болам, бой блан олишма!

Дехқонбой. Тўхтанг ота! (*Кетмонни кўта-
ди.*)

Мирхолиқбой (*Дехқонбойнинг кўзига қараб*).
Унақами, агар қўлинг калталиқ қилмаса, чоп! Йўқ,
шолмайсан! Менга кетмон кўтарган мана шу қўлла-
нинг жодуда қирқтираман! Менга ғазаб блан тикил-
и кўзларингни пичоқнинг учи блан ўйдириб ташла-
ман! Мени Мирхолиқбой дейди. Сен дини-имонини
ошивойларга сотган, шариатдан қайтган муртадсан.
Сен ўлдириш савоб а'зам бўлади, Элликбоши, югу-
нг, хабар беринг!

Элликбоши. Ҳой ла'нати, ҳой кўрнамак, ҳозир
сир! (*Югуриб чиқиб кетади.*)

Дехқонбой. Бой! Битта бошим бўлса тиккан-
ман, аммо, илонбошингни шартта оламан!

Мирхолиқбой. Ол, лекин билиб қўй! Отанг,
онанг, хотининг, бола-чақанг кўз олдингда тўғралади!

Матқовул. Болам!

Содиқ. Дехқонбой, ўзингни бос! Паст кел!

Етмишвой. Азаматим Дехқонбой, шайтонга хайр
бер, юр, юр!

Ўзлаб олиб чиқиб кетадилар, бой ғазаб блан тикилганча қолади.

Мирхолиқбой. Агент! Қулоқ-бурунларингни
тўғраб ўзингга едирмасамми, шошмай тур! Қаранг-а...

Имом домла. Авом блан баробар бўлманг бой,
ўлар ҳўкиз — болтадан тоймайди, дейдилар. Пок бўлма-
си, ҳозирни ўзида, бир кор ҳол бўлиб, жонингиз жаб-
бори а'зам ҳузурига парвоз қилаёзувди. Бай-бай-бай.

Мирхолиқбой. Эй нафаси номуборагингиз оғ-
ингиздан чиқиб ёқангизга ёпишсин, домла! Ўларча
қурқоқсиз-да, бу сарноёқлар сал бўш келдингизми,
елкангизга чиқиб олишади. Мен буларга тамошани ма-
на энди кўрсатаман! (*Узоққа қараб.*) Ҳайрият, ке-
лишаяпти...

Бошидан оёғигача қуролланган Аҳмадпонсод элликбошининг ёқа-
сидан сиқиб киради, куч блан уни итариб ташлайди, элликбоши
йиқилади.

Аҳмадпонсод. Нимага тутмадинг? Итвачча!

Элликбоши. Тавба қилдим, тақсир!! Гуноҳ мен-
дамас, раҳм қилинг!

Аҳмадпонсод. Топ! Йўғасам ўзингни элликбоши қилиб юбораман!

Элликбоши. Топаман, бегим, топаман!

Имомдомла. Марҳабо, Понсод, марҳабо!!

Мирхолиқбой. Қадамларига хасанот! (*Қўл бериб кўришадилар, чилим олиб келиб Понсодга тутади.*)

Аҳмадпонсод (*чилимини ғазаб блан тортиб*). Хўш бой, нима гап?!

Мирхолиқбой. Типчилик бегим, фақат Деҳқонбой деган бир ла'нати агент, солиқ важидан юртга қутқу солаяпти.

Бирқанча деҳқонларни суриб киритадилар. Шуларнинг орасида Етмишвой, Ойша, Ойнисалар бор.

Элликбоши (*Етмишвойни кўрсатиб*). Мана отаси!

Аҳмадпонсод. Ўғлинг қани?!

Етмишвой. Билмайман!

Аҳмадпонсод. Имони йўқ, ўғлинг қаерда, айт!

Етмишвой. Понсод, билмайман...

Элликбоши. Бенамоз, ҳозир қочириб юбординг-ку!

Аҳмадпонсод. Ўғлингнинг болшовойларга агент эканини биласан-у, қаердалигини билмайсанми?

Етмишвой. Тухмат! Ўғлим агент эмас!

Элликбоши. Ўғлингнинг бекларга жарима тўламанглар деб халойиққа хитоб қилгани ҳам тухматми?

Имомдомла. Ҳа, топиб гапирдингиз элликбоши. Шунингдек бойни ўлдираман дегани ҳам ёлғонми? а? а?..

Аҳмадпонсод. Кимни алдамоқчи бўласан? Биласанми мен ким бўламан? Мени Аҳмадпонсод дейдилар. Отимни эшитганда бешикдаги бола ҳам зир титрайди, сендақангилар имон ўгиради. Жонингдан умидинг бўлса, бола-чақангга раҳм қилсанг, кофирларга сотилган тўртинчи ўғлингни ўз қўлинг блан шу заҳоти тутиб берасан! Ўғлинг қаерда?

Етмишвой (*сабри тугаб*). Шу ерда! Лекин айтмайман. От, ўлдир, уйинг куйгур, бўз тупроқ бўлгур босмачилар!..

Аҳмадпонсод. Босмачилар?! Олиб чиқ, дарахтга торт, куйдир!

Босмачилар Етмишвой блан Ойнисани уриб олиб
чиқишади.

Ўнбоши (*Ойшанинг чимматини юзидан тортиб*).
Понсод, жононга қаранг..

Аҳмадпонсод. Ў ҳў, мўмақаймоғи тўрга тушип-
ти-ку. (*Бориб қўлидан тортади*).

Ойша. Менга тегманг!

Аҳмадпонсод. Каримтўра дўндиқчанинг нозини
тамоша қилинг!

Собиржон. Овингиз юрганда, бегим!

Ойша. Қўйиб юбор!

Аҳмадпонсод. Каримтўра!

Собиржон. Лаббай, хўжайин!

Аҳмадпонсод. Буни дарров қўшхонага жўна-
тинг!

Ўнбоши (*шошиб киради*). Хўжайин, хўжайин!

Аҳмадпонсод. Ҳа, нима гап?!

Ўнбоши. Сизга хат бор.

Аҳмад ўрнидан туради, хатни олиб Собирга узатади.

Ўқинг буни Каримтўра...

Собиржон. Бу хат большевикларнинг қўлига
тушган қўрбошингиз Полвоналидан экан.

Аҳмадпонсод. Нима ёзипти?..

Собиржон. Мени куни эрта отиб ташлашади.
Бир иложини қилинг, қутқариб олинг... деб қайта-қай-
та илтижо қилиб хат ёзипти...

Аҳмадпонсод. Отиб ташлашади?! Бу қандаг
гап?! Менинг азамат қўрвошимни ким отиб ташлар
экан?! Ким?! Арслонми?! Агар у шу ишни қилса мен
у аблаҳнинг хотинини тўғраб ташлайман, жодига сола-
ман. Юрагини суғириб олиб итга бераман. Қани у?! То-
шнинглар! Келтиринглар!

Султонбек ва Турғун кирадилар, булар кийим-қўшқаларини
ўзгартиб олишган.

Султонбек. Нима гап, Понсод?

Аҳмадпонсод. Ҳа келинглар! „Мана ўқинг! Ме-
н ёнқур қўрвошим Полвоналини худоси йўқ тўр-
тиларнинг оқсоқоли Арслон отиб ташлайдиган
эпти.

Султонбек. Сабр қилинг, Понсод! Пайрахадай
эпти!

Аҳмадпонсод. Йўқ, мен тоқат қилмайман. Хотинини дорга осаман.

Султонбек. Понсод ўзингизни пича босинг. Бу аёлни ҳозир ўлдириб бўлмайди. Иложи бўлса уни яна маҳкамроқ бир жойда сақланг. Гап бор, кейин биласиз. Ҳа, Деҳқонни ушладингизми?

Аҳмадпонсод. Ушлаёлмадик. Ота-онасини тузладим.

Султонбек. Эҳ аттанг! Бу иш чакки бўпти. Деҳқон ёмон одам. Иш кўрган агент, роса сиримизни билиб, Иванов блан Арслонга пайдар-пай етказиб туришти. Агар уни тездан гум қилмасак бизга шикаст етказиб қўяди. Деҳқонбойни ер тагидан бўлса ҳам топинг, ўлдинг?! Кейин зуд бу қишлоқдан чиқиб кетинг, бўлмаса ишингиз чаппа бўлади. Ўралиб қоласиз... Семёнов қишлоққа чиққан. Понсод, Арслонни тамом янчиб ташлаш учун Бекнинг муҳри босилган бир қуруқ қоғоз шу кунларда бизга сув-ҳаводай лозим бўлиб қолди. Буни ҳам иложини қилинг, ҳа, яна бир гап: ёш коммунистлар штабига милтиқлар... (*Атрофга қарайди, хавотирланади.*)

Аҳмадпонсод. Домланинг ҳужрасига кирайлик. Каримтўра ҳечкимни ёнимга қўйманг?!

Собиржон. Хўп бўлади, ҳўжайин!..

Султонбек (*Турғунга*). Йўлчивой, ҳозир чиқаман!

Турғун. Хўп, Мадмиса ака, бораверинг.

Султонбек, Аҳмадпонсод мачитга кириб кетадилар.

Собиржон (*орқасидан секин бориб*). Турғун ака!

Турғун ялт этиб қарайди.

Турғун (*ўзини тутиб*). Адашдингиз йигит.

Собиржон. Ҳая! Лаймоқчи Йўлчивой ака. Исроил қўрбошининг Турғунжон деган довурак, аломат бир йигити бор эди, мен сизни ўшага ўхшатворибман (*Чилим тутади, кўзини узмайди.*)

Турғун (*кўзига қараб, найин қаттиқ пуфлаб*). Қуллуқ... Нима бу, ёш бўлиб туриб кўздан қолибсиз...

Собиржон. Кўзимга жуда-жуда иссиқ кўрина-

сиз. Сизни бир ерда кўргандайман. Лекин қаердалигини эслаолмай турибман.

Турғун. Сиз ҳам жуда иссиқ кўринасиз.

Собиржон. Одам одамга ўхшар эканда. Битта аччиқ, кетворган, понсод ичадиган кўк чой дамлатайми, Йўлчивой ака?..

Турғун. Қуллук, киритиб юборарсиз... Яхши йигит! (*Турғун мачитга кириб кетади.*)

Собиржон (*изидан*). Газанда! Калаванинг учи топилди! Бу-ку Турғун! Аммо ана у илон ким бўлди?!

Мачитдан Султонбек газабнок чиқиб, Собиржонга яқин боради.

Султонбек. Иним, бир чектириб қўйинг!

Собиржон. Ҳозир! (*Чилим солади.*)

Ичкаридан Понсоднинг бўғиқ овози эшитилади.

Аҳмадпонсод. Ёлғон! (*Мачитдан чиқади, қон қуйилган ваҳший кўзларини Собиржонга тикади.*)

Собиржон бепарво чилимнинг найини Султонбекка тутади.

Султонбек (*найни бир томонга итариб*). Йигит! Худони ўртага солиб тўғрисиини айтинг, мўйлов узингизникими?

Собиржон. Саволингиз қизиқ тушди-ку, мени кимга ўхшатдингиз? Оғизга эҳтиёт бўлинг, мулла ака!

Султонбек. Найрангни ташла, ҳажи қиз! Мен мунақа қалбаки соқол-мўйлов қўйганларнинг кекиртагини узаман! (*Мўйловига панжа солади, тортади, мўйлов узилмайди, ҳайрон бўлади.*)

Собиржон (*наган суғириб*). Э итвачча! Мени ким деб ўйладинг!!

Аҳмадпонсод. Каримтўра! (*Султонбек ўзини Аҳмаднинг орқасига олади. Оғир жимлик.*) Қинга со-
ни!

Собиржон. Хўжайин, бу қандай хўрлик? Ахир бу йигит кишига иснод-ку! Ҳалол хизматингизни қилиб топган обрўйим шу бўлдимиз? Шарманда бўл-
дим, йигитлик шаънига доғ тушди, иснодга қолдим, ўл-
ганим яхши! (*Яроқларини ечиб Понсоднинг олдига ир-
гатади.*) Олинг! (*Бирдан яктагини йиртиб кўк уни
очи.*) Отиб ташланг мен шармандани, отинг. Розиман!

Мен йигитми? Йўқ, мен номард, жони ширин қўрқоқ, мен нима-ю ердаги бир хас нима!! Отинг, йўқотинг мени!! Ё булмаса қўйиб беринг, мен бу тухматчи жи-пириқнинг бўғзидан туйинк очиб қўяй...

Аҳмадпонсод (*Султонбекка ҳўмрайиб, бир-дан бақиради*). Хўжайини! Бу нима қилганингиз?! Мен уни хафа қилганларин...

Султонбек. Понсод! Айб Тургун (*эслаб*) Иўл-чивойда. Узр, шунчаки гумон. Тавба қилдик йигит, тавба қилганин худо ҳам кечиради, хайр, бояги айт-ганларимни ўрнига қўйинг, жаҳлни таниланг, фойда бермайдн. Биз кетдик. (*Султонбек, Тургун чиқиб кетадилар. Аҳмадпонсод тўппончани Собиржонга уза-тади.*)

Аҳмадпонсод (*изидан*). Падарингга ла'нат, итвач-ча! (*Собиржонга.*) Хафа бўлманг, Каримтўра! Эҳ ҳо-зир-ку майли деймиз, бу имони йўқларни фурсат кел-ганда ўзим тузлайман, боринг Каримтўра, юрт катта-ларини тўпланг!

Шу пайтда шошилиб бо й, домланмом, элликбошилар кириб келишади. Собиржон чиқиб кетади.

Жарима тўламаганлар қани?!

Элликбоши. Ҳаммасини отхонага қамаганмиз!

Аҳмадпонсод. Ўнбоши! Солнғ тўламаганларни уйига ўт қўйинг!

Ўнбоши босмачилар блан чиқиб кетади, қишлоқ ёнади. Дод-фар'ёд кўтарилади. Ўнбоши ҳовлиққанча яла қайтиб киради.

Ўнбоши. Понсод! Большевиклар босиб қолди.

Аҳмадпонсод. Биттанг қолма, ўзингни ол!

Босмачилар бир зумда қочишади. От туёқ товушлари, „Ура“ овозлари эшитилади. Саҳнага Семёнов, Арслон, Митрофановлар бир тўда жангчилар блан кириб келадилар.

Семёнов. Митрофанов, сиз босмачиларни қувиб боринг!

Митрофанов. Эшитаман, ўртёқ командир! (*Югур-ганча чиқиб кетади.*)

Семёнов. Арслон! Сиз ёнгинини ўчиришга кири-шинг!

Арслон. Қани ўртоқлар, кетдик! (*Арслон бир тў-да жангчилар блан чиқиб кетади.*)

Шовқин-сурон кўтарилади, чала ёнган, дордан қутқарилган, қонга беланган кексалар, эс-ҳушидан ажралган аёллар, гўдакларни бағрига босган келинчақлар дод-фар'ёд блан кириб, Семёнов ҳузурида тўхтайдилар.

Матқовул (*Семёновга қулоч очиб бориб*). Бормисизлар, болаларим! (*Қантчиқ йиғлайди.*)

Семёнов. Отагинам! Йиғламанг, йиғламанглар! Мана Қизил Армия, ўз армиянгиз, сизни босмачилар зулмидан халос қилди!

Матқовул. Сабит камбағалники бўлса, биз сабитдан сўраймиз, босмачини тугатиб, бизга тинчлик берсин!..

Деҳқонлар. Талаб қиламиз! Мана аризамиз!

Семёнов. Бу аризани, албатта, ўртоқ Фрунзегга юбораман.

Матқовул. Жуда ма'қул қиласиз. У киши меҳмон бўлиб қишлоғимизга келсинлар, ўз оғзимиз блан арз-ҳолимизни айтайлик.

Деҳқонбой блан Содик кирадилар. Матқовул қулочини очиб, Деҳқонбой томон боради.

Ўғлим Деҳқон, ота-онанг блан бола-чақангдан ажраб қолдинг, болам. (*Ўнграб йиғлайди.*)

Деҳқонбой (*чақмоқ теккандай*). А?! Қани, қани онам?! Қани отам?! (*Югуриб чиқиб кетади. Деҳқонлар ҳам эргашиб чиқадилар.*)

Арслон (*кириб*). Ёнғин ўчирилди, ўртоқ командир!!

Семёнов. Раҳмат, ўртоқ комиссар!.

Арслон. Ўртоқ командир, мана булар босмачиларга қарши курашга астойдил бел боғлашган. Бу азаматлар биздан яроқ сўрашаяпти.

Семёнов. Мен розиман, яроқ берилиши керак. (*Деҳқонларга*) Қадрдон оталар! Меҳрибон опа-сингиллар, тинч турмуш, ёруғ кун истасаларингиз, сизни хонавайрон, кафангадо қилган босмачиларга қарши мардона бош кўтаринг! Совет ҳукуматига, Қизил Армияга ёрдам беринг, сиз ёрдам қилмасангиз босмачилик балосидан қутулиш мушкул! Босмачиларга қарши курашамиз деган азаматлар рўйхатдан ўтсин, ҳаммасига яроқ берилади!

Содик. Ўртоқ командир, элликка яқин шоввоз, ўт босар йигитларни рўйхатдан ўтказиб, тахт қилиб қўй-

ганмиз. Ҳаммасиям босмачилардан жабр кўрган деҳқонлар, яроқ беринг. Совет ҳукумати учун, ўз ҳукуматимиз учун жонимизни ҳам аямаймиз, юртимиз бошига битган бу қора балони йўқ қилиб ташлаймиз!

Семёнов. Ўшанг, азаматлар!

Нурмат кириб келади.

Нурмат. Арслон, Арслон, укам, Арслон!

Арслон. Хуш? Нима гап тоға?! Ўтиринг! Нафасни ростланг!

Нурмат. Кўргулик ука, уйингизни босмачилар босди? Дилбархонни олиб кетишди!

Арслон. А?! *(Жим қолади.)*

Семёнов. Дилбар? Қачон?!

Нурмат. Куни кеча, азон пайтида шаҳарда аҳвол ёмон бўлиб, босмачилар шаҳарни бир йўла босиб олармиш деган миш-мишлар тарқалган, ҳамаёқни ваҳима босган...

Семёнов *(Арслонга яқин келиб)*. Арслон, ўзингни дадил тут, дўстим! Бу оғир мусибат, лекин коммунист ҳарқандай қаттиқ мусибатга ҳам бардош бериши керак!

Арслон. Ўртоқ командир, рухсат беринг, вазифани адо этишга киришай!

Семёнов. Тўхтанг! Демак, шаҳар ичидаги контрреволюция яна хуруж қилабошлаган. Сиз Арслон, тездан шаҳарга қайтинг, контрреволюцияни ўз вақтида янчиб ташлашга киришинг, ўртоқ Ивановга ёрдам беринг?! Дилбарни қутқариш чорасини ўзим кўраман. Вақт ўтмасин, фурсат ғанимат!

Арслон. Эшитаман, ўртоқ Семёнов!

Семёнов. Сизнинг шаҳарда бўлишингиз керак. Қаддингиз букилмасин, юрагингиз чўчимасин. Кураш шунақа бўлади. Коммунистларни кўтаринг, яна бирқанча коммунистлардан дўжишлар ташкил қилинг, жосусларга ҳазир бўлинг, сақлашинг!

Арслон. Берган маслаҳатларингиз учун минг марта раҳмат, ўртоқ Семёнов!

Ўқдай отилиб, ёниб-куйиб Деҳқон киради.

Деҳқонбой. Ўртоқ Семёнов! Арслон ака! Мен оппоқ соч-соқоллари қонига беланган, меҳрибон ота-

оналаримнинг жасадлари устида туриб қасам'ёд қиламан: мен хонавайрон бўлган халқ учун, кули кўкларга соврилган қишлоқлар учун, босмачилардан қасос оламан. Менга қурол беринг! Ўртоқ Семёнов!!

Семёнов (*кўтаринки руҳ блан*). Шундай қилишинг керак! (*Қурол беради. Деҳқонбой қуролни ўпади.*)

Арслон. Оғайнилар! Мана шу ўғлингиз Деҳқонбой босмачилардан жафо кўрди, лекин букилмади, яна мардона бош кўтарди. Совет ҳукумати сизнинг азиз—жонажон ҳукуматингиз, бу ҳукумат сизни бахт соҳилига етаклайди, рўёбга чиқаради. Қуллик ва зулм бўғовлари яксон бўлиб, елкангизга эндигина офтоб текканда, оғзи қон америка-англия империалистлари ҳам уларнинг Туркистондаги малайлари, бойлар, босмачилар сизни талаб, тинч турмушингизни бузиб, уйингизни вайрон қилмоқдалар. Енгилмас Қизил Армия сизни жигарбандингиз, фарзандингиздир. Босмачиларни битириш учун Қизил Армияга ёрдам беринг!! Қизил Армия сизга тинчлик беради, сиз бузилган рўзгорларингизни тиклайсиз, ўз бахтингизга ўзингиз эга бўласиз!

Овозлар. Тўғри. Сабримиз қолмади, таландик... Яна овоз. Оғзингизга шакар, болам.

Семёнов. Босмачиларни қишлоққа қўйманглар, жарималарни тўламанглар! Ёвқур йигитлар босмачиларга қарши бош кўтаринг, яроғ олинг! Юртимизни — ҳукуматимизни сақлайлик, оғзимиз ошга етканда бурнимиз қонамасин. Бир тан, бир жон бўлиб, пўлатдай чидам блан маҳкам турсак, ҳарқандай зўравон — душманни ҳам янчиб ташлаймиз! Йўқолсин қонхўр босмачилар! Ҳамма. Йўқолсин босмачилар!!

Матқовул. Оҳ, қани энди дун'ё бир айланиб, яна йигит бўлиб қолсам... Бирламчи бўлиб, жангга ўзим кирардим. Болаларим, ориятингиз бўлса, бўшашманг, майдонга чиқинг. Яроғ олинг. Сабит ҳукуматини, ўз ҳукуматингизни кўз қорачигидек сақланг!!

Йигитлар қуролланадилар.

Семёнов (*Матқовулнинг елкасига қоқиб*). Раҳмат отахонгинам, яшанг!

Матқовул. Қани ўғлим, йўлдан ҳориб келгансиз, салқин жой тайёр, дам олинг, меҳмон қиламиз...

Арслон. Мен кетдим, ўртоқ Семёнов!

Семёнов. Хайр, соғ бўлинг, Арслон! (*Хайрлашадилар.*)

Арслон, Нурмат чиқадилар, от туёқлари товуши. Семёнов
Матқовул блан илиқ сўзлашиб, бир томонга йўналишади.)

Парда.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Эски шаҳар, тим. Ёш коммунистлар штаби. Штаб олди той пахта-
лар блан ўраган. Пост. Кечки пайт. Мадазим, Нурматлар
постда туришпти...

Мадазим. Нурмат, мунча аза тутмасанг, бўлар
иш бўлди. Кўп қайғурма, валакисаланг!

Нурмат. Кинига осон тутма. Мана икки ҳафта
бўлиб қолди, шўрлик Дилбар... Арслон жуда хафа...

Мадазим. Ажаб одамсан-да, йигит кишига хотин
қахатми? Дилбар бўлмаса, яна бир қулинг ўргилсин
жонон-да, жазаси пул...

Нурмат. Э, гапинг қурсин.

Мадазим (*бир томонга қараб*). Ким у юрган?

Нурмат. Ҳечким йўқ. (*Баҳодир, Омон югуриб
киришади.*)

Баҳодир. Хўш, у томонга жужур қўйдингми?

Омон. Орқа томонда жужур оз.

Баҳодир. Мен ўзим ўтаман. Сен жойингдан қи-
мирлама. Катталарга ҳам ялиниб-ялпоғланиб кўрдим,
ҳаммалари ҳам чиқишиб штабни сақлашадиган бўлиш-
ди. Арслон акам ҳам чиқади.

Омон. Яхши, мен кетдим! (*Чиқади.*)

Баҳодир. Мадазим ака, бугун сергакроқ растара-
рам бўласиз-да?

Мадазим. Э, бу яктак ўғриси, босмачилар Мада-
зим буқоқнинг соясига салом беришади. Ҳа, пича ўпка-
нгизни босиб олинг, валакисаланг!

Баҳодир. Ахир шунча милтиқлар айтишга осон
эмас. Сиз бугунча сақлаб беринг, эртага ялинмаям қола-
миз. (*Баҳодир чиқиб кетади.*)

Мадазим (*орқасидан*). Ялинмаям қоламиз? Хўп,
кўрамиз. Бу сут эммаганларни қара, Нурмат мингбоши!
Агар милтиқ паниг этса, сичқонди минин юзтангага ижа-
рага олади-ю, ўнолтита мирза теракни уласанг димо-
ғига тутун етказиб бўлмайди-я, вой фаҳми-фаросатинг-
га... шўр тумшук валакисаланг!!

Нурмат. Қўй бўғилаверма!

Мадазим. Й-я, ия, ҳали олияпсизми? Ҳали-я. Вой искартопарди уяси, гуду-гуду кал-э!!

Нурмат. Мадазим, моли-мардумни еб эдингизми, томоғингиз тагига тиқилиб қопти, хо-хо-хо...

Мадазим. Ҳой, Тошкентда момогулдирак бўлса, сизнинг дўппингизнинг тагида чақмоқ чақади-я, валакисаланг, хо-хо-хо!..

Нурмат. Яқинда уйланибсиз шекиллик, бўйнингизга ола хуржун тушиб қопти.

Мадазим. Ҳой мингбоши, эшикка чиқа кўрма, бешюзта олақарға пистирма бўлиб ётипти, хо-хо-хо...

Нурмат. Хой, хой, хой, шошма, навбат бер!!

Мадазим. Опангиз пардоз қилаётганмиди, пешонангизда тош ойнак турипти? Хо-хо-хо!..

Нурмат. Шошма, шошма, ҳой менга қара, кел, бўлак гаплардан гаплашайлик. Аскиянг ҳам қуриб кетсин!!

Мадазим. Вит денг, вит денг, сумалак авлиё!

Нурмат. Шошма, шу кеча босмачилар бизни маҳаллада бировни сўйиб кетиптими?

Мадазим. Э ўле? Билмадим, ҳамаёқда минг хил гап...

Нурмат. Ўртоқ Семёновлар ҳам апаратсадан қайтиб келишди.

Мадазим. Ҳой мингбоши, эшитмадингми, апаратсага чиққан кучларимиз ёмон фалокатга учрапти, аскарларимиз босмачилар блан Туячи, Чумбоғиш, Ойжамол, Тешиктош деган жойларда расо савашипти, валакисаланг Мадаминбек, Парпи қўрбоши, Аҳмадпонсод бизникиларди тутдек тўкипти, Семёнов Қорақалпоқ, Туяқишлоқ, Бешбанги, Ойим, Сўзоқ, Аравон, нар'ёғи Олайқувгача бормоқчи эди. Хўш, бораолдими, йўқ. Афтидан қочиб келган. Иш расво, валакисаланг.

Нурмат. Мени мунчалик ваҳимага солишдан мақсадинг нима буқоқ?

Мадазим. Э, бу дун'ёдан панд егани ҳам ўтади, қанд егани ҳам. Менга қара, хушнусах махсум. Икковимизам ўн гулимиздан бир гули очилмаган қирчиллама йигитмиз. Ёш туриб нобуд бўлиб кетмайлик дейман. Бундай каллангни ишлат. Таваккал қил, тош ют, ким ботир, кун ўтказган ботир.

Нурмат. Э жони ширин қўрқоқ?

Мадазим. Ўй тентак, ахир ўйла. Мана кечагина коммунист Яқубжонди бачажиш қилиб сўйиб кетишди. Бир иш қилсак, ахир, муллажиринг ҳам кўпаяди-ку. Шу иш орқасида қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой. Сизди дўппингизди жияғи, бизни тамогимизди тағи ҳам мой, валакисаланг.

Нурмат. Яна ўша Миркомил, Аҳмадбек ҳожига ўхшаган қонхўр бойларга қул бўлиб, юз букилиб салом берайликми?! Эй, унақа жонни менга кераги йўқ. Билдингми, буқоқ!!

Мадазим. Оҳ десангиз ўпкангиз кўринади-ю, атласни тенгига тахламийман дейсиз-а, Нурмат мингбоши!

Нурмат. Биз ҳам босмачиларга ўқ сотайликми?! Қизил аскарларимизнинг кўкрагига қарата пистон чақайликми?! Итдай отиб ташлайман! (*Милтиқни шарақлатди.*)

Мадазим. Ҳой, аҳмоқ, ҳой нодон, ҳазил-ҳазил, хо-хо-хо!

Нурмат. Нимага куласан?! Кулма!

Мадазим. Э, ўл! Нима деяр экан деб кўкрагингга қул солиб кўрган эдим-да! Тузуксан, яша камбағал боласи!

Нурмат. Бундай ҳазилингни иккиламчи қила кўрмаки, буқоғингдан туйнук очиб қўяман!

Мадазим. Ҳазилниям билиш керак-да, ҳазилни билмаган калфозил! Тоза қитиғпарингга тегдим-а, тождор хўроз?! Сени яхши кўраман. Сен ҳам бир хотин ол, бахтинг очилсин!!

Нурмат. Бўлди дейман!

Султонбек (*киради*). Ҳа, ўтирибсиларми, тинчликми?

Мадазим. Тинчлик, Султонбек!

Султонбек. Ўртоқ Арслон чиқмадимми?

Нурмат. Ҳали чиққанича йўқ.

Султонбек. Нурмат тоға, сиз бир хабар олмай-сизми? Катталаримиз постга чиқинадими, йўқми?

Нурмат. Хўп, Султонбек, хўп. (*Чиқади.*)

Мадазим. Хўш, Султонбек, нима гап?

Султонбек. Жим... Хуш'ёрмисан, буқоқ!

Мадазим. Хотиржам!..

Султонбек. Мен тездан қайтаман. Арслонни кўздан қочирма! (*Тез чиқиб кетади.*)

Мадазим. Ишлар тобора авжига чиқаяпти. Э,

фалак... битта носвойжондан отиб қолайлик. (*Нос чекади, қоронғуда бировни кўргандай бўлади, носини тупиради*). Ким? Ким у?! Хой уни ўчган, кимсан?!

Матқовул (*қўлида ҳасса, елкасида хуржун кириб келади*). Мен, болам, кекса, деҳқонман...

Мадазим. Қўлингни кўтар, отиб ташлайман бўлмаса! Бери кел, ярим кечада нима қилиб ивирсиб юрибсан?!

Матқовул. Э болам, ярим кеча бўлдим, одамлар ҳали ҳуфтанга киришгани йўқ!

Мадазим. Гап қайтарма, э ҳеш-мамашарифингга сумалак авлиё! (*Уради*)

Матқовул. Жон болам урма, бугун бозорга келиб кеч қолдим. Мана шу ёқда бир қариндошим бор эди, бир кеча ўшаникида қўнай, деб кетаётган эдим, болам!!

Мадазим. Ёлғон гапирма, мандатинг борми?

Матқовул. Менда бомдот нима қилади? Сабитданам, бегларданам бомдот олганим йўқ. Мен Матқовулман, болам, Матқовул.

Мадазим. Сен босмачиларни тилчисисан. Тур ўрнингдан, шошма, мен сени смотри қиламан, кўтар қўлингни, қимирладинг отиласан! Э, сен босмачиларга ўқ ташийсан... (*Чолнинг чўнтақларини кавлайди, ҳам'ёнини олади*.) Мана, ўқ ҳам топилди...

Матқовул. Айланай бўтам, ўқ менинг ҳам'ёнимда нима қилади? Бола-чақаларим оч-яланғоч, босмачилардан сақлаб қолган битта-ю, битта бузоғим бор эди, шуни сотиб, пулини уй-рўзғоримга яратмоқчи эдим. Жон болам, худо хайр берсин, кекса ҳолимга раҳм қил!..

Мадазим. Ўчир товушингни. Йўғасам ҳозир отиб ташлайман. Отиб ташлар... диму, қариялигингни ҳурмат қилиб, бу сафарча қўйиб юбораман. Бор, шукур қил. Шошма, тагин орқа-овратдан қарғаб юрма, қани ҳақимга бир ёғлиқ дуо қилвор... Қўлингни оч!!

Матқовул. Хайр болам, ўзинг ҳам қўлингни оч. Дўппимни тескари кийдириб, қуллик бўлсин деганингга ҳам шукур. Менга насиб қилмаган экан, сенга насиб қилсин. Мени бу оппоқ соқолимга раҳм қилдинг, сенга ҳам худодан қайтсин. Оллоҳу акбар, хайр болам!..

Мадазим. Оллоҳу акбар, бор энди, жўна! (*Чол чиқади*.)

Баҳодир (*кириб*). Катталаримиз ҳам келишаяпти. (*Ўтади*.)

Мадазим. Ҳайрият, бугун юрагимиз дадил бўлар экан. Мана пул ҳам сомонпайса бўлиб қолди.

Султонбек, Арслон, Нурмат ва бирнеча ишчилар, коммунистлар кирадилар.

Арслон. Султонбек, Угорком олдидаги постда коммунистлардан борми?!

Султонбек. Ҳа, коммунистлардан Тўхтаматов блан Иброҳимжонлар бор.

Арслон. Қани келинг ота, келаверинг. Қани айтинг-а, пулингизни ким олган?

Матқовул. Йўге, пулимни ҳечким слагани йўқ, шунчаки...

Арслон. Ота, гапираверинг, қўрқманг, ким йўлингизни тўсди? Ким пулингизни зўрлаб олди?!

Матқовул. Ҳалигидай, ҳа мен, бир оғайнимни кига ўтиб кетаётувдим, жин чалгандай бўлдим, йўли қурғурдан адашиб, постовой олдидан чиқиб қолибман. Бирдан биров кимсан дегандай бўлди. Менман дегандай бўлдим. Бери кел, деб ўшқириб, мендан бомдот сўрагандай бўлди. Ҳа, мана — мана, шу ўғлим бўлса керак. (*Мадазимни кўрсатади.*) Энди сиёсат-да, менга ишонмади шекиллик, уёқ-буёғимни кавлаб кўргандай бўлди...

Арслон. Пудингизни олдим, ахир?

Матқовул. Йўге, болам, ҳа, ҳа ҳам'ёнимни олгандай бўлди. Йўқ-йўқ, ҳам'ёнимни ҳам ўзим бир ерда тушириб қўйганман чоғи.

Мадазим. Ҳайрият. (*Арслонга.*) Мен яна агент-пагент бўлмасин, деб шунчаки, уёқ-буёғини силаб-сийпалаб чиқдим. Ҳечнарсасига текканим йўқ. О вала-кисаланг чол е, дарров арз-дод қипсан-да...

Матқовул. Йўқ, йўқ болам, йўқ. Ўзлари йўлда учраб ҳол-аҳвол сўраб қолдилар. Бўмаса-ку, худойи қиливорган эдим-а.

Арслон. (*Мадазимга.*) Агент-пагент бўлмасин деб бу қариянинг чўнтагини кавладингми? Бу кекса босмачими? Ўқ бу қариянинг ҳам'ёнида нима қилади? Ёлғон гапирма, бўйнингга ол, газанда!

Матқовул. (*Мадазимни таниб қолади.*) Ёпирай, бу одамни кечагина қишлоқда, бек олдида кўрувдим-ку, мени худо урди. Тез қочақолай...

Арслон. Тўхтаг ота! Қасрга кетаяпсиз? (*Мадазимга.*) Пулни бер, тез!!

Мадазим қўйнидан ҳам'ёни олиб Арслонга узатади, у чолга беради.

Олинг пулингизни, санаб олинг, ота!

Матқовул. Қуллуқ болам, қуллуқ. Бола-чақанг орзусини кўр! Хайр, саломат бўлинглар, мана бунақанги яхши одамлар ҳам бор экан-ку. (*Чиқиб кетади.*)

Арслон. Нурмат, Баҳодир қуролини олинг бу ўғрининг! (*Нурмат блан Баҳодир Мадазимни қуролсизлантирадилар.*) Биз босмачи қидириб юрибмиз, мана босмачи! Босмачи бундан ортиқ бўлмайди?! Постда туриб деҳқоннинг ҳам'ёнини тортиб олса, мана шундай ярамас аблаҳлар ишимизнинг белига тепади, олиб боринг бу газандани. Трибуналга берамиз! Қани юр Баҳодир! (*Арслон чиқиб кетади.*)

Мадазим қути ўчиб, ўртада тошдай қотиб қолади.

Мадазим (*ўзига келиб бақиради*). Арслон ака! Нурмат, ахир дўстим... Султонбек... Товба қилдим, менга раҳминг келсин! Ахир менам сенга ўхшаган тўнининг пахтаси оққан камбағалди боласиман-ку!..

Нурмат. Айб ўзингда, жиноятинг катта! Нафс деб минг кўчага кириб юрасан. Минг ла'нат сенга! Қани юр!

Мадазим. Гуноҳим бор! Раҳм этинг! (*Ўзичи Султонбекнинг оёғига ташлайди.*)

Султонбек (*ваҳимага тушади. Бу трибуналда сирни очиши мумкин деган фикр чақмоқдай бошидан кечади. Мадазимга нафрат ва ғазаб блан қараб.*) Тур ўрнингдан! Шайтонликни ташла, муттаҳам! Халқни талайсан, халқни ҳукуматдан норози қиласан, нима бўлса ҳамки, энди пешонангдан кўр! (*Кўзига тикилади.*)

Мадазим. А?! Нима-а?! (*Жинниланиб.*) Султонбек?! (*Секин шивирлаб.*) Ҳали мен пешонамдан кўраманми?! Ҳали мен (*даҳшат ичида*) ўлиб кетавераманми?! Йўқ! Мен бир ўзим отилмайман. Йўқ! Арслон ака, Арслон ака! (*Арослоннинг орқасидан югуради.*)

Султонбек. Мадазим, қочма! (*Тўппонча суғуриб.*) Ҳа, босмачи, жазанг — шу!! (*Отади.*)

Мадазим (*жойида тик қолади. Аста-секин қайрилиб орқага қарайди. Аламлик кўзини Султонбекка тикади*). Султонбек... аттанг... (*Йиқилади.*)

Баҳодир. Яна дод чиқди!

Арслон. Дод қаердан чиқаяпти? (*Тинглаб.*) Заводни босишганга ўхшайди.

Нурмат. Заводдан эмас, бошқа жойдан.

Арслон. Момогулдирак ҳеч нимани эшитдирмайди. Завод! Завод. Баҳодир, қани юр! Омон, ҳуш'ёр бўл! (*Чиқиб кетадилар.*)

Турғун (*бақириб кириб келади*). Бегака, ёмон бўлди!

Султонбек кўринади.

Султонбек. Нима гап?!

Турғун. Заводга ўт қўйишворди. Тиниб ўлмади бу душманлар!

Султонбек. Эҳ, аттанг, борай десам, постни...

Омон. Кимсан? Ҳой қораси кўринганлар, кимсан?

Султонбек. Яқинлашма, отиласан!

Аҳмадпонсод (*ташқарида*). Ўзимиз, қишлоқ милициялари...

Омон. Қаерга?!

Аҳмадпонсод. Босмачилардан тўрттасини қўлга тушириб, шаҳарга олиб кетаяпмиз.

Султонбек. Биттанг кел! Бошқанг қимирлама, жилдинг — отиласан! Пароль!

Аҳмадпонсод. Қамиш!

Султонбек. Ўтаверинглар, азаматлар!

Омон. Тўхта! Султонбек нима қилаяпсиз?! Пароль ўзгарган.

Султонбек. Қанақа пароль?!

Турғун. Мунақа пароль. (*Орқадан Омонни пичоқлайди.*)

Омон. А?! Султонбек илонбачча! (*Йиқилади.*)

Султонбек (*босмачиларга секин гапиради*). Ўқ чиқарманг, қани бузинглар!

Складни бузадилар. Қуролларни қўлма-қўл узатишади. Шарпа.

Мени боғланг. Қайтинглар, войдод, войдод!!

Баҳодир (*отиша-отиша кириб келади*). Ма-на сенга! (*Отади.*)

Султонбек. Баҳодир, милтиқлар қўлдан кетди!

Баҳодир. Милтиқлар?! Сизга нима бўлди?!

Султонбек. Бўлганича бўлди. Вой, вой...

Баҳодир (*чақмоқдай отилиб омборга кириб чиқади*). Милтиқлар қани?! Милтиқлар?! Омон, Омон! (*Ўзини Омоннинг устига ташлайди.*)

Султонбекни суяшиб олиб чиқадилар, бироздан кейин Марков киради.

Марков. Қани босмачи?! Қаёққа қочди?! Кимсан?

Баҳодир. Мен, Баҳодир...

Марков. Нима гап?!

Баҳодир. Айтолмайман, тилим бормайди, ўртоқ

Марков, яроқларни олиб кетишди...

Марков. Сен қаерда эдинг? Биламан, ҳаммангнинг ҳам тилинг бир!

Баҳодир. Ўртоқ Марков!

Марков. Жим! Яроғини олинг бу босмачини!

(*Иванов киради.*)

Иванов. Хўш?!

Марков. Иван Васильевич, милтиқларни сотишган.

Иванов. Кимлар?!

Марков. Мана бу Баҳодирлар!!

Иванов (*газаб блан Баҳодирга*). Баҳодир!!

Баҳодир. Ўртоқ Иванов, ёлғон, тухмат, текширинг, аниқланг, рост бўлса отинг! (*Ярадор Арслон кириб келади.*)

Иванов. Арслон?!

Арслон. Иван Васильевич, ёмон бўлди... Аттанг...

Марков. Ҳали кўп аттанг дейсиз, Арслон!

Иванов. Завод ёнса, штаб босилса.

Марков. Одам танаймиз, ким бўлса ишонаверамиз, ҳаркимга кафил бўлаверамиз. Йўқ, бу биргина Баҳодирнинг иши эмас. Бу яроқларни кимларнинг буйруғи блан босмачиларга бергансан, айтасан, айтмаганингга қўймайман. Қани олиб боринг!

Арслон. Марков!..

Иванов. Арслон! Оғир бўлинг. (*Жимлик. Баҳодирни олиб чиқадилар.*)

Арслон. Ўртоқ Иванов! Қани, юринг, гаплашамиз, гап бор!.

Парда

УЧИНЧИ ПАРДА

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Уезд-шаҳар партия комитети. Арслоннинг кабинети. Испол-
бюро мажлиси бўлайти. Арслон, Иванов, Семёнов, Мар-
ков ва бирнеча ишчилар (заводнинг вакиллари). Мажлиснинг бош-
ланганига уч-тўрт соат бўлган. Столда окурка блан тўла кулдон.
Тутун. Гаплар кескин, оғир вазият.

Арслон (*қаттиқ*). Йўқ!! (*Пауза.*) Марков, но-
ҳақ! Қўшилмайман! Ахир бу қандай гап?! Шаҳарга
қайтсак—қишлоқ таланса! Қишлоққа операция учун
жўнасақ—шаҳар таланса! Коммунистлар ўлдирилса, за-
вод ёнса, темирйўллар бузилса, ёш коммунистларга деб
олинган милтиқлар босиб оинса! Хўш, бунга нима са-
баб?! Иллат қаерда, иллат? Кимнинг иши бу?! Бу фақат
босмачилар ишими, йўқ, бу биргина босмачиларнинг
қўлидан келадиган иш эмас! Демак душман ичимизда!
Қаттол, ярамас хоин қўйнимизда, ана ўша сиримизни
билиб, босмачиларга етказаяпти! Бизчи?! Биз бўлсак
бепарвомиз, беғаммиз! Зийракликни бой берганмиз.
Кўзимиз кўр! (*Оғир пауза. Столдаги қоғозларни олиб
ҳавода силкийди.*) Мана материаллар! Крайкомнинг қа-
рорлари, Куйбишев ҳам Фрунзе ўртоқларнинг директи-
валари! Мана! „Иттиҳоди турк“ деган контрреволюцион
жамият топилган. Шаҳримизга келган Хонраззоқов шу
„Иттиҳод“нинг раис муовини бўлиб ишлаган. Хонраз-
зоқов буерга бели синган босмачиларни қўллаб-қув-
ватлаш учун, уларга мадад бериш учун юборилган. Бу
шуни кўрсатадики, ўша „Иттиҳод“нинг бу шаҳарда ҳам
бақувват шу’баси, раиси, а’золари бор! Барча ур-йиқит,
талон-торож, осиш-кесишларнинг ҳаммаси шу „Итти-
ҳод“нинг иши. Хўш, ранс ким?! А’золари кимлар?! Ким
ўлдирди Бильдинни?! Ким босди комсомол штабини?!

Ким ёндирди заводларни? Нимага билмаймиз? Нимага қилни қирқ ёриб ахтармаймиз?! Нимага бу илонбаччаларни ўз вақтида тутиб, янчиб ташламаймиз?! Тўғриси бўшангмиз, кўзимиз кўр!

Марков. Тутганларимизни яна бўшатиб юбораясиз-ку, ўртоқ Арслон! (*Узаро ғовур-ғувур.*)

Арслон. Марков, чалғитманг! Сув лойлатиб балиқ овлашга уринманг! Хўш, „Иттиҳод“нинг раҳбари ўша мен бўшаттириб олган Баҳодир, дейсизми? Кўрганингиз, тутканингиз келиб-келиб шу Баҳодир бўлди-ми? Ҳолвани ҳоким ейди-ю, калтакни етимми?! (*Қат'ий.*) Қинғир иш барибир қирқ йилдан кейин ҳам билинади! Биламиз! Ўша ифлос, йиринг босган мараз қўлларни кесиб ҳам ташлаймиз!

Марков. Ажаб... Баҳодирга сиз ўзингиз кафил бўлгансиз... Бильдин ўлдирилиши блан унинг ўрнига ўзингиз раис бўлиб ўтирибсиз. Ҳуқуқингиздан фойдаланиб, Баҳодирдай жинойткорни олий жазодан қутқариб олган ҳам ўзингиз бўлдингиз. Сиз яна менга дўқ урасиз. Мен қўрқмайман, очиқ гапираман!

Арслон. Ўртоқ Марков! Мадазимни отган ким?!

Марков. Султонбек...

Арслон. Хўш, нима учун Султонбек Мадазимни отиб ташлади? Ахир у, Султонбекка яқин киши эди-ку?

Марков. Мана шу масалада ҳам хато қиласиз. Буни кураш дейдилар. Курашда ота — болани, ака — укани ҳам аямайди. Мадазим босмачига қочган. Султонбек унинг қора ниятини пайқаб отган. Сиз бўлсангиз Султонбекни тақдирлаш ўрнига уни партиядан ўчирдингиз, трибуналга бердингиз... (*Жимлик, Марков қайнаб*). Қани ҳақиқат?!

Арслон. Ҳақиқатми?! Ўртоқ Иванов...

Иванов (*аста ўрнидан туради, вазминлик блан гапиради*). „Иттиҳод“нинг барча музофотларда, шаҳарларда шу балари бўлган. Айниқса бу шаҳарнинг шу босига алоҳида аҳамият берилган. Биз яқинда ўнлаб жосусларни қўлга олдик, улар бизга янги-янги сирларни очиб бермоқдалар. Масалан, ярашиб кирган қўрбоши Турғун шу жамиятнинг шаҳар ичидаги қуролли кучи ҳисобланган. Биз, Турғунни шу бугун-эрта блан қамоққа олдик. (*Ҳаммада жонланиш.*) Заводнинг ёнишида, штабнинг босилишида ҳам Дилбар воқиясида Турғуннинг қўли бор. Мен Марковнинг бугунги чиқишини

қаттиқ қоралайман. Унинг бу провакацион чиқишини исполбюрода муҳокама қилишни талаб қиламан. (*Ўти-
ради.*)

Марков (*ҳангманг бўлиб*). Иван Васильевич! Мен куйинганимдан гапирдим. Тургуннинг қамалганидан хабарим йўқ. Сиз айтган сўзларни эндигина эшитиб турибман. Арслон ҳақида ноҳўя, ноҳақ гапирган бўлсам узр сўрайман! Чинакам, ўртоқ Арслон дегандай бепарволик қилибмиз, революцион ҳуш'ёрликни йўқотиб қўйган эканмиз.

Семёнов. Бу, ички душманларни бартараф қилмагунча босмачиликни битириш мушкул.

Арслон. Жуда тўғри гапирдингиз, ўртоқ Семёнов! Мана, кўп масалалар равшан бўлабошлади. Олдимизда зўр вазифа бор: душманини ҳам ташқарида, ҳам ичкарида беомон янчиб ташлаш керак! Энди сизнинг операция планингиз билан танишсак, ўртоқ Семёнов?!

Семёнов. Агар рухсат бўлса, Деҳқонбой шу муҳокамага қатнашса.

Арслон. Бюро а'золари, нима дер экан?

„Қаршилиқ йўқ“ деган овозлар

(*Звонокни босади.*)

Секретарь киради.

Ташқарида ўтирган Деҳқонбойни чақиринг.

Секретарь чиқади, Деҳқонбой киради.

Деҳқонбой. Салому алайкум!

Арслон. Э, Деҳқонбой келинг, соғ-саломатмисиз? Ишлар қалай?

Деҳқонбой. Ишлар жойида, Арслон ака...

Иванов. Деҳқонбой, Мадаминнинг ўнг қўли Розик қўрбошини ўлдириб, Раҳмонпонсонди икки йигити билан ушлаб, шу бугун бизга топширди.

Семёнов. Деҳқонбой асил деҳқон!

Арслон. Ҳўш, Деҳқонбой сизнинг отрядингиз турган Бешкапа қишлоқ аҳолисининг кайфи қалай?

Деҳқонбой. Деҳқонлар хурсанд. Қишлоқ анча тинчиб қолди. Отрядимизнинг сопи яна икки ҳисса ошди. Босмачиларни қишлоғимизга сра ёндатмай қўйдик. Кўпгина қишлоқларимизда деҳқончилик ишлари қизиқ кетди.

Арслон. Берилган бўнак, пахта, дон уруғликларини тарқатдингизми?

Деҳқонбой. Уруғликларни тарқатдик. Ҳукуматдан олган иш ҳайвонларини ҳам бўлиб бердик. Деҳқонларимиз ҳукуматдан ниҳоятда хурсанд. Босмачиларни батамом тугатишга қаттиқ бел боғлашган.

Семёнов. Деҳқонбой тўғри айтади. Халқ Қизил Армияга қаттиқ ёрдам бераяпти. Ҳа, мен асосий масалага кўчаман. Мадаминни тор-мор қилиш учун план туздик. Мана бунга эътибор қилинлар. *(Харитага боради.)* Мана Мадамин Қоратерида, Қуршобда генерал Монстров. Бу Памир, буерда Холхўжа, Парни, Тўйчи, Маҳкамҳожилар, мана буерда. Омонполвон, Ўтамқўрбоши, Ислоқул, Кўршерматлар мана бу жойларда. Демак, бизга кучни бирнеча қисмга бўлиб Фарғона, Қўқон ҳам Андижондан бир вақтда чиқиб ҳужум бошлаш керак бўлади.

Арслон. Мадаминга қаердан ҳужум бошлаймиз?

Семёнов. Катта, асосий қисм менинг команدام остида Қорабўра, Тўқмоқ, Толмазор ҳам бунақаси Зелёний мост блан айланиб Чинобод, Балиқчи ҳам Мадаминнинг штаби турган Қоратерига келиб, сўнг Наманганга қараб кетади. Хуллас бутун катта қишлоқлар темир йўл бўйлари қамраб олинган.

Арслон. Бу операция учун бизга жуда катта тайёргарлик кўриш керак бўлади.

Семёнов. Мен бу ҳақда Тошкентга, Туркфронтига, қўмондон ўртоқ Фрунзегга мурожаат қилдим. Саркарда Фрунзе асосан бу операция планини маъқуллади ҳам янги-янги полклар, етарлик қурол-аслаҳалар юборишга ваъда қилди. Бугунги олинган телеграммага қараганда бу кучлар кеча Тошкентдан чиққан.

Иванов. Демак биз, икки-уч кун ўртасида зўр операцияни бошлаб юборамиз. План жуда пухта ишланган. Халқни босмачиларга қарши кўтариш масаласига қаттиқ эътибор қилишни унутмайлик.

Семёнов. Тўғри.

Арслон. Бошқа гаплар бўлмаса, бу масаламиз ҳам тугади.

Семёнов *(соатига қарайди)*. Ўхў, тонг отишга ям оз қоппи. Хайр сизларга, хайр ўртоқ Арслон. *(Семёнов чиқиб кетади.)*

Арслон *(Иванов блан бир нарсани гаплашиб,*

уни кузатиб қўяди. Дилбарнинг суратини олиб унга тикилади, оғир ўйга чўмади.) Дилбар... Менинг юрагимга душманлар заҳар қуйишди, заҳар! (Бошини икки қўли орасига олганча ўтириб қолади, шу вақтда телефон жиринглайди, трубкини олиб.) Ғалла, нон?! Тежаб сарф қилиш керак, ахир нон етишмайди. Ҳа бугун-эрта Тошкентдан ғалла желади, сабр қил. Нима, етимхона масаласидами? Тонг отмасдан туриб бинонинг гамини еяшман дегин, Угорревком раисига топширганман. Ўзинг гаплаш. Бойнинг ҳовлиси мактабга берилади. Ким қаршилик қилаяпти?! Қулоқ солма. Шу бугуноқ кириб ол. Менга айт, хўп хайр. (Трубкини қўяди.)

Эшикдан ховлиқиб Баҳодир киради.

Баҳодир. Арслон ака, Арслон ака!

Арслон. Баҳодир, нима гап?!

Баҳодир. Эшитдингизми?

Арслон. Нимани?

Баҳодир. Султонбекни ҳозир босмачилар тутиб кетишипти.

Арслон. А? Нима дейсан?..

Баҳодир. Шарифбой гузарига, бир қариндоши-никига борган экан. Ўша ердан тутиб кетишипти...

Арслон. Аҳа! Султонбек?! Илонбачча! (Ўрнидан туради, югурганча чиқиб кетади, орқасидан Баҳодир чопади).

Парда.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Қишлоқ. Семёнов отрядининг штаби. Семёнов, Митрофанов, Марковлар штабда иш блан машғуллар.

Семёнов. Ўртоқ Митрофанов Туркистон fronti қўмондонлиги Фарғонадаги ҳарбий аҳволот ҳақида маълумот сўраяпти. Сизнинг Гулшага борадиган отрядингиз қандай аҳволда?.

Митрофанов. Менинг отрядим икки рота пиёдалар, бирюз саксон найзали отликлардан иборат. Тоғ замбараги учта, иккита пулемёт, 150 та италиянча винтовка, 17.600 са'ватумшук, 14.200 дона қўрғошимли ўқ бор, бомбамёт иккита, фақат қайиш блан патронтошлар кам.

Семёнов. Марков!

Марков. Эшитаман, ўртоқ командир!

Семёнов. Митрофанов отряди ўқ-дори, кераклик асбоблар блан таъмин қилинсин, эртага Гулшага жўнайди.

Марков. Эшитаман, ўртоқ командир!

Семёнов. Қишлоқ аҳолиси блан алоқамиз қандай?

Митрофанов. Деҳқонлар блан алоқамиз яхши, улар ёрдам бермоқдалар.

Семёнов. Баъзибир ярамаслар армия интизомини бузиб, қишлоқда ножўя ҳаракатлар қилган эмиш. Ундай бевошларнинг жазосини беринг. Деҳқоннинг чип-чирғасига кимки қўл узатса, ким бўлмасин, жойида отиб ташланг!!

Митрофанов. Эшитаман, ўртоқ командир!

Семёнов. Боринг! *(Митрофанов честь бериб чиқади. Телефон жиринглайди, Семёнов трубки олиб.)* Ким? Қаердан? Бешбангидан? Салом, қўрбошини ушладик? Деҳқонлар ушлаб берди!! Ана, кўрдингизми? Эҳтиёт блан шаҳарга юбориб, ўртоқ Ивановга топширинглар, хайр! *(Трубкини қўяди.)* Нурмат!

Нурмат. Лаббай,

Семёнов. Командир Баҳодир Раҳматовни чақиринг!

Нурмат. Хўп бўлади.

Нурмат чиқади, Баҳодир киради.

Баҳодир. Салом! Рапорт ўртоқ командир: отрядим блан Аравонда Тўйчи қўрбошига тўқиниш келдим, олти соат отишдик. Етти кишини қурбон бердик. Уч киши бедарак кетди, шулар орасида Деҳқонбой акам ҳам бор. Босмачилар қирқта ўлик, элликта от қолдириб қочишди.

Семёнов. Деҳқонбой дейсанми? *(Пауза.)* Азамат йигит эди... Тўйчини ушламадингизми?

Баҳодир. Олайқувга қочиб бекинди. Учта зўровон қўрбошисини қўлга туширдик.

Семёнов. Отрядингизга дам беринг, яна бир нозик операция бор.

Баҳодир. Эшитаман, ўртоқ командир! *(Баҳодир чиқади.)*

Марков. Аркадий Иванович, нозик операцияни яна Баҳодирга топширмақчимисиз?! Мен яна ўз фикримда қоламан. Бу болага ишонмайман. Ҳозирги рапорти-ни ҳам текшириш керак...

Семёнов. Мен ишонаман! *(Телефон жириглайди, трубкини олади.)* Қаерда? Арпачида? Ҳозир! *(Трубкини қўяди.)* Мен отряд блан Арпачига ўтаман, кимдир келиб бекиниб ётган эмиш... *(Семёнов чиқиб кетди.)*

Баҳодир киради.

Баҳодир. Ўртоқ Марков, гапингизни тўсатдан эшитиб қолдим.

Марков. Биламан, пойлагансан, кимлигинг менга маълум. Кундуз буёқда, кечаси уёқда...

Баҳодир. Бас, бу сўзингиз учун жавоб берасиз!

Марков. Семёнов кўр! Менинг кўкрагимга отилаётган ўқни босмачиларга ким беради?! Сен бёрасан, сен! Арслон ҳам, Султонбек ҳам, Турғун ҳам, сен ҳам, борки, ҳамманг бир одамсан!

Баҳодир. Марков, тилингни тий! *(Кўзига даҳшат блан қарайди.)* Хўп! *(Қаттиқ одим ташлаб чиқиб кетади.)*

Марков. Кўзимга қайтиб кўринма! Уёгини ўзинг биласан... Ла'нати, вақтимни ўғирлади. *(Трубкини олади.)* Арпачига ким келди? Ким дейсан?! Ким?... Монстров?... Ҳой, уни тездан қочир, тез! Ҳозир Семёновнинг ўзи кетди. Эҳ, бадбахт! *(Трубкини қўяди, шошилиб чиқиб кетади.)*

Нурмат блан Баҳодир киради.

Нурмат. Қаёққа кетди?

Баҳодир. Билмадим.

Нурмат. Хафа бўлма, ука. Марковнинг ўзи шунақанги сассиқ сўз одам.

Баҳодир. Сўзлари юрак-юрагимдан тешиб ўтди.

Йўлакда Содиқ кўринади.

Содиқ *(секин)*. Баҳодир, Нурмат ака!

Баҳодир. Ким? Хўш Содиқ ака?... Гапиринг!

Нурмат. Аввал ўпкангни босиб ол! Энди гапир!

Содиқ. Сизларга хат кетирдим.

Баҳодир. Хат? Кимдан?

Содиқ. Ўқиб биласиз. (*Хатни беради, Баҳодир хатни тез очади, ўқийди.*)

Баҳодир. „Василий Григорьевич Марков хоин... Бу душман...“

Нурмат. Шу ўзимизнинг Василий Григорьевичми? Ўқи, ҳечким йўқ...

Баҳодир (*хатнинг давомини ўқийди*). Худди соат ўн иккида унинг олдида Аҳмадпонсод одамларидан бири... (*ичида ўқиди*)... Ҳа, ичидан пишган тулки ўлгур!

Нурмат. Бу қандай гап бўлди? Нималарни эшитаяпман-а?

Баҳодир. Энди бу хумпарди бешикда ичган она сутини бўғзидан келтирамиз, Содиқ ака!

Содиқ. Секин-секинроқ, ука!

Баҳодир. Э, сиз билмайсиз, Содиқ ака, бу менинг бошимга не-не кунларни солмади, мени тюрмасида калтакка ётқизавериб етти кун нон емас қилиб қўйган! (*Телефонни бурайди, трубкини олади.*) Шаҳар, Угоркомни беринг. Ҳа, Арслон ака, Семёнов штабидан шундай... аҳвол оғир... ҳа... ҳой тездан Чинободга отряд блан етиб келинг! Иш чиқиб қолди, албатта... (*Яна телефонни бурайди.*) Шаҳар, чека... ўртоқ Иванов, ўртоқ Иванов...

Нурмат. Марков! (*Баҳодир трубкини қўяди.*)

Марков елкасига хуржун солган бир киши блан кириб келади.

Марков. Ўзингиз қайси қишлоқдансиз?!

Ўнбоши. Қорақўлвойнинг дўнгиданман.

Марков. Нурмат, дарвозага чиқинг. Ҳечкимни ёнимга қўйманг! Қизилларга шу хилда ёрдам берсангиз, босмачиларни тез кунда тугатиб юборамиз. Мени ҳоли қўйинглар...

Баҳодир. Хўп, ҳоли қўйганимиз бўлсин, ўртоқ Марков! (*Баҳодир, Нурматлар чиқадилар*).

Марков. Гапиринг!

Ўнбоши. Мана хат, тез жавобини беринг! (*Йўлакда Баҳодир кўринади.*)

Марков (*хатни ўқийди*). Манак қишлоғига сой бўйи блан бир юз элликка яқин отряд чиқаринг, сўқмоқ йўлга пистирма қўйдик, пул юбордим. Маузер, наганларга ўқ керак. Султонбек.

Ўнбоши. Патронларни ўша таниш одамдан олдим.

Марков. Яхши! Етмаса яна юборамиз. Отряд чиқади, сен тездан кет. Шошма, иккита ярамас хавфли одам бор, шуларни гум қилиш керак (*эшикка бориб*) Нурмат. (*Нурмат киради.*) Баҳодирни чақиринг!

Нурмат. Хўп бўлади! (*Чиқиб Баҳодир блан қайтиб киради.*)

Марков. Баҳодир, Манакни босмачилар босипти. Семёновни кутиб турсак, кечикамиз. Сен тездан Манакка бор!

Баҳодир. Есть, мулла ака, Манакдан келдингизми?...

Ўнбоши. Бу босмачилар бизни хонавайрон қилишди.

Баҳодир. Босмачиларни, албатта, растарарам қиламиз. Шундайми, ўртоқ Марков?

Марков. Растарарам қиласан! Бор жўна!

Нурмат (*йўлакда*). Омборни тўғрилаб қўйдим.

Баҳодир. Жуда соз!

Ўнбоши. Бўмаса менга жавоб, хайр, ўртоқ командир. Иш қилиб, эзилган деҳқонларга ёрдам беринг, босмачи балосидан бизни қутқазинг!

Марков. Албатта, ёрдам берамиз! (*Шивирлаб.*) Кўп чўзилма, жўна, эҳтиёт бўл, хайр!

Ўнбоши чиқаётган эди, уни йўлакда Нурмат блан Баҳодир тўсатдан бўғиб олдилар.
Марков телефон блан овора

Баҳодир. Кўтар қўлингни! Финг дединг, тумшугингдан қўяман!

Нурмат. Қани юр! (*Олиб кетишади.*)

Марков. Митрофанов қани? Йўқ дейсанми? Тез топ, тез!

Нурмат (*кириб*). Оғзига дўппи яхши тиқилдими?

Баҳодир. Бўғзигача обориб қўйдим, хумпарди.

Марков. Митрофанов?! Босмачилар Манакка налёт қилса-ю, сен санқиб юрсанг-а? Аркадий Иванович йўқ. Ҳа, тездан отряд олиб бор. Баҳодир ҳам кетди. Нима дейсан, сой бўйи блан бормайман. Сенга буюраман. Сой бўйи блан борасан, у томон хавфли. (*Трубкини қўяди.*) Мана иш ҳам роса чўққисига минди. (*Бошқа телефонга боради.*) Ҳа, Петька, молодец, бошлабсан. Ўн минг сўм мукофот.

Семёнов (*кириб*). Эҳ, аттанг...

Марков. Хўш, Аркадий Иванович?

Семёнов. Оқгвардия қўмондони Монстров Арпачига келган экан...

Марков. Тутилдими?

Семёнов. Қочириб юборишган.

Марков. Эҳ, аблаҳлар!

Семёнов. Ишларингиз нечук?

Марков. Манакка босмачилар налёт қилган экан.

Митрофановни жўнатдим.

Узоқдан от туёқ товушлари эшитилади. Арслон уч-тўртта жангчилар блан кириб келади.

Арслон, Салом, ўртоқлар! (*Кўришадилар.*)

Семёнов. Ўртоқ Арслон отряд блан келибсиз?

Арслон. Парткомитетда коммунистлар блан мажлис ўтказаетган эдим, мажлисни тўхтатиб олтишта отряд блан келдим. Семёнов штабидан деб чақирди. Ҳозир ўртоқ Иванов ҳам етиб келади.

Семёнов. Сиз чақирдингизми?

Марков. Ўлимдан хабарим бор, бу гаплардан хабарим йўқ.

Арслон. Ким эканлигини суриштиришга улгурмадим. Штабга тез келинг деди. (*Нурматнинг овози.*)

Нурмат. Ўртоқлар! Ўртоқлар! Отряд ҳалок бўлади. Ўртоқ Семёнов!

Семёнов. Тоға! Хўш!

Нурмат. Мен етолмай қолдим. Митрофанов отрядини йўлдан қайтаринг! Манакка борса йўлда пистирмага учрайди, отряд тутдек тўкилади.

Арслон (*бир йигитга*). Изидан чопинг! Қайтаринг?!

Семёнов. Марков!

Баҳодир (*ўқдай отилиб киради*). Бу бўмайди!

Семёнов. Баҳодир?

Баҳодир (*битта-битта қадам ташлаб Марков ёнига боради*). Хоин!

Марков. Хо-хо-хо!...

Семёнов. А?! Хоин?! Ким?! Марковми?!

Марков. Босмачи, туш кўраяпсанми?!

Баҳодир (*югуриб чиқиб, ўнбошини гирибонидан сиқиб олиб киради*). Ўртоқ Семёнов, Арслон ака қани айтинг, бу ким?

Семёнов. Танимайман.

Арслон. Ким бу?

Баҳодир. Буми? Бу мана! *(Юзини шарт очади, қуролли босмачини кўрадилар).*

Митрофанов *(шошиб кириб келади).* Ўртоқ командир.

Семёнов. Ҳа... қайтдингми? Пистирмага йўлиқар эдинг. *(Марковни кўрсатиб.)* Хонин!...

Митрофанов. Тфу! Аблаҳ!

Арслон. Ла'нат сенга!

Баҳодир. Пича беодоблик қилдик, кўнгилларига олмайдилар-да, энди жанобларини растарарам қиламиз-да, майлими? *(Собиржон киради.)*

Собиржон. Салом, ўртоқлар!

Семёнов. Собиржон. Кел, раҳмат!

Арслон. Собиржон, омонмисан?! *(Кўришадилар.)*

Собиржон *(Марковга).* Хатни бер!

Марков. Хат йўқ!

Собиржон. Бердейман! *(Наганни рўпара қилади. Марков хатни беради, Собиржон Семёновга узатади.)* Тездан бунини бирёглик қилинглар, зарур гап бор.

Семёнов. Ўртоқлар, буерда ҳарбий-полевой судининг уч а'зоси бор. Бу ҳақда қисқача ҳукм чиқариш керак.

Арслон. Қисқача ҳукм—ўлим.

Митрофанов. Ўлим!

Семёнов. Олиб чиқинглар. Адир тегига олиб бординглари!

Баҳодир. Ўртоқ Семёнов, мана бунини мен ўзим растарарам қиламан. Қани тур, хумпар!

Митрофанов, Нурмат, Баҳодир ва бошқалар ўнбоши блан Марковни олиб чиқадилар.

Арслон. Собиржон, нима гап? Дилбар...

Собиржон. Дилбар саломат. Сизга салом айтди, лекин унинг жонини хавф остида.

Арслон. Хавф остида?..

Собиржон. Мадамин кунини кеча қўлга тушган бир тўда коммунист ҳам қизил аскарларни осиб ўлдирмоқчи.

Семёнов. Осиб ўлдирмоқчи?!

Собиржон. Шулар орасида Деҳқон акам блан Дилбархон ҳам бор. Деҳқон акам Аравондаги урушда қаттиқ ярадор бўлиб қўлга тушган.

Семёнов. Генерал Монстров блан Мадаминни тўрт томондан ўраб йўқ қилиш ҳам ёру дўстларни қутқазниш учун энг қулай пайт келди. Аммо (*харитага қараб*) бу анча оғир операция. Мадамин уларни эртага бартараф қилмоқчи. Буларнинг ҳаёти қил устида! Қутқариш керак!

Собиржон. Уерда ўнбешта йигитим бор. Баҳодир, Нурмат тогага ўхшаганлардан яна ўнта азаматни юборасиз... Буёғини қойил қиламиз...

Семёнов. Хўп юбораман. Сен тез жўна! (*Милтиқ товуши.*)

Арслон. Собиржон гап шу.

Собиржон. Шундай Арслон ака, сиз ташвиш қилманг, айтганча кечаги материаллар қўлингизга тегдими?

Арслон. Ўша заҳоти қўлимга тегди.

Собиржон (*Семёновга*). Ҳар тўрт томонга бақувват йигитлар қўйилган.

Семёнов. Яхши!

Собиржон. Хайр. Сигнал кутаман!

Семёнов. Сигнал кўк ракета блан берилади.

Собиржон. Хайр!

Баҳодир. Хайр, кутинг, борамиз!

Собиржон. Кутаман. Дўндираммиз. (*Собиржон чиқади.*)

Семёнов (*Арслон ва бошқаларга.*). Қани ўртоқ комиссар. Яна бир марта операция планини кўриб чиқайлик. (*Харитага қарайдилар.*) Мана бу сой... Бу тўқайзор... Мана бу Наманган йўли...

Парда

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Босмачилар қароргоҳи: катта ҳовли. Нақшинкор, данғиллама иморат. Мадамин, Рейли, Хонраззоқов, Имомдомла. Мирхолиқбой, Аҳмадпонсод ва бир тўда қўрбошилар катта дастурхон теваарагида атлас тўшаклар устида парболишларга ястланган ҳолда ҳаёл суриб ўтиришади. Чолғучилар оғир бир мақомни чаладилар. Машқ тугайди.

Овозлар. Раҳмат, кам бўлманглар!

Мадамин. Шундай қилиб, имомдомла, вайрон бўлган дилларни тикка қиладиган ҳам чолғу десангиз-чи...

Имомдомла. Худованди карим, ҳар доим масруриятни, вақтчоқликни ато қилсин, бегим! Мусиқа кашф этилмоғининг замири ҳам азбаройи маҳзун ва мағмум дилларни шод қилиш учундир. Шундай эмасми, бой афанди?

Мирхолиқбой. Ҳо тақсир, топиб гапирдингиз. Қани, жаноби бек, дастурхонга қарасинлар, ановлардан олиб турилсин. Қани тўрам, олинг ҳалол овқат!

Рейли. Раҳмат, бой!

Аҳмадпонсод. Домла билиб гапирдилар. Машшоқлар ҳам ўлмасин. Ҳа, юракларни ҳам бундай бўшатиб олмасак, сра иложи йўқ.

Рейли. Ҳей, умидлар ер блан яксон бўлди.

Хонраззоқов. Кўп оғир зарба едик...

Мадамин. Понсод, Соли махсумга буюринг, атрофга жужурни кўпайтириброқ қўйсин.

Аҳмадпонсод. Хўп бўпти, бегим.

Мадамин. Менга қаранг, мана бу дар'е бўйига, тўқай ичига, Намаанган йўлига сергак болалардан қўйинглар. Терипуруш бойнинг уйига тушганларга қаттиқроқ тайинланг. Энасининг уйидак баҳузур ётишавермасин. Ҳа, ҳозир жужурбошиларга ҳам ишониб бўлмай қолди.

Аҳмадпонсод. Хўп бегим. Айтганларингиздан зиёда бўлади. Каримтўра...

Собиржон. Лаббай, хўжайин!

Аҳмадпонсод. Бегнинг буйруғини эшитдингизми, қани тез боринг. Бег акамнинг айтганларини жойига қўйинг. Қўшхоналарга кириб ўзингиз хабар олинг. Бепарво бўлганларнинг адабини бериб қўйинг!

Собиржон. Хўп, хўжайин! Мен ўзим ҳаммасини саранжом қиламан. Дар'ё бўйи, тўқай ичи, Наманган йўлидаги жужурбошилардан кўнгилни тўқ тутинг. Уерга сергак болалардан қўйилган.

Аҳмадпонсод. Боринг!

Собиржон чиқиб кетади.

Мирхолиқбой. Қани яхшилар, дастурхонга қаранглар!

Мадамин. Кундан-кунга олам кўзимга қолқаро бўлиб кўринаяпти.

Имомдомла. Жаноби бек, ассабру муфтохил фарах деганлар, худо хоҳласа, биздай дуогўйларнинг нафаси муборақлари оллоҳу таоло қошида мақбул бўлиб, рўшнолик замонлари келади.

Мирхолиқбой. Иншоолло, иншоолло.

Мадамин. Эҳ, дуолар. Ҳозирги дуоларга ҳам ақлим етмай қолди. Шу халқми, менга ана шу халқ, ана шу юрт душман! Бу юртда бирининг боласини отдим, яна бирининг отасини дорга тортдим, уйларини ёндирдим! Яна кесаман, яна янчаман! Шундай қилмасам юрагимдаги ғазаб босилмайди. Ана юртнинг биттаси кечаги қўлга тушганларми?! Отхонада ётишипти. Буларнинг ҳаммаси менинг жонимга қасд қилишган!

Хонраззоқов. Бек, биз бу мушкулотдан йўл топиб чиқиб кетамиз.

Имомдомла. Иншоолло, таваккални ўзига қилиб, жиҳод майдонида жавлон уринг, бегим!

Аҳмадпонсод. Жуда яхши айтадилар. Лекин йигитлар учун озиқ-овқат, кийим-бош даркор. Уруш учун ўқ-дори лозим.

Мадамин. Ҳозиргача бу нарсаларни юрт кўтариб келарди. Биз юртдан зўрлаб олардик. Энди ана шу юрт биздан қўрқмайдиган бўлиб қолди. Жарима ундиргани борган йигитларимизни болшавойларга ту-

тиб бераяпти. Сиз домла, дуодан бошқасини билмай-сиз, амри ма'руф қилмайсиз.

Мирхолиқбой. Бек, бир жон эмас, минг жон бўлса ҳам, сизлар учун фидо, мана энди худо хоҳласа, имомдомла, элликбоши ҳам юртнинг беш-ўнта э'тиборли кишилари блан маслаҳатлашиб, юртдан ҳамма солиқларни йиғиб оламиз. Шундайми, Ҳақсир?

Имомдомла. Албатта, албатта...

Мадамин. Бой, домла, гапни чўзманг, вақтни ғанимат билинг, боринг, юрт блан гаплашинг, жарималарни тўпланг, уларни йўлга солинг!

Имомдомла. Бажонидил. Қани бой афанди.

Мирхолиқбой. Қани-қани, чиқайлик. *(Чиқиб кетадилар.)*

Рейли. Бек! Ўқ-дори йўқ, ақча йўқ, деб нолийсиз. Буюк Британия давлатининг сизга кўрсатган ёрдамичи?.. Унутдингизми? Ҳиндистондаги вицекоролнинг фармони блан Маллисон ҳам Эссертон жаноблари юборган қурооллар қани?.. Қолаверса, ўз қўлим блан топширган олтинларни қаерга сарф қилдингиз? Қани бизга ва'да қилинган пахталар, қорақўллар, терилар, шаҳарлар?!

Мадамин. Ҳарқанча та'на қилсангиз, ҳақлисиз Рейли жаноблари... Мен шаҳарни уч томондан қамал қилдим. Скобелевга катта куч ташладик. Кучков қўмондонлигида олти юз аскарни Андижоннинг ғарби-шимолий томонидан, Давгов қўмондасида биринчи полкни шарқи-жанубий томондан, штабротмейстер Вахоний қўмондосида икки юз аскарни шаҳарнинг шарқи-шимолий томонидан юбордик. Алексеев заводини штаб белгиладик. Соли махсум, Парпи, Маҳкам ҳожи, Холхўжа, Утампонсоларни сойга ташладим. Бутун ҳарбий кучга командани генерал Монстров берди. Лекин бўлмади. Бу Семёнов, Арслонлар ҳаммадан ҳам Казанский полк йигирма учинчи сентябрьда кўзларимизда ўт чақнатди, йигирма учинчи сентябрь, бу қора кун, асло эсимдан чиқмайди...

Хонраззоқов. Шаҳар ичидаги ишонган кучларимиз ҳам дарҳақиқат ёрдам бераолмади. Султонбек, Турғун отряди ҳам, эҳ...

Рейли. Бас! Ўйловуриб бошлар ҳам оғриб кетди. Асосий гапга келайлик. Хўш, бундан кейин нима қиламиз? Ишни бас қиламизми? Ёки яна уриниб

кўрамизми? Хўш? „Иттиҳод“ нима дейди? Қандай тадбирлар кўрмоқчисиз. Ана шуни гапиринг, Хонраззоқов афанди!

Хонраззоқов. Рейли жаноблари тўғри айтдилар. Биз энди дарҳол бошштаб ҳузуридаги ҳарбий кенгаш қарорларини амалга оширишимиз лозим. Жаноби Рейли, бош қўмондон Мадаминбек томонидан мурожаатнома ёзилган, мана булар бизга дўст мамлакатларга, жумладан Америка, Англия, Германия, Япония, Афғонистон давлатларига ва Бухоро амирига ёзилган мактублар. Шуларнинг ҳаммасини ўқиб чиқиб пухта гаплашиб олишимиз керак.

Мадамин. Мистер Рейли, бизга ўзингиз йўл-йўриқ кўрсатинг.

Хонраззоқов. Тўғри, биз яна сиздан мадад сўраймиз, маслаҳат сўраймиз.

Рейли. Ахир Англия давлати қачонгача сизга мадад беради? Йўл-йўриқлар кўрсатади? Биз сиздан қурол-олтинларни аямадик. Аммо сиздан кутган умидларимиз сув юзидаги кўпикдай пучга чиқаяпти. Қурол-олтинларни оласиз. Лекин бир иш чиқаролмайсиз. Ҳа-миша большевиклардан калтак еганингиз еган. Буюк Британия давлатини ташвишга солган нарса большевизм. Бугунги Туркистондаги большевизм эртага Ҳиндистонга тарқалиши мумкин. Англия давлатини ташвишга солган нарса ҳам ана шунинг ўзи. Аммо сиз буни тушунмайсиз. Мистер Рейлидай бир инглиз полковнигининг қуёшнинг ғзабида қолган бу тоғу саҳроларда юришининг асли сабабини билмайсиз!

Хонраззоқов. Ҳамма гап шунда мистер Рейли. Сизнинг ҳукуматингиз Туркистондаги пахта, нефть, қорақўл ва барча бойликлар ҳисобидан узоқ муддатга қарз бериб келди. Биз бу мурувватингизни унутмаймиз. Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидаши керак, деган мақол бор.

Рейли. Хўш! Биз яна чидаймиз! Сизга яна мадад кўрсатишга тайёرمىз. Хўш, сиз нима дейсиз, бек?!

Мадамин. Қурол ва олтиндан ёрдам берсангиз, биз яна курашамиз.

Рейли. Бўлмаса тездан генерал Монстров блан учрашмак лозим. Биз вақтли Туркистон ҳукуматили тузамиз. Бунинг учун генерал Монстров блан ўзаро

шартнома тузиб, бирлашишингиз, яна барча кўрбоши-ларнинг бошини бир жойга жамлашингиз керак.

Хонраззоқов. Барча кучларни бек блан генерал Монстров қўл остига тўплаш учун шу ҳафта ичи Қуршопда йигин ўтказамиз.

Рейли. Жуда тўғри. Ана шу йигинга Қашқардан Эссертон жаноблари қошидан вакиллар ҳам келади. Бутун кураш режаларини ана шу йигинда муҳокама қилиб, ҳал қиламиз, Туркистонда большевизмга қарши қат'ий курашни бошлаб юборамиз.

Мадамин. Жуда яхши маслаҳат. Мен бунга розиман.

Султонбек (*шошилиб киради*). Салом азизлар!

Мадамин. Хўш, Султонбек, нима гап?..

Султонбек. Нима гап бўлар эди. „Иттиҳод“ хавф остида. Мана энди кўп кишиларимиз худди кунжара ейман деб човага тушган балиқдай, таппа-таппа-Ивановнинг тузоғига тушабошлади. Кеча яна Карим Мухтор, Эшонхўжа махсум, Дадажон Алиевларни қамашди. Марковнинг сири фош бўлди, уни отиб ташлашган.

Мадамин. Уҳ, яна ишимиз расво...

Рейли. Бек, умидсизланманг. Сизга хушхабар айтай.

Мадаман. Қани, қани мистер Рейли. Бундай ширин гаплардан бўлсин. Зардобга тўлган юраклар ёзилсин.

Рейли (*чўнтагидан хат олиб, кўрсатиб*). Адмирал Колчак ҳузуридан Қашқарга ҳарбий миссия келган. Бу миссия Успенский жанобларига Колчакнинг махфий мактубини келтириб топширган. Мана шу мактубда сиз блан учрашиб, сизнинг ишингизга ривож беришни Успенский жанобларидан илтимос қилган. Ноумид бўлманг. Маҳкам бўлинг. Ҳарқанча қурол ва олтин десангиз Англия давлати тайёр.

Мадамин. Қани палаткага кирайлик. Ҳарбий кенгашиш ўтказайлик. Вақт зиқ, шароитимиз танг. (*Кириб кетадилар.*)

Қўрбоши. Дил назаргоҳи ҳақ. Мен ҳам бора-бора Соҳи жаллод бўлиб кетмасам дейман

Аҳмадпониод. Нима учун, тоға?

Қўрбоши. Соҳи жаллодни қаранг. Важоҳатини тамошо қилинг. Шунинг кўрсам, менинг ҳам а'зойи бада-нимга титроқ туради.

Аҳмадпонсод. Ҳа, бу кечадан бери қон татигани йўқ. Қовоғини қаранглар, икки қарич осилтириб опти.

Қўрбоши. Хўжайин дейман, мўлжаллаганлардан йўқми?

Аҳмадпонсод. Нега бўлмасин, ётипти-ку.

Қўрбоши. Ҳа-я, хўжайин дейман, тоқайгача олиб юрамиз. Пухта гап шуки, Соқига беринг. Бечора калтироғидан қутулсин.

Мадамин, Рейли ва бошқалар палаткадан чиқиб келадилар.

Мадамин. Понсод, бандиларни олиб чиқинг.

Аҳмадпонсод. Хўп, бегим!

Босмачилар Дилбар блан Деҳқонни олиб чиқадиладар.

Рейли. Арслонми?

Мадамин. Йўқ! Бу кенжа Арслон! Баттарин деҳқон шу! Мен бунинг бир қошиқ қонига ташна эдим — ташна! Бу Розиквойдай азамат қўрбошимни сўйди. Раҳмонпонсодни отиб ташлади. Бутун қишлоқларни менга қарши оёққа кўтарди. Жонимга қасд қилди, бахтим ёр бўлиб, мана энди қўлимга тушди. Хўш, қалайсан?!

Деҳқонбой. Боягидай тетикман. Каллангни шартта олишга тайёрман.

Мадамин. Ха-ха-ха! Мунча титрайсан? Узр сўра, гуноҳингдан кечаман...

Деҳқонбой. Ўламан, аммо сен қутурган итларга ялинмайман! Тиз чўкмайман!

Мадамин. Жим! Мен сенинг ўша қора юрагингни шу панжаларим блан суғуриб оламан!

Деҳқонбой. Эсиз, сен газандани янчиб хордиқдан чиқолмадим. Лекин шуни бир билки, Қизил Армия блан халқ бошингни узиб ташлайди.

Мадамин (*жинниланиб*). А-б-ла-ҳ!!! А?!

Деҳқонбой. Ҳа!! Шундай!

Мадамин. Олиб чиқ, дорга торт!

Босмачилар Деҳқонга ёпишадилар, олиб чиқадиладар.

Дилбар. Деҳқонбой ака!

Деҳқонбой (*қайрилиб Дилбарга*). Хайр синглим, йўлингдан қайтма, бош эгма, бу қонхурларга! Дўстларимга саломимни еткур!

Мадамин. Қанн домла сўраб кўринг!

Имом (*Дилбарга яқин бориб*). Жаноб кибриё, амирал муслимин маснадига лойиқ бўлган бекларимизни омон қилгай. Жиход майдонида жавлон урган, шариати ғарройи набавиянинг йўлида жон бериб турган бекларга итоат этмоқ, ёрдам бермак ҳарбир бандай мўмин учун фарзияиндир, қизим! Сен бир мўмин-му-сулмон фарзандисан, ваилло сенинг шавҳаринг бедин большевикдир. Ундай аҳкоми шар'ияга чанг солган тўртинчи бирлан умургузаронлик қилмоқ гуноҳдир. Ваилло шу хил осийларни рост йўлга бошламоқ ҳам улуғ савоб ишдир. Агар сен шундай бир вазифани адо айласанг тангла маҳшаргоҳда тангри таоло олдида юзинг ёриқ бўлгай. Акс ҳолда илон-чиёнларга ем бўлиб, мо-лики дўзах оташларига грифтор бўлгайсан. Кел, қайтарма, сўзимни қулоққа ол, рози бўл. Қизим!

Дилбар. Имомдомла мендан нимани сўрайди?

Имомдомла. Боракалло қизим. Мана шу бир парча қоғозни ўқи, саводинг бор, қўлингни қўй.

Дилбар (*хатни ўқийди*). „Азизим Арслонга дуойи саломдан сўнг сўз шулки, мен рост йўлни топ-дим. Сизни ҳам шу йўлга да'ват қиламан. Осойишта ва бахтиёр умр кечирмоғимиз учун бирдан-бир чора шуки, сиз ўз йигитларингиз блан тез фурсатда шаҳардан чиқиб лашкарбоши Мадаминбек хизматига келгай-сиз. Менга раҳм қилинг. Менинг жонимни хавф-хатардан... (*Ичида ўқийди*). Яна шундай уқ — дори... милтиқлар...“ (*Ўқийди, хатни фикимлаганча Султон-бекнинг рўпарасига боради, хатни бор куч блан унинг юзига атади.*) Аблаҳ!!

Мадамин. Эй, манжалақи! Кўнасанми, йўқми?!

Дилбар. Газанда!

Мадамин. Қўлимдасан, жодуда қирқтираман! Тир-ноқларингга ғаров соламан!

Дилбар. Қўлингдан келганини қил, босмачи! Ўла-ман, аммо, бошимни сенга эгмайман!

Мадамин. Жим, қараб қўй, кўнмасанг сени ҳам шу кепатага соламан! (*Чироқ ўчади. Дорга тор-тилган Деҳқонбойнинг жасади кўринади. Чироғ ёна-ди. Дилбар даҳшат ичида бақиради.*)

Дилбар. Сен зулматсан, вабосан! Ўлимсан! Шум ниятларингга етолмайсанлар! Шу озод мамлакатимда бош кўтарган қуёшни ифлос этакларинг блан тўсолмайсанлар! Босмачилар!

Султонбек. Бас! Тамом қилиш керак, беобрў бўлди!

Рейли. Бек, чўзманг, тугатинг!

Мадамин. Домла, ёзинг! Болшовой бўлганнинг куни шу. Олиб чиқинг, ёнига тирканг, Понсод! *(Дилбарни сочидан судраб чиқадилар.)*

Дилбар. Ўлим босмачиларга!!

Мадамин. Тайёрни?

Понсод. Тайёр.

Мадамин. Торт!

Чироқ ўчади, туюл орқасида қўрбоши арқонни тортмоқчи эди, кўк сигнал берилади. Собиржон қўрбошига ташланади. Шу вақтда узоқдан ура товушлари эшитилади. Бир босмачи ҳовлиққанча югуриб киради.

Қўрбоши. Хўжайин, хўжайин, большевиклар босиб қолди.

Мадамин. А?! Нима дейсан?!

Аҳмадпонсод. Бегим! Бегим! Бўлмай қолди. Босиб келаяпти!

Мадамин. Тўқайга кириш керак! Тўқайга чекининглар!

Хонраззоқов. Бегим! Тўқайзордан ҳам ура товушлари келаяпти!

Рейли. Бу қандай гап? Бек! Қўрқманг, буйруқ беринг!!

Мадамин. Бутун йўлларимиз кесилган. Қамолда қолдик. Ҳаммасига сен сабаб! Қаерда эдинг Понсод?! Мен нима деган эдим?! Аблаҳ, қўрбоши эмассан, итсан, ит, чиқ от, қўйма!! *(Булар отишиб чиқади, узоқдан пулемёт овози ва ура эшитилади.)*

Аҳмадпонсод. Каримтўра от! Қўйма!

Собиржон *(орқадан келиб)*. Мана сенга отин, газанда! *(Пичоқ урди.)*

Аҳмадпонсод. Ах! *(Қарайди.)* Каримтўра, сенми? Вой... *(Тўппончани тўғрилайди.)*

Собиржон. Йўқ, адашдинг, мен Собиржон бўламан! *(Кўкрагидан отади, Аҳмадпонсод йиқилади.)* Ўртоқ Семёнов, ўртоқ Семёнов!

Семёнов (*жангчилар блан киради*). Собир, Собиржон! Мадаминни тут, Мадаминни тут!! Мадамин қочмасин! Қани у?

Собиржон. Буёққа кетди, юринг! (*Олдига тушиб ўнг томонга чопади, орқасидан Семёнов югуради.*)

Семёнов. Уни тирик ушлаш керак. Тирик, тирик! (*Чиқадилар*).

Султонбек (*биқиниб турган жойдан чиқиб, Семёновга тўппонча тўғрилайди*). Ҳа, тирик ушлайсан-а. (*Отмоқчи эди, шу пайтда ўқдай отилиб Арслон киради, Султонбекка ташланади.*)

Арслон. Шошма. Илонбачча!! (*Мушти блан уради, Султоннинг қўлидан тўппонча учиб тушади, ўзи йиқилади.*) Баҳодир, ушла бунин!! (*Югурганча чиқиб кетади.*)

Баҳодир. Қани тур ўрнингдан, муттаҳам! (*Султонбекни бир четга ўтқазади, тўшак тагига яшириниб олган домлани бўғиб, ўртага олиб келади.*) Буёққа юр! Диннинг қулфини очадиған ўша растара-рам! (*Йомдомлани ҳам қаторга тортади.*)

Дилбар (*қўлида қурол Нурмат блан бирга қўрбошини тутиб кирадилар, иккинчи томондан Семёнов кўрилади*). Ўртоқ Семёнов.

Семёнов. Дилбар! Синглим. Мана озод бўлдинг!!

Арслон Хонраззоқовни тутиб киради, ўртага итариб ташлайди.

Арслон. Буёққа юр сотқин! Э, Хонраззоқов афанди! (*Дилбар Арслонни кўради. Қулочини кенг очиб, ҳаяжон ичида югуради.*)

Дилбар. Арслон!!

Арслон. Дилбар!! (*Бир-бирига югурадилар, кўришадилар.*)

Иванов. Қани юринг! (*Рейлини тутиб киради, қаторга тиркайди.*) Кўп уриндингиз, жаноби Рейли! Лекин бутун ҳаракатингиз пучга чиқди. Сиз жаноблар шуни бир билиб олингки, советлар Туркистони сизга Ҳиндистон эмас!!

Семёнов. Рейли, шу ерда экансиз?

Арслон. Ўғриларнинг саркардаси!

Семёнов. Ўртоқлар! Босмачилик вабосини юртимизга тарқатган, халқимизни талаган, уйимизни ёндирган, ўғрибошин мана шу!!! Қаҳрамон қизил аскарлар! Босмачиларни батамом битириш учун, озод Ватанимиз-

ни (*Рейлини кўрсатиб*) Америка, Англиядан келган
мана бундай офатлардан сақлаш учун яна олға!

Ҳамма. Олға!

Семёнов (*адъютантига*). Ёзинг!

Адъютант. Эшитаман, ўртоқ қўмондон. (*Қалам
ва қоғоз олади.*)

Семёнов. Телеграмма.

Тошкент, Фрунзе ҳам Куйбишев ўртоқларга.

Рапорт.

П а р д а

1929



НУРХОН



ҚАТНАШУЧИЛАР:

Н у р х о н — таладли артистка.
Ҳ о ж и — Нурхоннинг отаси.
Ҳ а й д а р — боғбон йигит.
Қ у м р и — Ҳайдарнинг синглиси.
З е б и — Ҳайдарнинг анаси.
К и м ' ё — Нурхоннинг онаси.
М а м а т — акаси.
Х а л ч а — аммаси.
Н о з и к — Халчанинг қизи.
Н о р қ ў з и — машшоқ.
В а с и л и й И в а н о в и ч — музика ўқитучиси.
Қ о д и р о в — Сан'ат бошқармаси ходимларидан.
М у л л а к а м о л } — ёт унсурлар.
С а р к о р }
Ҳ у з у р х ў ж а — Ҳожининг қороли.
Ш а к а р, Қ у н д у з — Нурхоннинг дугоналари.

БИРИНЧИ ПАРДА

Ҳожининг шинам боғи. Кетган узумзор. Чаман-чаман гуллар очилган. Ўнгда қўрғончанинг ташқариси. Чапда ҳовуз лабида супа, супа теварагида райҳон, жамбиллар барқ уриб очилиб ётипти. Ҳ а й д а р гул тераркан, завқ-шавқ блан қўшиқ айтади. Унинг севинчи ичига сиғмайди.

Қ ў ш и қ

Ҳ а й д а р.

Яйрагил кўнгил букун, севгили жононинг келур.
Дилбаринг, бахтинг, чироғинг жисмаро жонинг келур
Гулжамол, лафзи ҳалол, икки юзи нақш олмадек
Сўзлари жон роҳати, гулбарги хандонинг келур.

Зухраваш, Лайли нишон, Ширин сифат оромижон
Жоду кўз, қоши камон, жамбилу райхонинг келур,
Тўкилур қанду асал, ёрим лабин очса агар
Кун сочиб бошига зар, ёринг—дилу жонинг келур.

Норқўзи. Ҳайдаржон, ҳо... Ҳайдаржон!!

Ҳайдар. Мана ҳозир! (*Бориб эшикни очади.*)
О... Норқўзи ака, келинг, саломат бормисиз? (*Кўришадилар.*) Тану жонингиз соғми? Марҳамат, заб келибсиз-да!.. (*Кирадилар.*)

Норқўзи. Тану жонинг соғ, ўйнаб-кулиб юрибсанми?

Ҳайдар. Шукур, қани ўтирсинлар. Чой! (*Ўтирадилар.*) Ҳўш, қаердан сўраймиз?

Норқўзи. Самарқандда жўр труппасида ишла-
япман, ука. (*Атрофга синчиклаб қараб.*) Бай-бай,
қандай шинам боғ бўлипти, қўлинг гул экан, ука! Ҳай-
ҳай-ҳай... Ҳа, янги гап, ҳадемай бу боғ ўзингники бў-
лади, ҳа...

Ҳайдар. Йўғе...

Норқўзи. Йўғасамчи, мен бу гапларни ҳамқишлоғимиз Қодиров бор-ку, ана ўшандан эшитдим.

Ҳайдар. Қодиров ҳам Самарқанддами?

Норқўзи. Ҳа, Самарқандда, сенга Қодировдан хат бор, уйда чамадонда қолипти, келтириб бераман. *(Ҳайдар дастурхон ёзади.)*

Ҳайдар. Қишлоғимизда беш олти кун бўларсиз, отамлашамиз.

Норқўзи. Эй, ука, мен узоқ туролмайман, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, сенга ўхшаган овози бор, қадди-қомати келишган йигитларни, ундан кейин, ўйинчи, қўшиқчи қизларни театр мактабига олиб кетиш учун келганман.

Ҳайдар чой келтиради.

Гап шу, бу сафар мен блан Самарқандга кетасан ука, ҳам ишлайсан, ҳам ўқийсан...

Ҳайдар *(кулиб)*. Хўп, хўп. Норқўзи ака, сиз жиндак ёнбошланг, мен, шудринг еган хусайнилардан узиб чиқай. *(Ўнг томонга чиқиб кетади.)*

Ҳузурхўжа *(ташқаридан)*. Ҳайдаржон, ҳо Ҳайдаржон!! Узумни қўй, олақўйни сўй, суюнчини ўзат, шоҳ супани тузат! *(Киради, Норқўзини кўриб.)* Эй асалоуму алайкум, Норқўзи ака...

Ҳайдар. Хўш, хўш, ўзи нима гап?

Ҳузурхўжа. Гулдай очилиб, бодомдай сочилиб, ойдай тўлиб, чикка бел бўлиб, дуторни чалиб, кокилни солиб, аравага тушиб, каптардай учиб, боғ сайрига хўжайинингизнинг қизи Нурхонпошша келаяптилар.

Кулги. Ҳайдар чиқиб кетади.

Норқўзи. Оббо... Ҳузурхўжами... Гапга ҳам чопон кийдираверасиз-да.

Ҳузурхўжа. Ўйнаб-кулсанг йигитдай, сиқилмайсан чигитдай.

Норқўзи блан қучоқланиб кўришадилар.

Норқўзи. Ҳузурхўжа, Нурхонни жудаям қўшиқчи дейишади, ростми, шу гап ука?

Ҳузурхўжа. Қўшиқчи бўлганда қандай... Бул-бул лолу, қумри шарманда.

Ҳайдар (*кириб*). Нурхонми? Ўзиям шундай оқ-кўнгил, заки таб' (*хўрсинади*) бечора...

Норқўзи. Ўхў, жигарингни қоқ ўртасидан урган дейман, ука? (*Кулги.*)

Ҳайдар. Ўзичи бориб турган отинча-да. Навоийнинг, Муқимийнинг газалларини қўшиққа солиб айтади. Қийиқларга тикади.

Ҳузурхўжа. Ўзим ҳам қўшиқларни Нурхондан ўрганганман де қўй-да.

Ҳайдар. Жуда тарбияли қиз. Отасига эмас, онасига ўхшайди.

Ҳузурхўжа. Эй, отасига ит ўхшасин...

Норқўзи. Ўша Ҳожими? Сиз ёш эдингиз, билмайсиз, унинг қамчисидан қон томар эди.

Ҳузурхўжа. Э, Норқўзи ака!.. Бизам хушпичим, зуваласи улуғ, дили тоза йигитмизу, бу Ҳожи деганингизнинг қўлида ҳалигача сузма қуртдай шимилиб юрибмиз-да.

Норқўзи. Бой, бойнинг дастидан вой деганлар, қарияларимиз. Лекин биз вой демаймиз. Билмас кишига иш йўқ, ишсиз кишига ош йўқ. Ҳожидай муттаҳамлар, Саркордай белбоғи узун муштумзўрлар энди мана шундай боғ-роғларга, серҳосил кўкаламзор ерларга хўжайин бўлолмайди.

Ҳузурхўжа. Оғзингизга шакар-эй, Норқўзи ака!

Норқўзи. Лекин мол аччиғи, жон аччиғи дейдилар. Ер-сув, боғ-роғларини сизга ўхшаган батрак, чоракорларга икки қўллаб тутқизиб қўймайди, булар. Улар ҳўкиз болтадан тоймайди дегандай, булар ҳам осонликча жон беришмайди. Ҳузурхўжа ҳақингни талаш, қараб турма. Ҳа, сизларни мана энди майдонда синаймиз, ўртоқ Қодировнинг айтганлари ҳам шу. Мен бу гапларнинг ҳаммасидан воқиф бўлиб келдим. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом қилмасанг бўлгани, Ҳузурхўжа!

Ҳузурхўжа (*кулиб*). Мендан ҳам илгари Ҳайдаржоннинг қулоғини буранг. Ҳа, бу киши Нурхонга ошиғи беқарор. Ҳожининг фарзанди қобилларидан бўлиб қолмаса деб қўрқаман.

Ҳайдар. Йўқ, менинг мўлжалим бошқа, Нурхон яхши қиз, мен уни шу ноинсоф Ҳожининг зулмидан халос қилмоқчиман. (*Яқин бориб қулоғига шивирлайди.*)

Норқўзи. Балли. Ҳимматинг тоғдай экан, Ҳайдаржон.

Ҳузурхўжа. Ундай бўлса, бор, Нурхонинг блан қўшақари.

Норқўзи. Ҳали овози бор, яхши ғазалхон дедингми? Ўзинг биласан, созанда аҳлининг кўнгли яримта бўлади, ука, бир ўктамлик қиласан. Тамбурич блан гул тагида бекиниб ўтираман. Келинимнинг қўшиғини бир эшитдирасан, ҳа-де ука, ҳақингга бир дуо қиламан, тўшпа-тўғри ёрижонинг блан бебилиска муроди мақсадингга етаверасан-да!

Ҳайдар (*кулиб*). Хўп-хўп, Норқўзи ака, жоним блан.

Норқўзи. Ўлма танти йигит. Ма, тамбурич олиб қўй. Мен ҳовлига ўтиб, қўлимдаги нарсаларни ташлаб, яна келаман. Қани юр.

Ҳузурхўжа ва Норқўзи кетадилар, Ҳайдар уларни кузатади. Қумри киради, узум узади.

Қумрининг қўшиғи

Қумри.

Жим туринг, жон қушларим,

Мен ҳам дуторим соз этай.

Сўнгра сизга жўр бўлай,

Боғда баланд овоз этай...

Товланур шафтоли, олма.

Боғима тушмиш қуёш,

Офтоб нури эмай

Умримни кўклам-ёз этай...

Парчаланмиш тор қафас,

Оппоқ кабутардек учиб

Бахту иқбол кўкида

Доим баланд парвоз этай...

Юзларимда, кўзларимда

Қайғу-ғамдан йўқ асар,

Ўзима янги замонни

Дўст билай, дамсоз этай.

Ҳайдар (*кириб*). Қумрихон!

Қумри. Нима дейсиз, акажон!

Ҳайдар. Шаҳардан ўртоғинг Нурхон меҳмон бўлиб келаётган эмиш.

Қумри. А, ростданми? Акажон, акажон!!

Ҳайдар. Югур, онамга хабар бер!

Ҳайдар саватни олиб узумзор томон кетади.

Қумри. Онажон, онажон! *(Югуриб чиқиб кетаётган эди, Зеби кириб келади.)*

Зеби. Ҳа, қизим, мунча суюнмасанг! Совчи келдими?!

Қумри. Вой анави хотинни... Шунга ҳам шу гапми? Меҳмонлар келаётган эмиш, онажон! Онажон ўртоғим, ўртоғим...

Зеби. Йўғасам, чоп, физилла, Саломат аянгни айтиб чиқ, ош-сувга қарашсин. *(Кетади.)*

Қумри. Бир-икки жойга бориб, дутор ҳам топиб келаман. Ўртоғжонимдан ўргилай.

Физиллаганча чиқиб кетади, узум, шафтоли тўла саватни кўтариб
Ҳайдар киради, саватни супага қўяди.

Қўшиқ

Ҳайдар.

Юракни ўйнатиб қошимга —
Эй нозик адо келдинг.
Жамолингга этиб кўнглимни
Равшан нур-зиё келдинг.
Қачондирким чаманга ой каби
Кирдинг салом айлаб,
Дедилар лола-гуллар бош эгиб,
Минг марҳабо келдинг...
Баҳор чоғи каби кўнглим
Уйини айладинг гулзор,
Менинг ҳолим сўрарга
Кўрсатиб меҳру вафо келдинг.

Паранжили Нурхон киради. Атрофга хавотирланиб қарайди.

Нурхон *(Ҳайдарнинг қаршисига келиб)*.

Ассалом, эсонмисиз, эй хулқи хуш доно йигит.
Хўп ярашмишсиз чаманга гул каби барно йигит...
Ёнди кўнглим найлайин, ишқу муҳаббат ўтидин.
Келмадингиз ҳол сўраб, қошимга бепарво йигит.
Қоматингиз кўзима кўрсатмайин зор этдингиз,
Бўлдингизми ё бўлак жононага шайдо, э йигит...
Қўрқаманким бевафолик этмасангиз деб менга
Сиз йигитларнинг ичида бебаҳо, танҳо йигит.

Ҳайдар. Келинг...

Нурхон. Келдик... Омонмисиз?

Ҳайдар. Ўзингиздан сўрасак... Шунча ҳам ташлаб кетадимки киши деган.

Нурхон. Вой товбае... агар отам пайқаб қолгундай бўлса, наҳ гўшт кетди қилади-я.

Ҳайдар. Мунча қўрқасиз? Ахир келсангиз ўз боғингиз, мен бўлсам сизнинг боғбонингиз... Жамолингизни кўриш шунчалар қийинми?

Нурхон. Йўғасамчи. Осон ишда лаззат йўқ, яхши йигит.

Ҳайдар. Ҳуснингизни қаранг, тўлин ойга ўхшайди.

Нурхон. Сизни қизиқтирган нарса ҳусн эканда, ҳусн тўйда, муҳаббат кунда керак, яхши йигит.

Ҳайдар. Паранжингизни олиб қўяй...

Нурхон. Қўйинг, ўзим... Гап қилишади.

Ҳайдар. Яна кимлар бор?

Нурхон. Ойим, аммам, яна бир арава қизлар, ха-ха-ха!.. Ойимлар бўлак аравада эди. Биздан жуда орқада қолишди. Бизнинг арава бўлса, мана шу кўчанинг бошига келганда ариққа тиқилиб қолди. *(Куладилар.)* Мен ўзимни аравадан ташладиму, ҳечкимга қарамай, чопканимча келавердим, ҳали бир арава қизлар боғингизни бошимизга кўтарамиз.

Ҳайдар. Қошкиди. Келинг паранжингизни...

Нурхон. Йўқ... Қўйинг... *(Жимлик)* ҳа майли. *(Паранжисини бошидан олади.)* Бир гап айтсам хафа бўлмайсизми?

Ҳайдар. Асло!!

Нурхон. Йўғасам, ўзингиз четроқ турсангиз...

Ҳайдар. Хўп, жоним блан. *(Кетабошлайди.)*

Нурхон. Вой қаёққа? Анави йигитни.

Ҳайдар. Сал нари турай, тагин ойингиз...

Нурхон. Ўзингиз ёмонсиз.

Ҳайдар. Хўш, нега?!

Нурхон. Ён қўшнингизнинг бўйига етган қизи бор деб эшитаман.

Ҳайдар. Тўғри... бор... нима бўпти?

Нурхон. Айтмадимми?.. Эркакларда вафо борми?

Ҳайдар. Нурхон, мен ёруғ дун'ёга келиб сизни кўрганман, мана шу хонадонда сиз блан катта бўлдим.

Нурхон. Мен ҳам. Вой ўлай... (*Қўйнидан дўппи тушади.*) Ўз қўлим блан тикканман, кийингчи!.. Қуллуқ бўлсин... (*Кийдириб қўяди.*)

Ҳайдар. Қуллуқ. Ҳали-ҳали эсимда, жуда ҳам кичкина эдингиз. Мен ҳам сиздан икки қарич баланд эдим, холос. (*Нурхон кулади.*) Сизни елкамга зўрға кўтариб шу боғда ўйнатар эдим. Мана шу гулзор орасида, ҳов анави ариқлар бўйида. Сизга райҳон, жамбиллар териб берганман. Жуда кўп капалак, тилла қўнғизлар тутиб берганман. Ёдимда бор, митти қўлларингиз блан сочларимни тортиб, қулоқларимни юмдалаб олар эдингиз. (*Кулиб.*) Ҳайрият, хизматим бекор кетмапти.

Нурхон. Бу дўппи, қулоқларингизни юмдалаб олганим учун.

Ҳайдар. Қуллуқ!!

Нурхон (*кулиб*). Мана бу қийиқча бўлса, мени кўтармасдан супачага ўтқазиб қўйиб, ўзингиз ўйнаб кетиб, мени йиғлатиб қўйганингиз учун.

Ҳайдар. Қуллуқ.

Нурхон. Катта бир шоирнинг шу ғазалини қийиқчага гул қилиб тикдим.

Ҳайдар. Раҳмат, қани, бир ўқиб кўрай; Навоийданми?

Нурхон. Топингчи, ўзим ўқиб бераман. Сиз қулоқ солинг:

Қ ў ш и қ:

Умрим борича севгили дилдорими дерман.

Кўнглим хуши сен ёру вафодорими дерман.

Сенсан севарим, сарви гулим, бахту нажотим,

Бошимга қилич келса-да, сен ёрими дерман.

Ҳайдар.

Юз дард чекиб ёрига ошиқ етар охир,

Булбул каби нола қилиб гулзорими дерман.

Боғ ичра кезиб бир гули бехорини топмас

Минг марта тикан ботса-да гулнорими дерман.

Ҳайронману қомат ила қоши-кўзингга

Бошимга қилич келса-да сен ёрими дерман.

Ўртада жимлик, Н о з и к кириб, яширинади.

Нозик. Вой қуриб кеткурларей, бирам шарман-
даки, тагин бу хўжа қизи-я. Шошма, сен ер юткурлар-
ни тоғамга чақиб бир адабларингни бермасамми!! (*Қай-
тади, қизлар кулгиси.*)

Нурхон. Вой, ана, келиб қолишди! (*Қизлар ки-
радилар.*)

Қизлар қўшиғи:

Қизлар.

Оҳ на гўзал боғу баҳор, ўргулай,
Ҳар ёғимиз олма анор, ўргулай,
Сайр этамиз қўлда дотор, ўргулай.
Бахту — қуёш бизлара ёр, ўргулай.

Шўх куладир кўзи хумор, ўргулай.
Унга адо булбули зор, ўргулай.
Боғда кулар икки севишган юрак,
Иккисининг кўнглида бор зўр тилак.

Сочга тақиб зийнат учун гул-чечак,
Ёр бўйнига ҳалқа қилиб оқ билак.
Шўх куладир кўзи хумор, ўргулай,
Унга адо булбули зор, ўргулай...

Нурхон.

Тўкиладир лабларингиздан шакар,
Булбул ўқир та'рифингиз ҳар саҳар...
Силкисангиз кокилингизни агар,
Ҳидлари дилга севинч бахш этар...

Қизлар.

Шўх куладир, кўзи хумор, ўргулай,
Унга адо булбули зор, ўргулай...

Қумри. Вой ўртоқжонларимдан ўргилай.

Нурхон. Вой айланай Қумрихон. Жоним, ўртоқ-
жон, бормисиз. (*Кўришади.*)

Зеби. Вой, келинлар қизларим, ўртоғим қани,
қизим?

Нурхон. Ўртоғингиз ярим йўлда қолди, хола.

Зеби. Вой шўрим, нега қизим?

Шакар. Мукка кампирлар тушган арава ҳам, ўзларига ўхшаб, имиллаб юрар экан-да, холажон!

Зеби. Вой худо урди кетди. Қумрихон ўртоғларингга қара, суфрам шундай очиқ-чочиқ қолувди-я. *(Кетади.)*

Ҳайдар *(қўлида гул блан кириб тортиниб)*. Қумрихон, Қумри! Хуш келибсиз қизлар!

Қизлар. Вой, Ҳайдаржон акам!

Шакар. Хушвақт бўлинг, Ҳайдаржон ака.

Қундуз. Бизга гул қани?

Шакар. Ҳайдаржон акамнинг кўзлари бир кишини кўради, холос. *(Кулги.)*

Ҳайдар. Ҳозир, ҳозир, қизлар, сизларга ҳам энг тоза гуллардан узиб келтираман. *(Кетади.)*

Қумри. Қани ўртоқжонлар, супага чиқинглар, ўтиринглар. *(Нурхонга.)* Ўртоқжон, супага чиқинг.

Шакар. Ўртоқжон, сизам хийла боракансиз... Айтдима, бу Нурхон нимага бизга қарамасдан, чиматини хўжа кўрсинга ёпиниб, атлас қўйлагини ҳилпиллатиб, бедана юриш қилиб, йўрғалаб қолдилар, деб *(Кулги.)*

Қундуз. Биз ҳам ерни тагида илон қимирласа биламиз.

Шакар. Кийдириб қўйган тус дўппингиз ҳам бошида яшнаб турипти-я, ўртоқжон. *(Кулги.)*

Нурхон. Иш қилиб, дўппини кампирларга сездириб қўйманглар. Айниқса, Халча аммам жудаям қув, худди дадамнинг ўзгинаси.

Ҳузурхўжа кириб, гул панасига яшириниб олади.

Ҳузурхўжа. Вой-вой, ўнгимми, тушимми? Йўғе, мен ўлган эканману, ўлибоқ тўппа-тўғри жаннатнинг ўртасига тап этиб тушган эканман-да.

Шакар. Вой ўлай, эркак кишининг овози...

Қумри. Ким, ким?

Ҳузурхўжа. Мен, мен Ҳузурхўжа, худди овеган қушдай чўчийсизлар-а?...

Қумри. Ҳузурхўжа акам.

Нурхон. Вой, Ҳузурхўжа акамми? Ҳа, Ҳузурхўжа ака бир қизиқчилик қилиб берсинлар-а, қизлар.

Қизлар. Шундай бўлсин. Шундай бўлсин...

Қумри. Акамни чақирайми, Ҳузурхўжа ака!

Ҳузурхўжа. Акангизни қўятулинг. Меҳмонларингиз бор экан-да, ҳа, холамга айтинг, хизматга тайёرمىз. Хамир қилиб зувала ёйишми, ўтин ёриб нон ёйишми, ёки сизларга ўхшаган қизларга мана бундай қилиб ўсма эзиб беришми? Имайики бўлса, қўлимиздан келади, тасаддуғинг кетай.

Ҳайдар (*елкасига уриб*). Келинг тасаддуқ хўжа! Қумрихон, мана! (*Гулни беради.*) Қани буёққа келингчи.

Ҳузурхўжа. Оббо, номаҳрамларга кўринишга уяламан. (*Кулги.*)

Ҳайдар. Кираверинг, ҳа иш бор.

Қизлар. Кираверинг, Ҳузурхўжа ака, кираверинг!

Ҳузурхўжа. Жаннати Халчадан қўрқаман.

Нурхон. Қўрқманг, Ҳузурхўжа ака, Халча аммам йўлда қолган, кираверинг!

Қизлар. Кираверинг!

Ҳузурхўжа. Сиз таклиф қилганингиздан кейин кирмай бўладими? Вой ўлақолай, пўшт-пўшт, номаҳрам келаяпти.

Шакар. Ҳузурхўжа акамдан қочмаймиз!

Қундуз. Ҳузурхўжа номаҳрамми?

Шакар. Номаҳрам ўлсин!

Кулги, Ҳузурхўжа тўнини қия ёпиниб боғ томонга ўтиб кетади. Халча, Нозик ва бошқаларнинг кириши блан қизлар кулгиси кесилади.

Халча. Вой, араваси қурсин, араваси.

Зеби. Вой, айланай Ким'ёхон, келинг. Эсонмисиз, омонмисиз, мунча ширин қиз бўлмасанг Раҳимажон, (*Упади.*) Қумри қизим, аяларингга қара...

Қумри. Келинг, холажон. (*Паранжиларини олади.*)

Ким'ё. Вой катта қиз бўлиб қопсан-ку, қоқиндиқ... (*Ўлтирадилар, фотиҳа ўқилади, дастурхон солинади.*) Дастурхонга қаранглар.

Зеби. Ким'ёхон қандай бўлиб...

Ким'ё. Қизим Нурхоннинг гулдай умри қатим узиб, игна санчиб ўтди. Бир яйраб келсин дедим айланай...

Қумри чой олиб чиқади. Зеби чап томонга ўтиради.

Зеби (*чойни олиб.*) Ҳожи поччамларга худо бир инсоф бериб, рухсат бериптилар-да.

Халча. Нимага унақа дейсиз: Ҳожи поччадақа одам борми?

Қумри. *(кулиб)*. Айтганча Ким'ёхола, жон хола, ўргулай хола, ўртоғим Нурхон битта ашула айтиб берсинлар, жон холажон, қачондан бери эшитганим йўқ.

Қизлар. Шундай бўлсин, бир эшитайлик.

Нурхон. Йўқ қўйинлар, ашула билмайман.

Халча *(жеркиб)*. Қўйинлар! Қиз нарсага ашулани ким қўйипти, номаҳрамларга эшитдириб...

Зеби. Айтавернинг қизим, буерда номаҳрам йўқ. Ҳайдаржон ўзингизнинг акангиз...

Нурхон. Ҳайдаржон акам ўзлари айтсинлар. Қўшиққа уста.

Қизлар. Ҳа, ҳа...

Ҳайдар. Ораларингизда шундай қўшиқчи қиз туриб, мени қистайсизларми?!

Зеби. Айтавер болам, Навоийданми, Муқимийданми... Айтиб бер...

Қизлар. Биз ҳам қўшиламиз.

Ҳайдар. Ишқ ўти тушди танимга ойжамолингни кўриб

Нурхон қизариб ерга қарайди.

Парпираб ёнган кўзу қадди ниҳолингни кўриб,
Дил қуши сайд бўлди, лабдаги холинг кўриб.
Ошиқ ўлдим қошлари қундуз, висолингни кўриб
Ҳам малоҳат, ҳам назокатда камолингни кўриб.

Ҳартараф себаргазору ҳартараф кулган баҳор,
Лола лаблардан табассум гавҳарин тўккил нигор.
Булбули шўридани ҳуснинг кўрарга этма зор,
Дилни берганман сенга рухсори олингни кўриб.

Иккинчи кўйга ўтади.

Ҳайдар *(Нурхондан кўзини узмайди)*.

Шахло кўзли, эгма қошли жонона,
Тири мужгонингга кўксим нишона.
Сен малоҳат боғида гул ягона.
Ошиқ бўлдим сендай ширин забона.
Гоҳи худман, гоҳи беҳуд, девона.

Нурхон.

Шўру савдоларни солдинг бошимга,
Бир келмадинг ҳолим сўраб қошимга...
Кўз ёшларим тўкилмоқда ошимга...
Дарду ғамлар лойиқмидир ёшимга.

Нурхон дуторда упори чалиб, шўх-шўх куйлайди, қизлар рақс қиладилар.

Эй гўзаллар сарвари сохиб жамол, ўйнаб келинг.
Сўзлари жон офати нозик ниҳол, ўйнаб келинг...
Бу кеча бўлсин менга базми висол, ўйнаб келинг.
Оҳ, уриб, ишқимни айлай арзуҳол, ўйнаб келинг...
Умрингиз, гул бўйингиз топсин камол, ўйнаб келинг.

Ўйнаганда учсангиз қушлар каби пар тўкилур...
Очсангиз гул лабларингиздан шакарлар тўкилур
Силкисангиз кокилингиздан дуру зар тўкилур
Қайғи-хасратни қилайлик поймол, ўйнаб келинг.

Ялла-ўйин қизиб турган пайтда Ҳожи блан Мамат бостириб киришади. Ҳожи қизининг ашуласига бир зум қулоқ солади. Кимдир Ҳожини кўриб қолади. Ўйин-қулги бирдан кесилади. Ҳамма жим бўлади.

Ҳожи. Тўхтатманг. Тўхтатманг! Чалинг, чалинг, қизим!!

Нурхон бош эгиб, титраган ҳолда жим туради.

Халча (*қулоғига*). Айб менда эмас, Ким'ёда...
Нозик. Ўз кўзим блан кўрдим, тагин бу хўжа авлоди-я.

Ҳожи. Хўш, энди розимисиз... Айланай хотин?

Ким'ё. Нимага отаси, нимага?

Ҳожи. Ҳалигидай, сизни томоғингиздан ғиппа силаб қўйсам?..

Ким'ё. Отаси, ахир...

Зеби. Айланай Ҳожим, шунчаки, ўйнаб-кулиб ўтиришкан эди.

Ҳожи (*тошдай қотиб қолган Нурхонга бориб*).
Овозим бор деб ашулага зўр берибсиз-да, опоқ қизим.
Мен сизнинг овозингизни ҳеч эшитганим йўқ эди. Маматхон, дуторни келтиринг.

Мамат дуторни келтириб беради.

Қани қизим буни олингчи? Қани чалинг, ашула қилинг!

Нурхон дуторни ихтиёрсиз олади.

Нурхон (*изтироб ичида*). Отажон... Ахир ўртоқларим шу ерда, онам, холам, отажон...

Ҳожи. Биламан, ўтиринг, чалинг, эшитай, (*Нурхон чалади.*) Тузукроқ чалинг! Опоқ қизим. (*Бирдан бўғиқ.*) Синдиринг!

Нурхон. Отажон, ахир бу бировники! (*Бағрига босади.*)

Ҳожи. Сўз қайтарманг, синдиринг! (*Қўлидан олиб.*) Тошга уринг! (*Чанга ўтиб, дуторни улоқтиради.*)

Нурхон. Илоҳим туғилмай ўлай. (*Орқага йиғлаб ўтади, онасининг бағрига ташланади.*)

Ҳайдар (*қайнаб*). Ҳожи ота! Бироз андиша қилинг! Бу шўринг қурғурларнинг айби нима? Айби қону зардобга тўлган кўнглимни бўшатай, баҳрим очилсин деб, ўз боғига чиқиб ўйнаб-кулганими?!

Ҳожи. Яхши йигит, раҳмат! Боплабсиз, ука, қандингизни уринг, ўғил бола! Одам тўплабсиз, боғимни обод қилибсиз, менинг обрўйимни кўтарибсиз. Бу яхшилигиниз сра ёдимдан чиқмайди, ука!

Ҳайдар. Кўриб турибман, жаҳолатингиз авжига минган!

Ҳожи. Кўп куйинманг, бировларни ҳимоя қилиш қўлингиздан келмайди. Ахир бу менинг қизим. Сизга бегона... аралашманг?!

Ҳайдар. Мен очиқ айтақолай; Нурхон менга бегона эмас. У менинг жонимга тенг. У мен учун — ҳаёт, умр, бахт!

Ҳожи. Нима, нима?! Қайтаринг!

Ҳайдар. Биз бир-биримизга кўнғил берганмиз. Бизнинг аҳду паймонимиз қаттиқ.

Ҳожи. Аҳду паймон?! Ҳа-ҳа-ҳа! Сиз-а?! Сиз?!.

Ҳайдар. Уни боғимдаги қизил гул сингари авайлаб парвариш қиламан!

Ҳожи. Боғимдаги? Сизнинг боғингиздагими? Хо-хо-хо!!

Ҳайдар. Кулманг!! Ҳечким бизни, бир-биримиздан жудо қилолмайди. Чунки бизни замон ёқлайди, замон!!

Ҳожи. Шунақами? (*Бирдан ғазабнок, Ҳайдарнинг кўзига тикилиб.*) Замон ёқлайди. Тўғри, лекин мен ёқламайман! Пар-ча-лаб ташлайман!

Норқўзи (*Хузурхўжанинг қўлидан чиқиб.*)
Ҳожи, ҳали ҳам эгардан тушмапсиз-а?

Ҳожи ялт этиб Норқўзига қарайди.

Дуторни синдир деганингиз нимаси? Озодлик йўлига гов бўлманг. Ёшлар кулсин-уйнасин. Муроди-мақсадига етсин!

Ҳожи. Сиз ҳам шу ердამидингиз? Берган маслахатингиз учун хурсандман, Хузурхўжа!

Хузурхўжа. Нима дейсиз, Ҳожи ота?

Ҳожи. Аравани қўшинг.

Хузурхўжа. Хўп. Ҳожи ота!

Ҳожи. Маматхон буларни уйга жўнат. Андак ха-фа қилиб қўйдик. Худо хоҳласа яхшилаб хурсанд қиламиз. Хўпми, ўғлим? (*Кетмоқчи бўлади.*)

Ҳайдар. Ҳожи ота, мана бу аёл менинг туз бериб парвариш қилган онам бўлади. Онамга, Нурхонга азоб беракўрманг! Агар буларга қўл кўтарсангиз...

Ҳожи (*сўзини кесиб*). Ҳамма гапингиз шуми? Хўп, хайр. (*Орқага ўтиб.*) Маматхон, тезроқ! (*Кетади.*)

Норқўзи. Ҳожим тўхтанг! Ҳожим! (*Кетади.*)

Мамат. Қани, аравага чиқинглар! (*Кетмоқчи.*)

Ҳайдар (*йўлини тўсиб*). Маматхон, бу қандай гап ахир?

Мамат. Нима қилай, Ҳайдаржон ака?! Отамнинг фе'лини биласизку! Қани, аравага чиқинглар! (*Кетади.*)

Нурхон. Отажон! (*Йиғлайди.*)

Ким'ё. Йиғлама, қизим. Бечора қизимнинг севинчи ичига тушди.

Халча. Илойим келмай ўлай. Кўп гапирдим-э. Ишни худо ургани шу-да. Қани юрақол, Нозикхон! (*Кетадилар.*)

Нурхон. Онажон, ҳозир... (*Нурхон бошида паранжи кўчага чиқади. Яна тез қайтиб киради.*)
Ҳайдар ака!

Дуэт

Ҳайдар. Қўрқма отангинг қаҳридан, мен сенга ёрман...

Ҳарқачон сан „Ҳайдар!“ десанг, ёнингда борман.

Нурхон. Боғ ичида яйраб, кулиб ҳолинг сўрол-
мадим.

Ҳайдар. Парвонадек бошингдан, э Нур, ўргулол-
мадим.

Ширин қўшиқларингга жононим, тўёлмадим.

Иккови. Ёрим юзингни кўргали муштоқу зорман.

Ҳайдар. Синдир қафасни, йирт пардани, ороми
жоним бўл.

Кўнглим уйига меҳмону, жисмимда жоним бўл...

Кел навбаҳорим бўлгилу, гул-гулистоним бўл.

Орқадан. Нурхон!

Нурхон. Ҳозир...

Ҳайдар. Қўрқма отангнинг қаҳридан, мен сенга
ёрман...

Иккови. Ҳусну жамолинг кўргали муштоқу-зорман.

Парда.

ИККИНЧИ ПАРДА

Ҳо жининг қафасга ўхшаш ҳовлиси. Бир чеккада уй, айвон, сўри.

Ҳо жи (*кўчадан*). Ҳузурхўжа!

Ҳузурхўжа. Лаббай! (*Бориб эшикни очади.*)

Ҳо жи (*домла блан кириб*). Қани домла юқорига чиқсинлар. Ҳузурхўжа сен чиқиб тур.

Ҳузурхўжа. Хўп. Ҳо жи ака! Буерда бир гап борга ўхшайди... Хуш'ёр бўлинг, Ҳузурхўжа!.. (*Майда-чуйда ишлар блан овора бўлиб юради.*)

Муллакамо. Тадбирларингиз беандоза ма'қул, Ҳожим!

Ҳо жи. Қиз сақлашни ўзи бир балойи азим бўлиб қолди, Муллакамо!

Муллакамо. Нафсиламрини иқроқ қилиш керакки, замон нотинч. Қиз сақлаш кўп мушқилот нарса. Ожизангизни, дарров ўраб-чирмаб, ўз эгасига узатиб юборинг, а лаббай, Ҳожим...

Ҳо жи. Иншоолло, иншоолло Муллакамо!

Ҳузурхўжа. Э мўлтони — домулло, гап буерда экану...

Муллакамо. Дарвоқи'ан, жанобингизга ўтган сафар ҳам Саркорнинг заифалари вафот қилганини шаммай ифода айлаган эдим. (*Мамат киради.*) Шу Тўрахўжа-Саркор ўзингизнинг қадирдонингиз, отахонингиз, ўзи кўп ҳалол, маҳалла-кўй олдида ҳали оҳори тўкилмаган одам.

Ҳузурхўжа (*ўзича*). Саркорди оҳори бўлса тўкилади-да! Қилмиши чаппасига кетавериб, Саркорди иши киштимога етиб қолгану, тагин бу оҳори тўкилмаган дейди-я!..

Муллакамол. Шунга берсангиз савоб бўлади-да!!

Ҳожи (*жаҳл блан*). Э, бўлди-да! Маслаҳатингизни қабул қилдим-ку! Ўлгудай эзмасиз-да, Муллакамол!!

Муллакамол. Берган маслаҳатимга қулоқ қоқмай маалмануният қабул қилганингиз учун сиздан беҳад шодман, Ҳожим!

Ҳузурхўжа (*ўзича*). Оҳ, қани энди ҳозир шодмарг бўлсанг!

Ҳожи. Менга куёвни мақтаб нима қиласиз? Мен қиз ташвишидан қутулсам бўлгани! Ўзингизга ҳазир бўлинг! Букун эрта қолган-қутган ер-сув, боғ-роғдан ҳам ажраладиганга ўхшаймиз. Бу Ҳайдар, Ҳузурхўжага ўхшаган кўрнамаклар бошимизга бало бўлади шекилли, тағин бор топкан тоат-ибодат чиппакка чиқиб, оёқ қиблага бўлиб, бола-чақангиз олдида оҳарингиз тўкилиб қолмасин.

Муллакамол. Ҳай, ҳай, ҳай, нафасингиздан ўргилай, Ҳожим! Худди саратон-а, саратон! Пешонамизга битилганини кўрамиз-да, а, лаббай? Бугун тобингиз айниган кўринади. Хўш, Саркорга бориб нима деяйин, суюнчини олавераманми?

Ҳожи. Ҳа, гап шу! Бориб айтинг, индинга тўй! Тўйни енг ичида ўтказамиз. Фотиҳа-сарҳафта деб ўтирмайман. (*Ичкаридин бир тугунни олиб чиқиб.*) Қани туринг, учидан, чопонни кийинг. Қани энди, эски давлатим бўлса кундал ёпардим.

Муллакамол. Сўра бўлса ҳам кундал кийгандек бўлдик.

Ҳузурхўжа. Олавер, тобутингга ёпасан!

Муллакамол (*тўнга қараб*). Янганинг бисотидан чиққан дейман-а, лаббай. Бай, бай, бай, устимда туриб уқаланиб кетаяпти-я, жонивор.

Ҳожи. Қуллуқ бўлсин!..

Муллакамол (*ноилож*). Қуллуқ Ҳожим, қуллуқ.

Ҳожи. Туя кўрдингми йўқ! (*Ичкарига кириб кетади.*)

Мамат. Домла почча, бу қилган ишингиз тузук бўлмади.

Муллакамол. Хўш, нима учун бундай дейсиз, Маматхон?

Мамат. Ахир синглим ёш.

Муллакамол (*кулиб*). Эй Маматхўжа, Саркордай одамлар ғанимат булиб қолди. Уларнинг дуосини олиб қолиш керак, ўғлим. Худога шукур, ҳали отанг барҳаёт. (*Кулиб*.) Ҳа, билдим, билдим. Сен ҳам хийла муғомбир бола чиқдинг-да. Хафа бўлма, яқин орада сени ҳам бошингни иккита қилиб қўямиз. (*Хайрлашиб чиқади*.)

Ҳожи (*чиқиб*). Маматхон, Ҳузурхўжа блан бозорга бориб тайинланган нарсани олиб келинг, ўғлим.

Мамат. Отажон, бу ишингиз менга ма'қул бўлмади. Саркор Нурхоннинг тенги эмас, ахир!

Ҳожи. Хўш, синглингиз бўлмаса Ҳайдарга тенгми? (*Мамат жим*.)

Ҳожи. Боринг, ишингизни қилинг. Дилингиз сиёҳ бўлади.

Мамат чиқиб кетади.

Ҳожи. Ҳой!! (*Чақиради*.)

Халча. Ҳа, ака?

Ҳожи. Анави қани?

Халча. Келаяпти.

Ким'ё (*чиқиб*). Мана мен, нима дейсиз, отаси?

Ҳожи. Қизингиз қани?!

Ким'ё. Шу ерда.

Ҳожи (*заҳарханда блан*). Яқинроқ келинг, айланай. Қизингизга ҳозир билдира кўрманг. Индинга тўй қилиб қўйдим. Ҳа, ҳаракатингизни қилинг, ойим, тузукми?

Ким'ё. А? Тўй? Кимга?!

Ҳожи. Сўраб нима қиласиз! (*Тугунни ташлаб*.) Мана кийим-кечакни тездан тиктиринг. Мен қизимни ёмон одамга берармидим...

Ким'ё. Кимга ахир?

Ҳожи. Тўрахўжа саркорга.

Ким'ё. Вой шўрим, ўшанга қиз берамизми?!

Ҳожи. Финг деякўрманг! Мен жавоб бериб юбордим.

Ким'ё. Жон отаси, қизимга раҳм қилинг. Ёш нарсани сил қилиб, ажалидан беш кун бурун ўлдирманг!!

Ҳожи. Овозингизни кўтарманг, жим... Эшитилади!!

Ким'ё. Мени нега сизлайсиз ахир?

Ҳожи. Сизни яхши кўраман-да хотин. Ахир сиздан бошқа кимим бор?

Ким'ё. Келиб-келиб, шу бузуқ Саркорга қизимни бераманми? Ахир у суйгулик эмас, куйгулик бўлади!..

Ҳожи. Берсам нима бўпти?! Ўз қизим! Йиғланг! Сизни йиғлашга яратган худо!!

Ким'ё. Етти ухлаб тушига кирмаган кунларни кўрадим, энди шўрлик қизим...

Ҳожи. Жим!! Гап шу: Саркор зоти кўрган, покиза одам. Ҳа, қизимни Ҳайдарга ўхшаган диёнати йўқларга берайми? Охиратимни куйдирайми? Бу дун'ёда ўзимни шарманда қилайми? Гап битта, индинга тўй, бу ҳақда бировга оғзингизни очакўрманг! Шу кундан бошлаб хотиним касал деб, гап тарқатаман, агар бирор нарса пайқаб қолсам, эртага хотиним ўлди, деб овоза қилиш ҳам қўлимдан келади! Уқдингизми, айланай хотин! Мен кетдим. *(Кетади.)*

Ким'ё. Шўрлик қизим... *(Эзилиб куйлайди.)*

Тўрт девор қўйнида йўқдир юраги қон мен каби.

Қилмиши фар'ёду ўз ҳолига ҳайрон мен каби.

Ёр тутиб бу дун'ёда ёрнинг вафосин кўрмаган

Дун'ёга келганлигига минг пушаймон мен каби.

Соч юлиб, нола қилиб, айлай ёқамни поралар,

Йўқ жаҳон аҳлида бир зору паришон мен каби.

Золим эрнинг дастидан чекди ҳамиша қайғулар

Ким бу ғам зиндони ичра бўлди вайрон мен каби?

Нурхон *(кириб)*. Ойижон йиғлаяпсиз?!

Ким'ё. Ҳеч болам...

Нурхон. Ахир нега бекитасиз? Кўзларингиз қизариб, қовоқларингиз кўкариб қопти, ойижон?!

Ким'ё. Шундай ўзим, болам...

Нурхон. Ҳеч жаҳонда, бекордан-бекорга йиғлар эмишми киши?

Ким'ё. Қўй, сўрама қизим, отанг фе'лини биласану, сизлаб туриб жонингни олади.

Нурхон. Отамнинг фе'ли қурсин. Хафа бўлмаг. *(Ўнади.)*

Ким'ё *(тикилиб)*. Қизим... қизим!..

Нурхон. Бошқа бир гап борга ўхшайди, онажон, мenden яширасиз. Яширманг, айтинг!

Ким'ё. Айланай қизим, мени қарғама!

Нурхон. Ахир айтинг, нима гап?!

Ким'ё. Отанг сени куёвга бермоқчи? Тўрахўжа саркорга...

Нурхон (*чақмоқ теккандай*). А?! Онажон! (*Қучоғига ташланиб.*) Мени қутқаринг, онажон!. Ҳазон бўлмай, онажон!

Ким'ё. Иложим қанча, бошимни қайси тошга урай, қизим?!

Халча (*кириб*). Шайгон йиғингни қўй қизим, бе ақл бўлма! (*Ким'ёга.*) Дарров етқазингиз-да, келин-пошша!

Ким'ё. Сизам юрагимни тиндаламанг, айланай, Халча!

Халча. Даданг сенга ёмонликни раво кўрмайди. Биламан, сен ўша Ҳайдарни яхши кўрасан, ўшанга тегиб нима орзу-ҳавас кўрардинг.

Нурхон. Унинг давлатини бошимга тортаманми!.. Мен Саркорга тегмайман, бошимга нима кулфат келса розиман!..

Халча. Вой шўрим, йўқ дейишга қандай бетинг чидади-а? Сени хизматкоримиз, гадойвачча Ҳайдарга бериб жинни бўлганимиз йўқ! Тўққизтадан тўй берса арзийдиган қизсан! (*Ким'ёга.*) Буёққа юринг, айланай!

Халча Ким'ёга нималариндир шивирлаб ичкари уйга кирадилар. Нурхон саватчадан кашта олиб тикаркан, кўзи китобга тушади.

Очиб аввал бир сатр ўқийди, сўнг бирдан йиғлаб, ғазални қўшиққа солади.

Нурхон.

Эй сабо, борғил саломимни вафодоримга айт.
Бирма-бир бу мажорони юзи гулзоримга айт.
Айрилиқ дарди юракка қўйди доғ устига доғ
Сарбасар хасратларимни бе хабар ёримга айт.

Севги ичра Зухранинг савдоси тушди бошима
Раҳм этиб қошимга келсин Тоҳири ёримга айт.
Кўрмасам бир дам юзингни йуқ эрур ҳеч тоқатим
Жону жисмим куйганини чин вафодоримга айт.

Ҳузурхўжа (*ярим кўриниб*). Ҳой, ким бор?
Манави тугини олиглар!

Нурхон. Ҳузурхўжа ака шошманг! Буёққа киринг!!

Ҳузурхўжа. Нима гап?!

Нурхон (*жовдираб*). Жон Ҳузурхўжа ака, дарров Ҳайдар акамнинг ёнига боринг! (*Қулоғига шивирлайди, Халча кириб кўради.*)

Халча. Вой ўлмасам, вой шўрим, йўқол яшамагур!

Ҳузурхўжа. Хўп, жоним блан. (*Халчага.*) Оббо шаллақи эй...

Халча. Ер юткур, Ҳайдар қолиб энди Ҳузурхўжага ёндошдингми?!

Нурхон. Мен нима қилдим?

Халча. Нима қилганингни ўзинг биларсан. Сен ўзинг, асти бетинг очилиб, бузилиб қолган экансан, жувонмарг!

Ким'ё (*кириб*). Ҳой Халчахон, нега қизимни қаргайсиз?!

Нурхон. Ахир бу қандай зулм, аммажон, отам мени қари Саркорга бермоқчи, ҳеч бўлмаса сиз раҳм қилинг, ҳазон бўлмай!..

Ҳожи (*кириб.*) Хўш, тағин нима ғалва?!

Ким'ё. Ҳеч гап йўқ, отаси...

Халча. Қиз ўлгур кўнмай дод-қароқчи қилаяпти. Бунн тездан эрга бермасангиз иш хунук, ака!!

Ҳожи. Шундоқми?! Ҳали сиз отанинг гапини иккита қиласизми?

Нурхон. Отажон, раҳм қилинг!

Ҳожи. Отангизнинг орзусига кўндаланг келиб қулоқ солмайсизми?!

Нурхон. Отажон! Ёш жонимга раҳмингиз келсин... Билиб туриб мени ўтга ташламанг!

Ким'ё. Жон болам! Ўргилай болам, отангга тик гапирма!

Ҳожи. Сиз мени ғазабимдан кўрқмадингизми?! Мен сизнинг отангизман, отангиз! Шунн биласизми?! Хоҳласам ўтга соламан. Хоҳласам пешонангизни силайман! Хоҳласам тириклай ерга кўмаман! Айланай қизим!..

Ким'ё. Жон дадаси, қизимга тегманг, ёш нарсага раҳм этинг! Гулдек умрини ҳазон қилманг!

Ҳожи. Ҳа, ҳа, ҳа! Ҳамма айб сизда экан хотин. Аввал ўзингиз блан гаплашай. (*Юмшоқ.*) Қани ичкари уйга кирилсин, ойим!

Ким'ё (*титроқ товуш блан, ранги-қути ўчиб*).
Ҳай отаси... Мен нима қилдим?..

Ҳожи. Гап битта, уйга кирақолинг...

Ким'ё (*титраб-қақшаб*). Хўп отаси, хўп мана, ман акирдим. (*Ичкари уйга кирар. Нурхон отасининг ҳаракатини даҳшат ичида кузатиб туради. Ҳожи эшикни занжирлайди. Нурхон ўқдай отилиб унинг йўлини тўсади.*)

Нурхон. Тўхтанг! Тўхтанг, урманг онамни! Урманг! Бечорага жабр қилманг!

Ҳожи. Унингизни ўчиранг! Тўсманг йўлимни! (*Уйга киради. Қим'ёнинг дод-фар'ёди кўтарилади! Нурхон эшикка тирмашади, дод солади.*)

Раҳима. Опажон, ойимни бўғиб ўлдираяпти!

Нурхон. Чоп, тездан Ҳайдар акангга билдир! (*Раҳима чопганича кетади.*)

Нурхон. Отажон! Онамни қийнаманг! Меҳрибонимдан нега мени жудо қиласиз?! Илоҳим дун'ёга келмай ўлай... Мана мени уринг, мени ўлдилинг! Очинг эшикни... (*Борган сари қаттиқ изтиробга тушиб.*) Дод! дод! Бу қандай кўргулик! Отажон! Майли мен розиман! Мен кўндим, нима бўлсам майли, ахир онам касал, шўрликка тегманг, отажон! Розиман!

Ҳожи (*ичкаридан чиқиб*). Ҳа, балли оппоқ қизим. Энди ўзингизга келдингиз, ҳали ёшсиз, ўткир тишларингиз бор, шу тишларингиз блан лабларингизни маҳкам тишлангки, тилингиз гўлдираб қолмасин, тузукми? Мабодо бирор кишига оғиз очгундай бўлсангиз, ҳа-да, уёғини ўзингиз биласиз! Халча, бор, синглим, қариндошларга тездан хабар бер! Тўйни эртагаёқ ўтказиб юборамиз.

Халча. Хўп акажон, мана ҳозир, кетдим! (*Паранжини апил-тапил ёпиниб кетади.*)

Ҳожи. Ақлли қизим... Оппоқ қизим, йиғини бас қилинг! Тузукми!

Нурхон. Хўп отажон, хўп!.. (*Ҳожи чиқиб кетади. Нурхон ёлғиз. Эзилган она галдираклаб чиқади.*)

Нурхон. Онажон! (*Бағрига бош қўйиб йиғқайди.*)

Ким'ё (*сочларини силаб*).

Шафқат этмас бу отанг доду фигонимга менинг.

Тўрт деворлар ичра ранги зағфаронимга менинг,

Ортодир бошимга зolim дастидан ғам узра ғам
Ўт солур умрим бўйи ул жисми-жонимга менинг.
Бермагил фурсатни қўлдан, қоч будўзахдан қизим.
Етмасин офат сенга, жону жаҳонимга менинг...

Нурхон. Онажон! Мен туфайли бошингиз балога қолди. Майли, мен энди рози бўлдим, нима қилай, иложим йўқ!

Ким'ё (*қизини бағрига босиб*). Болам, фурсатни қўлдан берма! Сен мени деб ёш умрингни ҳазон қилма! Сен ўз сўзингда маҳкам тур! Мен сени у яшамангур Саркорга бермайман! Онангни насиҳатига қулоқ сол! Энди мен нима бўлсам бўлдим. Лекин қизим, сен қоч. Балодан хазар қил, болам қоч!

Нурхон (*ваҳима ичида*). Нималар деяпсиз, онажон?

Ким'ё. Майли, мен сенга жавоб бердим. Қизим, шуни унутмаки, ёмонларга йўлдош бўлма! Яхшилардан айрилма, тез қоч қизим, қоч! Эсон бўлсанг, яна дийдор кўришамиз. Қоч бу мазордан, бу ғам ғусса маконидан қоч, айланай қизим!

Нурхон. Онажон! Мен сизни ташлаб кетолмайман!

Ким'ё. Қоч, айланай қизим! (*Паранжи беради*.) Қоч! Ма, ол бун!

Ҳузурхўжа (*ҳовлиқиб киради*). Ҳайдаржон, Ҳайдаржон қани? Эй ўзи нима гап?

Ким'ё. Ҳузурхўжа, болагинам, Нурхонни Ҳайдаржоннинг ёнига олиб бор. Бу зиндондан, ғам-ғуссадан қутилсин.

Нурхон. Мен сизни ташлаб кетолмайман! Онажон...

Ҳузурхўжа. Эй, майда гапни қўйсангизчи, қани тезроқ юринг!!

Ким'ё. Мен розиман, болам қоч, тезроқ қоч!!

Нурхон. Онажон, хайр энди.

Ким'ё. Болам, кел бир қучоқлай. (*Қучади*.) Болагинам!

Ҳузурхўжа. Ҳой, тезроқ бўлинг, азроил келиб қолмасин.

Халча (*кириб*). Вой, дод ака, тез келинг, уйингиз куйди. (*Дод солади*.)

Ҳузурхўжа. Ана, айтмадимми, ишнинг пачаваси чиқди.

Мулла Ҳузурхўжа энди буниям чорасини кўринг.

Ҳ о ж и (*кўзлари ёниб*). Хўш?! Қайга қочмоқчи эдингиз, қизим?!

Н у р х о н. Онажон!

М у л л а к а м о л кириб юзини буриб туради.

Ҳ о ж и (*Нурхонга*). Уйга кириг, кириг дейман!

Н у р х о н. Отажон!

К им 'ё. Жон отаси, раҳм қилинг!

Ҳ о ж и. Жим! Ёинг деган овоз чиқмасин. (*Нурхонни ертўлага қамайди. Эшикни занжирлайди.*) Қўни-қўшни нима гап деб сўраса, кулиб туриб, тўйнинг хурсандчилиги деб жавоб беринг. Қизимга мана энди тўй бўлади, тўй, тузукми айланай хотин! (*Зарда блан чиқиб кетади.*)

К им 'ё. Мана энди тўй бўлади?.. Тўй, йўқ бунда, бир гап бор. Унинг фе'лини биламан. Ҳали у қайтиб келади. Кечаси қизимни... болам, болам!.. (*Эшикка тирмашади.*) Очолмайман, қўлим ожиз, қўлим ожиз! Ким бор?! Ким менга ёрдам беради. (*Ҳушидан кетади.*)

Н у р х о н. Онажон!!

Ҳ ай д а р (*шитоб киради*). Нурхон! Нурхон қани?!.

К им 'ё. Уйда, болам, уйда. Қамаб қўйди зolim!..

Ҳ ай д а р. Нурхон, Нурхон!.. (*Эшикни тепиб синдиради.*)

Н у р х о н. Ҳайдаржон ака, бормисиз?!.

Ҳ у з у р х ў ж а кириб Ҳайдарга ёрдам беради. Нурхонни олиб чиқадилар.

Кетамиз Самарқандга! Ҳайдар ака!!

Ҳ ай д а р. Кетамиз, жонгинам, кетамиз!

К им 'ё. Бахтинг очилсин, қизим!

Ҳ у з у р х ў ж а. Қани бўлақолинглар!! (*Уйдан тугунни кўтариб чиқади*). Хўжайиннинг Зақчақўзини эгарлаб, тахт қилиб қўйдим.

Ҳ ай д а р (*Ҳузурхўжани қучоқлаб*). Балли, дўстим! Балли!!

К им 'ё. Болам, қизимни сенга, сени худога топширдим. (*Ўпадади.*)

Ҳайдар. Онажон, Нурхондан ташвиш қилманг.
Мен Нурхонни севаман, ўлгунимча севаман!

Ким'ё. Айланай болам.

Нурхон. Онажон!

Ким'ё. Қизим! *(Қучоқлашади.)*

Тўсатдан Ҳожи киради, унинг кўзларида даҳшат... Саркор блан
Муллакамол кўринадилар.

Ҳожи. Ҳа, ҳа! Ҳали мени тинчитмайсанми? Мени
ким деб ўйладинг! Бу қўлимдан қутулиб бўбсан!.. Мен
ҳали ўлганим йўқ!.. Тирикман Ҳайдар! Шуни бир бил-
ки, бу оқпадар қизни ёлғиз ўлиги чиқади! *(Ғазаб
блан Нурхонни устига боради.)*

Ҳайдар *(ўртага отилиб Нурхонни ҳимоя қи-
либ)*. Тўхта, яқин келақўрманг!

Ким'ё. Вой ўлай!..

Нурхон. Онажон!!

Ҳожи. Шунақами?! Ҳой эшикларни бекит!

Ҳайдар. Бас!! Тилингизни заҳарли илондай ўйна-
таверманг!! Қўлингиз калталиқ қилади Ҳожим!!
Мендай бошпанасиз етимларнинг кўзини ўйиб, кафан-
гадо, хонавайрон қиладиган замонингиз тугаб, тамом
бўлган!! Нурхон озодликни хоҳлайди, Нурхон қувноқ
турналар сингари баланд парвоз қилишни орзу қилади.
Унинг орзусига кўндаланг келманг. Хўш, сиз ҳукумат-
нинг қонунига қарши бориб, гулдай қизингизни чўри
қатори кимга сотмоқчисиз?! Мана шу, лави-лунжи
шалвираган, мижғовтан, сассиқ така, мўлтони қоразу-
лук Саркоргами?? Йўқ, Нурхон нима учун дун'ёга кел-
ган?? Унинг юрагини, муҳаббатини пучак пулга сотиш-
га сизнинг ҳақингиз йўқ! Ахир у одам! Қўлингизни
тортинг! Йўлимизга гов бўлманг! Мен ҳукуматга арз
қиламан. Сирларингизни очаман!! *(Нурхоннинг қўли-
дан тугиб, дадил қадам ташлаб кетмоқчи бўлади.)*

Ҳожи *(Ғазаб ичида)*. Чиқарманг!! Тутинг!! Уринг!!
Ўлдилинг!!

Саркор. Тўхта, мал'ун. Мамат, ушла! *(Мамат
ўзини четга олади.)*

Муллакамол. Бўшашма!!

Ҳожи. Ур!!

Ҳайдар *(шиддатли бир ҳаракат блан)*. Йўқол
газандалар!

Олишадилар. Ҳайдар, Нурхон кўздан йўқолади.

Ҳузурхўжа. Тўхта, тўхта! Қочди! Қочди!

Ҳожи. Қаёққа йўқолдинг, ҳароми! Югур орқасидан, ушла!

Ҳузурхўжа. Тўхта! (*Чиқиб, қайтиб киради.*)
Ҳожи ака! Ҳожи ака!

Ҳожи (*белини ушлаб ўрнидан тураркан*). Қани, ўғри, қаёққа қочди?!

Ҳузурхўжа. Ҳовлига ўтиб, девордан ташлаб қочишди!

Ҳожи. Аблаҳлар!! (*Ҳожи ва бошқалар югурганча чиқиб кетадилар.*)

Ташқаридан от туёқларининг товуши эшитилади. Товушлар аста-аста кучсизланади.

Ким'ё. Қаерда бўлсанг ҳам омон-эсон бўл, болам.
(*Кўз ёшини артади.*)

П а р д а.

УЧИНЧИ ПАРДА

Ҳожининг уйи.

Муллакамол (*газетани ўқийди*). Сан'аткор қиз Нурхон тўрт девор орасидан, золим ота зулмидан қоронғи зиндондан қочди. Большевиклар партияси ва Совет ҳукумати унга ёруғ йўлни кўрсатди. Нурхон марказ давлат театрида ишлаб, ўз сан'ати блан совет тамошабинларнинг муҳаббатига сазовор бўлмоқда. Нурхон бу кунларда „Фарҳод ва Ширин“ тамошасида Ширин ролида ўйнаб, ўз маҳоратини кўрсатишга ҳозирлик кўрмоқда. Биз халқимизнинг сеvimли сан'аткор қизи Нурхонга...

Ҳожи. Бас, бас! (*Газетани ғижимлайди.*)

Муллакамол. Мана кўрдингизми Саркор, бошимизга қандай мусибатлар тушаяпти. Ўн етти йилдан буён Ҳожининг тузини ичиб катта бўлган, кўрнамак Ҳузурхўжа бўлса, Ҳожининг бутун сиру асрорини ҳукуматга айтди. Ҳожи яширган молу дун'ёларидан, боғу роғларидан айрилди. Бунинг устига мана бу сочи юлиқ паранжи ташлаб, авлоди Саидзодаларни иснодга қўйди.

Саркор. Қани энди қўлингдан келсаю, шундай бети очиқларни қийма-қийма қилсанг...

Ҳожи. Юрак шундай та'наларга бардош бераоладими, йўқ!.. Бу шармандаликдан қутулишим керак!

Саркор. Қутулиш керак, албатта!

Муллакамол. Ҳа балли, Ҳожим. (*Аста.*) Ўлдириш керак!

Саркор. Менинг ҳаммадан ҳам укам Маматхонга раҳмим келади. Кариллаб юрган йигитнинг ёру оғайнилари орасида шохи қайрилди-я... Эй аттанг...

(*Ҳожига аста.*) Ўлдириш тadbирларини пухта ўйлаш керак Ҳожим...

Ҳожи. Ўғлим Маҳаматхон...

Мамат (*оғир бош кўтариб, отасининг кўзига қарайди*). Хўш ота?

Ҳожи. Сен бошда гапимга кирмадинг. Синглингнинг шундай расво кўчаларга кириб кетишига сабабчи бўлдинг. Қариган чоғимда юзимни шамгин қилдинг, ерга қаратдинг. Ахир мен нима ёмонлик қилдим сенга. Бир парча гўштлигингдан бери авайлаб, ўзим емай едириб, киймай кийдириб катта қилувдим, болам. Сендан кутган умидим бу эмас эди. (*Йиғлайди.*)

Муллакамош (*йиғламсираб*). Эй Ҳожим, ўтган ишдан туш яхши дейдилар. Маматхоннинг дарди ўзига етиб ортади. Бечорани ҳадеб хижолат қилаверманг...

Саркор. Маматхон ёшлик қилган, билмаганда... Ҳайдар шунчалик пастликка борар, синглиси Нурхонни катта йиғинларга олиб кириб, эркаклар орасида ашула айтқизиб, ўйинга солар деб ўйламаганда...

Ҳожи. Ўғлим, бу қора доғни яна ўзинг ювишинг керак..

Мамат. Отажон, қандай қилиб?..

Ҳожи. Бу доғни қон блан ювасан болам, қон блан!!

Мамат. Ўлдираманми?

Саркор. Ҳа, ўлдирасан! Ўғлим, сан отангга қарздорсан, қарзни тўлаш пайти келди.

Муллакамош. Қосов узун бўлса—қўл куймайди. Ҳайрият сен ёшсан. Ўлдирсанг ҳам гуноҳинг енгил бўлади.

Саркор. Сени отмайдилар. Бирнеча кун қамайдилар, холос. Ўзимиз яна қутқазиб оламиз.

Мамат. Бу жиноят-ку?

Муллакамош. Бу савоб иш...

Мамат. Савоб иш?! Йўқ. Бу иш менинг қўлимдан келмайди!

Ҳожи. Кўрбўгур, бадбахт! Ёриб ташлайман!!

Саркор. Ҳожим, ўзингизни босинг! Бунини менга қўйиб беринг! (*Маматга.*) Бу иш менинг қўлимдан келмайди, дедингми? Суф сенга! Нурхонни ўлдириш қўлингдан келади! (*Кўз тикиб сеҳрламоқчи бўлади.*) Саломат очикни ўлдириш-ку қўлингдан келади! А?..

Мамат. Ёлғон! Менга туҳмат қилаяпсиз!..

Саркор. Ҳа-ҳа!.. Кўзинг ҳали уйқуда экан. Биз қамалсак сен отиласан! Бизнинг деганимизга кўнмасдан, бошқа чоранг йўқ! Қани, берироқ кел, ақлингни тўплаб туриб жавоб берчи... Хўш, Саломат очиқни ўлдирган ким?!

Мамат. Мен эмас, Эгам!

Саркор. Ҳа, баракалла! Эгамга сен беш минг сўмни нима учун элтиб бердинг?

Мамат. Дадам Эгамдан қарздор экан, элтиб бер деди, элтиб бердим.

Муллакамол. Эй тентак, даданг келиб-келиб шу Эгам қиморбоздан қарздор бўладими? Ўша пулни Саломат очиқни ўлдириш учун элтиб бергансан, демак, сен ҳам бу жинойтга шериксан!

Саркор. Бизга-ку, бало ҳам урмайди, лекин ўзингга ёмон бўлади, ўзинг қамаласан, отиласан...

Мамат. Ота шу гаплар тўғрими?

Ҳожи. Бу гаплар гарчи аччиқ бўлса ҳамки, ҳақиқат, ўғлим!

Мамат. Ҳақиқат?! Ҳим... шундай денг?!

Муллакамол. Ору номус бозорда сотилмас деганлар. Синглинг ўз ҳуснини бозорга солди. Шариятни поймол қилди...

Ҳожи. Гап битта, бўйин тавламайсан, бажарасан...

Мамат. Отажон...

Ҳожи. Бас!..

Муллакамол. Ота рози, худо рози, ўғлим. Шу ишга қолганда юз бурма. (*Устига пичоқ қўйилган қур'онни баланд кўтаради.*) Илло ўзинг биласан. Отангни чеккан изоларини ўйла. „Отамни амрига итоат қиламан. Мунга қўлимдаги каломулло гувоҳимдир“ де. (*Мамат жим*). Қани айт! (*Мамат ноилоҳ Муллакамол деганларини қайтаради*). Омин! Лофато илло Али ё Сайфу илло зулфиқор. Ҳар балою ҳар қазою пеш ояд даф' кун парвардигор.

Ўринларидан турдилар.

Саркор. Хўш, энди бизникига борайлик. Меҳмон келадиган эди.

Ҳожи. Чиқаверинглар, бораман. (*Улар кетадилар.*) Ўғлим Маматхон, менга осон тутма. Мендай одамни қизи тамошахоналарда, шундай расво кўчаларда юрса. Бундан кўра ҳаммамизнинг қаро ерга кирганимиз

яхши, ўғлим. Бундай қизни ўлдиришга шарият рухсат беради. Хаттоки савоб бўлади. Ўғлим. (*Мамат ўртада тошдек қотиб туради.*) Мана бу пулни ол, ўртоқларинг блан ўйна! Вақтихушлик қил, ол!.. (*Беради.*) Эрта-индин катта пул бераман, Самарқандга ҳам бориб, тамоша қилиб келасан. (*Елкасига уриб эркалатиб.*) Азаматим, баракалла. (*Кетади.*)

Мамат (*хаёл суради. Бирдан бақириб*). Мен қандай ишга қадам қўйдим, синглим... Нурхон...

П а р д а.

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

Самарқанд. Нурхоннинг уйи. Кровать, чиройлик китоб жавони, деворга қадалган тош ойнак. Уй гуллар, суратлар блан безатилган. Бир чеккада фортепьяно. Нурхон нотага қараб чалади. Куйлайди.

Нурхон.

Бахту иқбол кўрсатиб —
Йўл бошлади олтин ҳаёт
Тор қафасдан бўлдим озод,
Қуш каби ёздим қанот.

Мен бу йўлда, дўстларим,
Топдим севинч, топдим нажот...
Энди мен тутқин эмасман,
Қилмагайман оҳу дод!

Кокилимга зарра-зарра
Ёғдусин сочди қуёш...
Юзларимга қон югурди,
Кўзларимда тинди ёш!..

Давр, бизнинг давримиз
Даврон гўзал, давронимиз
Шу Ватан, шу гул ҳаётга
Минг фидодир жонимиз!

Қани энди, бир ролимни ҳам кўриб олай! Умр қандай ширин? Дун'ё келинчакдай ясанган... (*Ҳолатга кириб.*) Қаранг, қуёшнинг нурида олтин тасмадай ярқи-

раб турган шу ариқлар, ҳу ён бағирларида очилган себаргалар, майсалар қандай дилбар, қандай ишвакор... Мен худди мана шу кўмкўк парда ичида қанот ёзган озод кабутарга ўхшайман. Ҳартараф баҳор, кўнглимда баҳор, қўшигимда баҳор. Чинакамдан биз бечора аёллар тўрт девор орасида қон, зардоб ютиб, дун'ёдан шундай келиб, шундай ўтар эканмиз. Кўрганимиз ғам-ғусса, ҳасрат-алам. Шўрлик онам не-не кулфатларни кўрмади. Мана ёруғ йўл, ойдин ҳаёт. Ҳаммаёқ чароғон, ҳамаёқ чаман. Қандай яхши-я. Юракда ғам, кўзда нам йўқ, ҳукуматимиз мени ҳимоя қилади, ҳамма, ҳамма нарсани менга муҳайё қилиб „очил, ўқи, янги турмуш йўлида хизмат қил“ дейди. Ергина ютсин рўдапо паранжини! Ергина ют... ют... (*Дудилиб, ўлтириб қолади.*) Артистликни осон иш деб ўйлар эдим. Ўларча мушкул ҳунар экан-да. Шошма, дафтарим қаерда қолди! (*Дафтарни топиб ўқийди.*) Ергина ютсин соқов девор. Ҳа эсим қурсин, шу икки оғиз сўз ҳеч ёд бўлмади! (*Ўқийди, Ҳайдар сездирмасдан кириб тинглайди.*) Жоним! Мен сени севаман... (*Бирдан ҳолатдан чиқиб.*) Э... Бўлмади... Бу сўзларга бу ҳаракатларим ёпишмаяпти. Қошимни кўп чимирсам, кўзларим қисилиб, антим ҳам тиришиб кетаяпти. Уҳ... Бу рольни тайёрлаш жуда ҳам қийин бўлди. (*Яна ойнакка қараб.*) Жонгинам, мен сени (*ҳолатдан чиқиб*). Мен сени уҳ... Эсим қурсин, нима эди... (*Дафтарни қидиради.*)

Ҳайдар (*энтикиб.*) Бузманг, бузманг, давом этинг!..

Нурхон. Вой ўлмасам, Ҳайдар ака, пойлаб турувдингизми?

Ҳайдар. Бўлинг, бўлинг, гапиринг! Ҳа, севганим мен сизни шундай яхши кўраманки... Ҳа, гапиринг!

Нурхон. Ҳа, ёқадими? Писта-майиз чақадими? Ҳа, хўп, эсимга тушди. Мен сизни шундай яхши кўраманки, сизни кўрсам кўнглимда тонг ёришади.

Ҳайдар. Ёлғон!

Нурхон. Ҳа айтканча, „Фарҳод Ширин“дан бир кўриниш олайлик. Ширин жуда қийин роль, ашулалари ҳам баланд. Шунини ўйласам кечалари уйқум қочиб кетади, Ҳайдар ака!

Ҳайдар. Қўрқманг, ёнингизда Фарҳоднингиз тайёр.

Нурхон (*ҳолатга кириб*). Кимдир бу сан'атни ишлаган устод.

Ҳайдар. Йўқ, чатоқ айтдингиз, ундан кейин Мизансценаниям буздингиз. Режиссёр сизга мана бундай ҳаракат кўрсатган эди. (*Кўрсатади.*)

Нурхон. Бекоргинани айтибсиз. Менга режиссёрлик қилманг. Ўзингга боқ, ноғарангни қоқ. (*Ҳолатга кириб.*)

Марҳабо э гўзал йигит, ҳорманг.
Сра икки жаҳонда кам бўлманг,
Мен учун мунча меҳнат этмишсиз...
Тилагингиз надир? Буюргайсиз...

Ҳайдар. Ой юзингиз кўриш эрур тилагим
Кўрсатинг... кўрсатинг... токи... токи... токи...

Нурхон (*шарақлаб кулиб*). Изза, бир қозон жизза! Ажаб бўлди, хўп бўлди. Эсингиз ҳам сийқаланиб қолипти. Ҳайдаржон ака. Тагин бошқаларни роль ёдлайолмайди, деб мазах қиласиз...

Ҳайдар. Мен эс-ҳушимни ўғирлатиб қўйганман.

Нурхон. Кимга?

Ҳайдар. „Кимга“ деган одамга. (*Кулги.*) Фарҳодни қўйинг. „Бахтиёрлар“ пьесасидаги саҳнамизни қуриб олайлик. Ҳа, айтканча бугун комиссия келиб бизни имтиҳон қилиб кўрар экан.

Нурхон. Вой ўлмасам, қанақа комиссия? Қўйинг, унақа деманг, мен уяламан.

Ҳайдар. Ана, холос. Ахир мана Марғилондан келганимизгаям икки йилга яқинлашиб қолди. Анча нарса ўқидик, ўргандик. Энди кўрикдан ҳам ўтишимиз керак-да. Ҳа, қани мен бошлайман. (*Ҳолатга кириб.*) Жоним Ойжамол, жавобингизни кута-кута тобу тоқатим қолмади. Ёш жонимга раҳм қилинг. Қани, ўз оғзингиз блан айтинг, тўйни қачон қиламиз?

Нурхон (*ҳолатга кириб*). Мунча шошиласиз, аввал ота-оналаримизнинг розилигини олайлик, кейин бир гап бўлар. Ҳали институтни битиришимиз керак.

Ҳайдар. Йўқ, Ойжамол. Мана, Самарқандга келганимизга роса икки йил бўлди.

Нурхон (*ҳайрон*). Вой ўлай, бу нима деганингиз, вой, вой, бу гаплар пьесада йўқ эди-ку.

Ҳайдар. Пьесада борми йўқми, унисини билмайман. Лекин бу гаплар менинг юрагимда бор, юрагимда...

Нурхон.

Кел эй жоним, севар ёр...
Ишқингда мен бахтиёр,
Севгингни тарк этмайман,
Токи танда жоним бор.
Иқболимиз нурдек равшан,
Ватанимиз озод гулшан.

Ҳайдар. Бахт баҳорим ўзингдирсан

Нурхон. Сенинг блан тирик жон...

Икковн. Қуёш каби бахтим баланд,
Ҳаётимиз асалу қанд.

Нурхон. Шундай денг, демак комиссия келар
экан-да.

Ҳайдар. Ҳа, бизни яна ўқишга юбормоқчилар,
Москвага.

Нурхон. Москвада ўқиш кишига катта бахт.

Ҳайдар. Хўш, Марғилондан хат-хабар борми?

Нурхон. Акамдан кечаям хат олдим. Дадам унга
қаттиқ азоб бераётган эмиш, сал нарсадан қийиқ топиб,
ургани урганмиш. Онам бўлса, бутунлай ётиб қолипти,
шўрлик.

Ҳайдар. Онангизга қийин бўлди, мен бориб Са-
марқандга кўчириб келақолай.

Нурхон. Ўзимиз яна бир ойдан кейин Фарғонага
гастрольга ҳам борамиз-ку, апа шунда онамни ҳам
биратўла кўчирамиз келамиз-да.

Норқўзи ака ховлиқиб киради, қўлида газета.

Норқўзи. Қизим, яхшимисан, саломатмисан, ўқи-
шинг қалай?

Нурхон. Устажон... Устажоним... келинг!

Норқўзи. Газетани ўқидингми, қизим, бугун ҳам
сени мақтаб чиқипти-ку.

Нурхон. Ўқидим.

Норқўзи. Бахтинг зап баланд келди-да, қизим.
Довриғинг дун'ени босди. Овозингни эшитган ёш-яланг-
лар сени ҳавас қилишади. Ҳа, кеча-кундуз китобга
зеҳнингни қўй, сан'атни ўрган. Домлаларингга қулоқ
сол, айниқса Василий Иванович кўн доно, билимдон
киши. Биз билмаган нота илмини ўшандан қунт қилиб
ўрган! Ҳа, ундан кейин бу Ҳайдаржон блан ҳамавақт
ҳамсуҳбат бўлаверма, вақтингни олади, сени ўқиш-

дан қўяди. *(Нурхон кулади.)* Кулма! Мен сенга ҳақ гапни айтаяпман.

Ҳайдар *(чиқиб)*. Ассалому алайкум. Ҳа баракалла, ишонган тоғда кийик ётмас эканда, Норқўзи ака!.. *(Кулги.)*

Норқўзи. Эй Ҳайдаржон сен шу ердამидинг? Ана, ана, худди айтганимнинг ўзи, ҳар ерда ҳозир-нозир. Аччиғинг келса бурнингни тишла. Қани қизим, яқинроқ кел, бир кўриб олайликчи. *(Тамбурни чертади.)*

Нурхон. Хўп жоним блан, уста.

Қодиров, Василий Ивановичалр киришади.

Қодиров. Салом!

Нурхон. Келинг, ўртоқ Қодиров!

Ҳайдар. Келинг, домла!

В. Иванович. Бу нима гап? Нурхонга дам бера-сизларми, йўқми?

Норқўзи. Домла, репетицияни ўзингиз тайин қилгансиз.

В. Иванович. Мен қачон репетиция тайин қилибман, комиссия келади, кўрик бўлади, демабмидим? Уч кундан кейин „Фарҳод ва Ширин“ қўйилади. Примьера! Афишалар чиқарилган.

Норқўзи. Кечирасиз, домла. Нурхоннинг ашуллари бироз хомроқ эди. Шунинг учун...

Қодиров. Майли, сиздек устодлардан қанча кўп ўрганса, ўзига шунча фойда.

В. Иванович. Аммо анови Ҳайдаржондан; ҳа, сен Ҳайдаржон! *(Кулги.)*

Қумри *(югуриб кириб)*. Ўртоқжон, ўртоқжон, вой ўлмасам... *(Буларни кўриб изига қайтади.)*

В. Иванович. Тўхта Қумрича, нима гапинг бор?

Қумри. Мен бир нарсани сиздан сўрай девдим.

В. Иванович. Сўра, сўра!

Қумри. Йўқ, майли Нурхон опамдан сўрайман. Опажон! *(Қулоғига шивирлаб.)* Гул ўйиннинг упорасига мана бу ғамза парангни кийсам ярашармикин?..

Нурхон. Ярашади, ярашади Қумрича.

В. Иванович. Ярашади, Қумри! *(Қумри севинганича чиқиб кетади.)*

Қодиров. Қани профессор.

В. Иванович. Ҳозир эшитасиз. Қани қизим бошла... *(Ноталарни беради. Нурхон қўрқа-қўрқа бир-*

икки нарсани чалади, бошда қийналади, сўнгра зўр мароқ блан дадил равон чалакетади. Чапак чаладилар. В. Иванович завқ блан сўзлайди.)

В. Иванович. Яхши чалдинг! Мана, ўртоқ Қодиров кўрднингизми? Икки йил ичида шунча гап. Буларнинг зеҳни ўткир, қобилияти зўр! (Нурхонга.) Яна талтайиб кетма қизим. Ҳали кўн чалишинг, ўрганишинг зарур... Шунини яхши билки музика учун аввал зўр юрак, улуғ муҳаббат даркор! Бу инструмент му'жиза. Бунинг минг тили бор. Халқнинг юрагидаги орзу-армонларини қўшиқ-мақомларидаги марваридларни Глинка, Чайковский, Бетховен сингари буюк композиторларнинг ижод хазиналаридаги дурру гавҳарларни, ўзининг жон пардасида сақлайди. Бу туганмас ҳазиналар сиридан огоҳ бўлиш учун музика илмини ўрганиш, кеча-кундуз ўрганиш керак қизим. Ана шундагина халқ сени сан'аткор деб улуғлайди.

Нурхон. Раҳмат, Василий Иванович! Сиз менга музика ўргатдингиз, кўнглимда сан'атга битмас-туганмас муҳаббат уйғотдингиз.

Қодиров. Ширин ролини яхшилаб ўйнаб чиқсангиз, сизни ҳам Ҳайдаржонни Москвага ўқишга юборамиз. Партия ва Совет ҳукумати сиздек талантларни авайлаб парвариш қилади. Сизлар ҳам шу ҳурматга лойиқ, халқ учун хизмат қилишингиз керак, албатта.

Нурхон. Жон борича хизмат қиламиз, ўртоқ Қодиров.

Ҳайдар. Бу сўзни сра унутмаймиз!

Ҳадия (рангги ўчган, товуши бўғилган ҳолда киради). Бормисиз, ўртоқ Қодиров! Сиз сан'атчиларнинг бошлиғисиз, арзимга қулоқ солинг! Бу театрнинг бошлиқлари, режиссёрлари биздақангиларга кун кўрсатадими, ёки йўқми?!

Қодиров. Хўш, хўш?

В. Иванович. Ана холос!

Ҳадия. Ахир шу театрга ҳаммадан илгари артистка бўлиб мен кирганман. Билган ашуламни саноғи йўқ. Овозимни тенги йўқ... Ҳамма овозимни эшитишга зор бўлсаю, Ширин ролини мен турганда кечагина қишлоқдан келган бир қизга беришса?... Қани ҳақиқат?!

В. Иванович. Ўртоқ Ҳадияхон, сиз ҳам ўйнайсиз...

Қодиров. Василий Иванович бунга нима дейсиз?

В. И в а н о в и ч. Биз бу гал ёш бир кадрни синаб кўрмоқчимиз... Бу киши ҳам кадрга қарши бўлмаса керак.

Ҳадия. Мени масхара қилаяпсиз! Ҳаммангизнинг тилингиз битта! Биламан! Билиб ишимни қиламан! Ҳа Нурхон... чиройига ишонади.

Нурхон. Ҳадияхон! Билиб гапиринг! (*Ўпкаси тўлиб.*) Энди менга бу тўхмат ҳам бормиди?

Ҳадия. Биламан... Бўлмаса мен турганда сизга...

В. И в а н о в и ч (*қаттиқ*). Бас!.. (*Жимлик.*) Тилингизни тийинг!

Ҳадия. Нега шовқин соласиз! Танқидга чиданг, домилло!

Ҳайдар. Бу танқид эмас... иғво...

В. И в а н о в и ч. Ҳадияхон! Артист деган ном улур ном! Унга доғ туширманг! Синглим! Ножўя гапирдингиз. Нурхон ёш кадр. Сиз унинг душмани эмас, дўсти, дугонаси бўлинг! Мана, қаранг, ўртоғингизни ноҳақ койитдингиз... Қани, айтингчи шундан сизга нима фойда чиқди. Ширинни сиз ҳам ўйнайсиз, у ҳам ўйнайди... Рашк, хасад, иғвони ташлаб, ўқиш, ўрганиш керак. Халқимиз сиздек тажрибакор сан'аткорни ҳурматлайди. Шунингдек ёш, янги, сан'ат кадрларига ҳам э'тибор, ғамхўрлик лозим!

Ҳадия. Ахир... Ҳалиги... Мени... (*Ҳадия гапиралмай секин чиқиб кетади.*)

В. И в а н о в и ч. Қани ўртоқ Қодиров, клуб, кироатхоналаримизни ҳам бир кўриб чиқинг.

Қодиров. Қани чиқайлик, Василий Иванович! Мен шу ердан кетақолай, мажлисим бор.

Қодиров, Василий Иванович хайрлашиб чиқадилар.

Қумри (*ҳовлиққанича киради*). Ўртоқжон!.. Ҳой ўртоқжон!..

Нурхон. Нима гап?

Қумри. Мамат акам, Мамат акамлар...

Нурхон. Акажоним... (*Кўча томонга чопади.*)

Бошини боғлаб олган М а м а т киради, унинг атрофида Норқўзи, Нурхон, Ҳайдар, Қумрилар, Ҳайдар чамадон кўтариб олган.

Нурхон. Ака, акажон!

М а м а т. Ҳайрият саломат экансан, синглим. (*Пешонасидан ўпади.*)

Нурхон. Онагинам тинч, саломатмилар?

Мамат. Эсон-омон уйда ўтирипти, салом айтди.
Мамат. Норқўзи ака! Ҳамма қочоқлар тўпланган
экансизлар...

Кулги, Василий Иванович киради.

Нурхон. Домлажон, танишинг, акам...

В. Иванович. Кўп яхши, хуш келибсиз яхши
йигит. (*Кўришади.*) Қодировни жўнатдим, мен ҳам ке-
таман. Меҳмон блан кейин гаплашамиз...

Нурхон. Ўтиринг, меҳмон бўлинг!

В. Иванович. Зарур ишларим бор...

Нурхон. Шошманг бўлмаса. (*Карзинкадан дўп-
ни, мева олади.*) Маъна домла, қизингизга олиб борасиз.

В. Иванович. Йўқ, йўқ, ўзингиз-чи.

Нурхон. Хафа бўламан. Марғилондан онам юбо-
риптилар...

В. Иванович. Раҳмат, лекин Нурхон дам олинг, ўй-
найсиз.

Нурхон. Айтканингизни қиламан. Хотиржам бў-
линг.

Василий Иванович чиқиб кетади.

Мамат. Бу киши ким?

Нурмат. Менинг устозим, отам.

Норқўзи. Нурхонни ўз қизидан зиёда кўради.

Ҳайдар. Одамжон-да, одамжон.

Нурхон. Ҳа айтганча, отам қандай, соғ-омонми?

Мамат. Қўй, ўша бемеҳр отани сўрама, синглим.
Қочиб келиб хўп иш қилдиларинг-да. Кейинги кунлар-
да ёмон ҳам қутириб кетди. Онам бечорага қийин.
Сени соғиниб йиғлагани, йиғлаган.

Нурхон (*йиғи аралаш*). Шўрлик онам...

Ҳайдар (*Нурхонга билдирмай ишора қилади*).
Мамат!

Нурхон. Нега онамни бирга олиб келмадингиз?

Норқўзи. Койинма қизим, она деган болани соғи-
нади.

Мамат. Мени онамнинг ўзи жўнатди. Бориб ҳол-
аҳволини билиб кел, агар Нурхон Самарқандда яхши
ўрвашиб олган бўлса, мен ҳам бориб, қолган ум-
римни қизимникида ўтказаман, деди.

Нурхон. Вой акажон, ҳамма нарса бор. Яна бир
ойдан кейин театримиз Фарғонага гастрольга боради.

Мамат. Марғилонга ҳам борасизларми?

Нурхон. Албатта, борамиз.

Мамат. Сен Марғилонга бормасанг бўларди-да...

Нурхон. Нега акажон?

Мамат. Яна ўша золим отанинг ёнига борасанми?

Жуда сени кўрай, деб кўзи учаяпти-да.

Ҳайдар. Нега ундай дейсан, Мамат?

Норқўзи. Ер-сувидан айрилиб, фе'ли бузилгандир-да.

Мамат. Мени уйдан қувлаганига роса тўрт ой бўлди.

Нурхон. Шўрлик акам... Онамни соғиндим. Бораман. Юрагим бутун, қўрқмай қолганман. Пешонангизга нима бўлди?

Мамат. Сўрама... урган...

Нурхон. Урмай қўли синсин золимнинг, қандай азобларни кўрибсиз-а?

Норқўзи. Бундан чиқдики, ҳали ҳам Ҳожининг бурнига сув кирмапти-да.

Мамат. Ҳозир бурунгидек дағлағаси йўқ. Машқи паст, шундай бўлса ҳам ўша бағри тош отани кўргани борасизларми дейман-да.

Норқўзи. Биз ўша кишини кўргани борармидик, гапинг қизиқ, Мамат.

Ҳайдар. Ўша кишидан қўрқиб, Марғилонга бо-ришни ҳам йиғиштириб қўйсак-а?

Норқўзи. Чигирткадан қўрққан бугдой экмапти.

Нурхон. Лекин мен борсам ҳам онам учун бораман. Онамни соғиндим. Кўргим келади.

Мамат. Берике синглим... (*Чамадонини очиб Нурхонга совға беради.*) Мана, синглим!

Нурхон. Вой акажон! (*Кўриб.*) Саккиз тепкилик атлас, қандай яхши бўлди-я, концертга кияман. Шошманг, мен ҳам сизга нарсалар олиб қўювдим. (*Маматни ичкари уйга бошлаб киради.*)

Ҳайдар. Норқўзи ака!

Норқўзи. Нима дейсан, Ҳайдаржон?

Ҳайдар. Маматнинг бу келишига нима дейсиз?

Норқўзи. Нима дердим?..

Ҳайдар. Кўнглим сув ичмаяпти...

Норқўзи. Кўнглингга келтирма, ёмон бола эмас. Шундай бўлса ҳамки сергак бўлиш керак.

Ҳайдар. Нурхонга шипшитиб қўйсам...

Норқўзи. Ётиғи блан гапир...

Мамат устида янги кўйлак Нурхон блан чиқади.

Ҳайдар. Қуллуқ бўлсин энди.

Норқўзи. Ҳо-ҳо... сарполар муборак.

Ҳайдар. Ҳа, беш-олти кун бундай ўйнаб олсин.

Норқўзи. Самарқанд катта шаҳар. Муздак пиво-лари ҳам бор.

Ҳайдар. Маматхон менинг ҳужрамда туради. Биз бугун буни роса ўйнатамиз.

Норқўзи. Биз чиқайлик бўлмаса...

Ҳайдар. Сизлар чиқаверишлар, мен етиб оламан.

Улар чиқадилар

Ҳайдар. Нурхон!

Нурхон. Нима дейсиз, Ҳайдар ака?

Ҳайдар. Шу акангиз Мамат...

Нурхон. Нима бўпти?

Ҳайдар. Туҳмат қилмайман. Лекин эҳтиёт бўлиш шарт...

Нурхон (*заҳарханда блан*). Ҳайдар ака, сиз яқиндан бери бўлакча бўлиб қолдингиз, ишонма, эҳтиёт бўл!! Ахир отам, акамга не-не зулмлар кўрсатмади...

Ҳайдар. Нурхон! Акангиз Маматнинг нияти бузуқ, деб айтишга қўлимда ҳужжат йўқ, аммо...

Нурхон. Хўш, нима демоқчи бўласиз?

Ҳайдар. Акангиз Самарқандга нега келди?.. Балки буни отангиз юборгандир!..

Нурхон. Отам?!.. Ахир акамни мен ўзим чақирдим-ку. Отамнинг зулмидан „дод“ деб ёзган хатларига тоқат қилолмай тездан Самарқандга келинг деб тўрт марта хат ёзган мен ўзим-ку? Бўлмаган гап!!

Ҳайдар. Нурхон!..

Нурхон. Қўйинг, шу тўғрида гаплашмайлик!..

Ҳайдар. Йўқ! Мен шу тўғрида гаплашаман!.

Нурхон. Уришиб қоламиз!.

Ҳайдар. Майли! Менинг бошимга ҳарқанча та'на тошларини ёғдирсангиз ҳам, мен ўз сўзимдан қайтмайман! Чунки сизнинг гулбошингизни бало-қазодан сақлаш менинг ишим!..

Нурхон. Шўрлик акам, отамдан тортган шунча кулфат-азоби етмагандай, энди унинг кўкрагидан мен ҳам итарайми? Агар шундай қилсам бу бечора сарсон-

саргардон бўлиб қолмайдими? Пича ўйлайсизми, Ҳайдар ака?..

Ҳайдар. Аммо... Сизга қасд қилганлар кўп.

Нурхон. Мени жонимга қасд қилганлар кўп бўлса, улардан мени яна шу акамни ўзи қутқазади. *(Ичкарига кириб кетади.)*

Ҳайдар. Нурхон! *(Бироз жим қолади. Чиқиб кетади.)*

Нурхон *(қайтиб чиқиб)*. Бечора акам, бу қандай гап? Йўқ, ҳечқачон, ҳечқачон!.. *(Ойна олдига боради, Шириннинг ашуласини айтади.)*

Ҳадия. *(Ашулани эшик орқасида туриб эшитади. Секин киради.)*

Нурхон. Келинг Ҳадияхон!

Ҳадия. Нурхон! Айланиб кетай, сизни хафа қилиб қўйганим учун жуда кўнглим ғаш. Мени кечиринг! Юрагингизда кек сақламанг! Ўртоқжон!

Нурхон. Мен юрагида кек сақлайдиган қизлардан эмасман. Мен сиз блан уришканим йўқ, сиз мени ҳали ҳам энг яхши ўртоғимсиз, айланай.

Ҳадия *(кулиб)*. Ўргулай сиздан! *(Бўйнига ташланади.)* Вой, мана бу кийимлар, мана бу зеб-зийнатлар сизга бир ярашиптики... Энди нимасини айтасиз-да... *(Эшик тикиллайди.)*

Нурхон. Ким? Кираверинг!

Ҳузурхўжа *(мева тўла бир саватни кўтарган ҳолда кириб)*. Ким бўларди, акангиз Ҳузурхўжа бўлади-да!

Нурхон. Вой Ҳузурхўжа акам! Келинг, келинг, қандай шамол учирди, келинг!

Ҳузурхўжа. Сизнинг шамолингиз. Оббо муғамбирлар-э, биз эгарлаб қўйган отни миниб қочавериш экан-да!! Отни қанчага сотдиларинг! Ҳузурхўжага ширинкамасини ҳам юбормадиларинг-а, но инсофлар! *(Куладилар.)*

Нурхон. Ҳузурхўжа ака! Отни сотмасдан, топшириб келганмиз.

Ҳузурхўжа. Э аттанг, мен йўқлик қилиб қопман-да!

Нурхон. Мамат акам ҳам шу ерда, бугун келди...

Ҳузурхўжа. Э, шунақами? Анавини қаранг-а... Бу ноинсоф мени уйготмасдан поездга чиқиб кетаверган экан, мен ҳаш-паш дегунча, кўрпани қўлтиқлаб,

волидаий меҳрибон блан йиглаб видо'лашиб, йўлга равона бўлдим-да, сал бўлмаса, поезддан қолай деган эканман синглим!.

Ҳадия. Жуда қизиқ киши эканми?

Нурхон. Мени тутинган акам бўлади.

Ҳузурхўжа (Ҳадияга). Яхши қиз экансиз, сизга ака керакмасми? Узимиз кўкартирган боғларга, ерларга ўзимиз эга бўлдик, акангиз Ҳузурхўжанинг боғида етишган мевалардан, нок, анор, узум, шафтоли... (Ҳадияга). Қани яхши қиз! Олинг, нок есангиз нокдек бўласиз, узум есангиз, оғзингиз кичкина бўлади. (Куладилар.)

Нурхон. Қани ўтиринг, Ҳузурхўжа ака!

Ҳадия. Ўтиринг!

Ҳайдар (кириб). Ҳузурхўжа бормисан дўстим!

Ҳузурхўжа. Омонмисан, биродар! (Қучоқлашиб кўришадилар).

П а р д а.

БЕШИНЧИ ПАРДА

Ҳо жининг уйи. Ким'ё, Халча, Нозик ва яна бирқанча қизлар. Зиёфатга ҳозирлик кўрмоқдалар. Ким'ё ўзида йўқ хурсанд.

Шакар. Ўргилай холажон! Шошманг. Юрагингизни бир ушлаб кўрай.

Ким'ё. Айланай, юрак қоптими? Қизим Нурхоннинг дардида куйиб, кулпарча бўлган...

Қундуз. Мана холажон, соғинганингизни букун кўрасиз. Юрагингиз яна жойига тушиб қолар...

Ким'ё. Илоҳи айтганинг келсин, Қундузхон!

Халча. Қизим Нурхонни ҳаммадан ҳам мен соғинганман.

Нозик. Ҳаммангиздан мен ортиқ соғинганман.

Шакар. Ҳаммангиз ҳам соғингансиз.

Ким'ё. Айланай Халчахон, хамирим ачиб қолмасин. Мен патиримни ёпиб олақолай. Бу ерларни ўзингиз саранжамларсиз...

Халча. Майли айланай, сиз уёқдаги ишингизни қилаверинг!

Ким'ё. Юринглар қизлар, ош-сувга қарашиб берасизлар.

Шакар. Хўп бўлади, аяжон, *(Ким'ё, Шакар, Қундузлар чиқадилар.)*

Халча *(атрофга қараб)*. Хўш, кейин нима бўлди?

Нозик. Илойим кўрсатган томошаси қуриб кетсин. Ер ёрилмади ерга кирмадим. Нурхонни кўрамин. ашуласини эшитамиз, деб Марғилон томошахонасига йиғилипти одам... Бир маҳал қарасам Норқўзи билан Ҳайдар чилдирмани чалакетди. Нурхон ясан-тусан, усма-сурмани келиштириб қўйиб, юз нозу қараёми билан

ашула айтиб ўйнаб қолмасинми? Ашула — ўйини тугаши блан бўлди қарсак, бўлди тўпаланг! Шундай изо тортдим... Садда муқом қилиб йўрғалаб ўйнайди-я, ер ютгур.

Халча. Уни-муни қўй, келишга кўндими?

Нозик. Дадангиз Шоҳимардонга кетган, онангизни ўзингиз бориб кўрмасангиз яхши эмас дедим. Ҳайдар ўлгури ёнидан асти жилмас экан. Айналсин опанг, ўргулсин опанг деб жоним қолмади. Ўртоқлари блан келиб онасини кўриб кетишга кўнди. (*Ҳожи кириб.*)

Ҳожи. Ҳайрият қизим, ҳайрият...

Нозик. Аячи, ая, кичик синглиси Раҳимага ҳам чилдирма ўйин ўргатишти, қаранг ер ютгур!

Ҳожи. Хўш, келади?

Халча. Келади, акажон келади. Худо хоҳласа, албатта, келади.

Нозик. Аранг кўндирдим, тоғажон!

Ҳожи. Баракалла оппоқ қизим, мана сенга кўйлаклик...

Халча. Анаву Мамат бўшашиб қолганга ўхшайди. Ишнинг чувини чиқариб қўймаса деб қўрқаман.

Ҳожи. Ташқарида Саркор блан Муллакамол турипти... Биз яна Мамат блан гаплашамиз. Сенлар бўёғига ҳуш'ёр бўл!

Халча. Ахир у қиз ўлгур Самарқандда ҳам Маматга бош-оёғ саруполар қилиб бериб, топган пулни Маматнинг чўнтагига солиб қўяр экан, ака.

Ҳожи. Хотиржам бўл, Маматхон бу ишни, албатта, бажаради. (*Заҳарли кулги.*) Нурхон шу уйда туғилган эди? Худди ана шу уйда...

Халча. Айтганингиз келиб, юзимиз ёруғ бўлади ака. (*Ким'ё киради.*)

Ким'ё. Ассалому алайкум.

Ҳожи. Ваалайкум ассалом, келинг... Мана қизингиз ҳам келиб қолди, хурсандмисиз, ўргилай хотин?

Ким'ё. Хурсанд бўлмаслигим ҳам борми? Жон отаси, минг қилса ҳам қизингиз... Унга юзингизни тескари қилманг, отаси?

Ҳожи. Гапингиз қизиқ-а. Фарзанд онага қандай ширин бўлса, отага ҳам шундай ширин. Менга осон тутманг. Қизимга ноҳақ қилган жабру зулмларим эсимга тушиб, кечалари ухламасдан йиғлаб чиқаман. Ўзингиз биласиз хотин, дун'ёда эркак кишининг йиғисидан ху-

нук нарса йўқ. Айтгандай, қизингиз ҳам артист бўлиб қолипти. Артистлик ҳам ёмон ҳунар эмас. Майли, ўйнасин, кулсин, умри узоқ бўлади, шундай эмасми?

Халча. Албатта.

Ҳожи. Энди яраштириб қўясизларми?

Ким'ё. Ярашади отаси. Иш қилиб, ўзингиз қаршилиқ қилмасангиз ярашади.

Ҳожи. Мен отасиман. Эшитар қулоққа яхши эмас. Аввал қизингиз келиб узр сўраган бўлсин, ундан кейин майли. Ҳайдаржон ҳам Самарқандда ўқиб ақлли йигит бўлиб қолипти. Қизингизни шунга бериб қўяқолинг, мен рози, шу кунларгача Марғилонда ҳеч кўрилмаган бир тўй-тамоша қилиб, ҳаммаларингизни орзу-ҳавасларингизга етказаман, иншоолло, худо хоҳласа. Халча энди буёғини тезлатиб юборинглар.

Халча. Ҳа, буёғидан хотиржам бўлаверинг. Ҳамма нарса тайёр.

Ҳожи. Қизингизнинг келишини эшитиб жуда чиройингиз очилиб, кўзимга ғалати кўриниб кетаяпсиз, ўргилиб кетай хотин! Хайр, мен кетдим. *(Кетади.)*

Ким'ё. Вой Халча бону, арвоҳлар ёр бўпти. Мен акангиздан бундай ширин гапларни эшитарман, деб ҳеч ўйламаган эдим. Акангизга худо инсоф берипти.

Халча. Қўйинг-э, келинпошша, шундай акамдан нолийсиз. Юринг, ношукур бўлманг. *(Чиқадилар, чироғ ўчади.)*

Зиёфат бошланган. Ким'ё, Нозик, Халча яна бирмунча қиз-жувонлар тўрт томонга зир югуриб меҳмонларга хизмат қилади. Каромат очик, Зеби ҳола яна бирмунча мурсак кийган кампирлар тўрда ўлтирадилар. Уй Шакархон, Мастонхон, Ойниса, Қундузхон, Қумрихон (буларнинг ба'зилари очилган) яна бирқанча қизлар блан тўла.

Нурхон ашулани тугатиб, дуторни ерга қўйганда чироғ ёнади.

Қизлар. Раҳмат, камол, саломат бўлинг?

Зеби. Овозингизга овоз қўшилипти, ўргилай.

Нозик *(мунофиқона)*. Мунча ширин, мунча мазалик, айланиб кетай укамдан! *(Ўпадаи.)*

Халча *(бир қўлида исирик)*. Кўз тегмасин боламга... Қочиб ажаб қилгансан, хўп қилгансан, қизим...

Нурхон. Вой Халча амма, нима қилганингиз бу?

Халча. Қўйвор, расмимиз шу. Бошида чучунмаган эканман.

Ким'ё. Ҳамиша мени гадаблар эдингиз, энди қалайсиз Халчахон?

Каромат. Аста-секин чучиниб қоласиз, айналай!

Халча. Қани энди дун'ё бир айлансаю, ўн олтига тўлиб, дириллаган чоқларим яна қайтиб келса, мен ҳам бу паранжи ўлгурни улоқтириб, ўйинчиликка кириб, ашулани ванг қўйиб юрсам, менинг олдимда Нурхонлар ҳам ип эшалмай қоларди, айналақолай.

Қундуз. Холажон, қизингизни қаранг, бирам очилиб кетипти-ки...

Ким'ё. Ўргулай қизимдан, айланай қизимдан. (*Сочларини силаб.*) Энди дадаси билан ҳам ярашиб олса эди...

Халча. Ярашади, худо хоҳласа, ярашади...

Ким'ё. Ҳаммадан манаву Қумричани айтмайсизми, вой уни очилиб ўлтиришини...

Каромат. Зебихон, ўртоқ, қизингиз Қумрихон бирам ўйинчи бўптики, учади-я, учади, умрингни бергур...

Зеби. Мен ҳам айтардим, сен қоқвош хийлагина борсан, катта бўлсанг сатанг бўлиб кетмасанг деб. (*Кулги.*)

Каромат. Ким'ёхон, сўраганининг айби йўқ, Ҳайдаржонга тўй қачон?

Қундуз. Ҳа-я... Тўй Марғилонда бўладими?

Нурхон. Вой ўлмасам, ҳозир қочиб кетаман. (*Кулги.*)

Шакар. Ҳа. Қочишга уста бўлиб олибсиза, қизлар, булар тўйларини Самарқандда қилишмоқчи эмиш.

Қундуз. Бекоргина айтипти. Бўлмаса ўртоқчиликдан чиқамиз.

Қумри. Тўйни шу ерда қиламиз...

Халча. Вой айланай, қизлар, худди шу бугун Нурхонга тўй-да...

Нурхон. Бас энди, ҳадеб гапираверманглар!

Шакар. Ўртоғимдан яна бир эшиттайлик.

Қундуз. Ҳа шундай бўлсин, жуда соғинганмиз.

Халча. Ҳой Нозикхон, ҳовуз бўйидаги супага гилам сол, жой қил, буер исиб кетди. Меҳмонлар ўша ерга чиқишади. Ошнйям ўшатда ейишади...

Нозик. Хўп ойижон!

Нурхон. Бўлмаса мен ашула қиламан. Қумрихон ўйнасин.

Қумри. Қўйинг ўртоқ, уяламан.

Зеби. Уялмай қўяқол, қоқожон. Шунча эркакларга қараб муқом қилишга уялмайсан-у!

(Қулги, Нурхон шўх-шўх дутор чалиб, куйлайди, Қумри ўйнайди).

Нурхон.

Бизга толе' туҳфа айлаб,
Келди даврон ўзгача...
Яшнади, гул-гул ясанди,
Боғу бўстон ўзгача...
Севгили ёримнинг дарду
Ишқида куйган эдим.
Энди ёрим гулшанимда,
Бўлди меҳмон ўзгача...
Яллалар айтиб кезарман,
Шу гўзал бўстонда мен,
Бошима сочди қуёш,
Нурин фаровон ўзгача.
Кўзларимдан ёш тўкилмас,
Кўкка учмас нолалар...
Топди роҳат ҳур Ватаннинг
Қўйнида жон ўзгача.

Ҳамма. Раҳмат, яшанг Нурхон...

Нурхон (*Ким'ёга*). Ая, бу ўтирган меҳмонлар ичида ўйинчи артистларимиздан ҳам бор. Сизларга бир ўйин қилиб беришсин-а.

Ким'ё. А, айланай болаларим, бир кўрайлик...

Бошқалар. Сўраймиз, сўраймиз...

Артисткалар ялла-рақс қиладилар.

Нозик (*кириб*). Аяжон, ҳалиги айтганларингиз ҳаммаси тайёр...

Халча. Қани келинпошша, меҳмонларни боққа таклиф қилинг!

Ким'ё. Қани энди, айланай меҳмонлар, ҳовлига чиқайлик. Жуда салқин, ўйин ҳам ўша ерда бўлаверди.

Каромат. Турайлик бўлмаса.

Нозик. Қундузхон дуторни олинг.

Қумри. Ҳаммадан чилдирма эсдан чиқмасин.

Нурхон. Амма! Ҳайдаржон акам, домлам келишмоқчи эди. Шу чоққача дараги йўқ-а?

Халча. Келишиб қолар, мен ҳам ошнинг гуричини солмай шуларга қаратиб турибман, қизим.

Қўзғалишади. Кампирлар енглари блан елпиниб, чиқабошлайдилар. Нурхон ўртоқлари блан ўзаро маҳрам гапларни шивирлашиб, бир-бирининг бўйинларига қўл солишиб, кула-кула чиқадилар. Саҳнада жимлик. Маматнинг овози.

Мамат. Амма, ҳо, амма... Нозик ой.

Нозик. Ана келди.

Халча (*кириб*). Ҳайрият. Бор қизим, ўйинни қизит. (*Ташқарида.*) Кирақол, Маматхон. (*Ўйга киради. Паст, қўрқинчли товуш блан.*) Нега кечикдинг?!

Мамат. Ҳайдардан зўрға қутулдим. Чақиринг уни!

Халча. Мана калит, дадил бўл! Кўча дарвоза маҳкам. Мана бу эшикни ўзинг қулфлаб оласан! (*Шисани узатиб.*) Мана бундан ютиб ол. Юраклик бўласан, отанг айтди. Овқат ҳам келтириб қўйдим. (*Чақиради.*) Айланақолай қизим, Нурхон!

Мамат руҳан қийналади, бошини қуйи солганча оғир ўйга толади. Ниҳоят, кескин ҳаракат блан катта бир чиннига арақ қуйиб, оқ уради. Жимлик, ташқарида ўйин-кулги.

Мамат. Мен қандай ишга қадам қўйдим... Ўлдириш. Ўлдириш... қандай ваҳима... (*Жимлик.*) Аммо... Қасам... қур'он... ор-номус?!.. Йўқ, йўқ!! Бу қиз шармандалик кўчасига кирди, бузилди. Юзини очди. Бизни шарманда қилди. Отамни ерга қаратди. Тавба қилди-раман... бордию тавба қилиб, бу шармандалик йўлдан қайтмасан, айиб ўзида... (*Яна арақдан қуйиб ичади, бироздан сўнг чеҳраси очик, кўзлари кулган Нурхон бепарво кириб келади.*)

Нурхон (*майин товуш блан*). Акажон, мени йўқладингизми?

Мамат. Кел синглим, яқинроқ кел! Сўзим бор... Хўш, (*дудилиб*) сен кетасанми, қоласанми?

Нурхон. Кетаман, акажон, кетамиз...

Мамат (*заҳарли кулиб*). Хўш, синглим, хўп! (*Секин юриб бориб, эшик томонга ўтади. Шиддатли ҳаракат блан экишни бекитади. Калитни чўнтагига солади. Нурхон бирдан ваҳимага тушади.*)

Нурхон. Акажон!! Бу нима қилганингиз? Нега эшикни бекитдингиз? (*Эшикка ёпишади.*) Ака, очинг! (*Мамат қўлларини қайириб ташлайди, вазмин.*)

Мамат. Сенга айтадиган бир-икки оғиз сўзим бор.

Нурхон. Йўқ очинг, очинг дейман!!

Мамат (*бўғиқ, ғазабнок*). Унингни ўчир!!

Нурхон (*хайрон*). Хўп... хўп, акажон!.. Мана жим бўлдим. Қани айтинг нима дейсиз?

Мамат. Қалайсан, қўлга тушдингми, сатанг?! Оқ падар!! Сен беномус бизни шарманда қилдинг! Қариган отамнинг қаддини букдинг! Мени ерга қаратдинг!. Бир йилдан бери пайт пойлайман! Бугун ниятимга етдим!

Нурхон ундан жирканади, унинг кўзларига қўрқмасдан дадил қарайди. Шаддод қизлардай гапиреди.

Нурхон. Шунақами?! Сизнинг башарангиз шуми?!

Мамат. Шу!! Икки йўл бор: бирини танла! Ё сен ҳозир тавба қиласан, бу расво йўлдан қайтасан! Ҳайдардан кечасан! Қайтиб паранжига кирасан... Ё энди, ҳой ла'нати, мен ўлимдан ҳам зўравонман, қўрқинчлиман, қасам'ёд қиламанки, ҳозир жонингга чанг соламан.

Нурхон (*қоматини кўтариб, кўзлари ёниб*). Нима? Нима, дейсиз?! Йўлингдан қайтасан?! Мен озодликни мана шу йўлда топдим. Ҳой ака, ўзингиз айтингчи, қафасдан бўшалган қуш, яна қайта ўзини қафасга урадими? Андиша қилинг! Ўзингизни ҳам, мени ҳам ёш ҳалок қилманг. Душман иғвосига учманг! Қайтинг акажон, бу қўрқинчли йўлдан! (*Йиғлаб ўзини Маматнинг оёғига ташлайди.*)

Мамат. Бу йиғлаб ёлборишинг фойдасиз! Тур ўрнингдан! Ё ҳа! Ё йўқ! Жавоб бер!

Нурхон жим қолади. Оғир пауза... Нурхон титраб-қақшаб зўра ўрнидан туради. Мамат ёнган кўзлари блан Нурхонга тикилган.

Нурхон мажолсиз, кўзларида ёш, ўзига ўзи аста гапиреди.

Нурхон. Э... тентак қиз... келиб-келиб шу мунофиққа ялиниб, унинг марҳаматидан садақа сўраб, шунчалик паст кетдингми? Йўқ, мен бунга кўрсатаман! Бундаги ма'нисиз ғурурлик, мендай бир қизнинг мардлиги олдида омонсиз яксон бўлсин! (*Тобора ғазабли, тутақиб.*) Ҳой ака! Сен ўша чириган, узилган занжирни улашга уринма! Мен бу совуқ башарангдан мазор жимжитлигидан ҳам қўрқинчлироқ бир шарпани сезаяпман. Шуни билки, жон беришга тайёрман, лекин йўлимдан қайтмайман!

Мамат. Қайтасан!!

Нурхон. Ҳаёт блан мени ўртамга баланд тоғлар тикка қилсанг ҳам, юрагимни бўғиб, озодлик қўшиқларимни ўчирсанг ҳам, юрагимдаги орзу-армонларимни ўлимнинг ўтли омбурлари блан ўйиб-юлиб ташласанг ҳам, мен бу ёруғ йўлдан қайтмайман!

Мамат. Қайтасан!!

Нурхон. Йўқ, менинг қарорим битта!

Мамат. Қайтмайсанми?

Нурхон. Мана ўлдир! Санч пичоғингни, золим! *(Кўйлақларини пора-пора қилади. Кўксини тутлади. Мамат югуради.)*

Нурхон. Онажон! Ҳайдар ака!

Мамат. Тўхта! Бадбахт! Тўхта, мана сенга Ҳайдар! *(Нурхоннинг кўксига зарб блан пичоқ босади. Нурхон фарёд кўтаради. Одамлар эшикни қоқадилар).* Мана сенга сан'ат! Мана сенга озодлик!!

Ҳайдар. Нурхон! Эҳ газанда!! *(Нурхонни қутқозишга ҳаракат қилади, Мамат блан олишади, Мамат қочади.)* Қочма! Тўхта!!

Ҳузурхўжа. Ҳайдар, югур, ушла! Нурхон! Нурхон! *(Нурхонни бағрига олади, кўчадан бақирганича Ҳожи, Саркор, Муллакамош кирадилар).*

Ҳожи. Қани менинг қизим?! Менинг қизимни ким ўлдирди?! Вой отанг ўлсин қизим!!

Халча. Нурхонни ўлдирган шу Ҳайдар!!

Нозик. Бу Нурхонни яхши кўрар экан.

Халча. Нурхонни, Самарқандга бормайман дегани учун алам қилиб ўлдирган.

Ҳожи. Ҳа! Ла'нати! Боғимни олдинг, еримни олдинг, молимни олдинг, энди жонимни ҳам оласанми?! Энди қизимдан, севган боламдан жудо қиласанми?! Менда сенинг нима хусуматинг бор эди?!

Саркор. Қонга — қон, ўлдириш керак!

Муллакамош. Тош бўрон қилиш керак!

Ҳожи. Тўхтанг! Муллакамош! Милицияга чопинг, хабар беринг! Қамасин бу жишояткорни!!

Муллакамош. Дарвоқи' тўғри айтасиз.

Ҳожи, Саркор, Муллакамош чиқадилар.

Ҳайдар. Тўхтанг! Қаерга борасиз, ифлослар! Жойингиздан қимирламанг! Нурхонни ўлдирган қотил, *(Ҳожини кўрсатади.)* Сен!

Ҳожи. Ёлғон! Тўхмат!!

Саркор. Тухмат!

Халча. Ахир мен бу ерюткур Хайдарнинг Нурхонга пичоқ суққанини ўз кўзим блан кўрдим.

Муллакамол. Шу кампир ёлғон айтадими?

Ҳожи. Судда жавоб берасан, Хайдар!

Нурхон ҳушига келади, буларда қўрқув.

Халча. Болагинам, Нурхон!

Нурхон. (*ҳушига келиб, атрофга қарайди. Ҳо-
жигга қараб*) Кетинг, ялмоғизлар!!

Хайдар. Нурхон!!

Нурхон. Хайдарим! Менга пичоқ урганлар, отам, акам ҳам мана бу ялмоғизлар!...

Норқўзи (*кириб*). Қизим Нурхон! Нурхон, бу мусибатга қандай чидайман. Энди бу тамбур кимга керак! Синдираман, тошга ураман. (*Йиғлайди.*)

Нурхон. Йўқ, Норқўзи ака... Ундай деманг... Ўртоқларим бор, улар...

Ташқаридан Василий Иванович бақирганича бирқанча артистлар блан киради.

В. Иванович. Қани Нурхон?! Қани менинг қизим?! Қани менинг юрагим? (*Кўради.*) Қизим, қизим, ким, ким бунга пичоқ урди? Қандай беномус бу ёш гулни нобуд қилди?! Қандай муттаҳам сендек қушчанинг қанотларини синдирди. Менга кўрсатинг, кўрсатинг уни??

Нурхон. Домлажон йиғламанг, домлажон отам ўрнида отам эдингиз. (*Оғир мотам ичида турган ўртоқларига қараб.*) Қумрихон!..

Қумри. Жоним!!

Нурхон. Шакархон, Қундузхон!

Шакар. Ўртоқжон.., Жоним ўргулсин.

Қумри. Ўртоқжон...

Нурхон. Қўрқманглар... Маҳкам бўлинглар. Сан'атни гуллатинглар! (*Ўртоқларини бир-бир ўпади.*)

Ким'ё (*ҳушига келиб*). Болам?!

Нурхон. Ўргулай онажон, сизга кўп ташвиш солдим. Болалик қарзимни узолмадим... Онажон, шу меҳрибон кўксингизга бир босилай... (*Онасини маҳкам қучади.*) Оҳ... умр қандай ширин... Келинг мен бир ўпай сизни юзингиздан онажоним!

Узилди бағри тошномард, акам қўлида, маржоним.
Баҳор яшнаб, қуёш кулмиш, қафаслар тору мор
ўлмиш.

Очилмай гунчайи умрим юракда қолди армоним...

Йиқил, э кар деворлар, парчалан сен парда-чачвонлар
Сени ёндиргуси бир ўт бўлиб оққан қизил қоним!..
Сиз э ўртоқларим, бу нурли йўлдан қайтмангиз асло.
Ўларман, лекин ўлмас сан'атим, бахтим, шараф-шоним.

Нурхон ўлади

Ҳайдар. Нурхон!!

Ким'ё. Нурхон!! *(Мотам вазияти. Ким'ё аста-секин кўтарилиб, гандираклаб, ўртага келади).*

Қани сен э золим бола?! Ла'нат сенга! Мен сенинг онанг эмасман! Сенинг онанг шайтон! Мен сени оқ қилдим! Бўз тупроқ бўл! Юзинг қаро бўлсин!. Қани мард бўлсанг кел. Онангни ҳам ўлдир! Пичоғингни сенга сут берган шу кўкракка санч! Мен энди сени омон қўймайман! Шу тирноқларим блан юрагингни олиб, итлар олдига ташлайман... Йўқ, йўқ, ҳукумат одил, мендай ўртанган бир хотиннинг додига етади!.. Мана шу жаллод эр блан номард ўғилни кўз олдимда жазосини берсин. Талабим шу! Қизим мана, паранжини мен куйдираман! Йиқилсин, емирилсин бу тор қафас!..
(Кучсизланади, кўчалардан халқ тўлқини оқади. Ўнлаб байроқлар кўринади. Шовқин-сурон кўтарилади. Василий Иванович қаддини тиклаб.)

В. И в а н о в и ч. Нурхон! Эшитияпсанми бутун халқ оёққа турди. Бу мусибатдан ғазабга келган озод халқ Нурхон қотилларига ўлим талаб қилаётир! Ўлим! Сен озодлик йўлида жон бердинг! Лекин сенинг гўзал, ажойиб сан'атинг асло ўлмас! Тобора юксалар, яшнар!.

Музыка тобора кучайиб, янги ҳаёт ғалабасини ифода қилади.
Кўтаринки, мардона, жанговар қўшиқ янграйди

П а р д а.

1940



ЁНДИРАМИЗ



ҚАТНАШУЧИЛАР:

Самсоқ ота — кекса колхозчи, 70 ёшда.

Шодмонов — райком секретари.

Полвон — бригадир, коммунист.

Михайлов — МТС ходими.

Азамат — колхозчи, комсомол.

Ўлмасой — колхозчи, комсомол.

Теша — кекса бригадир.

Матқовул	} колхозчилар
Шер	
Эрийгит	
Қосим	
Зеби	
Ҳожар	
Отақул	}
Тўқоч	

Боймат	} колхозга кириб олган ёт унсурлар
Қоравой	
Йўлчи	
Раҳмон	
Сурма	
Нозик	}
Хўжа	

Ҳамидов — район вакили.

Ўрмон — колхоз раиси

Жавлон — ҳисобчи.

Колхозчи эрлар ва хотин-қизлар.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Саҳна: „Октябрь“ колхози 2-нчи бригадасининг участкаси. „Бригада — колхоз меҳнатининг асосий бўғинидир“ шиори ёзилган алвон тортилган. Деворий газета осилган. Колхозчилар кетмон чопаетирлар, ба'зилар ерга машина блан чигит экаётирлар.

Самсоқ ота узоқда трактор ҳайдаяпти, колхозчилар қонда омборга уруғлик, ўғит ташимоқдалар, агротехник ерларни текшириб, дафтарга алланималарни чизиб қўяди. „Уруғни тўғри тик, молани келтир, сеялка қани?!“ деган хитоблар.

Азамат (*кулимсираб*). Шундай денг, ота!

Самсоқ ота (*сўзлаб киради*). Эй, у, Иваново-Вознисенскийда кўрганларимни айтиб адоқ қилолмайман, ўғлим!

Азамат. Самсоқ ота, сафарингиз ҳам узоққа чўзилиб кетди-да.

Самсоқ ота. Ҳаммамиз ўттизта колхозчи эдик, Москва, Иваново-Вознисенский, яна бошқа шаҳарларда ҳаммаси бўлиб уч ой юрдик.

Шер. Самсоқ ота, сиздан бемаслаҳат бўлса ҳамки, ўғлингиз Ўрмонни колхозга раис қилиб сайладик, жойида бўптими?

Самсоқ ота. Ҳа, шундоқ бўпти, лекин ўғлим Ўрмон ҳали ёш, иссиқ-совуқни кўриб, пишмаган бола, билмадим-да...

Теша. Аммо раисга хўп ёлчидик-да! Нима дейсан, Хўжа?!

Хўжа. Ўрмон акам ўзимизнинг киши-ку.

Боймат. Раисга энди ёлчидик деявур. Нимагаки, Ўрмон сену биз сингари меҳнат кетидан кун кўриб келаетган, мана бу сассиқ Самсоқди ўғли-да, а, лаббай. (*Кулги, Самсоққа.*) Яқинда танишкан бўлсак ҳам ҳазиллим қаттиқ бўлди. Хафа бўлмайсиз-да...

Самсоқ ота. Йўқ, асло!

Шер. Ўлманг, Самсоқ ота!

Самсоқ ота. Менам сиздай қоракўзлар учун хизмат қилмаган ўғилни, ўғил демайман!

Азамат. Бали отагинам.

Михайлов. Ўрмонга ёрдам бериш ҳаммамизнинг ишимиз.

Самсоқ ота. Мен келиб кўрдим, унинг ҳали колхозда қилмаган бирталай ишлари бор экан.

Полвон (*киради*). Камлик тортманглар! Опалар, ажриқ, ғумайларнинг биттаси ҳам қолмасин, тузукми?

Аёллар. Қолдирмаймиз, Полвон ака.

Шер. Аёлларнинг ишлари пишиқ, булар ҳақини ҳалоллаб олишади, шундайми Ўлмасой?

Ўлмасой. Шундай...

Теша. Ҳа, бригадир Полвон, тагин ғумайдан фигонинг кўкка кўтарилиб қопти?

Шер. Эй ошна, кўрмайсанми, бутун еримизни ғумай босиб ётипти.

Азамат. Ўзи ҳам шарти кетиб парти қолган ерда.

Боймат. Эй, қўйсангчи сўтак. Сенларнинг еринг мангал эмас, семиз ер.

Полвон. Деҳқонбой ака, сиз ер танимас экансиз.

Теша. Деҳқонбой ака, сиз яқинда келгансиз, билмайсиз, ўткан йил шу ернинг ҳар гектаридан етмиш пуддан пахта олганмиз.

Азамат. Тешавой ака, сизнинг участкангиз бизда бўлса бир гектаридан, азбаройи шифо, юз пуддан пахта беришга договор қиламиз.

Хўжа. Қачон қараса, аравани қуруқ олиб қочасан, Азамат.

Азамат. Гўё сен... (*Матқовул сўзни кесиб.*)

Матқовул. Ҳай болалар, ҳамма гап ғайратда, зарбдорликда! Раҳмон, Иўлчига ўхшаган дангасалар бўлмаса, азбаройи худо, планни юз фоиз қилиб бажарамиз-а!

Ўлмасой. Тешавой акамнинг ерида ўт сийрак, кўп ишланмаган янги ер, ҳосилни олган одам ширава қаймоққа ширмон нонни булаб егандай маза қилади.

Шер. Ўлмасой... ширава қаймоқни кўп еган экансиз-а? (*Кулги.*)

Боймат. Бир гектар ердан юз пуд пахта олишнинг иложи бўлса биз ҳам олар эдик, ойғам қиз.

Михайлов. Колхоздаги ишчи кучлар, бригадалар ўртасида ернинг миждозига қарамай бир текисда тақсим қилинган.

Полвон. Ахир мен шунингчун дод дейманда.

Боймат. Акалар, укалар, бирлашайлик, экайлик, чопайлик, терайлик, шу блан ҳукуматга пахтани топшириб, бошқалардан ўзиб, уларни ютайлик, а, лаббай!

Шер. Бизга тагин уч от, иккита ҳўкиз, тўртта сеялка етишмайди.

Эрйигит. Тешавой аканинг бригадасида асбоблар ишлатилмай ётади.

Бошқалар аста-секин чиқадилар.

Боймат. Эрйигит ҳаққос гапирди, а, лаббай?

Самсоқ ота. Тўғри айтасиз, Деҳқонбой ака. (*Кўзига тикилиб қолади.*)

Боймат (*ўнггайсизланиб*). Хўш, жуда тикилиб қолдингиз, Самсоқвой.

Самсоқ ота. Деҳқонбой ака, сиз асли, қайси шаҳардансиз?

Боймат (*чуқур нафас олиб*). Сиз сўраманг, менинг ҳасратимдан чанг чиқмасин. Самсоқвой, мен беватанман, Тошкентга яқин Қовунчи деган бир жой бор. Шу Қовунчида катакдаккина бир жойим бор эди. Ота ўлди, она ўлди, бир акани кўмдим, уй-жой ҳам бечораликдан бузилиб, вайрон бўлиб кетди, тиклашга қувват етмай қолди, шундан кейин...

Самсоқ ота. Иш қилиб, менинг кўзимга танишдай кўринасиз, лекин қаерда кўрганимни эслолмайман.

Боймат. Одам-одамга ўхшайди, ота, иш қолмасин, ишга борайлик. (*Чиқиб кетади.*)

Самсоқ ота (*орқасидан кузатиб*). Шу одамни ҳар кўрганимда юрагим бир дукиллаб кетади... худди... (*Уйланиб.*) „Одам одамга ўхшайди, ота!“ (*Ишга кетади.*)

Полвон, Йўлчи сўнг Боймат кирадилар.

Полвон. Меҳнат кунларингни қирқ процент кам ёздираман, билиб қўй!

Боймат. Тўғри, кам ёздириш керак, колхозда ишлаган тишлайди.

Йўлчи. Асл зарбдор мен бўламан, э... ўша пандавақи.

Боймат. Меҳнат қилиб, пешона тери тўкишни хоҳламасанг йўлингни катта ол, ука!

Полвон. Деҳқонбой ака, айтганча сиз районга бориб келмадингиз-ку!

Боймат. Аввал манави ғумайлардан кўнглим тинчисин, ука! (*Раҳмон киради.*)

Раҳмон. Бу нима деган гап?

Полвон. Хўш?

Раҳмон. Ҳаммамиз-ку, беш кундан ишладик, нима учун мен ҳақни кам оламану, бошқалар мўлади?

Полвон. Ишбайининг сири шунда-да!

Раҳмон. Биламиз, сиз ўчакишиб қолгансиз.

Полвон. Биз ҳисобни ҳарбир колхозчи меҳнатининг сони блан сифатига қараб қиламиз. (*Хўжа кирди.*)

Раҳмон. Бу бўлмайди, бу тирриқлик.

Хўжа. Бечоралар куйиб кетабермасин!

Полвон. Сен жим тур! (*Раҳмонга қараб.*) Раҳмон, сен жўякларнинг кенглигини сақламагансан, қаторларни бузгансан, уруғни гоҳ чуқур, гоҳ саёз босгансан, экмай кетгансан, шунга қараб сенинг меҳнат кунларингни ўттиз процентини қисқартдик.

Йўлчи. Бошқаларнинг меҳнат кунлари ошиб, бизники сувга уриб кетаверадими? А, пандавақи?!

Шер. Йўлчи, менга қара, наша блан толнинг соясини кўнглингдан буткул чиқариб ташла! Ўзингни кўрсат, сеники ҳам ошади!

Йўлчи. Азбаройи худо правлениега борамиз.

Раҳмон. Тепангиздан арз қиламиз. (*Чиқадилар.*)

Полвон (*Шерга*). Азаматни буёққа чақириб қўй.

Шер (*чиқиб*). Азамат! Полвон акам чақирапти.

Полвон. Иш ҳам правард бўлиб қолди, кундалик сводкани тўлдирай, Азамат ука, менга ёрдам бер!

Азамат. Ҳозир! (*Бир тахта қоғозга ёзабошлайдилар.*)

Полвон (*ярим товуш блан*). Иккинчи бригада, саккизинчи апрель, хўш, тўққизинчи наряд бўйича қуйидаги ишлар бажарилди, хўш, ҳайдаш, молалаш, экиш...

Жавлон (*кирди*). Ҳорманг, Полвон ака!

Полвон. Саломат бўлинг, Жавлон бек, хўп яхши пайтда келдингиз-да.

Жавлон. Сводка тайёirmi?

Полвон. Тайёр бўлади.

Жавлон. Яхши.

Полвон. Иш қилиб, жон ука, ҳисоб-китобнинг қолганини тездан қўлдан чиқаринг, натижасини колхозчиларга эрта блан лўнда қилиб эшитдирайлик.

Жавлон. Албатта, эрта блан қўлингизга еткизиб бераман.

Полвон. Сводканинг жиндай чала жойи бор.

Жавлон. Бўлмаса ўшоғда тўлдирақоламиз.

Полвон. Яхши гап, юринг! (*Чиқадилар, Раҳмон, Йўлчи киради.*)

Раҳмон. Қани меҳнат кунини ишлаган кунимга қараб ҳисоб қилгани, ёғимизни олишга уста, хумпарлар.

Йўлчи. Ҳаммадан ҳам анови мени издельшина ёндиради, издельшина, пандавақи!..

Боймат (*кирди, аланглаб, бўғиқ*). Худо беш қўлни баравар яратган эмас дейсан-да, а, лаббай?!

Йўлчи. Ўлманг, Деҳқонбой ака!

Боймат. „Бойни қашшоқ блан тенг қиламиз“ дейишади-ю, колхозда ўша тенглик йўқ!

Йўлчи. Ана, ана худди ўзи, азбаройи худо менинг ичим экансиз.

Эрйигит (*кириб*). Ҳой, ҳой суроби тортилган Эрназар бойқуш, менга қара, зарбдорликни биз кўрсатайлик, пешанадан терни биз тўкайлик, колхоз учун жонни биз куйдирайли-гу, араванинг ўқиға ўхшаган кекирдакни сиз мойлайсизми? Эй, ўша умирнинг эгови бўлган харом жигилдонингдан...

Йўлчи. Эй тумшуғингни кўп чўзма, ҳеббим!!

Боймат. Ҳой овсар! Сен кимга гапираяпсан? Дардингни эшитадиган одамни ўзларинг билмайсанлар, бор, Ўрмонга бор!

Раҳмон. Йўлчи! Ўрмон акам нариги ер бошида юриптилар, бориб бир дардимизни ёрма қилиб ташлайлик.

Отақул. Юринглар! (*Йўлчи, Раҳмон, Отақул чиқишади.*)

Полвон, Ўлмас киришади.

Полвон. Ўлмасой, сен хотин-қизларнинг меҳнатига кўз-қулоқ бўлаяпсанми?

Ўлмасой. Албатта! Полвон ака, айтканча ўтоқ,

ягана, йигим-теримга зарбдор бўлиб ёзилган хотин-қизларнинг рўйхатини сўраган эдингиз.

Полвон. Қани ўша, менга берчи!

Беради, Ўрмон, Ҳамидовлар киради.

Ҳамидов. Ҳорманглар, азаматлар!

Ҳамма. Ҳа, саломат бўлинг!!

Ўрмон. Мана буерлар иккинчи бригада участкаси ҳисобланади, ўртоқ Ҳамидов.

Ҳамидов. Жуда яхши.

Ўрмон (*имо блан*). Полвон!

Ҳамидов. Бригадангиздаги Раҳмон, Йўлчилар нима учун қўйиниб юришини?

Полвон. Ўлғидай дангаса, сояпар кишилар. Ишлашмайди. Меҳнат кунларидан қирқиб қўйдим.

Ҳамидов. Ўртоқ Полвон, бундай нарсалар бўлак колхозчиларга ёмон та'сир қилади.

Полвон. Нима қилай, сариғчақалик иш қилмаса ҳам асал ялатайми, ўртоқ Ҳамидов?

Боймат. Ўртоқ Ҳамидов Полвоннинг гапи ҳақ, биз дангасаларга раҳм-шафқат қилсак пахта планимизни бажаролмай қоламиз.

Ҳамидов. Сиз Полвон партия а'зосисиз. Шундай иш қилингки, ундай дангасалар тузалсин. Зарбдорлар қаторига кирсин.

Ўрмон. Ўртоқ Ҳамидов меҳнатни ҳисобга олиш ишидан Полвонни озод қилиб, ҳисобни счетоводга топширсак.

Ҳамидов. Бу жуда ҳам яхши маслаҳат, ўзининг ҳам иши анча енгиллайди.

Полвон. Бунинг сабаби нима экан, мен бунинг уддасидан чиқалмадимми?

Ўрмон. Мана, Теша блан Хўжанинг бригадалари жуда тинч, ҳарбир масала идорада ечилади.

Полвон. Бу масалани идорада эмас, колхозчиларнинг орасида...

Ўрмон. Сиз билмайсиз, кўп вақилламанг!

Полвон. Раис, мен вақиллаётганим йўқ!

Ўрмон. Сиз, Полвон, ўз ишингизни билинг, колхоз ишига аралашманг!

Полвон. Нимага аралашмайин, ҳақсиз эмасман-ку?

Ҳамидов. Бас, нима бу? Ўрмон сиз ҳам таянғ

раис экансиз! Қўйинг жанжални! Полвон хафа бўлманг, қани экилаётган ерларга бошланг, кўрайлик!

Полвон. Хўп борайлик. (*Чикдилар, Ўрмон қолди.*)

Ўрмон. Падарингга ла'нат!

Боймат. Хўш?

Ўрмон. Яна уч-тўртта анови Раҳим акага ўхшаганлар колхозга кирмоқчи, нима қиламиз?

Боймат. Анави камбағал Раҳимми?

Ўрмон. Азиз отага ўхшаган ўрта ҳодлар ҳам бор.

Боймат. Йўқ, бўлмайди. Камбағалга камбағал ишонади, унга Тешавойни ишқа!

Ўрмон. Тузук.

Боймат. Қоровой тўғрисида Ҳамидов блан гаплаш.

Ўрмон. Хўп, аммо сир...

Боймат. Нима сир? Дадил бўл, қўрқма! (*Пул беради.*) Икки минг. Қоровой берди. Ахир, кор-хайринг бор, Қоровой эртага сенга бир катта гавмиш сигир келтириб беради. Матқовулга қўйни юклаймиз.

Ўрмон. Ростданми? Пулини ҳам бераман.

Боймат. Эй овсар пул нега керак?! Иннайкейин Ҳамидовни қўлга олиш учун уч минг сўлковой, учта қўй, ҳув... мен сенга берган қизил оёқ гилам бор эди-ку? Ана шу гиламдан иккитаси таппа тахт, тушундингми?

Ўрмон. Айтканча бугун-эрта Район партия комитетидан Сулаймонов келар экан.

Боймат. Биламан.

Ўрмон. Сизнинг жуда яхши дўстингиз-а?

Боймат. Сулаймонов ўзимиздан, лекин Шодмоновга эҳтиёт бўл! Агар унинг ҳам жиловини қўлга олсак, ишларимиз қиёмат бўлур эди-я... лекин... (*ўйланади*) билмадим...

Ўрмон. Кишиларнинг айтишига қараганда, у анча чиниққан, пухта большевик эмиш.

Боймат. Майли кўрамиз! (*Колхозчилар ўтиб қолди, сўзни буради*). Бояги икки силкани ҳам МТСга юбориш керак. Ўрмон, ҳалиги гапларни унутма! Иккинчи бригада илгари кетаётипти, қаттиқ бир зарба блан унинг кучини синдириш, парчалаш керак! (*Теша киради*).

Теша. Мен келдим.

Боймат. Теша, тунов кунги айтканим нима бўлди?

Теша. Ҳаммаси жойида.

Боймат. Я'ни мен айткандай қилиб-а?

Теша. Худди шундай.

Боймат. Рўзғордан қийналмадингми? Пулдан қалайсан, пулдан?

Теша. Маза йўқроқ, Деҳқонбой ака.

Боймат *(енг учида)*. Ма! Рўзғорингга яратиб тур! Яна бераман, тўнингни ҳам пахтаси оқиб қопти, бугун уйга бор.

Теша. Қуллуқ, Деҳқонбой ака, қуллуқ, кам бўлманг!

Боймат. Иннайкейин... *(қулоғига шивирлайди, Раҳим киради.)*

Раҳим. Ука, Ўрмон, идорангизга бордим, тополмадим, мана бояги айткан ариза, колхозга кираман, ўғлим.

Ўрмон. Яхши, колхознинг фойдасини энди пайқапсиз-да, Раҳим ака.

Раҳим. Ҳа, энди чучунмаган эканмиз-да, барака топгур, Полвон кўзимизни очиб қўйди.

Ўрмон. Аризангизни кўриб, кейин жавоб бераман.

Раҳим. Хўп ўғлим, хўп. *(Ўрмон кетади.)*

Теша. Раҳим, нима гап?

Раҳим. Колхозга кирайпман, жинни, севинчи бер! Севинчи!!

Теша. Севинчи? *(Бошини чайқаб.)* Эй Раҳим, Раҳим.

Раҳим. Гапир, хўш, нима?

Теша. Мен сенга ўхшаган эси пастларга ҳайронман.

Раҳим. Нечук, эси паст дейсан!

Теша. Ўз бошвоғини бошқаларга тутқузиб қўйган кишини эси паст, тентак, анқов, гўл дейди-да, ахир.

Раҳим. Очигроқ гапирсангчи, Теша!

Теша. Эй сўтак, нима қиласан колхозга кириб, колхозга кирганнинг биттаси менми? А, менми? Мен пўнғқуш, мен лавашанг-ку, колхозга кириб, тавбамга таяндим-а!

Раҳим. Колхоз ёмонми?

Теша. Якка хўжаликка нима етсин? Овсар! Мана менга қара, от-улов ўзингники, ер-сув ўзингники, хоҳ-

лаганингдай ишлайсан, хўжайин йўқ, буйруқ йўқ, кай-финг тарақ, дўппинг яримта, қорнинг тўқ, бора-бора қўш ҳўкиз, тегирмон, абжувоз, борки, ҳамаёқ ўзинг-ники, ўзинг—хон, кўланканг—майдон, эй эси паст, ўйла, қайси яхши!

Раҳим (*узоқ ўйланиб*). Теша, Теша, минг биллоҳи азим, тўғри айтасан, айтчи, арзани қайтариб олсам хафа қилмайдиларми?

Теша. Эй жинни, қўрқма! Колхозга киришда зўрлик йўқ!

Раҳим. Чиндан ҳам мен эси пастман, тантиқман, ҳозироқ аризамни қайтариб оламан (*Чиқиб кетди, Полвон учрайди.*)

Полвон. Раҳим ака, йўл бўлсин?

Раҳим (*юзига қарамай шошилиб*). Аризамни қайтариб беринг! (*Таниб.*) Эй сизмисиз, раис қани, раис?

Полвон. Нима бўлди?

Раҳим. Колхозга кирмайман!

Полвон. Ахир, кечаги менга берган ва'дангиз қани?

Раҳим. Йўқ ука, менга колхоз тўғри келмас экан, ахир бола-чақалик одам.

Полвон. Раҳим ака, сиз дастлаб колхозга киринг, ишланг, кўринг, колхоз ёқса сизники, ёқмаса...

Раҳим. Керакмас дедим, керакмас, колхозга кириш ихтиёрийми ахир?

Полвон. Ихтиёрий.

Раҳим. Хоҳламайман. Кўпчилликка тобим йўқ, безорман.

Полвон. Раҳим ака, ўйланг! Кўпчилик бир бурдадан берса тўйдиради, бир муштдан урса ўлдиради. Кўпчилик колхозда, қишлоғимизда якка хўжаликлардан сиз, ундан кейин Турди чол, Астона қолгансизлар, холос, ахир тўпингиздан ажралиб қоласиз...

Раҳим. Э... Менинг тўпим йўқ, кирмайман, ёки зўрликми?

Полвон. Аттанг, деб қоласиз!

Раҳим. Аттанг, демиман! Бор-борей! Сенақа ташвиқотчидан ўргулдим! (*Зарда блан чиқиб кетади.*)

Полвон (*секин*). Хўп, кўрамиз! (*Чиқади, пойлаб турган Боймат киради.*)

Боймат (*ўзича*). Хамир учидан патир.

Парда

Далада, кўчма қизил чойхона. О та қул самаворчи чойнакларни артиб туради, Йўлчи, Раҳмон хуррак тортиб ухлаб ётади. Ўлмасой, Ўрмон гаплашиб, чой ичиб ўтирадилар.

Ўлмасой *(туриб)*. Йўқ, мен кечикаман.

Ўрмон *(чой тугиб)*. Яна бир пиёла, бошқа бер-миман.

Ўлмасой. Хўп, сазангиз ўлмасин. *(Олади.)*

Ўрмон. Уялманг, гапиринг!

Ўлмасой. Қўйинг, йигит кишилар шунақа, колхозга катта бўлиб олгандан кейин, пастдагиларни назарига илмай қўяркан...

Ўрмон. Сизга тушган ишқимни шу чоққача билмайсизми?

Ўлмасой. Иш қилиб, колхозни йўлга қўйиб, яхши от чиқарсангиз менга шунинг ўзи бас...

Ўрмон. Яхши ишласам, яхши от кўтарсам, ундан кейин нима бўлади?

Ўлмасой. Нима бўлар эди? *(Уялиб сочини ўйнади.)*

Ўрмон. Тагин бошқа блан бўлиб кетиб, мени доғда қўймайсизми?

Ўлмасой. Ўрмон ака, у нимаси? Мен ўзимни биламан, ўзимга ишонаман, ҳам ўйлаб андиша блан гапираман.

Ўрмон. Мени ташламайсиз. *(Қўлини сиқиб.)* Мени ёқтирасиз-а?

Ўлмасой. Йигит деган сал вазмин бўлади. *(Кетабошлайди.)*

Ўрмон. Шошманг, шошманг, битта сўроқ.

Ўлмасой. Гапиринг!

Ўрмон *(икки қўлидан ушлайди)*. Тўйни қачон қиламиз?

Ўлмасой. Ҳа, ҳа, ҳа... ҳовлиқиб қолибсиз... *(Қўлидан қутулмоқчи бўлади.)*

Ўрмон. Тоқат қолмади, тоқат! *(Уёқ-буёққа жаланглаб, пайт топиб ўпмоқчи эди, Азамат блан Шер йўталиб кириб қолади.)*

Азамат. Бу қандай гап? Далада иш қайнаб ётипти-ю...

Ўлмасой (*ҳадиксираб*). Йўқ, мен иш блан Азамат ака...

Шер. Сизни эмас, ановни қаранг! Йўлчи блан Раҳмон хурракка зўр бериб ётипти, жойидами?

Ўрмон. Отақул, уйғот! Ҳайда буларни!

Отақул. Жуда чарчашиб ётиб қолган эди.

Азамат. Эй, иш қилса чарчайди-да!

Ўрмон. Уйғот!

Отақул Йўлчи блан Раҳмонни уйғотади, улар чиқиб кетадилар.

Тўйни қачон қиламиз?

Ўлмасой. Ҳаммасига ҳам вақт бор.

Ўрмон. Нима учун, нима учун? Айнидингизми?

Ўлмасой. Ҳали иш кўп, пахталаримизни йиғиб-териб, ҳукуматга топшириб, қўлимизни жиндай ишдан бўшатайлик, ундан кейин ўнта тўй бўлса ҳам биздан қочиб қутулмайди.

Ўрмон. Йўқ бўлмайди, чидалмиман.

Ўлмасой. Ҳа, чидаганга чиқарган, чидасангиз шу, яхши йигит.

Ўрмон (*узоқдан бировни кўриб сурагдай қотадди*). Хўп, майли, сиз блан бўлак вақтда гаплашамиз... (*Ўлмасой у блан чиқади.*) Отақул, бор, уларни буёққа олиб кел! Деҳқонбой ака блан Ҳамидовни чақириб кел.

Отақул. Ҳозир! (*Чиқади, эски чопон елкасида, маймоқ кавушни судраб Қоровой киради.*)

Ўрмон. Келдингизми?

Қоровой. Ҳа, келдим.

Боймат, Теша, Матқовул кирадилар.

Ўрмон. Ариза тайёрни?

Қоровой. Тайёр.

Боймат. Матқовил, сувга тушкан латтадай бўшашма, дадил гапиравер!!

Матқовул. Ҳа, гапираман-гапираман.

Ўрмон. Ҳамидов келаяпти. (*Ҳамидов киради.*)

Боймат. Ўртоқ Ҳамидов, мана бояги айткан одам.

Ҳамидов. Ҳа, эсимда, бу, колхозга кирмоқ-чимиз?

Ўрмон. Шундай, ўртоқ Ҳамидов (*Боймат, Ўрмон, Қоровой шивирлашиб, бир чеккада қолдилар.*)

Теша. Ўртоқ Ҳамидов, таги бу киши қулоқ эмас, камбағал.

Ҳамидов. Арзаси борми?

Боймат. Арзаси бор!

Ҳамидов (*Қоровойга*). Қандай айб блан қулоққа тортилдингиз?

Қоровой. Мен ожизлик қилиб, ҳукумат солиғини вақтида тўлолмадим. Шунинг учун, ўчакишиб, қулоққа тортиб юбордилар.

Ҳамидов. Жамоа ижроқўмига арза берганмисиз?

Матқовул. Ҳа, арза берган, оқибати бўлмади!

Ҳамидов. Хўп арзангизни текшираман! (*Полвон киради.*)

Полвон. Ўртоқ Ҳамидов, нима гап? Бу киши колхозга кирмоқчими?

Ҳамидов. Шундай.

Хўжа, Азамат, Ўлмасой, Михайлов, Самсоқота,
Қосимлар киради.

Азамат. Бунинг ҳисобини тугатиб қўяверинг!

Ҳамидов. Нима учун, Азамат?

Ўлмасой. У бизнинг киши эмас! Мана жамоа ижроқўми Қосим ака айтсин, шундай эмасми?

Қосим. Шундай, Азамат!

Теша. Бекорчи гап! Бу бечора ҳам, ноҳақ қулоққа тортилган кишилардан.

Хўжа. Тўғри, ҳарбир камбағални қаердаги сиёсий саводсизлар келиб қулоқ қилиб кетаверса, шу иш большевикча бўладими?

Михайлов. Ўртоқ Ҳамидов, Полвон, Азаматларга ҳарнучук ишониш керак!

Боймат. Ўртоқ Ҳамидов, тўғри гап, булар блан маслаҳатлашиб иш қилиш керак!

Ҳамидов. Жим!

Боймат. Ўртоқ Ҳамидов, шу колхоз учун жонини жабборга беручиларнинг биттаси мен бўлсам, сизнинг бу ишингизга қўшилолмиман.

Ҳамидов. Ҳаммагизнинг ҳам гапингизга ишониб бўлмайди!

Полвон. Бўлмаса, бу масалани ячейка бюросида қараш керак!

Ҳамидов. Хўш, сиз райондан келган Ҳамидовга ишонмайсизми?

Полвон. Гап ишониш, ишонмасликда эмас! Сиз буни яхши танимайсиз! Бу қулоққа тўғри тортилган киши!

Хўжа. Мунақангги мағзи пуч қизил сўзлар, синфий душманларнинг тегирмонига сув қуяди!

Самсоқ ота. Хўжахон, сиз жим туринг! Қуёшни этак блан ёпиб бўлмади! (*Ўрмонга.*) Ўғлим! Сен нимага уларнинг ёнини олаяпсан?!

Ўрмон. Ўртоқ Ҳамидов, сиёсатга тишимиз ўтмайди, оми-саводсиз кишилармиз.

Қосим. Ўртоқ Ҳамидов, қишлоқ шўроси буни текширган.

Ҳамидов. Қўйинг, гапирманг, жамоа ижроқўмисиз-у, шунча жиноятларни кўриб туриб, яна пинакни бузмайсиз!

Қосим. Бу масалада ҳечким жиноят қилгани йўқ!

Ҳамидов. Шошманг, тегишли жойда гаплашамиз.

Ўрмон. Сиз бизнинг раҳбаримиз, биз партиянинг йўлидан четга чиқмаймиз!

Азамат. Ўртоқлар, ўртоқ Ҳамидов бизга янги келган киши.

Ҳамидов. Чинакамдан Қоравойнинг тақдирини ҳал қилишда қишлоқ коммунистлари сўл оппортунистлик ботқоғига ботиб қолган, шунинг учун мен сиёсий раҳбар бўлишим муносабати блан Қоравойни қулоқликдан оқлаб, колхозга қабул қилишни лойиқ ва керак деб топаман!

Михайлов. Бундай йўл блан масалани ҳал қилиш нотўғри, ўртоқ Ҳамидов! Мен бунга қўшилолмайман.

Ҳамидов. У сизнинг ишингиз, ўртоқ Михайлов!

Михайлов. Активларнинг сўзини тинглаш керак!

Ҳамидов. Мен унинг қулоқ эмаслигига, колхозга лойиқ эканлигига ишонаман.

Полвон. Қулоқни қўллаб-қўлтиқлаб колхозга жойлашга биз йўл қўймаймиз.

Михайлов. Ўртоқ Ҳамидов, сиз душманга ёрдам қилаяпсиз, қулоқни қўллаб-қувватлаяпсиз? Сизнинг бу

ишингиз душман тегирмонига сув қуяди. Биз МТС рабочилари ҳам бу ҳаракатингизга қаршимиз!

Ҳамидов. Сиз ўртоқ Михайлов, маҳаллий шаритни билмайсиз. Нимага аралашасиз?

Михайлов. Аралашаман. Бу менинг вазифам!

Боймат. Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Бу нима жанжал?

Азамат. Ўртоқ Ҳамидов, комсомоллар номидан бу қарорга норозилик билдираман.

Ҳамидов. Азамат, нимага бош эгмайсан?! Комсомолнинг партия йўлидан бўлак йўли йўқ!

Азамат. Биламан! Лекин сизнинг йўлингиз — партия йўли эмас. Бу Ҳамидовнинг йўли — қулоқ Қоравойнинг йўли!!

Ҳамидов. Азамат!

Азамат. Ҳа!

Ҳамидов. Тилингни тий!

Азамат. Тиймайман!

Ҳамидов. Суғириб оламан!

Азамат. Қўлингиз калталиқ қилади!

Михайлов. Баракалла Азамат! Бўш келма!

Ҳамидов. Сен, бола, партия йўлига қарши бо-
раяпсан!

Михайлов. Партия номидан гапирманг?! Партия бизнинг раҳбаримиз, виждонимиз, халоскоримиз! Аммо партия сафига қўй териси ёпиниб кириб олган бўрилар ҳам бор.

Ҳамидов. Мен бўриманми? Бу тухмат! Бу тухмат! Бу партия а'зосига бўҳтон... Жавоб берасиз ҳали, Михайлов. Ўрмон, менинг фикримни тўғридан тўғри амалга ошир!

Полвон. Приказ беришингиз нотўғри!

Ҳамидов. У менинг ишим!

Полвон. Биламан, сиз кўп нарсаларнинг юзига борапсиз...

Ҳамидов. Шошма у нима деганинг! Ҳа-ҳа... га-
пинг учун жавоб берасан.

Полвон. Албатга, сиз блан бирга!

Ҳамидов. Ха, ха, ха... Колхоздаги душманлар-
нинг ниқоби шундай пайтларда йиртилади! Ўрмон, сен
мен блан бирликда буларга қарши чора кўришинг ке-
рак!

Ўрмон. Мен сизнинг йўлингиздан чиқмайман, сизнинг деганларингизни бажараман!

Самсоқ ота. Ҳай бола, ҳой ўғил, кўзингни катта оч! Дўст-душманни ажрат! Ўз палагингни босма, тўпингдан ажралма! Бола!..

Ўрмон. Аралашманг дада, билмайсиз, мана тўғриливоринг (*Аризани берди.*)

Ҳамидов (*аризага резолюция солади*). „Қоравой Саидбоевнинг қулоқликдан олиниб, колхозга қабул қилишни лойиқ ва керак, деб топаман — Султон Ҳамидов“.

Полвон (*қоғозни тортиб олиб*). Ҳамидов, биз бундай ариза ҳам резолюцияларни мана бундай йиртиб, ёндирамиз.

Қоғоз парчалари учиб тушади, Ҳамидов ғазабдан ёнган кўзларини Полвонга тикади. Ҳар иккови бир-бирига узоқ тикилишиб қоладилар.

Парда.

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Колхоз идораси. Ўрмон, Боймат қоғозларни кўриш блан, Жавлон ҳисоб дафтарларини текшириб, чўт солиш блан овора.

Ўрмон. Бек, Полвон бригадасининг ҳисобини кўрсатингчи!

Жавлон. Ҳозир! (*Жовондан бирқанча қоғозларни олиб беради.*)

Ўрмон. Уқингчи! (*Қоғозларни текшириб ўтиб.*)

Жавлон. Азамат, Эрайгит тўртинчида — 1,70; бешинчида — 1,80; олтинчида — 2,7; еттинчида — 2,05; саккизинчида — 1,90, ҳаммаси бўлиб ўн гектар. Меҳнат кунлари ҳам ўн.

Ўрмон. Яхши. Ишлагани учун мукофот — 1,5.

Жавлон. Йўлчи тўртинчида — ярим; бешинчида — 1,65; олтинчида — 1; 7-нчида — 1,60; саккизинчида — 1,75; ҳаммаси бўлиб 6,5 гектар. Ишнинг сон-сифати паст бўлгани учун 1,30 камайтирилди; Отақул, Раҳмонники ҳам шундай.

Ўрмон (*қоғозларни столга отиб*). Жавлонбек, бу қандай ўзбошимчалик, мен сизга Йўлчи блан Отақуллар тўғрисида нима деган эдим?

Жавлон. Ўрмон ака, қизишманг! Бригаданинг

қўлига топширилган меҳнат ҳисобининг асли нусхаси мана буёқда! (*Олиб беради, Ўрмон, Боймат ҳисобни кўрадилар, жилмаядилар.*) Қалай?

Боймат. Жуда жойида, яшасин ўзимизнинг сче-товод Жавлонбек. А, лаббай?

Жавлон. Албатта, ишни рисоладагидай қилма-сак, кейин пачаваси чиқиб қолади!

Боймат. Ўлманг! Таги кўрган одамнинг бола-сисиз-да, Жавлонбек! Бизга яхши хизмат қилсангиз, отангизнинг арвоҳи ҳам шод бўлади, ўғлим!

Азамат, Михайлов, Ўлмасой, Полвонлар кирдилар. (*Боймат сўзни буради.*) Шундай, Жавлонбек, колхоз йўлида кеча-кундуз демай ишланг! Хизмат қилинг! (*Уларга.*) Келинглари!

Полвон. Ўртоқ Жавлонбек, менинг бригадамдаги колхозчиларнинг меҳнатини чатоқ қилиб ҳисоблаб-сиз!

Жавлон. Полвон ака, эсингиз жойидами, мен ёш боламанми?

Ўлмасой. Бўлмаса, Йўлчи, Раҳмонга ўхшаган дангасалар сариг чақалик иш қилмаса ҳам, уларнинг ҳақини биз блан тенг ҳисоблайсизми?

Ўрмон. Отақул, Раҳмонлар дангаса эдилар, ле-кин ҳозир улар зарбдор!

Михайлов. Обезличка кучайиб кетди, биласиз-ми, бу ҳақда ўртоқ...

Ўрмон. МТС кишиси ҳа деб колхознинг майда ишларигача суқулаверадими?

Михайлов. Ўртоқ Ўрмон, бу майда масала эмас!

Азамат. Қилган ишимизнинг сон-сифатига қараб ҳақ ололганимиз йўқ!

Боймат. Ука, Ўрмон, колхозчиларнинг да'волари ҳақ.

Ўрмон. Эй қўйинг, ҳосилот, сиз ҳам билмасдан валақлайверманг!

Боймат (*ясама дўқ блан*). Раисликни эплаёл-ган одам қилади ука, қўлингдан келмас экан...

Ўрмон. Ҳа, мен нима қилдим?

Боймат. Бўлмаса зарбдорларнинг сўзига қулоқ бер-да! Овора қилиб юраверасанми?

Полвон. Агар экиш-тикиш шу аҳволда борса, планнинг ярмини ҳам бажаролмаймиз!

Ўрмон. Албатта, сенга ўхшаган кишилар, ишди ўрнига иғво қилиб, ҳар қадамда, жиришни бузиб юрсан бажарилармиди?

Полвон. Раис, кўзингни оч! Чучварани хом са-нама ука!

Ўрмон. Ҳа-ҳа-ҳа..! Сен энди пишиқ санайсан-да!

Полвон. Хайр майли, пишиқ-хомини кейин кў-рарсиз. Ҳозир учёт устида гапир!

Ҳамидов кирди.

Ўрмон. Учёт, учёт! Арзимаган бир ишга ота-гўри — қозихона.

Ҳамидов. Шошманг, эҳтимол счетовод адашган-дир.

Боймат. Эй бекор гап! Счетовод адашмайди, колхозчиларнинг да'воси ҳақ, ўртоқ Ҳамидов!

Михайлов. Буерда, албатта, бир сир бор, сир.

Ҳамидов. Ҳечқандай сир йўқ, ўртоқ Михайлов, билиб гапиринг!

Боймат. Чинакамдан ҳисоб ишлари ёмон, ўртоқ Ҳамидов!

Ҳамидов. Хўш?

Боймат. Мен Ўрмонга шу ҳақда юз марта уқ-тирдим, гапир.

Ўрмон. Хўп, мақсад нима энди?

Полвон. Мақсад шуки, ҳарбир колхозчининг меҳнاتини бригада бошлиғи даланинг ўзида туриб ҳи-собга олсин!

Ўрмон. Мана, ҳосилот раиси фикр берсин.

Боймат. Мен нима дер эдим, қайси йўл, қайси йўруқ бўлмасин, ишлабчиқариш планимизга зарба бер-маса, пахта планимиз ортиғи блан бўлса-ю, юзимиз қи-зармаса, менга бас!!

Михайлов. Агар меҳнат тўғри ҳисобга олинма-са, уровниловка, обизличка кучайиб, ишлабчиқариш плани зарбага учрайди, ўртоқ Деҳқон!

Боймат. Тўғри!

Ҳамидов. Ҳамма гапни сизга бердик, ўртоқ Ми-хайлов.

Боймат. Майли зарбдорларнинг кўнгли ўлмасин, меҳнатни бошқатдан ҳисоблаш керак, Жавлонбек.

Ўрмон. Жавлонбек, иккинчи бригада колхозчи-

ларининг меҳнатини бошқатдан ҳисобга олиб, аниқлаб чиқинг!

Боймат. Ука, пича каллани жойига қўйиб ишланг-да, нима бу бепарволик? Ҳамавақт ишимизни шунақа пачава қилганингиз қилган!

Ҳамидов. Биласизми, ўртоқ Ленин „Социализм энг аввал учёт“ деган, учёт! *(Матқовул кирди.)*

Полвон. Бригадага анчадан берли буғдой блан саноат моллари берилмайди, уруғларимиз яхши тозаланган эмас!

Ҳамидов. Ҳаммаси бўлади.

Матқовул. Қоровой уч кундан бери буғдойга қатнапти, ҳали олиб келгани йўқ!

Ўрмон. Буғдой омборга тўкилиши блан биринчи навбатда сизларга берамиз!

Азамат. Дангаса — ялқовларга тайёр-у, бизга пайсалга солишми?

Ўрмон. Ноузанбилло, ишонмасанг мана калит, кириб қара, ука!

Азамат. Бўлди, бўлди.

Полвон. Юринг кетдик. *(Чиқадилар.)*

Ҳамидов. Уф... ла'натилар-ей.

Боймат. Хўш... Ўртоқ Сулаймонов кетдими?

Ҳамидов. Ҳа, кетди.

Ўрмон. Колхозимиздан хурсандми?

Ҳамидов. Жуда хурсанд.

Боймат. Жуда яхши!

Ҳамидов. Яна кечаги боққа бир чиқамиз-да!

Боймат. Албатта, отамлашмасак асти иложи йўқ.

Ҳамидов. Жавлонбек, Оллақулга айтинг, бу гал бўзани кучлироқ чиқарсин, кечаги, анча ёш экан, юракни...

Боймат. Бу сафаргисини каминангиз ўз қўли блан солган.

Ҳамидов. Бўпти, лекин Сурмахон блан Нозикхон бўлади-да!

Жавлон. Ҳай, ҳай, ўзимизникиларми?

Боймат. Дуторни эшиб чаладиганими? Ўлманг Жавлонбек, уларни ўзингиз тўғрилайсиз-да!

Жавлон. Албатта!

Боймат. Тагин идорага келасиз-а?

Ҳамидов. Ҳа, келаман, бошқа гап ҳам бор. *(Чиқади.)*

Боймат (аланглаб бировни ахтарабошлайди.
Матқовулни кўради). Ҳа!

Матқовул. Мен чиқиб, ишларимни тўғрилаб келай! (Чиқади.)

Боймат. Жавлонбек!

Жавлон. Лаббай...

Боймат. Бери келинг-а, ука.

Ўрмон, Жавлон ичкари киришади, икковини қучоғлаб туриб
бўғиқ товуш блан.

Бир йўл топиш керак!

Жавлон. Нима қилдик. Деҳқонбой ака.

Боймат. Бир найранг ишлатмасак, ишлар кишти-
мотга етиб, оёғимиз осмондан келади! Колхозчиларнинг
қилган меҳнатини, ҳисоб-китобини бутунлай чалкаш-
тириб ташлаш керак!

Жавлон. Қандай қилиб?

Боймат. Бутун дафтарларни куйдириб ташланг!
Кейин йўқотдим, ўғирлатдим деб тураверинг! Акт ту-
замиз...

Жавлон. Ҳа, ҳа, қилса бўлади, ундан кейинчи?

Боймат. Ким оз ишлаган, ким кўп ишлаган аниқ-
ланмасдан кампирнинг калавасидай чалкашиб кетади,
шу блан биз ҳам, она сути оғзидан келиб турган гў-
дадек оппоқ, ё чаккими?

Жавлон. Ўлманг Деҳқонбой ака, мен шу бугу-
ноқ тўғрилайман.

Боймат. Яхши, тез бажаринг! Сен Полвон ус-
тидан ёзилган юмолоқ ариза — материалларни юбор-
дингми?

Ўрмон. Юбордим.

Боймат. Иш қилиб, олдини олмасак бўлмайди,
улар кеча-кундуз тинмасдан ишлашаяпти.

Йўлчи, Раҳмон, Матқовул кирадилар, уларнинг кетидан
пойлаб Азамат ҳам киради.

Йўлчи. Ассалом алайкум, пандавақи, хўжайин-
лар!

Боймат. Ҳа... Раҳмон додхоҳ блан Йўлчи та-
жанг-ку.

Йўлчи. Зарбдорлик кўрсатаяпмиз.

Ўрмон. Мақсадни гапир, гапни калта қил!

Раҳмон. Мақсад буғдой блан газламада, хўжайин.

Боймат. Қани арзангни бер, ғалвангдан қутулайлик! (*Ўрмонга узатади.*)

Ўрмон (*қоғозни олади, устига резолюция ёзиб*). Буғдой ҳам саноат молларидан берилсин! Мана буни омбор мудири Қоровойга берасизлар!

Иккови. Раҳмат хўжайин, кам бўлманглар. Сизлар бор — бизлар бор-да.

Боймат. Икковинг Полвонлар тўғрисидаги материалларни районга олиб борганда дадил, қўрқмасдан гапираверинглар!

Йўлчи. Эй пандавақи, дўндирамиз, гапни тўппончадай отамиз. Полвонни қулоққа қулоғидан тортиб юбормасак, мен Йўлчи-ю, бу Раҳмон эмас.

Раҳмон. У босмачи. У қулоқ боласи, у ерини яширган, у бир қизни зўрлаган, иш тамом, вассалом...

Боймат. Ўлма йигитлар! (*Булар кулиб чиқишадди, Ўрмонга*). Омборда буғдой борми?

Ўрмон. Йкки юз эллик пуд буғдой бор.

Боймат. Матқовул, бугун зимзиё қилиш керак.

Ўрмон. Хўп, тўғрилайман! (*Қоровой киради, ҳадик олади*). Гапиравер! (*Эшикни ёпади, Азамат орқама-орқа кириб туриб кимнидир имлайди. Самсоқ ота кўринади.*)

Қоровой. Бу сафарги ғаниматдан икки тўп бахмал, йигирма беш қадоқ памил чой, олтита ғижим рўмол сизники, Ўрмон ака.

Ўрмон. Қани, ўшалар?

Қоровой. Уйингизга ташлаб келдим.

Ўрмон. Буларгачи?

Матқовул. Биз аллақачон, ҳи-ҳи...

Боймат. Айтканча ғалла нима бўлди?..

Қоровой. Бир юз олтмиш пуд ғаллани Мамажон аллобнинг дўконига ташлаб келдим.

Ўрмон. Пули нақдми?

Қоровой. Йкки минг икки юз сўми нақд, тўққиз юз сўми насия.

Боймат. Қани, Ўрмон блан меникини узат!

Қоровой. Мана тайёр! (*Узатди.*)

Боймат. Ишдан чиққан от-хўкизларни битта-битта сўйдириш керак! Нимага десанг гўшт-ёғдан колхозчилар сиқилиб қолди!

Матқовул. Тўғри гап! Кўпдан бери гўшт чайнамай жиринг қуриб қолди.

Ўрмон. Бу жуда қийин нарсаку!

Боймат. Бош тортма! Мен ҳар куни бир от, бир ҳукизни таптайёр касал қилиб беришнинг уддасидан чиқаман.

Матқовул. Ҳа, ҳа, ҳа... Шунақа ишларга устаси парангсиз-да.

Боймат. Буни икки ёқлама хислати бор, бирламчиси *(бошлари бир ерда тўпланади)*.

Азамат. Самсоқ ота бу гапларни эшитдингизми?

Самсоқ ота. Эшитдим. Ўз қулоғим блан эшитдим. Кошки қулоқларим кар бўлсайди, болам.

Азамат. Бу ўғлингиз...

Самсоқ ота. Қандай чидай, эҳ бадбахт, бола! Азамат, Азамат, ўғлинг дема! Та'на қилма! Ўғлим ўлган, мен ҳозир кираман! У менинг пушти-камаримдан бўлган бола эмас!

Азамат *(махкам тутиб)*. Йўқ! Йўқ! Самсоқ ота, ишни бузманг! Сабр қилинг?! Калаванинг учи энди топилди, бирдан бўмайди — мен кетдим, ҳозироқ райкомпартияга билдираимиз! *(Зуд чиқиб кетди.)*

Қулоқлар *(ичкарида)*. Тўғри.

Қоровой. Лекин, бу сирга ҳуш'ёр бўлайлик!

Боймат. Жим! Биз сирли кишилар эмас!

Самсоқ ота чидамай шиддатли қадам ташлаб кириб боради. Ўрмоннинг олдида тутоқиб туради. Боймат сўзни бонқа томон буради.

Ҳалигидай, иш ёқмас, ялқовларни аяш ярамайди, улар иланзимизга зарба беради-ю шарманда бўламиз, шарманда!

Ўрмон. Ахир Деҳқонбой ака...

Боймат. Эй қўйинг, Полвон блан бу кекса отамизнинг дод дейиши ҳам тўғрига ўхшаб қолди... *(Боймат чиқди.)*

Ўрмон. Хўш, дада?

Самсоқ ота. Мен сени даданг эмасман, душманнингман, биласанми?

Ўрмон. Нима учун душмансиз, дада?

Самсоқ ота. Гапирма, бадбахт! Бўз тупроқ бўгур! Мен бечора камбағалнинг соқолим оқариб, белим букилиб, қариган чоғимда юзимни ерга қаратдинг, шамгини қилдинг, кўр бўгур!

Ўрмон. Дада! Мен сизга ҳечқандай ёмонлик қилганим йўқ!

Самсоқ ота. Колхозга муштумзўрларни жойладинг, колхознинг ишини орқага силтадинг, талатдинг! Бу менга қилган ёмонлигинг эмасми? Дангасаларга мой чайнатдинг, булар жиноят эмасми?!

Ўрмон. Дада! Муштумзўрларнинг ноғарасига ўйнапсизми?

Самсоқ ота. Ноғарага сен ўйнаябсан, бадбахт!

Ўрмон. Қулоқларнинг гапига кириб мени партия йўлидан тойдирмоқчимисиз!!

Самсоқ ота. Ҳа, ҳа... сенми? Ҳой, сен партиянинг йўлидан аллақачон тойгансан! Сен номусингни, виждонингни сотган харомхўрсан!!

Ўрмон. Бас, гапирманг!

Боймат, Матқовул киришади.

Самсоқ ота. Аллақандай қинғир-қийшиқ йўлларда юриб, жиноят қилиб, жар ёқасида турасан, бола!!

Ўрмон. Қулоқларнинг ювундиси ёғлиқ бўлганга ўхшайди.

Самсоқ ота. Ювундини сен ичасан, ит! Қани айт, ҳозир душманлар блан нималарни гаплашдинг?!

Ўрмон. Иш устида гаплашдик!..

Самсоқ ота. Ёлғон айтасан! Ҳозир ҳам имонингни ютаяпсан! Сенлар колхозни бузиш, талаш, емириш маслаҳатини қилишдинг!

Жавлон Ҳамидовни айткани кетади.

Ўрмон. Тухмат! Ёлғон, ота!

Самсоқ ота. Бадбахт, тонма! Очиқ айт! Деҳқонбой ким? Нимага ҳамма иш унинг қўлида? Нимага унга жиловингни тутқазиб қўйгансан! Нимага ундан қўрқасан, кўрсанг етти букилиб салом қиласан?

Боймат кириди.

Боймат. Нима-нима? Бу қандай тухмат?!

Ўрмон. Отам бўлсангиз ҳам, мен сиздай тухматчини колхозда сақлаб туролмайман! (*Жавлон блан Ҳамидов кириди.*)

Ҳамидов. Нима гап?!

Боймат. Ўртоқ Ҳамидов, мен колхознинг жонкуяри бўлсаму, бу қандай тухмат ахир?

Самсоқ ота. Ўртоқ Ҳамидов, мана бу ифлослар колхозни бузмоқчилар, ёндирмоқчилар, таламоқчилар! Ҳамидов. Хўш, нима гап? Гапиринг!

Самсоқ ота. Мен ҳаммасини эшитдим, ўз қулогим билан эшитдим.

Ўрмон. Бу ҳақсизлик, ўртоқ Ҳамидов.

Матқовул. Биз бечоралар мажлис қилиб ўтириб эдик.

Қоровой. Тинч ишлатгани қўядими, йўқми?

Боймат (*бошига муштлаб*). Эй падаримга минг арава ла'нат, колхозга кирмай ўлай! Топган обрўйим шу бўлди, эй кўрган куним қурсин! Менга бу нима кўргилик?!

Самсоқ ота. Ҳамидов, ўртоқ Ҳамидов, ишонманг бунинг гапига, бу ичимизга кириб, ўз бўлиб, дўст кўринган, ашаддий душман, заҳарли илон! Мен бир кекса коммунистман. Менинг виждоним тоза! Ёлғон гапирмайман!

Ҳамидов. Секинроқ дедим! Нима бу Самсоқ ота, энди туҳмат қилиш қолувдими? Қулогим батанг келди, кармасман. Эшитаман!

Матқовул. Майли текширилсин, ким жиноятчи экан жазосини тортсин!

Ҳамидов. Биттаси Полвонми? Сиз қулоқни худофаа қилиб юрган экансиз, биз буни партиядан ҳайдадик, бугун-эрта колхоздан ҳам ҳайдаймиз.

Самсоқ ота. Полвон қулоқ эмас! Полвон чинакамдан қўли қадоқ, меҳнаткашнинг боласи. У асл коммунист. Уни партиядан ҳечким чиқаролмайди!!

Ҳамидов. Ким қулоқ биз яхши таниймиз, кўп вақилламанг! Туринг Деҳқонбой ака, аризангизни беринг! Туҳматчилар суд олдида жавоб берсин!

Қоровой. Ҳақ гап.

Боймат. Ҳозир ариза ёзаман, майли менинг бўйнимга қўйиб берсин!..

Самсоқ ота. Ёзинг! Қўрқмайман!

Ҳамидов. Жавлонбек мени, қачон бўлса, шундақанги арзимаган жанжаллар устига чақириб, бошимни оғритасиз!

Самсоқ ота. Ахир, ўртоқ Ҳамидов, райком партия сизни қишлоққа нима учун юборган? Нима учун бизнинг ҳасратларимизни тингламайсиз? Дардимизга дармон бўлмайсиз?

Ҳамидов. Ҳасрат эмиш, менинг душман ҳасратини эшитишга қулоғим йўқ! Қани юринглар, кетамиз!

Самсоқ ота ва Ўрмон қолади, бошқалар чиқади.

Ўрмон. Ота, мени номусга ўлдирдингиз!

Самсоқ ота. Номусга мен ўлдим, бадбахт! Мен! *(Йиғламсираб.)* Сен мол, тоза гилам, минглаб сўм пул, бўза, майшат деб аламзада қулоқларни пинжингга олиб, уларнинг қўлида жонли қўғирчоқ бўлиб қолибсан, бола!

Ўрмон. Мол-мулк бандаси мен эмас!

Самсоқ ота. Ҳай болам, жиноят йўлидан қайт! Касал нотавон отангни қақшатма! Қулоқларга дўст эмас, душман бўл! Биз қон ичиб келган қулоқларнинг илдизини қуритамиз, сен ҳам биз блан бўл, ўғлим!

Ўрмон. Ота, бошимни қотирманг, бас!

Самсоқ ота *(қайнаб, кўксига уриб)*. Кўр бўғур! Ахир мен, отам, отамнинг отаси, хуллас, ҳаммамиз пешонадан тер тўкиб, меҳнат қилиб кун кечирган кишилармиз. Уларнинг арвоҳини қақшатма..! Йўғасам отам гўрида тик туради, болам! *(Оғир пауза. Самсоқ ота йиқилиб қолади, синиқ, вазмин гапиради.)* Бир замонлар советларга қарши бош кўтарган босмачилар, минглаб халқ ёстиғини қуритди, камбағал — меҳнаткашни қонқаро қақшатиб, қонларидан жилғалар оқизди. Аммо бутун шаҳар-қишлоқ қизил байроқ остида саркарда Фрунзе раҳбарлигида босмачиларга қарши кўтарилди! Ўшанда мен партизан Самсоқ деган ном кўтариб, босмачилар блан савашдим. Додавой кўрбошини, Омонқул понсодни тугатишда қатнашдим. Қишлоғимнинг кўзига тинч уйқу бердим. Аравон тоғи этакларида бўлган қаттиқ тўқинишда қаҳрамон қизил аскарлар, биз партизанлар, эҳ, Тўйчи кўрбошини қуллаб кетдик! Шунда қўлида бешотари, темир юраги бутун, шижоат, ор-номус блан курашган менинг ўғлим Қурбон, душман ўқини еб, отдан пўрт учди, миялари тошга тегиб, пачақланиб, қурбон бўлди. Босмачиларга йигит бўлган жияним Норбўтани, шу урушда ўз қўлим блан отиб ўлдирдим. Шунда Боймат деган кўрбооши қаршимдан чиқиб, менга ўқ узди, шу блан азиз, меҳнаткаш бир оёғимдан ажралиб, инвалид Самсоқ бўлиб қолдим. Аммо мен, шу қартайган кўзларим блан, ўша заҳарли илонни, шу ифлос Деҳқонбойга ўхшата-

ман, лекин бу Деҳқонбой босмачи Бойматдан ҳам қол-
тирмайдиган бир душман бўлиб чиқди. Менинг ўғлим,
менинг болам, бадбахт, душманни ёқлаб, унга кўкрак
очади. Марҳамат кўрсатади, марҳамат! (*Оғир пауза.*)
Мен болам, айланай болам, қайт бу хатарли йўлдан,
қайт!! Болам қайтасан... Қайтасан!..

Ҳармон тараддудланади, отасига раҳми келади, қийналади, ёрдам
қиламоқчи бўлади. Сўнг кимнидир кўради, бирдан, шахдам қадам
ташлаб чиқиб кетади.

Эҳ! Нодон бола, қари отангнинг чеккан оғир кун-
ларини, кесилган каллалар, оққан қонлар, дорга осил-
ган гуноҳсиз гавдаларни, хўрланган келин-қизлар, кули
ўкларга соврилган қишлоқлар, табаррук соқоллари
донга беланган мендек кексаларни эсга олсанг эди,
балки тўпингдан ажралиб, ёвлар тузоғига тушиб қол-
мас эдинг?! Чидалмиман, чидалмиман! Менинг ўғлим,
менинг болам, менга қарши, ўз отасига қарши бош
сутарсин! Йўқ, мен унга кўрсатаман!

Кўр...кў...р... (*дарди тутиб йиқилади.*)

П а р д а.

ИККИНЧИ ПАРДА

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Колхоз идорасида Боймат блан Ўрмон чуқур ўй суриб
ўлтиради.

Ўрмон. Бошқа ҳечбир чора йўқ! Бошим тошдек
қотди, ҳайронман.

Боймат. Душманлар, сен блан менга гўр қази-
шаяпти, гўр!

Пауза.

Майли, қўрқма, тур, дадил бўл!

Ўрмон чиқади, Сурма, Нозик кирадилар,

Сурма. Мана биз келдик, қандай сўзингиз бор,
Деҳқонбой ака!

Боймат. Яхшилаб тингланг! (*Сурмага.*) Сурма-
хон, бу колхозчилар сени Матқосим понсоднинг қизи
эканингни, (*Нозикка*) сени бўлса, шаҳардаги ўша за-
водчи Умурзоқбойнинг невараси эканингни билиб қол-
салар колхозда бир кун қўймайдилар, қаматиб юбора-
дилар, шуни биласанларми?

Сурма }
Нозик } Йўғасамчи...

Боймат. Колхозда мен тирик — сенлар тирик!

Сурма. Албатта, сиз бўлмасангиз, бизга қийин.

Боймат. Ҳуш'ёр бўлинглар! Ўзингизни колхоз иши-
га жонкуяр қилиб кўрсатинглар! Ҳамма сизни мақта-
син, лекин дўст ким, душман ким ажратиб олинг!
Пахта — бу олтин! Олтинни ким ёмон кўради? Ҳечким!
Олтин ўз қўлимизда бўлса бизнинг бахтимиз ўша! Аммо
ҳукумат қўлида бўлган пахта бизни хароб қилади,

томиримизни қуритади, олов бўлиб бизни ёндиради! Мана шунинг учун биз пахтага душман!.. Оппоқ қизларим! Уф..! Хайр, кечаги ишни бажардингизми?

Сурма. Бажардик.

Нозик. Бирқанча ҳовлига кириб, колхозни ёмонлаб, уларнинг кўнглини колхоздан совутиб чиқдик.

Боймат. Бали, сра буш келманглар. Ҳа, яна бир гап, *(секин)* шундай бир иш қилинглarki, қишлоқ хотин-қизлари орасида ҳалиги комсомолка Ўлмаснинг оти ёмонга, бузуққа чиқиб, бадном бўлсин!

Нозик. Шугинами? Бу иш жуда осон, айтганингизни ўрнига қўйсак мукофотга нима берасиз?

Боймат. Айтганингизни. Хайр!

Нозик, Сурма чиқадилар, Боймат уларни кузатиб қўяди, Самсоқ ота ўзини панага олади. Боймат қайтиши блан.

Самсоқ ота. Боймат!!

Боймат саросимада қолади, эсанкираб, қайрилиб қарайди.

Боймат. А?! Кимни?!

Самсоқ ота. Йўқ Деҳқонбой, мен хаёл блан бошқа одамни...

Боймат идорага киради, орқасида Ўрмон.

Ўша! Ҳа... илон! *(Дадил чиқиб кетади.)*

Боймат *(чиқиб.)* Эҳ! Иш чатоқ бўлди!

Ўрмон. А, қандай?

Боймат. Ҳозир мен аҳмоқ... Шу ернинг ўзида.

Ўрмон. Нима бўлди, ахир?

Боймат. Хайр, кейин гаплашамиз, кейин!

Ўлмас, Зеби, Ҳожар киради.

Ўлмасой. Биз келдик...

Жавлон ҳам киради.

Ўрмон. Келинлар опалар, келинлар, хўш?

Ўлмас. Бир талай хотин-қизлар уйларида далага чиқмай қўйдилар.

Зеби. Болалик хотинлар ясла йўқлигидан қийналишяпти.

Ҳожар. Анчадан бери бизнинг меҳнатимиз ҳисобга олинмай қўйилди.

Ўлмасой. Тузук чора кўриладими, йўқми?

Ўрмон. Ҳаммасига ҳам чора кўрамиз. Жавлонбек, нима учун хотин-қизларнинг меҳнатини ҳисобга олмадингиз?

Жавлон. Ҳалиги... нима... ҳар ҳолда...

Ўрмон. Тўхтатманг, эртагача ҳисобни тугатинг! Менинг бугун зарур ишим бор, яна сизлар блан кейин гаплашаман, сизлар ишга бориңлар, Ўлмасой қолсин, у блан масалангизни ҳал қиламиз!

Ҳожар. Хўп, ишга чиқмаганларга ҳам қаттиқроқ чора кўрилсин.

Хотинлар блан Жавлон ҳам чиқади.

Ўрмон. Ўлмасой, хўш, қачонгача кутаман?

Ўлмасой. Нимани кутасиз?

Ўрмон. Аҳду паймон қани? Тўйнинг бўлса ҳамма кам-кўстлари тахт, ўн йил кийсангиз тугамайдиган кийим-кечакларни тайёрлаб қўйдим. Мана амиркон ботинка блан икки кўйнаклик шойи, бугун олдим. Бу сизга мукофот!!

Ўлмасой. Қуллуқ! Биз ҳали мукофотга арзийдиган иш қилганимиз йўқ!

Ўрмон. Бу қандай гап? Севаман, истайман деган ким эди?!

Ўлмасой. Тўғри! Сизни истар эдим, севар эдим!

Ўрмон. Эндичи?

Ўлмасой. Севмайман! Истамайман!

Ўрмон. Нима учун, гуноҳим нима?

Ўлмасой. Сиз гуноҳ эмас, катта, кечирилмас жиноят қилдингиз, биласизми?

Ўрмон. Қандай жиноят?

Ўлмасой. Ўзингиз биласиз?

Ўрмон. Қўйинг энди! Ўшандай майда гапларни!

Ўлмасой. Майда гап эмас, ўртоқ Ўрмон!

Ўрмон. Аразни ташланг! Ярашайлик, кўзидан.

Ўлмасой. Ёпишманг! Ярашайлик эмиш, ора очик...

Ўрмон. Ўзингизга кўпам ортиқча бино қўйманг!

Ўлмасой. У менинг ишим!

Ўрмон. Ёки Азаматжонингиз...

Ўлмасой. У ҳам менинг ишим! Суриштирманг!

Ўрмон. Нима, суриштирманг? Муштумзўрларнинг агенти ёт бир киши блан опоқ-чопоқ бўлиб кетасизу, суриштирмайинми?

Ўлмасой. Ёт унсур Азамат эмас, бошқалар!

Ўрмон. Полвон, Азаматлар қулоқ, улар унсур, бугун-эрта партиядан ўчириб, колхоздан ҳайдаймиз. Шунда сиз учун яхши бўлмайди, ойимқиз! Оёғингизни билиб ташланг! Қани айтингчи менга... (*Яқинлашади.*)

Ўлмасой. Нар и туринг! Мен сизни севмайман, ёмон кўраман!

Ўрмон. Ўлмасой, бу ўжарликни ташланг, қон йиғлайсиз!

Ўлмасой. Қўлингиздан келса, устимдан тоғни ташлаб юборинг!

Ўрмон. Ташлайман ҳам!

Ўлмасой. Қўлингиздан келмайди!

Ўрмон. Бас! Етар!

Ўлмасой. Ўрмон, сиз синфий душманларнинг тузоғига илиндингиз, уларни қўллаб-қувватладингиз! Гуллаб-бошлаган колхозимизни талатдингиз! Отангиз кекса Самсоқнинг юрагини эздингиз. Ёш юрагимда сизга бир илиқ муҳаббат бор эди, уни ҳам юлиб-юлқиб олдингиз! Ўз дўстларингизни танимадингиз! Кечагина сизга ота бўлган Самсоқ, бугун сизнинг душманингиз! Кеча сизга ёр бўлишга ва'да берган Ўлмас, бугун сизни ёмон кўради! (*Шиддат блан чиқиб кетади.*)

Боймат (*кириб*). А, ла'нати қиз! Унинг ҳарбир гапи юрагимга ништар бўлиб санчилди!! (*Ўрмонни алдиб.*) Ўғлим, койима! Ичингга солма, мен Ўлмасни қўйнингга олмадай қилиб солиб қўяман! Лекин, у сенга муносиб эмас! Сенга ўз қизимни атаб қўйганман!

Ўрмон. Эй мен бунга ялинмайман, зор ҳам эмасман!

Боймат. Йўқ, мендан яширма! Сен уни яхши кўрасан! У бизнинг чангалимиздан чиқиб кетолмайди! Сен энди бошқа ишларни тезлат!

Ўрмон. Қандай ишларни?

Боймат. Полвонлар уринаяпти! Район партия комитетига аризалар жўнатишган! Уларнинг устидан материалларни яна замлаб юбориш керак!

Ўрмон. Йўлчи блан Раҳмон, материаллар блан районга кетган!

Боймат. Ҳамидов ҳам материалларни райком партияга юборган-а?!

Ўрмон. Юборган!

Теша, Раҳмон, Йўлчи, Шеркиради.

Кирганлар. Салом.

Ўрмон. Келинлар яхшилар, хўш, хизмат?

Теша. Қассоблик дўконимизда гўшт узилиб қолди!

Йўлчи. Ундан кейин анчадан буён, пандовақи, буғдойни олганимиз ҳам йўқ!

Раҳмон. Шунинг чораси қандай бўлар экан, Ўрмон ака!

Ўрмон. Гўшт масаласи бундай ўртоқлар, сўяйлик десак бозордан қўй тополмадик, колхозимизда ишдан чиқиб, касал бўлиб, қолган от-моллар бор, агар унасанглар, шуларни навбати блан қанорага иламитиз, шунда чўмич ҳам мой, қозон ҳам мой!

Теша. Доктор кўрганми?

Боймат. Ҳа, доктор кўриб, акт ҳам қилган!

Раҳмон. Бўлмаса тезроқ сўйиш керак, моллар ҳаром ўлиб кетмасин.

Улар. Тўғри, ҳаром ўлиб кетмасин!

Боймат. Буғдой бўлса ўзингиз ўйланг, ҳукумат сизники, колхоз сизники, буғдой ҳам сизники бўлмай, қулоқларники бўлсинми?

Теша. Деҳқонбой ака ҳам гапди дўндиради-да!

Самсоқ ота (*бақириб кириб*). Ўртоқлар, биродарлар!

Йўлчи. Оббо, касалнинг дарди яна кучлади-ку!

Самсоқ ота. Нега кўзингизни очмайсиз? Нега ҳозирги ишларнинг тагини пайқамайсиз?!

Теша. Бўлди энди, кўп шаллақилиқ қилаверманг!

Йўлчи. Секин гапирсангиз ҳам уқамиз!

Самсоқ ота. Қанорага колхознинг от-молларини осгунча, мана мени ос! Менинг гўштимни чайна, бола!

Теша. Ўрмонжон, отангизни озиқ-овқатдан сиқиб қўйганга ўхшайсиз, ахир пича ҳалигидай...

Самсоқ ота. Гапирма!

Ўрмон. Ота, нима демоқчисиз?!

Самсоқ ота. От-молларни сўйдирмоқчисан, колхознинг уруғлик донларини талатиб юбормоқчисан!

Ўрмон. Ахир мен касал молни деяпман! Уқасизми, йўқми? Ўртоқлар, гангиб қолдим!

Боймат. Тўғри, колхозчилар, ажрим қилиб беринглар! Тагин сиздай қорақўзлар гўшт чайнасин деб, бошимизда калтак синмасин! А, лаббай, ё чаккими?!

Раҳмон. Бизга гўшт керак, ёғ керак!

Самсоқ ота. Ўртоқлар, ўртоқлар!

Йўлчи. Бўлди энди! Кўп карнайингизни вартиллатаверманг!

Боймат. Ўрмон, қассобга киши юборинг, сўяверсин!

Ўрмон. Йўлчи, бор қассобга айт!

Йўлчи. Хўп ҳозир, пандавақи! (*Чиқади.*)

Боймат. Ана ўртоқлар, ишдан қайтгандан кейин гўштни рўмолчага олифта қилиб тугиб, уйга жўнайберасизлар, а, лаббай!

Ҳамма. Қуллуқ, қуллуқ.

Самсоқ ота. Ўртоқлар, бу таланчилик, бу ўғрилик! Бу жиноят, ўртоқлар, жиноят!

Х ў ж а в а Ҳ а м и д о в киради.

Ҳамидов. Нима шовқин?

Боймат. Ўртоқ Ҳамидов, ҳамавақт шовқин-тўполон!

Теша. Қачон қарасанг, камбағал батракларнинг юзига тупуриб, қулоқларни ёқлагани-ёқлаган!

Раҳмон. Қачон қарасанг бўкириш, дўқ, эй!..

Ҳамидов. Самсоқ ака қўясизми, йўқми?

Самсоқ ота. Ўртоқ Ҳамидов!

Ҳамидов. Бўлди бас!

Самсоқ ота (*қўлтиқ таёғини иргитиб, ерга ястаниб*). Ўртоқ Ҳамидов, кесинг, кесиб ташланг бу оёғимни ҳам!

Полвон, Шер, Азаматлар Самсоқни кўтариб қўядилар.

Полвон. Самсоқ ота! Йиғламанг!

Азамат. Қандай қилсин, бечора қасал.

Ҳамидов. Касал бўлса больницага борсин, ту залсин, пахтага зарба бермасин!

Полвон. Ўртоқ Ҳамидов, пахтага ким зарба берапти, ким?!

Самсоқ ота. Айтингчи! Ким у, колхозни ичдан бузишга, талашга, шўро пахтасига зарба беришга жонни-жаҳди билан уринаётган қўрбоши — Боймат ким? *(Кўрсатади.)*

Боймат *(ясама)*. Ҳа, ҳа, ҳа...! Чолни кўрсанг, бувам де!

Полвон. Қўрбоши Боймат?! *(Кўзига тикилади.)*

Парда.

Э П И З О Д

Саҳна олдида

Боймат. Эҳ! Ла'нати чол, нималар деди, нималар қилди, а? Гўштларини... Тилим-тилим қилиб тўғрасам.

Йўлчи *(киради)*. Боймат ака, иш пачава бўлди, пандавақи.

Боймат. Хўш?

Йўлчи. Мен Полвон, Азаматларнинг мажлисини пойладим, улар қулоч-қулоч арзалар билан Эрийгитни районга жўнатишмоқчи...

Боймат. Илонбаччалар!

Йўлчи. Бирдан ҳалиги Самсоқ чўлоқ бор-ку, ёниб, қақшаб туриб гапириб қолмасинми. Эрийгитлар марказга довури боришмоқчи!

Боймат. Улар қай вақтда жўнашади?

Йўлчи. Шу бугун кечаси.

Боймат. Сен ҳозирданоқ Эрийгитнинг изига туш! Раҳмон билан Қоравойни ёнингга ол, уларни Тентаксойнинг ёнидаги жардан нарига ўтказманглар!

Йўлчи. Қанақасини қиламиз? *(Қўли билан кўрсатиб.)* Мунақасиними?

Боймат. Йўқ, бўғиб, қопга солиб, тош боғлаб, сойга ташла! Бор жўна! *(Кетади.)*

Хўжа. Боймат ака!

Боймат. Ҳа, бери кел, топшириқни нима қилдинг?

Хўжа. Ҳаммаси жойида.

Боймат. Энди сен тракторни... *(Қулоғига гапирди.)*

Хўжа. Тракторни...
Боймат. Ҳа, бор! Дадил бўл! Лекин...

Чиқадилар, чироғ ўчади.

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

Алла, ғира-шира вақт, жимлик, бир оздан кейин тракторнинг овози эшитилади, Самсоқ ота тракторни ҳайдаб киради.

Хўжа (*узоқдан*). Самсоқ ота, ҳой.

Самсоқ ота. Ҳой.

Хўжа. Ҳа, бери қелинг.

Самсоқ ота. Ишим қистов, гапингни айтақол!

Хўжа (*киради*). Самсоқ ота, буқоқ шотутнинг гагида, ариқ бўйида ярим путча керосин блан бензин тўкилиб ётипти.

Самсоқ ота. А, керосин? (*Чиқади.*)

Ўўлчи тракторнинг остига кириб бирнеча винтларини ўғирлаб қочади.

Самсоқ ота (*Полвон блан қайтиб киради*). Қаранг энди, наҳотки, омборда сақланиб ётган керосин эшикда тўкилиб ётса.

Полвон. Бунда бир кишининг қўли бор, Самсоқ ота!

Самсоқ ота. Нимаки, пахта планига зарба берса душман шуни қилади.

Полвон. Ўша эгри қўл, қора юрак ўз ичимизда. Уни топиб, синдириб ташламагунча, биз бундай гаплардан қутилолмаймиз! (*Азамат, Ўлмас кирдилар.*)

Азамат. Булар гапларининг ҳаммасини ёзиб, олти нусха кўчирдик.

Полвон. Ҳечбир қолдирмадингларми?

Ўлмасой. Нима деган бўлса, шуни ёзиб, икки нусхасини арзаларга қўшиб юбордик.

Азамат. Райкомнинг вакили Ҳамидов қулоқлар блан опоқ-чапоқ.

Полвон. Ҳамидовнинг ўзи ҳам қулоқ боласи эканда, кечаги материаллар буни исбот қилади.

Азамат. Бу ифлоснинг бутун сирларини фош қилмагунча, бу иш битмайди.

Полвон. Албатта, шундай бўлиши керак! (*Узоқ да улар кўринади.*)

Азамат. Ана кўрдингизми, ҳаммаси тўпланишга юрипти.

Полвон. Бузоқнинг югургани сомонхонагача.

Ўлмасой. Қани, Азамат, бояги ишни битказайлик.

Азамат. Хўп, юр! (*Кетдилар.*)

Самсоқ ота. Мен ишни тўхтатсаммикин, қош ҳам қорайиб қолди.

Полвон. Ҳали вақт эрта, Самсоқ ота, яна бир соат ишланг, ишга ўзимиз жиндай жон киритмасак, экишга сур'ат қўшмасак, қизил байроқ ўрнига чипта байроқ олишимиз аниқ!

Самсоқ ота. Шу томонни тугатсам бўладими?

Полвон. Ҳа. (*Алланарсаларни дафтарига ёзди.*)

Самсоқ ота тракторга миниб, рулини бурайди, трактор пар бериб, бирдан яна ўчади, бузилади. Самсоқ ота трактордан учиб, ерга йиқилди.

Полвон (*қўрқиб*). Самсоқ ота, нима бўлди?

Самсоқ ота. Полвон!

Полвон. Қўрқманг! (*Самсоқни ердан кўтаради.*)

Ҳамидов, Ўрмон, Боймат, Матқовуллар кирдилар.

Ўрмон. Нима гап?

Полвон. Трактор бузилди.

Боймат. А, трактор?

Матқовул. Трактор нимага бузилади?

Ҳамидов. Тракторни вайрон қилиш, душманларнинг иши!

Ўрмон. Ота, уялинг!

Боймат. Мана бу жиноятни босмачи Боймат қилдими, ё партизан Самсоқми?

Полвон. Ўртоқлар, гуноҳ бунда эмас, бу бечорани қийнаманг!

Боймат (*Полвонга пичинг отиб*). Бошингни кўтар ука, ҳукуматга фойдаларинг ҳам тегадими?

Полвон. Мен... тракторни... Самсоқ ота шошманг.

Ҳамидов. Гангиб қол!

Матқовул. Тағин бу киши колхоз учун жон куйдирармиш...

Боймат (*қулоғига*). Қани ўртоқ Ҳамидов, кутиб қолмасин, боққа жўнайлик.

Ҳамидов. Ҳечким билмасин.

Боймат. Ҳечким билмайди. Кетдик. (*Чиқдилар.*)

Полвон оғир талваса ва киноя блан тамошабинларга тикилиб ўртада қолди, Самсоқ ота Полвонга далда беради.

Самсоқ ота. Полвон шунча қўрқдингми? Ўзингни дадил тут! Сенга қилча нарсa бўлмайди, дўстим.

Полвон. Тракторни бузучи деган отни кўтариш қандай оғир. Ўртоқ Михайловга нима дейман? (*Тракторга суяниб қолади.*)

Теша киради.

Теша. Полвон иним бу қандай гап? (*Тракторни текшириб кўриб, чуқур нафас олиб.*) Уф...! Чиндан ҳам оғир! (*Уйда қолади.*)

Шер кирди.

Шер. Полвон ака, ўртоқ Шодмонов келди! Полвон. Шодмонов?

Шодмонов бир тўда колхозчилар блан киради.

Шодмонов. Ҳали шундай денг, ўртоқ Азамат. Азамат. Шундай! Қаранг, трактор бузилиб ётипти.

Шодмонов. Экишни қирқ процентдан оширганингиз йўқми?

Полвон. Ҳали қирқ процентдан оширолганимиз йўқ, ўртоқ Шодмонов.

Шодмонов. Уят, уят! Ўртоқлар, уят!

Самсоқ ота. Ўртоқ Шодмонов, бизга йўл йўқ, йўл.

Полвон. Колхозимиз ўз қўлимизда эмас.

Шодмонов. Ҳамидов райкомга бориб, „Октябрь“ колхозини мақтади-ку.

Полвон. Кўз бўямачилик қилган.

Ҳамма. Алдаган!

Шодмонов. Ҳамидов келганда, нимага бутун дардни унга билдирмадинглар?

Ўлмасой. Ҳамидовнинг биз билан гаплашишга ас-ти қўли теккани йўқ, ўртоқ Шодмонов.

Шер. Ҳамидов юзини, ёт унсурларнинг ёғлик по-ловидан олиб, ҳали бизга ўгурганча йўқ.

Шодмонов. Партия ячейкасининг секретари қани? Полвон. Азамат, Ҳамидовни топ! (*Чиқади.*)

Азамат. Улар йўқ!

Самсоқ ота. Албатта, бирор жойда зиёфатда.

Шодмонов. Қани тездан партия, комсомол, кам-бағаллар гуруҳининг мажлисини қилайлик.

Азамат. Мен ҳозир тўплайман.

Самсоқ ота. Мен ҳам.

Шодмонов. Ўртоқлар, мен бошқа қишлоқларга ҳам ўтаман, қани тездан мажлисга, нима гап бўлса очиқ гаплашамиз. Қўрқмасдан, колхоздаги бор иллатни очиб ташланглар. Партия бор—ҳечқачон дард қолмайсиз. Ҳақиқатан душман тулкидек айёр. Кечаги муштумзўр бугун колхозга қўй териси ёпиниб кириб олиб, колхоз-ни ичдан вайрон қилишга, партия, Совет ҳукуматининг қишлоқда ўтказаетган сиёсатига зарба беришга урин-моқдалар! Душман қирпи, доғули. Осонликча жон бер-майди. Аммо коммунистлар партияси сизнинг ёрдамин-гиз билан душман қаршилигини, албатта, енгади. Мана райкомдан мени юбордилар. Қани бир очиқ гаплашиб олайлик, оғайнилар!

Полвон. Раҳмат ўртоқ Шодмонов. Ҳамма маж-лисга!

Ҳар томондан келиб йиғилабошладилар, Теша бузилган тракторга қайрилиб қарайди, ўйчан, эзилиб мажлисга кириб кетади.

П а р д а.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Боғча, шийпон, гилам, тўшаклар солинган. Дастурхонда ҳархил емаклар, қовоқларда бўза, мусаллас. Боймат, Ҳамидов, Жа-влон, Ўрмон май косаларини бўшатаётирлар.

Боймат (*косани қўйиб*). Ўткир чиқипти, ўткир! Хўш, гап шу, агар Полвон билан Азаматни қамоққа ол-дирмасак, улар бизни хароб қилишади.

Ҳамидов (*оғир ўйдан бош кўтариб*). Районга юборган ариза билан материаллар, Шодмоновнинг қўлига тушса, ишимиз чаппасига кетади, деган хавфда қолдим!

Боймат. Нима учун дўстим?!

Ҳамидов. Сўнгги пайтларда душманлар, менинг ҳовлимга ҳам тош отабошладилар! Партия ташкилотларида ҳам менинг тўғримда сўз кўпайиб қолди.

Ўрмон. Бу гаплар ҳаммамизнинг ҳам тепамизда бор, Ҳамидов!

Ҳамидов. Шунинг унутмайликки, „Октябрь“ колхозидagi сирлар очилиб қолгудек бўлса, ҳаммамизнинг ҳам оёғимиз қиладан келади.

Боймат. Мен шу тўғрида ҳам кўп ўйлайман.

Ҳамидов. Лекин, Боймат ака, сиз курашни бўшаштириб, душман қўлини баланд қилиб қўйгансиз!

Боймат. Қани, очиқ айтсинлар, нима қилиб?..

Ҳамидов. Нима учун улар районга аризаларини етказолишди, нима учун уларнинг мана шу планларини бузиб ташлаялмадингиз? Биласизми, сир очилса ҳаммамиз кетамиз, ҳаммамиз!

Боймат. Аввал эшитинг!

Ҳамидов. Хўш?

Боймат. Ерининг тагида илон қимирласа, биламан! Биласизми ўша эски, қирпи, қилвир Боймат, бунинг ҳам чорасини аллақачон топиб қўйган!

Ҳамидов. Қандай чора?

Боймат. Районга ариза-материалларни олиб, шу бугун кечаси жўнаган Эрийгит блан Бурулди, Тентаксойдан бир эллик нарига ўтолмайди!

Ҳамидов. Я'ни?

Боймат. Ўша сассиқ оғзига, бир сиқим тупроқ ташланади!

Ҳамидов. Ўлманг, жуда мудаббир одамсиз-да!

Матқовул. Иш қилиб, қўлга тушмаслик учун, ўлим — ўлдириш бўлса ҳам бажаришга мажбурмиз!

Ҳамидов. Қани бўлмаса, мана шу режанинг ўринлаши учун! *(Ичадилар.)*

Боймат. Шошманг, пахтачиликни ривожлантириб, планимизни ортиғи блан бажариш учун.

Ҳамма. Кўтарайлик, ха, ха, ха!

Боймат *(Ўрмон блан Ҳамидовни қучоғлаб)*. Сиз иков азаматлар, биз аламзада, кўнгли яримта бечораларнинг ишонган, суянган тоғимизсиз, ўзлари *(Ҳамидовга)* партия ташкилотларида, укам Ўрмон колхозда бор, тирик экансизлар, бизларнинг ҳаммаша ошиғимиз олчи, қўлимиз баланд, лаббай? Қани, ўзлари айтсинлар,

совет аппаратига суқулиб кирмасалар, бизга колхозга киришга йўл бўлсин эди. Дўстим Ҳамидов, биз ҳали ўзларининг марказга кўтарилиб даври-даврон суришларини ҳам кўрамиз, иншоолло!

Ҳамидов. Иншоолло! Айтганингиз келсин! Марказга кўтарилганда ҳам сиз каби қадрдонлар унутилади, дейсизми?

Боймат. Барча умид яна ўзларидан, ахир, Султон суягини хўрламас дейдилар, иним! Гап шу, биз бу майдонда ер-мулкларимизни қайтариб олиш учун жон борича курашаямиз... Ҳа айтканча, бизнинг партия ишимиз нима бўлади?

Ҳамидов. Хотиржам бўлсинлар! Мен партия ишларини райком бюросида ҳам тездан кўрилиб, партия билетларини олишларига ёрдам бераман.

Боймат. Қуллуқ иним, қуллуқ, сиз бор, биз бор, қани шунинг учун ичайлик...

Қоровой (*киради*). Боймат ака, меҳмонларни олиб келдим.

Боймат. Қани чақир, кирсин!

Ҳамидов. Оҳ меҳмонлар, кута-кута ўлиб бўлди-ку, қани меҳмонлар.

Сурма, Нозик паранжида кирадилар.

Ўрмон. Гуссага тўлиб кетдик-ку, ойим пошшолар!

Жавлон. Ўҳ-ҳў... биржаҳон... паранжи қуллуқ бўлсин, паранжи, ойим пошшо!

Ўрмон. Бешбел камзуллар муборак!

Сурма. Вой ўлақолай, биз асли очиқмиз, ҳақорат қилманглар!

Нозик. Ахир бепаранжи келсак, кўчадагилар таниб қолишмайдими? Паранжини ўйлаб чиқарганининг отасини худо раҳмат қилсин. Хўп топган-да.

Боймат. Ҳамма айбни бекитади.

Жавлон. Тўғри, қани марҳамат, марҳамат!

Ҳамидов блан Боймат Сурмани, Қоровой блан Жавлон Нозикни орага олдилар

Кута-кута тоқат тоқ бўлди-ку, кўзингизнинг бўта қорасидан...

Сурма. Қўйинг унақа деманг, уяламан!

Ҳамидов. Вой-вой, бизнинг Сурмахон уялади, уялади!

Жавлон. Бизнинг Нозикхон уялмайди, уялмайди!..
Боймат. Қани. *(Сурмани кўрсатиб.)* Мана шу
хумор кўзлар. *(Нозикни кўрсатиб.)* Мана бу қўнғир
очларнинг саломатлиги учун кўтарайлик!

Ҳамма. Кўтарайлик. *(Нозик олмайди.)*

Сурма. Ол, ич, Нозик!!

Нозик. Йўқ, ичмайман...

Жавлон. Олинг жонгинам, бир пиёла ичиб қиза-
риб ўтирмасангиз сра иложи йўқ...

Сурма. Майли, мен иккита ичаман, сен битта
ичасан, холос.

Нозик. Хўп, кўтар!

Сурма. Қани жўнадик. *(Ичдилар.)*

Ҳамидов *(Сурмага).* Аччиқ эмас-ку, мунча жир-
ландингиз, та'мбостини тишланг. *(Овқат тутди.)*

Сурма *(шошилиб ейди).* Вой, куйиб қолдим, та'м-
бости иссиқ экан.

Ўрмон. Ҳамидов, жуда соғиниб қолганмиз, ахир...

Ҳамидов. Тўғри. *(Дуторни Сурмага берди.)* Қа-
ни битта!..

Боймат. Ҳа, шундай бўлсин. Битта ғалати, дод
дейдиган, кичик ялла, лаббай?

Ҳамидов. Ўлманг, сиз ҳам шинаванда киши-
сиз-да.

Сурма. Бўлмаса, ака Жавлон, Нозикни тўшингиз-
дан буёққа узатиб юборинг, ашулага қўшилсин!

Жавлон. Вой-вой ўргулиб кетай, Нозикингизни
об қўямизми, ана олинг!

Нозик. Қани бошла!

Сурма дуторни чалади, ялла қилишади, аста-секин бошқалар ҳам
қўшилади.

Раҳмон *(қўшиқнинг правардида шошилиб кира-
ди).* Боймат ака!

Боймат. Хўш?

Раҳмон. Бирини қопга солиб, бўғиб сойга ташла-
дик. Аммо бири қўлдан чиқиб қочди.

Боймат. А? Қочди?! У, сени танимадими?

Раҳмон. Танигани йўқ!

Ҳамидов. Бутун ишимиз расво бўлди! Тутилдик.
Шарманда бўлдик!

Боймат. Ариза-материалларни қўлидан олол-
мадингми?!

Раҳмон. Олдик. *(Беради.)*
Боймат. Эй балли! *(Ўқийди.)*

Ҳамидов. Қани кўрай. *(Олиб кўради.)* Ўҳҳо...
Бадбахтлар, шундай пишиқ ишлаганларки, агар бу ма-
териаллар эгасининг қўлига бориб тушса, ҳаммамизнинг
шохимизга калтак тушиб, марказдаги дўстларимизнинг
ҳам туёғи сирқирарди.

Боймат *(Ўқийди)*. Деҳқонбой номида юрган бу
одам машҳур қўрбоши Бойматнинг ўзи, буни қўллаб
қўлтиқловчилар... Эҳ! Аблаҳлар!!

Ҳамидов. Лекин ҳуш'ёр бўлиш керак!

Боймат. Туя кўрдингми, йўқ! Қани маишатдан
қолмайлик! Маишатнинг ҳам белига тепти! Қани хур-
сандчиликка кўтарайлик!

Ҳамидов. Сурмахон, ҳа, кўзидан!

Жавлон. Битта эшиб ташланг, кўзидан! Войдод,
войдод...

Нозик. Қани тур, Сурма, ўйна. Мен дутор чаламан.

Сурма. Ўзинг ўйна!

Жавлон. Войдод; ўргулиб кетай. *(Мастлик қи-
лади, бақиради.)*

Ҳамидов *(Сурмага)*. Туринг, жонгинам, туринг!

Нозик дуторни олади, Сурма, „Бўғма билагим“ни айтиб, ўйинга
тушади, ўйин ярмида, оқарган-бўзарган ҳолда Йўлчи киради.

Йўлчи. Боймат ака!

Боймат. Ҳа, нима? Нима дейсан, гапир! Тез! Тез!

Йўлчи. Шодмонов келди, партия мажлиси бўлди,
бутун сирлар очилди. Сизларни қидириб юришипти.

Боймат. Ах?! Сизларни!..

Ўрмон. Худо урди.

Қоровой. Энди нима қилдик?

Ҳаммада паришонлик, Жавлон, Ҳамидов маст — учиб қолган.

Боймат. Гапир!

Йўлчи. Бунинг устига мажлис правардида Эр-
йигит додлаб келди, у, Раҳмонни таниб қолипти, сизни
босмачи Бойматга чиқаришди. Ҳаммамизни қамаш учун
ахтаришаяпти?

Боймат. Ах! Ахтаришаяпти?!

Сурма *(маст)*. Боймат ака, ўзи нима гап?! *(Бой-
матга сурканади.)*

Боймат (*итариб ташлайди*). Йўқол!... (*Сурма
пиқилди*).

Ўрмон. Энди нима қилдик?! Ҳамидов, Жавлонбек
булар балони ҳам билишмайди, ўлик!

Боймат. Уф... (*Пауза, ўйланади, юради, тирно-
ғини тишлайди, бошини қашийди.*) Тадбирсиз эшаклар!
Хабарсиз қолдик! Ҳой Ҳамидов, нима қилдик? Ҳой Ҳа-
мидов, Жавлонбек!!

Йўлчи. Шодмонов! Райком секретари Шодмонов
ҳамма сирдан огоҳ экан. Мажлисида сизларни уравериб
расво қилди. Айниқса, сизни эски қўрбоши эканингизни
айтиб ҳаммани кўтариб юборди.

Ҳамидов. Оҳ жонгинам, Сурмахон! (*Бойматни
қучоқлайди.*)

Боймат. Аҳмоқ!! Жавлон, Жавлонбек. (*Қаттиқ
қимирлатади.*)

Жавлон. Ўргулиб кетай.

Матқовул. Нима қилдик энди?

Боймат қийналади, ўйланади, талвасада юради, ахир қат'ий бир
фикрга қелади.

Боймат. Гап шу!

Бошқалар. Нима?

Боймат. Қочамиз!!

Бошқалар. Қочамиз?

Боймат. Ҳа! Курашнинг йўли кўп!

Бошқалар. Хўш?.. Колхозни ёндирамыз, Шодмо-
нов, Полвон, Азамат, Самсоқларни ўлдирамыз, гўштла-
рини қанорага осамиз... Қасос оламиз, қочамиз!

Ўрмон ва бошқалар. Бўпти!

Боймат (*Ўрмонга*). Ҳа! Юрмайсанми?

Ўрмон (*қаттиқ*). Йўқ, мен қочмайман!

Боймат. Нимага?

Ўрмон. Бўлмайди, қочолмайман!

Боймат. Аҳмоқ! Бари-бир бизнинг тўпдан ажра-
либ кун кўролмайсан!

Ўрмон. Майли!..

Боймат. Ёш жонингга раҳмим келади, бадбахт!
Юр, қочамиз, юр!

Ўрмон. Йўқ! Яқин келманг! Қочмайман!

Боймат (*пичоқ суғуриб*). Ё юрасан! Ё ҳозир,
шу ерда жон берасан... (*Пауза.*) Гапир!!

Ўрмонни судраб чиқиб кетадилар.

Ҳамидов. Оҳ, Сурмахон — жонгинам!

Жавлон. Оҳ, қора кўзим, ширин сўзим Нозик-хон, қаердасиз?

Мастлик блан Ҳамидов Жавлоннинг кўлидан тортади.

Сурма (*туради, гандираклаб.*) Бўғма... била... гим... бўғдиралар войе!.. вой... й й й... (*Йиқилади.*)

Парда.

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Дала, деворий газета ёпиштирилган, мусобақа тахтаси, колхоз ерларининг плани осиглиқ. Колхозни ташкилий хўжалик томонидан мустаҳкамлаш тўғрисида шиорлар, плакатлар; жўяклар орасида эркак ва хотинлар пахта тормоқдалар, ба'зилар қопламоқда, торозивон қабул қилмоқда, музика шўх бир куйни чалиб туради.

Қодир. Ўртоқлар! Районимиздаги пахтакор колхозлардан ўттиз бештаси планни юздан ошириб бажарипти.

Шер. Ҳа, бизникичи?

Отақул. Бизники ёмон эканми?

Шер. Шунни айтаман-да, биз-ку партия раҳбарлигида ичимиздаги душманларни ҳайдадик, ўпирилишни тугатдик. Пахта ва қора экинларимизни зарбдорлик блан экиб бўлдик. Қирқ гектар қўруқ очдик. Нимага биз газетка чиқмаймиз? (*Кулги.*) Нимага куласизлар?!

Омон. Эй сўтак, сен тағин газетхонмисан? Мана бугунги газетани ўқи! (*Газета беради.*)

Ўлмасой (*деворий газета олиб кирди*). Азамат, янги газетани осигга ёрдам беринг!

Азамат. Хўп, жажжи қиз! (*Газетани осди, ўқийди.*)

Омон. Ўртоқлар! Мусобақада биринчи бригада биз блан тенг бўлиб қолипти-ку?!

Ўлмасой. Бўлмасамчи, биринчи бригаданинг бошлиғи, Тешавой ака эмас, опангиз Ўлмасой бўлади.

Самсоқота, Полвон кирадилар.

Самсоқота. Теримни тезлатиш керак!

Азамат. Теримга сур'ат қўшаётимиз, ота!

Полвон. Ҳисобчи Ташметин қандай? Хурсандмисизлар?!

Эрийгит. Хурсанд бўлганда қандай?

Омон. Тошметин қўл бола кадр, колхозда етиш-комсомол йигит-ку!

Шер. Пичагина тўнглиги бўлмаса, қандак ўрикдай?

Омон. Тошметин, жойидами? *(Кулги.)*

Эрйигит. Полвон ака, партияга берган арзамиз бўлди?

Полвон. Арзаларингиз эртага кўрилади, тайёр бў туринглар!

Эрйигит. Сиёсий сўроғлар ҳам бериладими?

Полвон. Йўғасамчи...

Эрйигит. Оббо... шуниси қийинда...

Полвон. Ҳа... мазанг йўқми? Ҳў, мен берган кигибин ўқидингми?

Эрйигит. Мана қўйнимда... бир зум ўзимдан узмайман. *(Шодмонов киради.)*

Шодмонов. Салом; ўртоқлар, омонмисизлар?..

Герим қандай? Орқада қолмайлик! Ахир бу мусобақа ҳазил иш эмас!

Полвон. Орқада қолмаймиз, ўртоқ Шодмонов.

Шодмонов. Тентаксойнинг суви тошиб, кўпригини оқизиб кетди.

Самсоқ ота. Ижроқўм кўприкни тузатиш учун биздан ҳам ёрдам сўровди, бердик.

Шодмонов. Ҳа, азаматлар, пахталарни тоза теринглар! Чаноғида қолмасин!

Полвон, Азамат, Самсоқ чиқадилар.

Шер. Чаноғида қолдирмаймиз, ўртоқ Шодмонов!

Омон. Пахтани яхшилаб терсак, ҳам давлатга, ҳам ўзимизга фойда, нима дейсиз Ҳожар опа!

Ҳожар. Бу гап ҳам ишбайнинг ҳосияти, опаси жонидан, эсингиздами, колхозимиз ишбайга кўчмаган вақтда пахта теришга ҳечбир эркак кўнмас эди.

Зеби. Рост айтасиз, Ҳожар опа, бизнинг Омон ҳам пахта териш хотин кишининг иши деб, далага мени ҳайдаб, ўзлари бўлса қоринларини силаб ётар эдилар.

Омон. Эй кўп вайсама! Ёлғон гапирма!

Зеби. Ҳа, ўлақолманг! Илгари чошгоҳда чиқсангиз, энди азонда туриб, ковушни қўйиб, патакни судрайсиз-ку! *(Кулги.)*

Шер. Ўла, Омон, сиринг очилди-ку!

Омон. Тўқочой, Зебихон блан тўрт путданга мусобақагиз бор-а! Пича дадил, дадил теринг, кўзидан!

Тўқоч. Мана шу бугун торозининг шайинини беш
пут блан босмасам, мен теримчи Тўқоч эмасман!

Ҳожар. Сен писмиқ, пахтани икки қўллаб териш
ни ўрганиб олдинг!

Зеби. Икки қўллаб теришни мен ҳам ўрганиб ол
дим.

Ҳожар (*бир хотинга*). Ҳой сен болангни вагил
латмасдан, ясллага қўйиб келсанг-чи!

Зеби. Рост, тайёр ясла турипти-ю, сиз болани зах
ерга ётқизиб қўйибсиз!!

Теримчи аёллар тера-тера узоқлашдилар, Сурма, Нозик ашула ай
тиб пахта теришиб кирадилар.

Сурма } Оқ ойдин кечалар, оппоқ ойдин кечалар;
Нозик } Сунбулу райҳон бурайди ёр юрган кўчалар.

Сурма. Вой, вояй... эрталабдан берли пахта тера
вериб қўлимда қўл қолмади. Ергина ютсин пахтасини!

Нозик. Қийналиб ўтирамизми? Бош оламан қилиб
тераверамиз.

Сурма. Ҳа-я, бу пахталар отамизникими-ди?!

Нозик. Рост ўртоқ, бировники! Қўлдан ўтса бўл
ди-да. Вой, воя... Мунча қошинг ўсмадай қопқаро бў
либ қулфуриб кетипти! Боймат акамни энди ёндиради
ган бўлибсан!

Сурма. Қўй ўша Бойматингни. Ана энди пахта
ўлгурни теришга ҳам қўлим бормай қолди. (*Зебининг
пахтасини кўриб.*) Ҳа... шошма! Мана бу жувон ўл
гурнинг пахтасини ўзимникига қўшиб оламан.

Нозик. Секин билдирмасдан бор! (*Зебининг пах
тасини ўғирлайди.*)

Зеби (*кўриб қолиб*). Ҳай-ҳай, Сурма, пахтамга
тегма!

Сурма. Бу сеники эмас! Бермайман! Меникини
ҳам олиб қочгансан-ку.

Зеби. Мен буни ўлиб-тирилиб терганман, буёққа
бер.

Сурма. Яқинлашма! Тегма! (*Пахтани олиб қоча
ди, Зеби қувади, пахтани ҳовузга ташлайди.*) Ана
бўлмаса!

Зеби. Вой ерюткур, пахтамни нега сувга ташла
динг.

Сурма, Нозик кулишади.

Эй кулма, ерюткурлар...

Сурма. Ажаб қилдим, хўп қилдим!

Нозик. Бопладим...

Зеби. Пахтамни тўла! Пахтамни тўла! (*Ёқасидан* *тади.*) Ҳозироқ лунжингни абжақ қилиб юбораман.

Сурма. Ёқамни қўйиб юбор, камзулимни йирта-
чи! (*Тортади.*)

Нозик. Ўх! Садаф тугмаларингни ҳам узди!

Зеби (*маҳкам сиқиб*). Ҳозир ҳовуздан пахтала-
мни олиб чиқ! Бўлмаса, нон урсин, уравериб астар-
хтангни чиқариб юбораман!

Колхозчилар (*тўпланиб киришади*). Нима
иш?

Зеби. Пахтамни сувга ташлаб юборди!!

Ўлмасой. Зараркунандалар! Болалар пахтани сув-
ни олиб чиқинг!

Болалар олиб чиқишади.

Ҳўш, бу нима қилиқ?

Сурма. Ахир, ҳазиллашиб бўлмайдими?

Ўлмасой. Ҳазилингни бошқага қил, колхоз пахта-
си сенга ҳазил эмас!

Зеби. Манов икков ерюткурнинг терган пахталари-
ни қаранг! Нақ, сувсизликдан қовжираб очилган, чигити
қотмаган пахталарни теришти!

Ўлмасой (*кўради*). Вой-вой, бу пахталарнинг
хаммаси ахлат.

Ҳожар. Нимага хашақ аралаштирдинг?!

Сурма }
Нозик } . Биз аралаштирганимиз йўқ!

Ўлмасой. Ким терди, ким аралаштирди бўлмаса?

Сурма. Вой ановнинг турқини, аптини, шахтини!

Ҳожар. Булар, ёт унсурларнинг қизлари, десам
асти қулоқ солмадинглар!! Буларга ўргатишган!

Зеби. Бу ерюткурлар, Бойматларнинг арзандалари,
буларни колхоздан ҳайдаш керак!

Сурма. Биз паранжини куйдириб озодликка чиқ-
қанмиз, эркимизни бўғолмайсиз! Колхоздан ҳайдол-
майсиз!!

Ўлмасой. Буер, базм уйи эмас! Иш, меҳнат
ўчоғи!!

Зеби. Жўна, жўна-е, яшшамагурлар!

Сурма. Юр кетамиз! (*Йиғлаб чиқишади.*)

Ўлмас. Қани ўртоқлар, ишдан қолманглар!

Полвон (*киради*). Ҳорманглар!

Ҳамма. Ҳа, саломат бўлинг!

Полвон. Комсомоллар ҳуш'ёр бўлинг! Тағин қи
зариб қолманглар!

Шер. Нима гап, Полвон ака?

Полвон. Бугун ўртоқ Шодмонов районнинг терим
чи комсомол батальонини бизнинг колхозга юборди.
ҳозир келиб пахтага ёпишадилар.

Зеби. Жойида, хурсандмиз.

Самсоқ ота. Бизнинг колхоз, душманлар яратган
ўпирилишни йўқотиш, йиллик планни тўлғазиб бажариш,
донг чиқарган „Ўзбекистон“, „Намуна“ колхозларига
етиб олиш учун зарбдорлик билан бу ойнинг планини
бир юз ўттиз беш процент қилиб тўлдириши керак!

Азамат. Ўпирилишни йўқотиш учун бизнинг бри-
гада бу ой планини бир юз қирқ процент қилиб тўлға-
зади.

Ҳожар. Мен ўпирилишни йўқотиш учун бу ойда
ҳар кун тўрт путдан пахта териб бераман.

Ўлмасой. Менинг бригадам ҳам бу ой планини
бир юз қирқ процент бажаради.

Зеби. Мен кунига беш путдан пахта териб бера-
ман.

Тўқоч. Мен ҳам олти путдан бераман.

Полвон. Баракалла, зарбдор теримчилар, бара-
калла!

Михайлов (*киради*). Салом!

Колхозчилар. Келинг, ўртоқ Михайлов.

Михайлов. Бугун сизларга тўртта янги вакуум —
терим машиналари келтирдим.

Колхозчилар. А? Ростданми? Қани-қани?

Шер. Эй барака топсин МТСимиз, жойида-ку!

Машиналарни киритадилар. Михайлов машина билан пахтани териб
кўрсатади.

Раҳим. Иш қилиб, машина деган нарсa, деҳқон-
чиликка асқотадиган бебаҳо нарсa экан.

Шер. Раҳим ота, якка ҳўжаликда шунақа маши-
наларни ишлатармидингиз?

Раҳим. Эй, ўғлим, қирқ йилдан буён деҳқончи-
лик қилиб, мунақа илм-ҳикматларни, бунақа ёруғлик
кунларни энди кўраяман.

Ўлмасой. Раҳим ота дейман, якка хўжалигингиз бўлса шунақа машиналардан биттасини сотиб олалармидингиз?.

Раҳим. Эй девона қиз, менинг чол бошимни қотириб нима қиласан, ҳарбир нарсанинг ўз ярашиғи бор, мунақангги ўтаравалар, тракторлар, культиваторлар ҳаммаси колхозга ярашади. Якка хўжаликнинг тарқалиб, чочишиб кетган ерига қўл келмайди!

Полвон. Раҳим ака, қалай, колхозимиз ма'қул бўлдими?

Раҳим. Албатта ма'қул, мен эси паст адашган эканман, мен душман тузоғига илиниб, колхозга яқин йўламай юрган эканман, броқ бугун колхознинг фойдали эканига унадим, энди колхоздан сра чиқмайман. Зарбдор бўлиб ишлайман.

Орқада, узоқдан музика, оёқ товушлари келади.

Азамат. Ўртоқлар, беш кунгача кечқурун ойдинда пахта терамиз, бўлмаса биз бу ойда мўлжалланган планни тўлдираолмаймиз!

Аёллар. Тўғри.

Ўлмасой. Бу яхши маслаҳат!

Ҳожар. Майли, ойдинда терамиз.

Азамат. Шунинг учун кечқурунги овқатдан кейин зарбдорлар, далага!

Полвон. Ўртоқлар, комсомол батальони келаётир!

Ҳамма қарайди, Шодмонов киради.

Шодмонов. Салом ўртоқлар, мана сизларга кўмакчилар...

Ҳамма. Хурсандмиз! Раҳмат, ўртоқ Шодмонов!

Ҳамма завқ-шавқ, ашула блан теримга киришиб кетади.

Парда.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Дала. Сутдай ойдин; Ҳожар, Ўлмасой, Шер, Зеби, Омон, Қодир яна бирқанча колхозчи комсомоллар пахта тераётирлар.

Шер. Ҳожар опа, ойдинда пахта теришнинг ҳам наш'аси бўлар экан.

Ҳожар. Айниқса, ҳаво яхши бўлса, чарчаб қолмайсан киши.

Зеби. Ҳой, нарёғдагилар кетишипти, ҳечким қолмапти-ку, биз ҳам кетайлик!

Ўлмасой. Ҳали вақт эрта, Зеби!

Зеби. Эй, нима деяпсиз, қишлоқ бир ухлаб турди!

Ҳожар. Яна бир этакдан терайлик, кейин майли кетсак...

Зеби. Бир этакдан? Бўпти.

Ўлмасой. Зебихон, бу ойда беш путдан териб бермоқчи бўлгансиз.

Зеби. Хо, хо, хо... Мен аллақачон олти пудга ет-кизиб қўйганман. Жонгинам.

Пахталарни териб-териб кўздан йўқолишади. Йўлчи кириб ғўза орасидан бош чиқарди-да, секин қараб кетади, Азамат билан Ўлмасой икки линча қонда пахта кўтариб ўтади.

Ўлмасой. Азамат ака, яна терасизми?

Азамат. Икковимиздан бўлак ҳечким қолмади-ку, кетканимиз тузук. Ҳали ҳам икки меҳнат кунини оладиган бўлдингиз, кўзидан!

Ўлмасой. Хайр майли, кетайлик! Эртага бундан ҳам мўлроқ терамиз!

Азамат. Сиз шу ерда туратуринг, мен терилган пахталарни олиб келиб, омборга ташлайин, кейин сизни уйингизга кузатиб қўйиб, яна келаман, омборга ўзим қоровуллик қиламан!.

Ўлмасой. Хўп боринг, тез келинг?! (*Ўтиради.*)

Азамат. Ўлмас, биласизми?

Ўлмасой. Йўқ... Билмайман...

Азамат. Сиз бахтли қиз... Сиз... (*Кўтаринки руҳда.*) Сиз... Сиз... Ҳалиги... тўла...

Ўлмасой. Биладан, биладан, кўп қийналманг, нима демоқчи эканингизни биладан...

Азамат. Билмайсиз, қани билсангиз айтингчи?

Ўлмасой. Ўша эски гап, я'ни сен — тўла ҳақ-хуқуққа эга комсомолкасан... Тўғрими?

Азамат. Тўғри. Хўш, ичимдаги гапни қандай би-лақолдингиз...

Ўлмасой. Ўз оғзингиздан ўттиз марта эшитган-ман шу сўзни. Янгисини гапиринг?...

Азамат (*бошини қашиб*). Хўп... янгисини топа-ман... ҳа... Мана ойдин кечада, пахталар қучоғида.

Ўлмасой. Биламан, биламан... Бир комсомол блан эркин сўзлашиб ўлтирибсан, қани айтчи, эски замонда шу гаплар бормиди?... Тўғрими?

Азамат (*ҳайрон*). Қаердан билақолдингиз Ўлмасхон, ичимдаги гапларни...

Ўлмасой. Ўзингизнинг менга айтадиган бундан бошқа гапингиз ҳам йўқ-да... Бу гапни қирқ марта эшитганман.

Азамат. Бўлмаса...

Ўлмасой. Ҳа... Жим ўтирганимиз яхши. (*Узоқ пауза.*) Ҳа сойга узоқроқ қаранг, зора шундай ўтиришимизга ярашадиган гап топиб қолсангиз...

Азамат. Тўғри айтасан... Э... айтасиз...

Ўлмасой. Сенлаб гапираверинг... (*Жим қоладилар.*)

Азамат. Қаранг, ҳаво қандай ёқимли... Баҳридининг очилади... Чиндан ҳам чиройли... Аммо, ёнимда сиз бўлмасангиз эди, дун'ё кўзимга қоронғи бўлиб кетар эди.

Ўлмасой (*кулиб*). Ўҳҳо... Азамат ака, шоирлик қуллуқ бўлсин; сўзга чевар бўлиб кетибсиз-ку.

Азамат. Мени камситманг! Деҳқон боласидан шоир чиқмайдими? Ахир ўқисак...

Ўлмасой. Азамат ака, менинг ҳам ўқишга кўнглим суст кетади, билсангиз...

Азамат. Ўқийсизми?

Ўлмас. Ўқийман...

Азамат. Бўлмаса пахталарни йиғиштириб олайлик, қишда Тошкентга кетамиз, тузукми?..

Ўлмасой. Сиз қайси мактабда ўқийсиз?..

Азамат. Мен қишлоқ хўжалик мактабида ўқиб, агротехник бўламан, чунки агротехника ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалиги учун жуда керак!..

Ўлмасой (*кулиб*). Мен ҳам ўша мактабга кираман...

Азамат. Бўлмаса, бирга ўқиймиз ҳам бирга ишлаймиз, ундан кейин, ундан кейин... бирга...

Ўлмасой (*кулимсираб*). Нимага тутуласиз?..

Азамат. Сен, ҳа... сиз... уришмайсизми?..

Ўлмас. Вой шунга ҳам уришаманми?

Азамат. Уришмасанг, бирга... бирга ўртоқ бўлиб яшасак дейман...

Ўлмасой. Бошида пайқовдим-а...

Азамат. Ёки мени ёқтирмайсизми? Очиқ гап-ринг! Сен!

Ўлмасой. Ахир?.. Нега ёқтирмайин!

Азамат. Бўлмаса гап...

Ўлмасой ерга қарайди, Азамат унинг қўлидан тортади.

Ўлмасой. Қўйворинг!.. *(Азамат бағрига босиб қаттиқ ўпадади.)*

Азамат. Хўп! *(Завқланиб ашула айтади.)*

Ўлмасой ўзини йўқотиб, жим қолади. Азамат куйлаганча омбор томонга қараб кетади. Ўлмасой қопга суянади... Кўзи кетади. Пауза. Йўлчи киради, бир томонга имлайди. Боймат, Матқовул, Қоровойлар киришади, булар кўпрк остида, бўғиқ товуш блан сўзлашади.

Боймат. Омборда пахта борми?

Йўлчи. Уч кундан бери терилган пахталар бор экан!

Боймат. Биз ҳам ажиб бир иш қиламиз.

Ўрмон. Тезроқ бўлайлик, шарпани пайқаб қолиш-масин.

Боймат. Матқовул, сен қоровулни ўлдир! Пахтага ўт қўй! Раҳмон, сен уларнинг терилмаган пахталарига пода қўйиб юбор. Йўлчи, сен мана бу томондаги ерларга катта тўгонни очиб сувга бостир! Биз анови илон-ваччани, эҳ!!.. Сўнг Шодмоновни....

Теша. Боймат ака, Азамат блан Ўлмасойни ўлдирманг, улар ёш.

Боймат. Оғзингни юм!!

Теша. Йўқ, мен уларни ўлимига ризо эмасман!

Боймат. Йўқол, итвачча! Ҳозир бошингга ичагингни салла қилиб қўяман! *(Тешани босиб оғзига тўппи тикади.)*

Ўрмон. Боймат ака, Теша тўғри айтади, улар ёш, ўлдирманг, мен ҳам бунга унамайман!!!

Боймат. Аҳмоқ, ўлдирмаймиз! Ахир! Анов қиз сенга керакми, йўқми? Биз сен учун ўзимизни ўтга ташлаяпмиз-у, сен бўлсанг... эҳ эси паст! Чиқ ўзинг...

Ўлмасойга ташланадилар, қоп блан ўраб кўтариб кетадилар. Азамат узоқдан қўшиқ айтиб киради, Ўлмасойни кўрмагач қўрқиб кетади.

Азамат. Ўлмас, Ўлмасой! Ўлмасой! Эй бу қизи тушкур ўзи кетиб қолдимикин?... Ўлмасой! *(Бойматлар ташландилар.)*

Боймат. Азамат!!

Азамат. Қўйиб юбор мени!!

Боймат. Ҳа итвачча, қўлга тушдинг-ку?!

Азамат. Боймат! Сенмисан?

Боймат. Ҳа, мен ўша Боймат, қалайсан, тагипаст!

Азамат. Ифлос! Газанда!

Боймат. Итвачча! Кўзларини ўй! Бос пичоқни!
(*Ётқиздилар—пичоқ қўйиш олдида орқадан алангга кўринди.*)

Азамат. Пахтага ўт кетди, пахта ёнди, пахта!!

Боймат. Бос!!

Азамат. Пахта! (*Қаттиқ ҳаракат блан қўлдан қочади, Боймат орқасидан етиб бориб кетман блан урди. Азамат жўяк ичига йиқилди.*)

Ўрмон. Қочайлик!

Қочадилар, говур-гувур кўтарилиб, колхозчилар кирадилар.

Полвон. Ўртоқлар, сув, сув! (*Орқада*)...

II'ер. Қоровулни ўлдиришинг!

Шодмонов. Пахта ёнмасин, нобуд бўлмасин!
Гайрат кўрсатинг!

Михайлов. Пахтага еткизманг!

Эрйигит. Бу, албатта, ўша аламзада қулоқларнинг иши!

Полвон (*кирди*). Ўтни пахтага еткизмай ўчириб олдик.

Ҳамма. Ҳайрият! (*Тошметин Азаматни кўриб қолади.*)

Тошметин. Ўртоқлар, ўртоқлар! Азамат, Азамат!

Колхозчилар. Қани?! Азамат, нима гап?!

Тошметин. Азамат мана бу жўякнинг ичида, қаранг!

Жимлик

Шодмонов. Жони бор, биттангиз докторга чопинг!

Полвон. Мен кетдим.

Шодмонов. Кимда рўмол бор, қани тезроқ беринг!

Биттаси рўмол берди, олиб Азаматнинг бошини боғлашади.

Кампир (*киради*). Саҳарга яқинлашди, бечора қизимни далада шунча ушлайсизларми?..

Шодмонов. Қизингиз ким?

Кампир. Ўлмасой.

Колхозчилар. Ўлмасой!

Полвон. Ўлмасой уйига кеткан.

Кампир. Ахир, у Азамат блан ойдинда пахта те-
риб қолган экан-ку.

Колхозчилар. Оббо...

Шодмонов. Азамат блан ойдинда? Ўртоқлар
биттангиз чопинг, милицияга югуринг! Қолганларингиз
ахтаринг! Ҳа, тез!

Ҳаммалари ахтара кетадилар. Икки колхозчи Азаматни
жўякдан олиб чиқади.

Теша (бир жойдан бош кўтаради, оғир руҳий
ҳолатда Азаматни кузатиб қолади, уҳ тортди,
уёқ-буёққа юрди, бошини чайқайди, ахир, бир жой-
да жим ўтириб қолади, секин бошини кўтаради).
Бечора Азамат! Мен қандай қонли жиноятларга шерик
бўлдим? Энди улар Ўлмасойни булғалаб ўлдиришади.
Гуноҳсиз қиз.... Нима қилсам экан? Бориб сирни оча-
йинми? (Ўйлайди.) Йўқ, ёш гўдақларим бор, айтмасам
юрақ эзилиб кетди!.. Нима қилдим, гангиб қолдим. Бо-
шим айланди. (Дармонсиз ўтириб қолади.)

Парда.

ТЎҚҚИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Галой топмас кўча, хароб уй. Тўрт томони девор. Бир томонда мас-
жиднинг мезаняси, орқа томонда қочадиган йўл ва катта бир ом-
борнинг эшиги кўриниб туради. Кўрпа-тўшак солинган, милтиқлар
осилган. Боймат газета ўқиб ўтиради. Ўрмон ва Қоравой
оғир бир ҳаёлда.

Боймат (газетадан ўқийди). „Муваффақиятли
кунга мардонавор тайёрланайлик“. Улуғ Октябрь бай-
рамига энг яхши совға — саноат молни планини ортиғи
блан бажариш, пахта йиғим-теримини большевикча
уюштириш, колхозларни ташкилий хўжалик томонидан
мустаҳкамлаш...“ (Газетани ғижимлаб.) Уҳ... Диқ-
қатим ошди!

Матқовул киради.

Ҳа, моллар жойландими?

Матқовул. Кооператив молларини яхшилаб жойладик.

Боймат. Пахталарчи?

Матқовул. Фақат уч қопи тузук жойланмай қолди.

Боймат. Бор, яхшилаб бекитиб ташла!

Матқовул. Хўп, қани юр, Раҳмон! (*Чиқдилар.*)

Қоровой. Теша қаерда қолди?!

Ўрмон. Билмадим, шу чоққача келмади-ку.

Боймат. Теша бизнинг киши эмас! Унга ҳуш'ёр бўлиш керак.

Қоровой. Ҳозир ҳар кимга ишониш ярамайди.

Боймат. Онамга ҳам, отамга ҳам ишонмайман!

Йўлчи (*киради*). Салом!!

Боймат. Нима гап?!

Йўлчи. Колхознинг ишлари тарақлаган. Ҳамидовлар қамалиб кетди, бизни бўлса ахтаришаяпти.

Боймат. Азамат нима бўлди, ўлдими?

Йўлчи. Йўқ, тирик қопти.

Боймат. Тирик! Даюс, сен сабабчисан, бос дега-нимда дарров босмадинг! (*Йўлчини бўғади.*) Мана энди сени ўлдираман, тирик қўймайман!!

Йўлчи (*бугилиб*). Боймат ака, Боймат ака!

Боймат (*итариб ташлайди*) ...Нима қилдим, нима қилай? Чидолмайман! Ер-сув, уй-жойларимни олдилар, тегирмонларимни колхозга бердилар. Аламига чидолмадим, ўнлаб одамларни ўлдирдим, сўйдим, кўзларини ўйдим, қудуқларга ташладим, мени ахтарадилар, ахтарадилар, мен охирда буерларга қочиб келдим. мен эски чопонга бурканиб, яна шу жиним севмайдиган камбағалларнинг орасида, колхозга кирдим. Юрагимни ёндирган колхозни бузиб, ҳордиқ чиқармоқчи бўлган чоғимда, яна сирлар очилди. Чидолмайман, жон чиққунча курашаман! (*Қўлига кирган нарсаларни уриб синдирди.*) Синдираман, ўлдираман, ўт қўяман ҳама-ёққа!!

Теша (*оқарган, бўзарган кирди*). Бормисизлар? Худога шукур-ей...

Боймат. Ҳа, даюс, қўлимга тушдингми?! Сен тутиб бермакчисан-а? (*Тешани бугиб босади, Матқовул ажратади.*) Ажратма! Бўлмаса ўзингни, ўзингни... (*Матқовулни бугиб қолади.*)

Матқовул. Боймат, Боймат! (*Бошқалар ажра-*

тади). Хўш, Теша қани, гапир дарров! Сен аблаҳ сирни очиб қўймадингми?

Теша. Ахир менинг бола-чақам бор, худодан уми-дим бор. Мусулмонман, ўртада каломулло бор, ахир...

Боймат. Яхши, ҳамавақт бола-чақангни эсинг-да сақла! Агар қилча хиёнат қилсанг, болаларингни кўз олдингда тўғрайман, иннайкин каломулло урсин деб онд ичкансан, уқдингми?

Теша. Боймат ака, сизга хизматни қўрққанимдан эмас, астойдил, ихлос блан қиладиган Тешаман!

Боймат. Балли, сендан хурсанд бўлдим (*Пул беради.*) Ма, ол буни! Уй, рўзгорингга яратасан...

Теша. Қуллуқ, мен пул учун эмас, ихлос блан.

Боймат. Ол дедим, ол! (*Теша олади.*) Ҳали ни-ма дединг.

Йўлчи. Изимизга тушганлар дедим.

Боймат. Кетишга тайёрланинглар! Йўлчи, Раҳмон, уни олиб чиқ!

Йўлчи }
Раҳмон } . Хўп Боймат ака.

Ичкаридан Ўлмасойни олиб чиқадилар, Ўлмас терслик қилади.

Боймат. Ўладиган дун'ёда бир кўнгил очайлик.

Ўлмасой. Қўйиб юбор, ёпишма менга! (*Кўкра-гидан итаради.*)

Матқовул. Оҳ, дўндиқ...

Ўрмон (*қизганиб, кўзи қонга тўлиб*). Боймат ака!

Ўлмасой. Мени бир йўла ўлдир, лекин менга тегма!

Матқовул. Қўрқманг, сизни уйингизга жўната-миз.

Ўрмон. Боймат ака, ва'дани унутманг! (*Ўлмасга ёпишади.*)

Боймат (*Ўрмоннинг кўксига мушт уради*). Йўқол аблаҳ! (*Ўлмасойга ёпишиб*.) Оҳ, момақаймоқ. Жоним ўргилсин!...

Ўлмасой (*итариб*). Йўқол!

Ўрмон. Боймат ака, тегманг, бу меники! Кўзни очинг!

Боймат. Нима... Меники... Ўлмас-а? Шунақами? (*Яқинлашиб*.) Мана сеники! (*Тўппонча блан миясига уради, Ўрмон йиқилади.*)

Ўлмасой (*ўзича*). Ўртоғим Санобарни ҳам бу ер юткурлар, шу хилда ўлдиришган эди, бошимга тушди. Йўқ, мен қўрқмайман, майли ўлдирсин!!

Теша (*бир четда тоқатсизланиб*). Мунча ҳаял-лашди экан, оббо...

Боймат. Барибир, қўлимдан қутулмайсан, соғ қутулмайсан...

Теша. Аста'фирулло! Нима бало бўлди, буларга?! Адашиб қолишдимикан?!

Ўлмасой (*қочади*). Менга тегма! Мени бир йўла ўлди, менга тегма! Барибир шум ниятингга етолмайсан!

Боймат. Қаёққа қочасиз?!

Ўлмасой. Яқинлашма! Вабо!!

Теша. Келақолишмади-я!

Боймат }
Қоравой } . Қаёққа қочасиз, жоним? (*Ушлайди.*)

Ўлмасой. Газандалар! Босмачилар!

Боймат. Бас! Газанда ўзинг! Юзи очиқ, шариатни хор қилган беор ҳам ўзинг?! Менинг молу мулкимга чанг солган ўғри ҳам ўзинг?! Сенинг ўлишинг керак! (*Уради, Ўлмас ҳушидан кетади.*)

Теша. Бечора қиз! (*Милтиқ товуши. Теша жонланади. Булар ичкаридан чиқиб милтиқларга ёпишади, Теша гранатни кўтариб.*) Кўтар қўлингни!

Булар. Оҳ! (*Қўл кўтардилар.*)

Теша. Бир қадам босма! Граната блан ёриб ташлайман! Ўлмас, ол милтиқларни!

Ўлмас милтиқларни йиғиштириб, бирини олади.

Боймат. Теша! (*Ўзини Тешанинг устига ташлайди, Матқовул Ўлмасни ушлайди, олишиб кетдилар.*)

Ўрмон (*Тешага пичоқ яқинлашганда, Бойматнинг пичоқли қўлини қайирди, Теша қутулиб туради.*) Боймат босмачи! (*Юзига тупуради.*) Мен сени тирик қўймайман!

Боймат. Тирик қўймайсан, хо, хо, хо...

Ўрмон. Мен аҳмоқ, мен расво, сен итнинг сўзингга кириб нималар қиладим! (*Бойматни бўғиб олади, Боймат уни отиб ташлайди.*)

Боймат (*Тешага отилади*). Отма! Пичоқ блан сўй!

Теша кучсизлик қилиб йиқилади, Боймат устига миниб олиб, пичоқни суғуриб бўғзига қўяётганда, девордан колхозчилар, милиционерлар, Полвон, Шодмонов ва бошқалар босиб тушадилар.

Шодмонов. Кўтар қўлингги! Газандалар!

Теша (*узига келади*). Хой, ўртоқ Шодмонов, ўртоқ Шодмонов, мана чўкиб қолган пахталар!

Омборнинг эшигини синдириб очадилар, пахталар кўринади. Қулоқларни ҳайдаб чиқадилар.

Шодмонов. Сиз қулоқлар шайкасини тор-мор қилишда бизга ёрдам бердингиз. Бизнинг қудратли партиямиз бор экан, душман қанчалик айёр, қанчалик зўр бўлмасин, биз уни, албатта, янчиб ташлаймиз! Гуллаган, гўзал Ватанимизда янги, порлоқ социалистик ҳаётни барпо қиламиз! Раҳмат сизга отажон! (*Тешанинг қўлини сиқади.*) Раҳмат сизга, Ўлмасой!

Ўлмасой. Биз бор кучимизни колхозимизни яшнатиб юборишга сарф қиламиз. Шундай-а, Азамат ака!

Азамат. Шундай, Ўлмасхон! Шундай, ўртоқ Шодмонов!

Теша. Мен ўз гуноҳимни колхозда ҳалол меҳнат қилиб оқлайман, болаларим.

Самсоқ ота. Тешавой, сиз ўзингизни бир марта оқладингиз. Энди қолхоз сизники, бахтли, фаровон турмуш ҳам сизники, аммо ашаддий душман ҳали тамом янчилгани йўқ! Бўри сингари тишини ғижирлатиб, пайт пойлаб ётипти. Мана, душман домига илинган ўғлим Ўрмон яна шу душман қўлида жон берипти. Биродарлар, мени кечиринглар... Мен бу аламга тоқат қилолмайман. Менинг ўғлим йўқ. Мен яккаман, якка! (*Оғир руҳий ҳолат.*)

Шодмонов. Сизнинг асл ўғлингиз мана Азамат! Қизингиз бўлса Ўлмасой!

Азамат. Сизга ўғил бўлиш мен учун бахт, отажон.

Самсоқ ота. Раҳмат болаларим, раҳмат... Колхозимиз тобора гуллайди, яшнайди, болаларим! Душманларни биз ёндираемиз!!



ГУЛСАРА



Қ А Т Н А Ш У Ч И Л А Р:

Гулсара — 20 ёшларда.

Ойсара — Гулсаранинг онаси, 40 ёшларда.

Рузвонхон — Район партия комитети хотин-қизлар бўлимининг мудир, 45 ёшларда.

Қодиржон — Гулсаранинг эри, 25 ёшларда.

Ҳадичабуви — Қодирнинг онаси, 50 ёшларда.

Файзихон — комсомол қиз, 20 ёшларда.

Асалхон — ўйинчи қиз, 20 ёшларда.

Отинбуви — 60 ёшларда.

Иброҳим — Гулсаранинг отаси, 50 ёшларда.

Тошматота — 65-70 ёшларда.

Домла — 60 ёшларда.

Бадалмат — 45 ёшларда.

Матлуба, Каромат, Анорхон, Толиб, доя, ногорачи, милиционер ва бошқалар

Воқиа 1927—28 йилларда бўлиб ўтади.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ .

Қодиржоннинг ҳовлиси. Ёзнинг иссиқ кунларидан бири. Яқиндагина кўзи ёриган Гулсара палаклар билан безатилган айвонда, қалин тўшак ўстида ўтириб, пар болишга суянган ҳолда қошига ўсма қўяди. Асалхон Гулсаранинг сочини майдалаб ўради. Холбуви йўрғакланган чақалоқни қимирлатиб — овутиб ўтиради. Қодирнинг онаси Ҳадича хола енглари шимарилган ҳолда

гоҳ уйга, гоҳ ошхонага югуриб юради.

Ошхонада бирнеча кўшни хотин-қизлар овқат пиширади.

Асалхон (*куйлайди*).

Шавқу завққа тўлиб тошди ёш кўнгул.
Қайғу, ҳасрат унга буткул бегона,
Мен шу олтин кенг чаманда қизил гул,
Бахт эшигин очди менга замона.

Чақмоқ тегиб қора парда кул бўлди,
Ой сингари юз кўрсатди қиз-жувон,
Тўрт, деворлар қулаб ерга тўкилди,
Душманларнинг юрак-бағри бўлсин қон!

Мақсадимиз чўққилардан ҳам баланд,
Ўулимизни ёритади зўр қуёш.
Ҳаётимиз, ёшлигимиз асал-қанд,
Меҳнат, жангда қуёш ағур бизга бош.

Ҳадича буви. Ўргулай хушовоз Асалхондан.
Бу ҳалиги „Очиқ“ хотинларнинг қўшиғи-ку? Дарров ўрганиб олибсиз-да?..

Гулсара. Ўртоғимнинг зеҳни ўтқир. Янги қўшиқ чиқдими, дарров ўрганиб олади.

Асалхон, Қўйинг, ҳа деб калака қилаверманг.
(Гулсарага.) Ўртоқжон, ўзингиз ҳам битта қўшиқ айтиб беринг.

Гулсара. Сиз турганда менга нима бор? Овозингиз шундай очилибдики, жаранглайди-я, жаранглайди, ўргилай.

Асалхон. Жуда ҳам мақтаб юбордингиз. (Кулади, куйлаб ўйинга тушади.)

Рўмолим бор ой гули,
Ўртаси чойдинш гули,
Қодир акамнинг топгани
Гулсарага чой пули.

Куладилар. Асалхон ҳовлида ўйнайди. Келаётган Толибга кўзи тушади. Қичқириб уйга қочиб киради.

Вой, ўйинга тушмай ўлай!

Толиб (*гилам кўтариб киради*). Ҳадича хола, мана, келтирдим.

Ҳадича буви. Айвонга қўяқол, холанг ўргулсин.

Доя кампир чақалоқни кўтариб уйга киради. Қодиржон чиройли кроватъча кўтариб киради.

Вой буюрсиней... Мунча ҳам чиройлигини олибсиз, ўргулай.

Қодиржон. Ойи, шунга ётқизасизлар-да!

Ҳадича буви. Жон болам, яна меҳмонларнинг олдида менинг юзимни шамгин қилма. Қайнанинг Ойсарахон орзу ҳаваслар блан бешик ясаб келаяпти, болам.

Доя. Ҳа, ниҳоятимини қилиб, бешикка бир ётқизиб оламиз-да, болам!

Гулсара ўзини тузатиб, Қодиржонни қарши олади.

Қодиржон.

Гулсарам, келтир қўзимни, танда жонимни кўрай,
Савлатим, бахт юлдузим, юзимда қонимни кўрай,
Ўйнатар бу дилни меҳри, кўрмасам йўқ тоқатим.
Гавҳарим, ёнган чироқ, ному нишонимни кўрай.

Гулсара.

Ширинимга, ёлғизимга, гул баҳоримга қаранг,
Севганим, бахтим, гурурим, тиллаторимга қаранг,

Қўлларин жимжима қилиб сиз сари толпинадир,
Эркаланг бир, ўйнатинг бир, бахтиёримга қаранг.

Қодиржон болани баланд кўтариб эркалатади. қўйин чўнтагидан бир жуфт олтин балдоқ чиқариб Гулсарага тақдим қилади.
Гулсара майин кулиб, дарров олади-ю қулоқларига илади.

Қодиржон. Қуллуқ бўлсин. (*Қўлидан тортади.*)

Гулсара. Яхши совға олибсиз, ҳай, киши кўради.

Қодиржон. Мунча чўчимасангиз?

Гулсара. Ҳай, қўйинг дейман.

Қодиржон. Қўрқманг.

Гулсара. Овқатингиз совийди.

Қодиржон. Яқинроқ келинг. Тузукроқ кўрай,
ярашибдимикин?

Гулсара. Ярашмаса майлига...

Қодиржон. Қочманг энди.

Гулсара. Қўйсангизчи, ҳамманинг кўзи бизда.

Қодиржон. Кўз тегади деб қўрқаяпсизми?

Гулсара. Ҳу Асалхонни кўрмаяпсизми?

Қодиржон. Унинг кўзи шунчалар ўткирми? Ҳар-
қанча ўткир бўлса ҳам сизникичалик эмас.

Гулсара. Вой, анави кишини. Мунча бугун чеҳ-
рангиз очиқ?

Қодиржон. Та'бим чоқ, кўнглим чирогдек рав-
шан. Нега десангиз, шу кунларда тўй устига тўй бўла-
япти.

Гулсара (*лабини буриб*). Тушунмадим.

Қодиржон. Эсон-омон қутулганингизнинг ўзи бир
тўй. Хўш... Ўғилча кўрдик, бу иккинчи тўй. Яқинда
яна катта тўй бўлади.

Гулсара. Қанақа тўй?

Қодиржон. Саккизинчи Март. Сизни байрамга олиб
чиқаман.

Гулсара. Паранжисиз-а?

Ҳадича буви тўхтаб, қулоқ солади.

Қодиржон. Бўлмасам-чи!

Ҳадича буви. Вой шўрим, ҳой, болам, нима деб
алжираяпсан? Қўй бу гапларингни. Бизнинг ша'нимизга
тўғри келмайди.

Қодиржон. Ахир мен фабрикадаги ўртоқларимга,
женотдел бошлиғи Рувзон холага ва'да бериб қўйдим.

Ҳадича буви. Вой ўлмасам, қўй-қўй, эшитмай-
ман бу гапларингни.

Қодиржон (*Гулсарага*). Очиласанми?

Гулсара (*нозик бир шох ташлаб, Қодиржон-
нинг қўлидан чиқиб қочади*). Вой, қўйинг шу гапла-
рингизни, эшитар қулоққа яхши эмас.

Қодиржон (*завқ блан*).

Кўнглим ўсар боқсам ойдек юзингга,
Кулиб турган бир жуфт қаро кўзингга.
Бўсаси қанд, ошиқдирман ўзингга.
Бошимизга тушмасин ҳеч айрилиқ.

Гулсара.

Кеча-кундуз сизда фикру хаёлим,
Баланд эрур сиз-ла кўнглу камолим,
Дам кўрмасам ортур қайғу малолим,
Бошимизга тушмасин ҳеч айрилиқ.

Иккови.

Ажаб сулув қамчи қомат ёримсан,
Кўнгли тоза дилбаримсан, оримсан,
Боғимдаги лолам, гулу норимсан
Бошимизга тушмасин ҳеч айрилиқ.

Кўча томондан озод хотин-қизларнинг жаңговар қўшиғи жаранглаб
эшитилади. Гулсара югуриб девордан кўчага қарайди. Қўшиқ
тобора кучаяди, сўнг аста-секин тинади.

Гулсара. Қандай яхши-я...

Қодиржон. Сен ҳам очилсанг, шу хилда яйрай-
сан, гулим!

Иброҳим қўлида тугун блан йўлакда пайдо бўлади. Қодиржоннинг
сўзини эшитиб, таққа тўхтади.

Иброҳим (*ўзича*). Гулсара очилади?!

Гулсара. Ҳай, секинроқ! Очилармишман... Ҳеч
иложи йўқ. Вой, сиз чиндан гапираяпсизми? Отамни
биласиз-ку?

Қодиржон. Отамиз ҳам рози бўлади.

Ҳадича буви (*ошхонадан чиқиб*). Бўлди, бас,
бас қилинглар бу гапни. (*Эшик тақиллайди. Шошиб*

шивирлайди.) Ҳой болам, қайнатанг келди. (*Қарши ол, дегандек ишора қилади.*) Гулсарахон! (*Уйга ўтинг деган ишорани қилади.*) Асалхон, қизгинам. (*Велинг, қарашиб юборинг, дегандай имо қилади, дарров айвонни йиғиштириб, жой ҳозирлайдилар.*)

Қодиржон (*усту-бошини ростлаб, йўлакка чиқади*). Эй ассалому алайкум, дадажон, келинг, келинг. (*Қўл олишади.*)

Иброҳим. Ваалайкум ассалом, ўғлим!

Қодиржон. Қалай, саломатмисиз, бардамгина бор-мисиз? Қани, ичкарига, марҳамат.

Иброҳим. Бисмилло. Хўш, ўзингиздан ҳол-аҳвол сўрайлик. Янги меҳмон муборак бўлсин. Мана, энди ота ҳам бўлиб қолдингиз. (*Қўлидаги тугунни беради.*)

Қодиржон (*уялиб*). Қуллуқ!

Ҳадича буви. Вой айланай, қуда! Бугун бешик тўйи келади деб, нақ ўзимиз блан овора бўлдикки, аста қўяқолинг.

Иброҳим (*кулиб*). Ҳа, бизнинг уйда ҳам қий-чув тўполон. Ҳали замон бутун дунёни бошларига кўтаришиб, келиб қолишади. Ҳа, ҳа.

Қодир тугунни онасига беради.

Ҳадича буви. Ҳаммани ҳам шундай кунларга етказсин.

Иброҳим. Иншоолло.

Ҳадича буви. Қани, қуда, юқорига чиқинг.

Иброҳим ковушини ечиб, айвонга чиқади. Қодиржон бўлса ковушни артиб, тўғрилаб қўяди. Иброҳим қўйнидан латта олиб маҳсисини артади.

Вой, чиқаверинг, кўрпача одамдан ҳам азиз бўп-тими!

Қодиржон дашши блан обдаста келтириб, Иброҳимнинг қўлини ювдириб, сочиқ тутати, кейин ўзи ҳам қўлини ювади.

Иброҳим. Қуда, бир-икки кун тобим бўлмай қолиб, келолмаганим учун койимайсиз-да.

Ҳадича буви. Вой, қадамларига ҳасанот. Нега койийман. (*Ёстиқ келтириб.*) Қани, юқорироқ ўлтиринг, айланай қуда.

Қодиржон ёстиқни олиб Иброҳимнинг ёнбошига қўяди.

Иброҳим. Омин, қадам етди, бало етмасин.

Фотиҳа ўқийдилар.

Ҳадича буви. Хуш келибсиз, қуда?

Иброҳим. Хуш вақт бўлинг.

Ҳадича буви дастурхон келтириб ёзишга уринади, бу ишни ҳам Қодиржон бажаради. Гулсара қўлида боласи блан чиқиб, Иброҳимга та'зим қилади.

Гулсара. Ассалом, отажон.

Иброҳим. Ваалайкум ассалом! Қалай, эсон-омон қутулиб олдингми, қизим?

Гулсара (*ийманиброқ*). Шукур.

Иброҳим (*Гулсаранинг елкасига қоқиб*). Ҳа баракалла, полвон қизим, қани-қани, ўтир, қизим. (*Болани олиб*) Хўш, менга берчи... Ўҳў, катта йигит бўлиб қолибсан-ку. Бу... бу... бунинг отини нима қўйдиларинг?

Ҳадича буви. Ҳали от қўйганимизча йўқ.

Қодиржон онасининг қўлидан чойпақ олар экан, Гулсара уни чаққон Қодиржоннинг қўлидан олиб, пиёлаларнинг ҳар бирини сочиқ блан артиб, чой қуйиб, одоб блан отасига узатади, Иброҳим ҳаргал чой олишда „кўп яша, баракалла қизим“ дейди.

Иброҳим. Яхшиси менинг номимга мослаб, Исмоил қўяқолинглар. Бу пайғамбарларнинг номи. Ана, (*қулогини ковлаб*) фаришталар ҳам, омин деди шекиллик, қулогим ҳам жаранглаб кетди.

Қодир Гулсарага ер остидан кулимсираб қарайди.

Ҳадича буви (*болани олиб*). Ҳа, оти бир гап бўлар. Боламнинг умри блан берган бўлсин! (*Болани дояга узатиб, ўзи ошхонага кетади*).

Иброҳим. Иншоолло, иншоолло.

Ҳадича буви. Қодиржон!

Қодиржон. Лаббай? (*Ошхонага кетади*.)

Иброҳим (*ёни-верига қараб қўйиб*). Қизим, кел... Энди ёлғиз ўзимиз икки оғиз гаплашиб олайлик.

Гулсара. Қулогим сизда, отажон!

Иброҳим. Хурсандмисан, хафа қилаётгани йўқми?

Гулсара. Йўқ! Еру кўкка ишонмайди, бошига кўтаради.

Иброҳим. Илоҳим шундоқ бўлсин, қизим. Бугун онанг сенга олиб келадиган саруполарига мен ҳам, яхши ният блан, янги кимхоб паранжи қўшдим... Эринг бир парса демасмикин?

Гулсара (*ўйга чўмиб*). Йўқ... нима дер эдилар?

Иброҳим. Балки „Бунинг нима кераги бор“ деб хафа бўлар?

Гулсара. Йўқ, ота. Бунчаликка бормасалар керак.

Қодиржон (*қўлида коса блан келатуриб*). Гулсарахон!

Гулсара косаларни олади.

Иброҳим (*ёнини кавлаб ош келтирган Ҳадича бувига*). Қуда, мана бу туморни бешикнинг бошига тақиб қўйинг. Жин аралашмайди. Ҳа, ҳасти домлага етти харобадан намуна келтириб бердим...

Ҳадича буви. Айланай сиздан. Ҳали шунақанги ташвишлар ҳам чекдим денг?

Иброҳим. У киши бўлса дуо ёзиб, уч номи покни ўқиб дам солиб бердилар.

Қодиржон (*сабри тугаб*). Отажон, бу ишлар ҳаммаси хурофот, бид'ат, чириган одатлар-ку.

Иброҳим (*чўчиб*). А?

Гулсара „жим“дегандай лабини тишлаб, Қодиржонни туртиб ўрнидан қўзғалади. Қодиржон, Гулсара бир-бирларига қараб шивирлашади.

Йўқ, бундай гапларга ишонманг, бу китобнинг сўзи, ҳа, ихлос қилинг, ихлос. (*Ҳадичага, оҳиста.*) Ҳа, ундан кейин, қуда, мана бу дам солинган чой, новвотни Гулсара блан Қодиржонга дамлаб беринг. Ораларига совуқлик тушмасин.

Ҳадича буви. Худоё умрингиздан барака топинг.

Кўчадан сурнай товуши эшитилади.

Иброҳим (*шошиб*). Қани омин, чироғларингиз ўчмасин!

Болалар (*чувиллашиб кирадилар*). Ҳадича хола, Ҳадича хола, ногорачилар келишди; ногорачилар келишди.

Ноғорачиларга жой ҳозирлашади, сурнайчи, доирачи, ўйинчи йигитлар, қўлида гул қўтарган гулчи, отўйинчилар кирадилар. Буларини Иброҳимлар кутиб олишади. Паранжи ёпинган хотин-қизлар, қизалоқлар том-тошга сиғмай кетади.

И б р о ҳ и м. Қани, қудабуви, ўйинчига тўн чиқариб беринг!

Ҳадича буви бир яхши тўн, дўппи ва бир оқлик чиқариб беради. Ўйинчи йигит тўнни кийиб, қийиғини боғлаб оқликни ерга солади.

Ноғорачи. Кенг фе'л, кетмас давлат берсин.

Ялла-ўйинлар бошланади, ўйинчи йигит тоғорадан тангалар тишлаб олади. Ноғорачи ашула орасида, қани, ҳа, амма-холаси ҳовадор! Қани, туршак ўғриси кампир ҳовадор" деб гапириб туради. Бошқалар қатори Иброҳим, Қодиржонлар ҳам ҳовадор ташлашади.

Ноғорачи. Қани, қуда буви, ҳовадор!

Иброҳим гулни сотиб олиб, Қодиржонга беради. Қодиржон гулни бир кўркам жойга қўяди. Ҳ а д и ч а буви ноғорачиларга бир патнусда мева-чева, сарполар келтириб қўяди. Ўйин ялла тобора қизиб кетади.

ИККИНЧИ ПАРДА

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Иброҳим аканинг косибчилик дўкони, буерга кириш учун ҳовли ва кўчадан эшик бор. Иброҳим аканинг безаги тутиб, эски кўрпача устида деворга суялиб „оҳ-воҳ“ қилиб ўтирипти. „Уф“ деб, яқинида турган кумғонни зўрга олиб, ундан сув ичади ва пешонасига боғланган рўмолни ечиб, уни ҳўллаб, яна пешонасига боғлайди. Ниҳоят қайрилиб ёнидаги эшикни ярим очади.

Иброҳим (*заиф товуш блан*), Гулсара! Ҳой, онаси!.. Менга бир аччиқ қора шўрва қилиб бер. Тинкам қуриб қолди...

Тошмат ота (*кўча эшигидан кириб*). Иброҳим-жон! Саломалайкум. Ҳўш, баҳай!?

Иброҳим. Хафа бўлмайсиз-да. Безгак тутиб қолди. Йўғасамку... биткизиб қўярдим-а.

Тошмат ота (*ёнини кавлаб*). Безгак дориси бор. Ичасизми?

Иброҳим. Майли... озроқ ичай... зора...

Тошмат ота пиёлага сув қуйиб дорини ичиради.

Ах... бай-бай-бай... мунча заҳар?!

Тошмат ота. Манг — яна сув ичиб юборинг!

Иброҳим (*ичиб*). Раҳмат, маҳсингизни (*ўрнидан қўзғолиб*) озгина ямоқ тушадиган жойи қолган эди... ўтиринг, ҳозир битказиб бераман.

Тошмат ота. Бўлмаса, мен манавини дарров ташлаб келай.

Иброҳим. У қўлтиғингиздаги нима, Тошмат ота?

Тошмат ота. Кафанлик

Иброҳим (*чўчиб тушади*). А? Кафанлик?.. Кимга?..

Тошмат ота. Эй, хабарингиз йўқми? Мирдада аканинг қизини, ла'нати куёви суғиб ўлдирган-ку?

Иброҳим. А? (*Кузи тиниб кетгандай бўлади.*)

Тошмат ота. Ҳа, куёви қамоқда, Мирдада ака бўлса „Майли, куёвимга да'во қилмайман. Худодан кўрдим“ депти-я, ноинсоф. Хайр, мен қайтиб келарман. (*Кетади.*)

Иброҳим (*ўйга чўмиб*). „Худодан кўрдим...“ (*Сесканиб.*) Кафан... Эй худо, ҳаркимнинг ниятини ўзига йулдош қил! (*Кўзига ёш олиб.*) Гулсара биттаю битта, кўзимнинг нури шу қизим. Уни ўз паноҳингда сақла!

Ойсара (*нон, косада шўрва келтириб*). Яна ишга ўтирдингизми? Нима, дун'ёга ўн марта келасизми?

Иброҳим. Иш блан юпанмасам бўлмай қолди, онаси... (*Шўрвадан ичиб.*) Эшитдингми? Мирдада аканинг қизини...

Ойсара. Ҳа, эшитдим. Ҳечкимнинг бошига тушмасин, отаси.

Иброҳим. Айтганинг келсин... Мен шу куёвинг Қодиржондан кўрқаман, Қодиржонлан.

Ойсара. Йўқ, э, отаси. Қодиржон анча ақллик, инсофлик йигит.

Иброҳим. Хе... Қизингни ўзи „очиладан“ десачи?

Ойсара. Йўқ, отаси, Гулсарахонни бошқа енгилтак қизларга ўхшатманг. Ахир, у ўз қизингиз-ку, у сизнинг юзингизни ерга қаратмас.

Эшик тақиллайди, „ойи“ деган товуш эшитилади.

Ҳа, ҳозир! (*Эшикни очиб.*) Вой, онанг жонингга қоқиндиқ бўлсин. Мана, отаси, Гулсарахон сизни кўргани келипти.

Гулсара (*болани Ойсарага бериб*). Салом, отажон. (*Қучиб ўпади.*) Қалай, яхшимисиз?

Иброҳим. Шукур!

Ойсара. Мен самовар қўйиб юборай. (*Ўйга кириб кетади.*)

Гулсара. Куёвингиз сўраб юбордилар. „Мана бу дорини бериб қўй, фурсатим бўлса, ўзим ҳам бораман“ делилар.

Иброҳим. Дори! Ҳеҳ... Қодиржон ҳали докторлик ҳам қилаяпти дегин, қизим.

Гулсара. Йўқ, бир доктор ўртоқлари бор. Жуда меҳрибон...

Иброҳим (*чуқур нафас олиб*). Унинг ўртоқлари кўп, аммо... қизим, менинг касалимга на эринг, на унинг ўртоқлари даво топаолади!..

Гулсара. Бу нима деганингиз, отажон? (*Иброҳимнинг бошини ушлаб*.) Иситмангиз борга ухшайди. Доридан ичасизми?

Иброҳим. Уни-муни қўй, ўзинг тинчмисан?

Гулсара. Шукур, тинчман.

Иброҳим (*қийналиб*). Йўқ... сени тинч қўйишмайди. (*Ич ичини еб*.) Қодиржон... У ҳам бошқа ёшлар сингари севгани блан қўлтиқлашиб сайри-боғ қилгуси, ўйнаб кулгуси келади. Қўрқаманки, ажралиб қолмасам деб...

Гулсара. Йўқ, куёвингиз сизнинг розилигингизни олмай туриб, бу хил ишларни қилмайди.

Иброҳим (*қизига тикилиб*). Розилик берсам...

Гулсара. Бордию, у мени кўча-кўйда қўлтиқлаб юриш ниятида очмоқчи бўлса, ўлсам ҳам кўнмайман.

Иброҳим. Нега, қизим?

Гулсара. Уяламан, ахир ор-номус деган гаплар бор, ота.

Иброҳим (*қучиб, пешонасидан ўлиб*). Ақлли қизим. Ўзимнинг қизим. Топиб гапирдинг. Қуённи қамчи ўлдиради, одамни ор-номус! Номохрамга кўринишдан зўр гуноҳ йўқ. (*Кўзига ёш олиб*.) Мен... мана шу гуноҳларни, дўзах азобларини ўйлайвериб...

Гулсара. Отажон, ўргулай сиздан, кўп ўйлайверманг.

Иброҳим (*кўз ёшини артиб*). Уф... Қизим, бу кекса жонимнинг қандай оғир азоб, ваҳималар ўтида ёнаётганини билсанг эди...

Гулсара. Қўйинг, сиқилманг, Қодиржон акам ахир...

Иброҳим. Қизим, мен куёвингни ўғлим деганман, уни ўз ўғлимдан ҳам азиз кўраман. Жон қизим, ота рози худо рози. Беш кунлигим борми, ўнқунлигим... Иш қилиб мени шарманда қилмасанг бўлгани!..

Гулсара. Хотиржам бўлинг, отажон.

Иброҳим. Хайр... Қўшилганинг блан қўша қари, болам. Ҳаммангизга ҳам инсоф-тавфиқ ато қилсин. (*Фотиҳа ўқиб*.) Энди онангни ёнига кир, қизим!

Гулсара. Ўзингиз ҳам юринг.

Иброҳим. Киравер қизим. Мана шу қўлимдаги
ямоқни битказиб кирарман.

Гулсара кетади.

Уф... (Ямоқни тикабошлайди, эшик тақиллайди.)
Лаббай! (Бориб очади.)

Иброҳим. Эй домла, қани-қани, марҳамат, ўтирсинлар.

Домла. Бисмилло... (Ўтириб, фотиҳа ўқийди.)
Нима бўлди, бугун тарки бомдод қилдилар, балки бирон хасталик рўй бердимикин деб аҳвол сўргали келдим.

Иброҳим. Раҳмат. Саломат бўлинг, тақсир. Шу, безгак деган дард ёмон экан, бироз дори ичиб эдим, сал дурустман.

Домла. Худойи таборақ, ба'зи гуноҳларнинг кафорати учун бандасига дард беради. Бинобарин, бугун номози хуфтонга чиқсинлар, ўзим дуо ўқиб, безгагингизни боғлаб қўяман. Худо хоҳласа кўрмагандек бўлиб кетасиз.

Иброҳим. Хўб, тақсир.

Домла. Мана шу маҳсим таҳорат турмайдиган бўлиб қолипти. Тўртта сўзона уриб берадиларми? Кал Ражабникида ма'рака бор экан, тезроқ бормасам бўлмайди.

Иброҳим. Хўб-хўб, тақсир. (Қўлидаги ишни қўйиб унинг маҳсисини тикабошлайди.)

Бадалмат (эшикни тақиллатиб). Иброҳимжон!

Иброҳим. Ҳозир! (Эшикни очиб.) Эй... Салом. Қани, марҳамат, марҳамат.

Бадалмат (ўтириб). Омин, шифо ато қилсин! (Фотиҳа ўқийди.)

Иброҳим ўрнидан туради.

Эй, овора бўлманг, хасталигингизни эшитиб, бир кўриб ўтай дедим.

Иброҳим. Эй, оворагарчилиги борми? (Уйга киради.)

Бадалмат. Безгакми?

Домла. Ҳа, қора безгак. (Кўз қисиб.) Ўзим боғлайдиган бўлдим.

Бадалмат. Сиз қора безгакни боғлашга устаси фарангсизку... аммо.. Анави Рузвон, Қодир сингари безгакларни боғлашга ожизлик қиляапсиз.

Домла. Ҳа... хотиржам бўлинг. Уни ҳам боғлаб ташлаймиз.

Бадалмат (*хўрсиниб*). Боғлаб бўлмайдиганга ўхшаб қолди. Нега десангиз шунча қон тўкиш, ўлдиришларга қарамай паранжисизлар кундан-кунга кўпайиб кетаяпти. Яқин замонда сизнинг азайимхонлигингиз ҳам чиппакка чиқиб, нонсиз очингиздан ўлмасангиз деб қўрқаман, тақсир.

Домла. Қўйинг-э, тақсир. Энди бунинг тадбирини қандай қилсак бўлар экан-а?!

Бадалмат. Бунинг тадбири шуки, халқ ичида қарши ташвиқотни кучайтирасиз.

Домла. Эй во-ей... мен халқ ичида қандай ташвиқот қилаоламан, зероки, маҳалладаги менга иқтидо қиладиган қавмдан ниҳояти уч-тўрт кишигина қолди, холос.

Бадалмат. Яна эски гап. Минг хил баҳоналар блан, ҳаркимнинг уйига алоҳида-алоҳида бориб, масалан... хўш... диний йўллар блан...

Домла. Тушундим, Бадалмат, тушундим. Бу томондан отинбувингизни ҳам ишга соламан.

Бадалмат. Ҳа, балли! Ба'зи гушна-чапаниларнинг қўлларига пичоқ тутқизмоқ ҳам эсдан чиқмасин! Лекин отнинг бошини тортиброқ иш қилиш керак.

Иброҳим йўталиб, дастурхон кўтариб чиқади.

Ўғли йўқнинг ўрни йўқ, қизи йўқнинг дарди йўқ, деб шуни айтганлар-да.

Иброҳим. Хўш, Бадалмат, тағин нима бўлди? (*Ўртага хонтахтани қўйиб, дастурхон ёзади.*)

Домла. Эй, Иброҳимжон, сизнинг ҳолингизга раҳмимиз келиб ўтирибмиз-да. Ахир Қодиржон одамгарчиликни биладиган йигит бўлганда эди, шундай ҳасталик кунларингизда даст'ёрингиз бўлиб турмасмиди.

Бадалмат. Эй домла, ҳозирги ёшлар кишига фарзанд бўлар эканми? Минг машаққатлар блан қиз боқиб, катта қилиб, охирида бир нокасга икки қўллаб узатиб юборганинг алам қилади.

Домла. Ҳа, ҳеч бандасини бегонага сиғингудек қилмасин.

Иброҳим. Тўғри тақсир. (*Кулимсираб.*) Лекин ҳали унчалик кучдан қолгунимизча ҳам йўқ. (*Уйга кириб кетади.*)

Бадалмат. Тушундингизми? Қодир блан бунинг орасини бузиш анча мушкул гап.

Қодиржон (*эшикни тақиллатиб Рузвон блан бирга киради*). Салом. Эй домла, шу ердამисиз?

Рузвон. Ўҳҳў... жамоат жам'ку.

Домла (*ўнғайсизланиб*). Келсинлар, Иброҳимжон, ҳозиргина сизларни йўқлаб турган эди-я. Қани, ҳовлига марҳамат қилсинлар!..

Рузвон. Ҳа, ҳа, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб ўтирибман, денг!..

Домла. Ҳҳи... ямоқчилик ҳам жуда яхши касб экан-да, мана менинг маҳсим, қаранг, сарпойчан ўтирибман-а.

Қодиржон. Албатта, ямоқчилик азайимхонликдан юз марта яхши.

Рузвон. Домла, қўлингиздаги Навоийми?

Домла. Йўғе... Мана бу та'бирнома Муҳиддин араби, мана буниси Китоби қур'а.

Рузвон. Сизнинг бу китобингиз, авом халқнинг кўзини бўяш, миясини заҳарлаш, уларнинг бор-йўғини талаш учун бир қурол.

Домла. Наузамбилло... Хато қилдингиз... исте'фор келтиринг, исте'фор...

Қодиржон. Рузвон опа, қани уйга кирайлик. Бу блан мунозаранинг ҳожати йўқ!.. (*Ичкарига кириб кетадилар.*)

Домла. Ў... ла'натиларэй... анча нари-бери қилишди-я, таҳоратим ҳам синиб кетди.

Бадалмат. Ўзингиз ҳам ўлгудай чайналдингиз-да.

Эшик очилади. Иброҳим патнис кўтариб киради.

Домла (*чўчиб тушади*). Лаҳовла валоқувата... Иброҳим (*хайрон*). Ҳа, домла, сизга нима бўлди?

Бадалмат кулади.

Домла. Эй, кулманг э... жоним чиқиб кетай деди-я. Иброҳимжон, бу Рузвон очиқ нега келибдир?

Иброҳим. Ҳе... қизимизнинг келганини эшитиб, бир кўриб ўтай депти.

Домла. Эй, уни йўқотинг. Унинг қадами етган ер-ди бир фалокат ёки бир шўр иш рўй бермай ҳеч иложи йўқ.

Бадалмат. У, шу кунларда фабрикonga ишчи хотин-қизлар оламан деб ҳовлима-ҳовли изғиб юрипти.

Домла. Уни ичкарига йўлатиш мумкин эмас. Чунки заифларингизни йўлдан оздириб, паранжи ташлатиш мумкин. Ҳалиги Мирдада ака қизининг ўлимига шу боисдур.

Бадалмат. Домла, хабарингиз бўлди-ми? Бозор бошида ҳам шундай фожиа бўлипти-а?!

Домла. Ҳа, дарвоқи, у қизи қурмағур ҳам очиламан, фабрикага кираман, деган экан-да.

Бадалмат. Иброҳимжон, шу куёвингиз Қодиржонни яхшироқ тийиб қўймасангиз бўлмайди.

Домла. Ҳа, балли, унинг устози шу Рузвон бўладиган бўлса, оқибати нима бўлур эди...

Тошмат ота (*эшикни тақиллатиб*). Иброҳимжон!

Иброҳим. Марҳамат!

Тошмат ота. Ассалом!..

Домла. Эй келинг, келинг, Тошматвой, хизирмисиз дейман, ҳозир сизни йўқлаб туриб эдик-а.

Тошмат ота. Тайёр бўлди-ми?

Иброҳим. Ҳозир тайёр бўлади. (*Ямоқни қўлга олиб*.) Озгина ўтиратуринг.

Бадалмат. Ҳа, ўтиринг, фаол чол!

Тошмат ота (*заҳарханда блан*). Фаоллигимни юзимга солиб қолдингиз, Бадалмат?!

Домла. Зероинки, қарилингизга қарамай, ҳозирги замон ёшлари блан бир хилда қадам босганингиз учун айтадилар-да. Гарчи бу ишингиз шайтон фе'ли бўлса ҳам, ҳукумат ва халқ ишларига юзаки ва ёлғондан тарафдорлик қилсангиз, тангри таолонинг ўзи афу этиши мумкиндур.

Иброҳим. Домла, шариатда ёлғон сўзлаш мумкинми?

Домла. Ҳов, албатта. Заифларимизнинг эрлар қаторида тенг ҳуқуққа молик бўлмасликлари ва уларни паранжи ташлаб фабрикonga кириб ишламасликлари ҳақида ҳарқанча ёлғон гапириш жоиздир.

Бадалмат. Тошмат ота, у қўлингиздаги нима?

Тошмат ота. „Муштум“... (*Узатади*.) Бу мунофиқлик, тақсир!

Домла. Нааузамбилло, сиз омисиз!..

Бадалмат (*жиддий*). Қулоқ солинг! (*Ўқийди.*) „Итдан мурдор, тўнғиздан беор, маслаги — пул, мақсади — айши-ишрат, касби эшонлик, қилмиши дуохонлик, (*нафаси ичига тушиб*) номи номуборақлари

Домла „хўш-ҳа“ деб туради.

Мулла Мирас Самсоқ охун Кашмири.“

Домла (*титраб*). Бу нонкўрлик. Бу шаккоклик. Азиз арвоқларнинг ғазабидан кўрқмай, шундай забардаст эшон, алломайи замон ва машҳурий жаҳон ҳазратларини мазах қилиш, бу айти даҳрилиқдир. Бунга сабр ва тоқат қилмоқлик мумкин эмас!

Бадалмат. Сабр дейсиз-а! Эшонингизнинг обрўсини ҳимоя қилиш сизга фарз ҳам қарз. (*„Муштум“ни Тошмат отага узата туриб.*) Бу ҳаммаси Қодир блан Рузвонларнинг иши!

Домла. Давлат агар қўнса чибин бошига, семруғ келур кунда анинг қошига! Наузамбилло... замона охир бўлди. (*Қайнаб.*) Нега ер ўз қа'рига тортмасин, нега юлдузлар тутдек тўкилмасин, нега дун'ё ва Мофиҳо остин-устин бўлмасинки, хотин-қизларда тасаттурий аврат, ёшларда тоат-ибодат бўлмаса, субхонолло... замон бузилди. Қиёмат яқинлашди.

Тошмат ота. Йўқ, балки замон тузалди, ҳақиқат жойида қарор топди. Замон бузуқ эмас, тақсир. Ўзингиз бузуқсиз!

Домла. Э... Ўлгудай сассиқ гап бўлибсиз. Тошматвой. Ёмон тил шумлиги гоҳ жонга ургай, гоҳи жондин ўтиб имонга ургай...

Тошмат ота. Эй, амали йўқ сўфидан, тухуми йўқ товуқ яхши!

Домла. Модомики, сизнинг э'тиқодингиз шунчалар айниб, миянгизга шайтон уя солибдурмики, ўлганингизда тўнғуз қовмида кетасиз. Жанозангизни ўқимаймиз!

Тошмат ота. Ўлсам, жанозам кўчада қолмас! (*Маҳсини олиб, пул беради.*) Раҳмат. Ортиқча гапнинг ҳожати йўқ. „Букурни гўр тузатади“ деганлар! Хайр! (*Кетади.*)

Домла (*ғазабланиб маҳсини киябошлайди*). Бу чол ҳам гўрида тикка турғусидур, наузамбиллоҳи миназзолимин.

Иброҳим даҳшат ичида, уларнинг чиқиб кетганини ҳам сезмай қолади. Музыка унинг ички кечирмаларини ифодалайди.

Ойсара (*чиқиб*). Ҳа, отаси, уйга киринг, меҳмонлар кутишиб қолди. Буларни ўзим йиғиштириб оларман. Вой ўлмасам, сизга нима бўлди? Кўзларингизда ёш..

Иброҳим (*бир нуқтага тикилганча салмоқли гапирди*). Ҳамаёқ қиш ҳавосидек қовоғини солиб қолди. Ўўёқчининг нили бузилдими дейман, ҳархил ташлар авж олиб кетди...

Ойсара. На қилайлик отаси, бу ишларнинг ҳаммаси худонинг хоҳишида.

Иброҳим (*очилиб*). Худонинг хоҳиши?.. Йўқ, бу ерда бошқа бир сир бор... Мен дун'ёга келиб... ўз қизим, ўз хотиним паранжисиз бўлиб кетаверса-ю, мен уларни қайтаролмасам, дун'ёда мендан зўр гуноҳкор одам борми? Айт, борми?

Гулсара (*қўлида боласи*). Ота, отажон!.. Она, меҳмонларингиз кетамиз дейишаяпти.

Иброҳим. Кетса, кетаверсин, эринг ҳам йўқолсин!

Гулсара. Сизга нима бўлди? Ахир куёвингизни жонингиздай кўрар эдингиз-ку?..

Иброҳим. Ҳа, кишининг жони ўзига душман деб шуни айтар эканлар. (*Ўпкаси тўлиб.*) Мен ахир уни қандай севар эдим, қандай ҳурмат қилар эдим?!

Қодиржон. Гулсарахон! (*Чиқиб ҳайрон қолади.*) Ота, Рузвонхола сизни кутиб турипти.

Иброҳим (*дағал*). Бундан сўнг ота деманг!

Қодиржон. Тавба... Нима бўлди сизга?

Иброҳим. Гапнинг қисқаси, менинг юз хотиримни қилар экансиз, мана уй, мана жой, мана қизим! Йўқ, шу Рузвоннинг йўлидан юраман десангиз... ўзингиз биласиз... (*Кетмоқчи бўлади.*)

Қодиржон. Шешманг.

Иброҳим тарақлатиб эшикни ёпади. Қодиржон жуда ҳам ноқулай вазиятда қолади.

Ма'лум бўлдики, ҳалиги муттаҳамлар анча иғво қилишган. Хайр, майли, ҳақиқатга бугун бўлмаса, эртага тушунарсиз, лекин сиз тонсангиз ҳам мен тонмайман. Мен шу хонадонни севаман, шу меҳрибон онани бошимга кўтараман... Ҳа, хайр онажон!

Ой сара. Ҳой Қодиржон, ёш болага раҳм қилинг, аччиғингиздан тушинг. Тирик етим қилманг ўғлингизни!

Қодиржон. Гулсарахон, сизни уйда кутаман. Тез боринг! (*Кетади.*)

Ой сара. Гулсарахон, юр, паранжингни ол, тезроқ уйингга бор!..

У Ч И Н Ч И К Ў Р И Н И Ш

Қодиржоннинг ҳовлиси. Саҳнада Қодиржон блан Гулсара.

Қодиржон.

Келди бахт, келди баҳор, боқ келди ҳур, озод замон, Наш'ага, нурларга тўлган, яшнаган, кулган жаҳон... Сен нечун уй ичра банд — тутқун, ғарибдирсан ҳамон? Кел очил, бу кар деворлар қўйнида куйдирма жон! Бу улуг замон сўзи: „Очсин юзин Гулсаралар“ Тўрт девор, шум тор қафасда бағри қон афтодалар, Очилиб ишлаб ўқисин, кўкси ғамла ёралар, Офтобдан дармон олсин ҳастаҳол бечоралар...

Гулсара. Очиласан демоқчимисиз?

Қодиржон. Ҳа, очиласиз, фабрикага кирасиз. Мен блан бирга ишлайсиз, ўқийсиз!

Гулсара (*кўрқиб*). Ахир мен отамга қанча ва'далар бериб қўйганман! У мени худди оқ қилиб юборади-я.

Қодиржон. У оқ қилса, мен яна қора қилиб оламан.

Гулсара. Ҳазилга оласиз-а, кишига осон тутманг.

Қодиржон. Ахир менинг ҳам юзимни ёруғ қил. Сўзимни қайтарма!

Гулсара (*бўшашиб, кулимсираб*). Отамга нима дейман? Хўп, отам олдида ўзингиз жавоб берасиз...

Қодиржон. Ўзим жавоб бераман! Кўндингми?

Гулсара. Нима ҳам дер эдим, қистаб турганингиздан кейин.

Қодиржон. Гулсарам, очиласанми?

Гулсара. Яна сўрайдилар-а.

Қодиржон. Аниқ айтгин.

Гулсара. Бирор марта алдовдимми? Очиламан.

Қодиржон. Гулсарам, Гулсарам! (*Бағрига босади.*)

Гулсара. Шошмангчи, мен-ку очиладиган бўлдим-а, менга ҳам фасон кийимлар олиб берасизми?

Қодиржон (*кулиб*). Хў-хў, кийимларингга нима бўити? Ҳаммаси шойи, атлас-ку...

Гулсара. Ҳа ёқадими? Мен бунақангги кийимлар билан кўчага чиқармидим?

Қодиржон. Хўп бўлмаса жоним, янгича кийим-бош оламиз, ботинка бўлса бор.

Гулсара. Вой, рўмол-чи?

Қодиржон. Хўп, хўп. Сиздан рўмол айлансин.

Гулсара. Лекин шунини айтиб қўяйки, отамларнингга борганимизда, албатта, паранжи ёпиниб бораман-а, хўпми?

Қодиржон. Аввал сен паранжини ташлачи, кейин бир гап бўлар. Хайр, мен кетдим.

Гулсара. Тезроқ қайтинг.

Қодиржон чиқади, Гулсара хурсанд, севинчига сиғмайди, куйлайди.

Гулсара.

Ақлу ҳушимни олиб қўйган ўшал сўз, ростмикин? Оҳ қизил гулдай кулур бу зафарон юз, ростмикин? Жон кирар бу нотафон, сўлгин тану жисмим аро Парпираб ёнган ёруғ юлдуз каби кўз, ростмикин? Қора булутдан қутулган оппоқ ойдай очилай Ёш бошимдан кетди зулмат, келди кундуз, ростмикин?

Вой, очилмай ҳали ўлай. Очилсам... Вой, мунча маззалик бу сўз? Мен ҳам Файзихон ўртоғимдай ишласам, ўқисам, Қодиржон акам билан подручка қилиб театр, тамошаларга борсам. (*Ўйланиб.*) Шошма, баланд пошналик ботинкани ҳам кийиб ўрганишим керак... (*Ўровдаги ботинкани очиб кияди, юролмай йиқилади.*) Вой ўлмасам, ҳалитдан оёқларим чалакам-чатти, иланг-пиланг бўлиб кетаяпти-ку. Кўчада қандай қиламан? Йўқ-йўқ, уяламан. Йўқ-йўқ, уяламан, уяламан.

Асалхон (*томдан туриб, сақични қарсиллатиб чайнайди, қаҳ-қаҳ уриб кулади*). Вой, кимдан уяласиз, Гулсарахон?

Гулсара (*чўчиб, кўксига туффуриб*). Вой, ким? Ҳа, сизмидингиз, Асалхон? Нақ ўтакамни ёрдингиз-а!

Буёққа тушинг, ўргилсин жон, гаплашамиз, гап кўн

Асалхон. Кўмир оз денг? Вой, қанақа қилиб тушаман, бу деворингиз бир баландки...

Гулсара. Ўзингизни дадил ташланг, мен дастрос кучоқлаб оламан.

Асалхон. Ҳо, кучоқлайсиз-а? Қитиғим келади. (Кулишади.)

Қизлар кулгиси эшитилади.

Гулсара. Кулаётганлар ким?

Асалхон. Ўртоқларим, бизникига Файзихон очик келган. Мен сизни айтгани чиққан эдим.

Гулсара. Асалхон, жоним ўргулсин, Файзихон блан ҳамма ўртоқларингизни олиб ўзингиз бизникига чиқинг. Жон ўртоқ, жуда зерикдим. Бир ҳасратлашайлик.

Асалхон. Хо, ҳасрат ўлсин, ўйнаймиз, куламмиз, кўнгилдаги ғаму кудуратларни ёзамиз. Ҳозир олиб чиқаман, ҳозир ўртоқжон!

Гулсара (шошиб-пишиб кўрпачаларни тўғрилайди). Чала-чулпа бўлса ҳам чалиб юборай. (Супуради.)

Қизлар. Ўртоғим, ўртоғим,
 Боғдаман, ўртоғим.
 Сизни кўролмай,
 Доғдаман ўртоғим.

Гулсара. Ҳар ён очилсин
 Лолалар, ўртоғим.
 Ерга кўмилсин,
 Нолалар, ўртоғим.
 Кенг йўл очилсин,
 Қизлара ўртоғим.
 Нурлар сочилсин,
 Бизлара ўртоғим.

Қизлар кирадилар.

Қизлар. Ўртоғим, ўртоғим,
 Боғдаман, ўртоғим!
 Сизни кўролмай
 Доғдаман, ўртоғим!

Салом, салом сизга, Гулсарахон биздан,
Чамандаги қувноқ, келину қизлардан.

Гулсара.

Салом берай сизга, севикли ўртоқлар,
Ажаб безанмиш долалар блан боғлар.
Қаранг қуёш янглиғ кулар бутун ёқлар,
Кўнгилда, боқсанг қолмагай сра доғлар.

Қизлар.

Салом, салом сизга, Гулсарахон биздан,
Шу боғдаги озод келину қизлардан.

Асалхон (ўйнаб).

Най чалай, танбур чалай
Яйрайди кўнглим ёшгина.
Не жафолар кўрмадим,
Ёшгина бошим тошгина.

Қизлар.

Гул ҳаёт, нурли ҳаёт
Қўйнига кирди бошгина.

Асалхон.

Ишқини жон пардасида
Асрайин йўлдошгина.

Қизлар.

Ҳой омон-омон, бизларга омон,
Қуёшли замон, гул боғли замон,
Гул терай десанг, нур эмай десанг,
Ётма қафасда, чиқ қуёш томон.

Ашула, ўйин тугаши бланоқ Гулсара қулочини ёзиб,
Файзихон блан кўришади.

Гулсара. Вой айланиб кетай, қоқиниб кетай. (Яна
қучиб ўнади.) Ўтиринглар, қани, ўтиринглар!

Вой бахтимдан ўргилай! Онажоним ҳам келиб қолдилар. (*Ўучиб ўпади.*)

Асалхон (*шўх*). Вой, хола-хола, холажон. (*Қаттиқ қучади.*)

Ой с а р а. Вой-вой, қизи тушмагур, қовурғамни синдирдинг.

Кулги.

Асалхон. Хола, сиз ҳам келар экансиз-а?

Ой с а р а. Ҳа, Гулсарахоннинг кир-чирларини ювиб берай деб келувдим, қизим (*Файзига қараб.*) Вой, манави ҳалиги, ўзимнинг қоқвош Файзихоним-ку, холанг қоқиндиқ. Мунча ҳам очилиб, барно бўлиб кетмасанг. Қани, ўтиринглар қизларим, ўтиринглар. Хуш келибсизлар. Ошларингга пашша бўлмай, неварамнинг олдига кирай. Соғиндим. (*Ичкарига кираркан.*)

Қизгинамнинг боласи,
Қандак ўрикнинг донаси.
Ўғилгинамнинг боласи,
Ҳай-ҳай унинг онаси.

Қизлар кулишади. Ой с а р а кириб кетади.

Асалхон. Файзихон, сиздан бир нарса сўрасам майлими?

Файзихон. Майли, сўранг.

Асалхон. Ҳалиги сиз гаплашиб турган йигит ким эди?

Файзихон. Қайси?

Асалхон. Бошида шапкаси борчи?

Файзихон. Уми? (*Кулади.*)

Каромат. Бўладиган ўртоқлари. Уялмай айтақолинг.

Асалхон. Вой, бир яхши йигит эканки. Бахтингиз бор экан, ўртоқжон. Парингизни топибсиз.

Файзихон. Очилсангиз, сиз ҳам ўз парингизни топаоласиз.

Асалхон. Парим топилмаса ҳам майли. Мен ҳам сизга ўхшаб очиладиган бўлдим.

Гулсара (*онасидан яшириброқ*). Мен ҳам очилмоқчиман.

Бир неча қизлар. Биз ҳам.

Матлуба. Асалхон, акангиз кўнармикин? Ахир у гирт чапани-ку!

Асалхон. Кўнса кўнар, кўнмаса йўқ.

Матлуба. Уф... қийин-қийин, бизга қийин. Мен эримга шунча ялинсам ҳам, „Очилганингни кўраман“ дейди.

Файзихон (*тумтайиб ўтирган Кароматга*). Сизчи, Кароматхон?

Каромат. Мен очилмоқчи эмасман, негаки, очилганлар...

Асалхон. Сен ҳам биз қатори очилавер, Каромат пучуқ.

Қизлар. Ҳа, очилаверинг!

Каромат. Йўқ-йўқ, қўрқаман...

Файзихон. Сиз паранжи балосидан — тор қафасдан қутулишни истар экансиз, ҳечкимдан, ҳеч нарсадан қўрқманг, дадил бўлинг!

Асалхон. Қўрқоқ, мана кўрасан, дастлаб паранжини ўзим ташлайман! (*Муқом қилади*.)

Гулсара. Асалхон, жоним ўргилсин, бир ўйнасангизчи!

Файзихон. Ҳа, битта ўйнанг, жуда сизни мақташади.

Асалхон. Оббо, кесатманг, Файзихон опа, уялман.

Ойсара (*жириб*). Уялмай қолинг, қоқожон.

Қизлар. Туринг энди!

Асалхон. Чалинглар, бўлмаса!

Бир қиз дутор, яна бири чирманда чалади. Асал ўйнайди,
ўйин тугайди.

Уҳ... чарчаб кетдим. (*Ўтиради*.)

Йўлакда Қодиржон кўринади. Унинг қўлида қоғозга ўралган кийим-бошлар бор.

Қодиржон.

Озодлик гулин ҳай-ҳай, жононим ўзи тоқди,

Гулсарам қўзим, жоним, ой каби кулиб боқди.

Гулсара. Қодир акам!.. (*Қаршилашга боради.*)

Қодиржон.

Юзига тўсиб парда, этмайди дилин вайрон,
Яйрар, кенг чаманларда, эркин, бахтиёр, шодон.

Қодиржон Гулсарага янги кийим-бошларни кўрсатади.

Асалхон. Вой Гулсара блан Қодир акам!..

Қизлар. Қани!

Асалхон. Ана!

Қизлар. Қани-қани?

Асалхон. Ана-ана!

Қизлар. Вой қани?

Асалхон. Вой ана!

Қизлар.

Яйраб кулади Гулсара, ўйнаб туради Гулсара,
Пардалик юзини, пардалик юзини.

Нурга буради Гулсара,

Нурга буради Гулсара.

Қизлар. Қани-қани?

Асалхон. Ана-ана.

Қизлар. Вой қани?

Асалхон. Вой ана!

Гулсара.

Вой, азиз дўстларим, вой шўрим, вой ўлай,
Поччангиз очармиш, ўргулай.

Қизлар. Поччамиз очармиш, ўргулай...

Ойсара (*Қодиржон блан кўришади. Қодиржон кетмоқчи бўлади*). Ҳа, ўғлим Қодиржон, дарров қарга?

Қодиржон. Меҳмонлар бор экан, гузарга чиқай.

Ойсара. Ўргулай, Қодиржон, мана шу ишларни, ўйлашиб, келишиб қилсак бўларди.

Қодиржон. Гулсарахон очилмаса бўлмайди.

Ойсара. Бу ишга отаси ҳеч йўл қўймайди, болам.

Гулсара. Ойи, ахир токай чиммат тутамиз. Токай паранжида ғусса ютамиз!

Қодиржон. Балли, Гулсарахон!

Ойсара. Ўзингиз жон-жон деб турган экансиз, ўлманг, қоқожон.

Қодиржон кулиб чиқади.

Гулсара (*қўшиқ айтади*).

Гул узай ўймоқ-ўймоқ
Ёшлик давримиз — қаймоқ,
Қандай ширин шодлик бу.

Файзихон блан Гулсара... Шодлик бу, мумкин эмасдир тўймоқ.

Қизлар. Ҳа-ҳа-ҳа, яйраб куламиз.
Сўлгин юзимизни нурга бурамиз.

Файзихон. Олтиндир бизнинг чоғлар,
Яшнар чаман-гулбоғлар.

Файзихон блан Гулсара.

Баҳоримиз чиройлик, чиройлик,
... очилайлик ўртоқлар.

Қизлар. Озод ўқиб ишлаймиз, яйраб куламиз...
Сўлгин юзимизни нурга бурамиз...

Файзихон блан Гулсара.
Ҳаёт шам'и порлайди,
Кўнгиллар ярқирайди,
Мардона овоз блан.

Ҳамма.

Олтин замона,
Ўз қўйнига чорлайди,
Озод ўқиб ишлаймиз, яйраб куламиз,
Сўлгин юзимизни нурга бурамиз.

Қўлида китоб, ҳасса, бошида паранжи О т и н б у в и киради.

О т и н б у в и. Вой... Жувон ўлгурлар, нега ер ёрилмайдию, буларни ўз қа'рига тортмайди. „Биродарлар, юринглар роҳи ҳаққа, қулоқ солманг бун айтганлари-

га. Бунинг айтганларини кимки қилди, бўлиб кофир жаҳаннамга йиқилди“.

Асалхон. Боринг-е, насиҳатингизни домлапochчам-га қилинг, биз очиламиз!

Отинбуви. Ҳа, яшамагур шайтон!

Файзихон. Отинбуви, нима қиласиз бунақа уйма-уй юриб?

Асалхон. Ҳа, домла буюргандир-да. (*Кулишади.*)

Отинбуви. Ҳа, тилгинанг аждаҳоларга ем бўлгур!..

Файзихон. Қўйинг энди, Отинбуви.

Каромат. Ҳай, қизлар! Ахир бу Отинбуви-я, қар-ғаса ёмон бўлади.

Отинбуви (*Ойсара блан кўришиб*). Ойсарахон, қизинг ҳам шуларга қўшилиб, бетини очиб, паранжисини ташлайдиган бўлиб қолдими?

Ойсара. Энди Отинбуви, эри ҳам тез очаман деб турса, қандай қилади...

Отинбуви. Тур-тур эй, дийдоринг қурсин, сен ҳам имонингдан ажрабсан. (*Китоб кўриб.*) „Жаннат дўзох талошур, талашмоқда баён бор“. (*Қизлар бепарво*). „Дўзах айтур ман ортиқ...“

Файзихон. Отинбуви, шу обрў блан кетақолсангизчи энди.

Отинбуви. Ҳув, кўзгинанг тешилиб оққур. (*Ҳасса блан урмоқчи бўлади.*)

Гулсара. Вой, нега урасиз, Отинбуви? (*Ўртага тушади. Ҳасса Гулсаранинг бошига тегади.*) Вой, вой, онажон!..

Отинбуви. Худоё ҳаммангни ер ютсин, жувон-марглар!

Асалхон. Йўқол, йўқол, китобинг блан қўшмозор бўгур.

Отинбуви йўлакка чиқади.

Каромат. Унақа деманг! Одам гуноҳкор бўлади.

Ойсара. Отин бўлмай ер ютсин!

Отинбуви (*қайтиб*). Мен сенларни оталарингга айтиб, бошларингда бир данак чақтирмасамми? Қараб тур ҳамманг? (*Кетади.*)

Матлуба. Гулсара опа, ўргулай.

Асалхон. Қўйинг, Гулсарахон.

Файзихон. Қўйинг, жонгинам.

Отинбуви (*йўлакда Иброҳимга йўлиқади*). Ана,

уз кўзинг блан кўр, болам. Мен шариат-тариқатдан на-
сиҳат қилай деб кирган эдим...

Ойсара (*Гулсарага*). Вой ўлмасам, отанг келди.
Йўқот анавларингни.

Дутор, чилдирмаларни яширадилар, бирнеча қизлар дарров паран-
жига киришиб, хайрлашиб чиқадилад.

Яхши боринглар!.. Яхши боринглар!

Отинбуви. Паранжини ташлайман, комсомолка
бўлиб, эрим блан қўлтиқлашиб юраман, деди...

Гулсара салом бериб, отаси блан кўришгали келади.

Иброҳим кўришмайди. Отинбуви кетади.

Иброҳим. Ҳа... ҳа... ҳали сен шундай дедингми?..

Ойсара. Жон отаси, Гулсарахон у гапларни айт-
гани йўқ.

Иброҳим. Аста'фурулло... (*Бир чеккага бориб
ўтиради.*)

Гулсара онасининг ишораси блан жой ҳозирлайди,
Иброҳим бошларини ишқаб.

Тавба...

Гулсара. Отажон, айвонга... юқорига чиқинг!..

Иброҳим. Нега очиқларни уйингга қўйдинг?

Ойсара. Улар қўшни қизлар эди, отаси.

Иброҳим. Аралашма! Гулсара, паранжингни таш-
лайсанми?

Гулсара жим.

Очиласанми, кўр бўгур?!

Ойсара. Вой, нега қарғайсиз қизимни? Сиз қанақа
одамсиз? Ахир уни бошида тергайдиган эри бор-а!

Иброҳим. Гапирма! У эрда диёнат бўлса тергай-
ди-да. Айт дейман, жувонмарг!

Ойсара. Ҳой, дўқингиз кимга? Ахир уни эри оч-
моқчи.

Иброҳим. А, эри? Айт, эринг йўлидан юрасан-
ми?

Гулсара. Ахир куёвингиз...

Иброҳим (*ерга бўйра ташлаб тиз чўкиб, тес-
кари фотиҳа қилади*). Ҳа-ҳа... омин!

Гулсара. Ойижон!..

Ойсара. Ҳай отаси, вой ўлай!

Иброҳим. Худоё-худовандо, поко-парвардигоро!..

Ойсара. Вой ўлай! Очилмайман-де, қизим, очилмайман-де!

Иброҳим. Мен мундай шармандаю шармисор қизни!..

Гулсара (*изтироб ва даҳшат ичиди*). Очилмайман, отажон, очилмайман...

Иброҳим. Ота сўзидан чиқасанми?

Гулсара. Йўқ. Сра!

Иброҳим. Тур!.. Уй-рўзғорингни йиғиштир!

Ойсара блан Гулсара. Вой нега?

Иброҳим. Эрингдан ажраласан!

Гулсара (*йиғлаб*). Ота, у менга ёмонлик қилмади. Мен ундан кечолмайман.

Иброҳим. Ажраласан! Бўлак гап йўқ!

Гулсара. Ойижон! (*Ойсаранинг бағрига отилиб йиғлайди.*)

Қодиржон киради. Жимлик.

Қодиржон (*ҳайрон*). Хўш?.. Нима гап? (*Иброҳим блан кўришмоқчи бўлади.*) Салом!..

Иброҳим (*юз буриб*). Қизимизни очармишсиз деб эшитдим?!

Қодиржон. Ҳа, шундай, очилмаса бўлмайди.

Иброҳим. Мен қиз ўстириб, уни қўлтиқлатиб бозорга солиш учун берганим йўқ сизга. Менда (*кўксига уриб*) диёнат, ор-номус бор!..

Қодиржон. Хўш, менда ор-номус йўқми?

Иброҳим. Йўқ!

Қодиржон. Ота, жаҳолатга борманг. Андиша қилинг. Гулсаранинг йўлига ғов бўлманг, рози бўлинг. Гулсара очилсин, ўз ҳаққи-ҳуқуқини танисин!..

Иброҳим (*тутоқиб*). Ма'рифатинг керак эмас унга!

Қодиржон. Ота! Мен Гулсарани тор қафасда, тўрт девор орасида сақлаб, унга ёруғ дун'ёни кўрсатмай, уни ҳазон қилсам, менинг бу ярамас ишимдан замондошларим кулмайдими! Йўқ! Мен Гулсарани очаман!

Иброҳим. Очолмайсан, Гулсара сендан ажралади!

Қодиржон. Ажралади?!

Иброҳим. Ҳа, ажралади! Гулсара сенга лойиқ эмас, сен ўзингга ўхшаганни топ! *(Гулсарага.)* Йиғиштир парсаларингни, қизим!

Қодиржон. Ота, ҳаддингиздан ошманг! Гулсара мендан ажралмайди, Гулсара паранжисини ташлайди, унинг ўзи, шуни хоҳлайди...

Иброҳим. Хоҳлайди?.. А?.. *(Гулсарага қарайди. Гулсара „ҳа“ дегандай қилади.)* Ҳали гап шундайми?.. Хўб бўлмаса. *(Ойсарага.)* Қани сан? Берикел! *(Гулсарага.)* Бизни десанг, ажраласан эрингдан, бўлмаса бизнинг сендай қизимиз йўқ! *(Йиғлайди.)* Топилмагай сенга сра изимиз! Сенга ё эр, ё отаю волида! Ол, танла!..

Қодиржон. Гулсара!..

Гулсара *(зўрға)*. Қодиржон ака! *(Иккиланиб.)* Йўқ, нима қилдим?.. Отажон... Жоним, онажон! *(Хўнграб ўзини онасининг бағрига ташлайди.)*

Иброҳим. Балли қизим, балли! Қани, ёпин паранжингни. Олдимга туш. Тез қочайлик бу шайтоннинг ёнидан.

Қодиржон. Йўқ, мен бунга йўл қўймайман. Гулсара, ахир боламиз бор. Гулсара!

Музыка квартет.

Ҳой Гулсара, кетма жоним, бузма уйни, қол!
(Йўлини тўсади.)

Иброҳим. Қоч, ёндашма!

Қодиржон. Йўқ, йўқ! Гулсара, кетма!

Гулсара. Оҳ, нетай?.

Иброҳим. Нарӣ бор!..

Қодиржон. Кетма, жоним!

Ойсара. Оҳ...

Иброҳим. Кет!..

Қодиржон. Кетма, қол!

Солиб мени фироқингга гулим кетма,

Ҳам ўртаб иштиёқингга гулим кетма, гулим кетма!

Менинг ишқимни хор этма,
Юракни беқарор этма,
Йўлингга интизор этма,
Гулим кетма,
Гулим кетма!

Гулсара (отасига).

Айирманг жисми-жонимдан,
Азизим, меҳрибонимдан,
Баҳору бўстонимдан.

Қодиржон. Гулим кетма!
Гулим кетма.

Гулсарани олиб кетадилар.

УЧИНЧИ ПАРДА

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Иброҳим аканинг қафасга ўхшаган ҳовлиси, гир айланаси баланд девор. Ўнг ёки чап томонда пухта ёғочдан ишланган дарвоза ёнига катта қулф осилиб, иккита йўғон тамба тираб қўйилган. Гулсара айвонда тўшакда касал бўлиб ётипти. Унинг илгаригидек ясан-тусани йўқ. Чехраси сўлгин, руҳи синиқ, хаёли паришон, қарашлари дардли, аламли. Бешикни кучоқлаб ўтиради.

Гулсара (*алла айтади*).

Алла айтай, жоним болам
Қулоқ солгин, алла,
Ширин аллам тинглаб аста
Ухлаб қолгин, алла.
Юзларингга томган сувга
Ҳайрон бўлма, алла.
Бахтимга сен катта бўлу
Хазон бўлма, алла.
Севганимдан ёдгорсан,
Олтин қўзим, алла,
Мен шўрликдай тўкилмагин,
Кўрар кўзим, алла
Алла, алла...
Ойижон.

Ойсара. Айланай, қизим.

Гулсара. Ойна.

Ойсара. Ойнага қарама.

Гулсара. Келтиринг, ўзимни кўрай.

Ойсара ноилож ойнани келтириб беради, ўзи бешик кўтариб уйга киради.

Гулсара (*ойнага қараб рангги-рўйини кўриб, фарёд кўтаради*).

Оҳ менга на бўлди?.. Қани чиройим?
Умрим адо бўпти, кимга дей додим?
Юзимда чаман йўқ, сўлибдир гулим,
Кўзимга кирибдур қўрқинчли ўлим.
Дардимга қўшилиб йиғла ойна.
Нотавон ғарибман, гуноҳим нима?

(Мунгли куйлайди.)

Қонли юзим нола блан за'фарон бўлди, нетай?
Оҳ, умидим гуллари очилмайин сўлди, нетай?
Ёш юрагим қонлара, зардоблара тўлди, нетай?
Қайғу ҳасрат, ғам, аламлар менга ёр бўлди, нетай?

Ой сара чиқади, қизига ачиниб, кўз ёшини артади.

Толиим кўкида ёнган юлдузим сўнди, нетай?

Ой сара.

Йиғлама, оппоқ қизим, жонингдан айлансин онанг,
Сен менинг икки кўзим, сочингдан айлансин онанг.

Гул сара.

Оҳ она, жоним она, бу дардга дармон бормикин?
Бошқалар ҳам биз каби озод бўлишга зормикин?..

Ой сара. Қўнғироқдек товушларингдан онанг ўргилсин, бунча менинг юрак-бағримни эзмасанг.

Гул сара. Ойижон, ойижон, тоқайгача таптортамиз отамдан?

Ой сара. Уҳ... Адо бўлдим мен ундан. Куйиб кул бўлдим мен ундан. *(Эшик тақиллайди.)* Ҳозир. *(Усти-бошини тузатиб, эшикка боради, йўталиб.)* Ким?

Файзихон. Очинг холажон.

Ой сара *(эшикни очиб)*. Вой айланай, Файзихон! *(Бағрига босиб.)* Кел, омонмисан, эсонмисан? Эсон-омон юрибсанми, қизим?

Файзихон. Шукур, холажон, қалай ўзингиз, соғомон юрибсизми?

Ой сара. Буёққа кир, қизим. *(Югуриб бориб айвонга кўрпача солади.)*

Файзихон *(Гулсарани қучиб)*. Гулсарахон, ўртоқжон.

Ой сара. Ҳеч келмайсан-а, қизим?

Файзихон. Холажон, узр, пайт тополмадим. Айб менда.

Ойсара (*дастурхон ҳозирлаш учун куйманиб*). Ҳаялламай, дапқир-дапқир келиб тур, қизим. (*Кўзига жиқ ёш олиб*.) Қизим эридан ажралгандан бери... Ғариб-бенаво бўлиб қолди, бечора.

Гулсара. Файзихон (*„Яқинроқ ўтиринг“ деган ишорани қилиб*.) Ҳеч кўрасизми уни...

Файзихон. Кўриб тураман.

Гулсара. Нима қилиб юрипти? Сизга бирон гап айтмадими?

Файзихон. Менга ҳечнарсa демади-ку, аммо унинг ҳам дарди ичида. Рангги-рўйи олинган. Шундай дилгир кўринадики, ҳозир ҳечқаерга сиғмай қолган.

Гулсара. Бўлмаса нега ҳеч хабар олмайди, ёки мендан юз ўгирдими? Ахир менинг ҳолим ёмон-ку, бир томондан касалим... (*Йиғлаб ўзини Файзихоннинг қўлига ташлайди*.)

Ария

Мен найлайин, ҳолим сўраб қошимга ёрим келмаса,
Тинглаб менинг гоҳи ёниқ фар'ёд зорим, келмаса.
Жабру зулм, оҳу фиғон этди бу ёш умрим хазон,
Оҳ қийналур бечора жон, жонга мадорим келмаса.
Бошимда ўйнар қамчилар, қон кўзларимдан

томчилар.

Бир бенаво гул янчилар, озодкорим келмаса,
Бу тўрт девор зиндон аро, мен нотавон бахтим қаро
Ҳасрат блан бўлдим адо, боғу баҳорим келмаса.

Файзихон (*юпатиб*). Қўйинг, хафа бўлманг, Гулсарахон, ахир ўзингиз нега бўшашасиз, сиз дадил турсангиз, эримни дейман десангиз, ҳеч гап йўқ.

Ойсара. Файзихон, бизга осон тутманг, отасининг фе'лини биласиз-ку, ундан қўрқулик.

Файзихон. Холажон, қўрқманг. Бошда менинг оталарим ҳам қарши бўлиб, роса қаҳри-ғазабга олган эдилар. Ҳозир ноппа-нозандек кўникишиб, жуда ҳам тинчиб қолишган.

Гулсара. Ана, онажон, эшитдингизми? Келинг, энди йўқ деманг.

Ойсара. Онанг ўргилсин, менга қолса йўқ дермидим, аммо...

Иброҳим (*кириб орқасига қайтади*). Гулсара!
Ойсара. Вой ўлмасам, отанг. (*Югуриб йўлакка келиб.*) Ҳа, ҳа, отаси, кираверинг, Файзихон, йўл-йўлаккай ўтатуриб, ўртоғи бечорани кўргани кирипти-да.
Иброҳим (*юз-пешоналарини сийпаб, тинчсизланади*). Ҳа, ҳа... Ишхонамнинг калитини олиб кел!

Ойсара кетади.

Химм... бу беҳаё, бекорга келган бўлмаса керак...
Ойсара (*калитни беради*). Меҳмонингиз борга ўхшайди, чой ҳозирлайми?
Иброҳим. Дарвозани маҳкамлаб ўлтирсанг ўлармидинг! Тезроқ жўнат. Биз ишхонада бўламиз. (*Чиқиб кетади.*)

Файзихон. Бугун фабрикамизнинг бир йиллик тўйи бўлади, бир илож қилиб шунга чиқасиз... (*Кўзини қисиб.*) Қолган гапларни ўша ерда гаплашамиз, хўпми? Хайр, мен кетай.

Ойсара. Вой ўлмасам, Файзихон, холаси ўргулсин, ўтиратуринг.

Файзихон (*қўл соатига қараб*). Холажон, мен борай. Сизлардан ҳол-аҳвол сўрай деб кирган эдим. Рузвон холамга ҳаммасини тушунтираман. Унинг ўзи келиб, Гулсарахон тўғрисида Иброҳим акамлар блан гаплашади. Тузукми?

Ойсара. Тузук, холанг айлансин. Нима бўлса ҳам, рози-ризалик блан бўлгани яхши-да (*Хайрлашиб кузатади.*) Яхши бор!

Файзихон. Яхши қолинг. Гулсарахон, хайр! (*Кетади.*)

Ойсара эшикни занжирлайди. Кейин ишхона эшигини тикирлатади.

Иброҳим. Ҳозир. (*Чиқиб.*) Кетдими? Дарров жойларни ҳозирла. Домлани олиб келдим, шу ердалар, у киши катта азойимхон.

Ойсара. Вой айланай домладан. (*Жойларни ростлайди.*)

Иброҳим. Эй айланмай ўл, ла'нати! Ундан кейин тездан Отинбибини чақириб, бир мушкулкушод ҳам ўтказиб юборасан. (*Бориб эшикни очади. Кўчага қарайди, яна занжирлаб қўяди.*)

Ойсара. Вой оғзингизданей. (*Гулсаранинг уёқ-буёқларини ёпиб қўяди.*)

Иброҳим. Секин, товушингни номаҳрам эшитади! (*Ишхонага бориб.*) Қани, тақсир, марҳамат!

Ойсара ўзини панага тортади, домла киради.

Домла. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. „Ё олло!“ (*Кўзи Ойсарага тушгач, қоқилиб кетади.*) „Ла’натуллоҳу ало иблис!“ (*Туриб гир айланиб, ён берига дам солади.*) Суф-суф! Қочинг, қочинг! Иброҳимжон!. Уйларингизни девлар, ажиналар босиб кетишти, фаиннаҳо нҳваникум миннажжиян, суф-суф, ухруж! (*Жинларни осмонга қувгандак бўлиб*), суф-суф, алҳамдулилло даф’ бўлдилар. (*Осмонга ишора қилиб.*) Ана қаранг жинлар, девлар бир-бирларига чирмашиб, булутга ўхшаб, ҳавога кўтарилишдилар.

Иброҳим. Лоҳавла валоқуввата.

Домла. Бай-бай, пок бўлмаса аҳлу аёлингиз блан несту нобуд бўлиб кетаёзган экансиз-а! (*Астагина.*) Минба’д, ҳалигидай париштаси йўқ очиқ қизларни уйингизга қўйманг.

Иброҳим. Хўп, хўп, тақсир.

Домла. Хўш, энди касалнинг ҳузурига етакланг.

Иброҳим. Қани, айвонга марҳамат қилсинлар, тақсир. (*Айвонга чиқади.*)

Домла (*кўз ташлаб*). Э, бу бечорани мунчавало ўраб-чирмаб қўймасанглар-а. Қани, Иброҳимжон, касалнинг юзини очиб қўйинг.

Иброҳим ноилож озгина очади.

Ҳа-ҳа, дуо ўқиганимда нафас тегадиган бўлсин. Илло ихлосингиз олинар экан, дуо кор қилмайди.

Иброҳим. Йўқ, асло тақсир. (*Гулсаранинг юзини очиб қўяди.*)

Домла. Бай-бай. (*Ўзини эплаб, терларини артади.*) Бисмилло. (*Титраб.*) Аввал бир томирини кўриб қўяй, қани, ўз қўлингиз блан қўлини берворинг.

Иброҳим Гулсаранинг қўлини домлага тутқазади, домла унинг томирини кўриб.

Бай-бай, томир уриши бежо-ку. Иброҳимжон, бир идишда олов келтиринг!

Иброҳим. Хўп, тақсир. (*Чиқиб кетади.*)

Домла, Гулсаранинг қўлини қаттиқроқ ушлайди. Гулсара қўлини силтаб тортиб олади, юзини яширади.

Домла. Ўҳ... Менинг Ҳиндистондан келтирган бир ажойиб тутатқим бор.

Иброҳим, хокандозда ўт келтиради.

Шуни тутатиб юборай, иншоолло хастага ёпишган лашкарлар, жинлар рондаи даргоҳ бўлғайлар. (*Ёнидан озгина хашак аралашган бир нарсани олиб, ўтга ташлайди.*) Ё бисмилло!.. Э қўрқманг! (*Ўтни Гулсаранинг устидан айлантириб.*) Ихлос-халос деганлар. Мана энди қолганини бошқа жойларга тутинг.

Иброҳим. Жоним блан, тақсир. (*Олиб кетмоқчи бўлади.*)

Домла. Иброҳимжон, томи-тошдан бохабар бўлиб тургайсиз? Магарамки, бирон бетавфиқ хабар топиб, милиска бошлаб келмагай.

Иброҳим. Хўп, тақсир. (*Ойсарага паст товуш блан тоншириқлар бериб, ўзи тутатқини ишхонага олиб киради.*)

Домла (*йўталиб*). Аузи биллоҳи... (*Ичида.*) Оллоҳумма маш'ал ададан ва инно сармададан... (*Бўғилиб, ичидан ўқиб.*) Ухруж, куф-суф!

Иброҳим. Томдан хабардор бўлиб тур!

Ўзи тутатқини ўчоқ бошларигача тутати, Ойсара шоти қўйиб том-тошларга қарайди.

Домла (*яна жазаваланиб*). Қулхуваллоҳу қул-қул, қул-қулони, қул-қул, мўрчамиёни, қул-қул, пис-тадаҳони, қул-қул.

Гулсара юзини яширади, домла яна очади.

Э, юзингизни яширманг! Оллоҳумма анта, маҳико вал волидайи вал муртазо, инна шониака бираҳматика ё арҳамар роҳимин! (*Фотиҳа ўқиб.*) Иброҳимжон, мен кетай.

Иброҳим. Тақсир, чой тайёр.

Домла. А? Ҳай, тайёр бўлса бир пиёла ичиб кетайлик.

Иброҳим супачага дастурхон солади, чой келтиради.

Иброҳим (*домлага чой тутати*). Олсинлар.

Домла (*оҳиста*). Қизингизни Қодир нобакордан ажратиб олиб, кўп савоб иш қилдингиз. Лекин эндиликда бу савобни хабада бўлиш хавфи бор. Масалан, ба'зи гап-сўзларга қараганда, у ла'нати Қодир шу кунларда қизингизни олиб қочиш тараддудиди юрган эмиш. Тағин у шарманда сизни ҳам шармисор қилиб қўймай.

Иброҳим. Тўғри айтасиз, тақсир. Энди нима қилсам экан?

Домла. Ҳали ҳам менинг маслаҳатимга юринг. Қизингизни соғайиши бланоқ Бадалматга узатиб юборинг.

Иброҳим. Гапларингиз ҳақ, тақсир. Иложи бўлса онасига ҳам бироз насиҳат қилиб қўйсангиз экан. (*Ойсара*ни *чақиради*.) Онаси, буёққа кел!

Ойсара рўмол блан юзини пана қилиб яқинлашади.

Домла. Янгажон, қиз сақлагунча туз сақла деганлар. Нима қиласиз ҳа деб қизингизни уйда сақлаб. Ахир Бадалматдек бадавлат, мўмин-мусулмон, бешвақт номозини канда қилмайдиган одамни қайдан топасиз?

Иброҳим. Тўғри айтасиз, тақсир. Бадалмат акамдай одам бизнинг қизимизни сўрайдилару, биз йўқ дермидик, а? (*Ойсарага қараб қўяди*.)

Домла. Ҳа, баракалло!. Хайр, худо қутлуқ қилсин. Оллоҳу акбар. (*Ёнини кавлайди*.) Ҳа, дарвоқи', мана бу эзиб ичкини қизингизга ичиринг.

Иброҳим олиб, Ойсарага беради.

Ваҳима даримайди. Қани энди ўзингиз ҳам юринг.

Иброҳим. Озгина ош қилардик, тақсир. (*Ишхонага таклиф қилади*.)

Домла. А? Э, норин турганда ош бачима'ни? Юринг, Бадалматнинг уйида ҳозир норинхонтўра бор. (*Юмшоқ кулиб йўлакка боради*.)

Иброҳим. Хўп тақсир. (*Ойсарага*.) Эшикларни маҳкамлаб, эҳтиёт бўлиб ўтир. Ҳа, мен кетдим.

Кетадилар.

Ойсара. Кетсанг отамдан нари. Хў бошлашиб юрмай қуриб кеткурлар. (*Эшикка бораркан, қизалоқ киради*.)

Қизалоқ. Хола, бувим чақираяптилар, дўппиларини ҳам олиб чиқармишсиз.

Ойсара. Хўп бўлади, қизим. Сен боравер, мен ҳозир чиқаман. *(Қизалоқ кетади. Ойсара бориб, саватчадан дўппиларини олади).* Гулсарахон, мен Тилла холангларникига чиқиб келаман.

Гулсара. Хўп, кечикманг, ойижон.

Ойсара. Йўқ, дарров чиқаман, ўзингни уринтирмай ўтир, қизим. *(Кетади. Қодиржоннинг ашуласи эшитилади. Музыка.)*

Қодиржон.

Соғиниб келдим қўзимни, Гулсара, кўрсат менга...
Ёнган олтин юлдузимни, Гулсара, кўрсат менга,
Савлатим, офтоб юзимни, Гулсара, кўрсат менга,
Бир ўпай бахт қундузимни, Гулсара, кўрсат менга,

Гулсара.

Оҳ отам бахтим-ҳаётим боғин этди тору мор.
Гул юзим бўлди сомон, нола қилурман зор-зор.
Ҳеч иложим йўқ эрур япроқ каби титрар кўнгил.
Оҳ болам ҳардам юзимга термулур, ғамгин боқар.
Сизни мен ташлай нега? Ўт солди ҳижрон бағрима.
Еткуси бу уйда тездан осмонга ёр-ёр...
Шу сабабдан йиғларам, дун'ё кўзимга бўлди тор.
Ваҳший қўл ҳаркун бошимда қамчиларни ўйнатар.
Очилай дейман ва лекин бу кўнгулда қўрқув бор.

Қодиржон.

Қўрқмагил, йўлингга боқ, порлоқ қуёшдин нур томар
Эски дун'ё, тор қафаслар, парда-чачвонлар ёнар.
Шу ҳаёт қўйнида сендай дардли қиз бахтин топар.
Кел, очил, бўлсин сенинг сўлғин юзинг шакар анор.
Гулсара. Келинг.
Қодиржон. Демак мендан... бир йўла қутулиб
олмоқчи экансан-да...

Гулсара *(кўзига ёш олиб)*. Қўйинг, сиз ҳам та'на қилманг... Қандай қилай... Бир томонда — сиз, иккинчи томонда — отам... *(Ёшини артиб.)* У мени Бадалбойга бермоқчи. *(Йиғлайди.)*

Қодиржон. Бадалбойга?!! Гулсара, Гулсаражон!
Кетайлик уйимизга!

Гулсара. А? *(Йўқ, дегандай калласини сарак-сарак қилиб юзини буради.)*

Қодиржон. Бунча мени қийнайсан ахир, ёш боламизнинг ҳурмати йўқми?

Гулсара *(ма'юс)*. Мен кетсам, онам... Гуноҳсиз онамнинг боши балога қолади.

Қодиржон. Онамизни ҳам бирга олиб кетамиз. Уни ҳам бу тор зиндондан озод қиламиз!

Гулсара. Вой ўлмасам, нималар деяпсиз?

Қодиржон *(ортиқ сиқилиб)*. Уҳ, нима десам бўлади энди?.. *(Гулсарага.)* Майли уйингни бузсанг, муҳаббатни хор қилсанг, сени жони-дилидан яхши кўрган дўстингдан тонсанг, нима ҳам дейман?! Гулсара, сен адашяпсан. Тушун, ахир! Бу гаплар ҳаммаси ёлгон, уйдирма, пуч! Булар ҳаммаси озодлик душманлари, харомхўр бойлар, балохўр домла-имомларнинг ҳийла-найранги, наинки сен ёш, ақлли хотин бўлатуриб, шу хил ёлгон гапларга учсанг, севганингдан кечсанг... Отанг хурофотга муккасидан кетган одам. Бу бечорани ҳам тинч қўйишмади, маҳалладаги озодлик душманлари! Иброҳим ота ўшаларнинг чирмандасига ўйнапти, ахир паранжига қарши халқ курашяпти, партия, ҳукумат ёқлайди бу курашни. Наинки, Иброҳим ота кўра-билатуриб, халқнинг ишига қарши чиқса. Ахир бунга чидаб бўладими?

Гулсара. Қандай қилай? Балки кейин бир жўн йўл блан... Мунча шошилмасангиз... Отамнинг айтганларига кўнсангиз... Очилиш қочмас эди-ку.

Қодиржон. Сен нима деяпсан? Мен қандай қилиб яна сенга паранжи ёпинтираман? Ахир мен яқинда партияга кирганман, мажлисда сўз берганман, эскиликка қарши курашиш—вазифам! Сен ҳеч нарсадан кўрқма, мен бор, мен сени жонимни ўртага қўйиб сақлайман! *(Жимлик.)* Шундайми? Жавоб йўқми? *(Қат'ий.)* Хўп! Сен ўша Бадалбойга тег. Лекин мен у озодлик душманларини, ҳаётимни заҳарлаган илонларни янчмасдан қўймайман! *(Зарда блан шахдам қадам ташлаб кетмоқчи бўлади.)*

Гулсара *(бирдан)*. Қодир ака!

Қодир тўхтади.

Бўлмаса...

Қодиржон. Хўш, нима?

Гулсара. Бўлмаса...

Қодиржон. Гапир, дадил гапир.

Гулсара (*ўпқаси тўлиб*). Мен буерда... жуда қийналдим. Ит азобини кўраяпман. Майли...

Қодиржон. А?!

Гулсара. Нима бўлса, пешонамдан кўрдим, сиз блан кетаман.

Қодиржон. Ростданми?

Гулсара. Рост! Кетаман! Кетаман!

Қодиржон (*ҳаяжон блан*). Гулсарахон, Гулсарам! (*Қучиб ўпади.*) Бўл, тез бўл! Болани ўзим кўтараман!

Гулсара. Шошманг, шошманг, паранжимни олай.

Қодиржон. Паранжингни қўябер!

Гулсара. Бўлмайди!

Қодиржон болани бешикдан ечиб олади.

Қодиржон. Қани юр, жоним!

Гулсара. Юринг, кетдик! (*Дарвозани очади.*)

Кўчадан Иброҳим кириб келади.

Иброҳим (*чақмоқ теккандай*). Хўш... Қаерга?!

Гулсара. Отажон...

Иброҳим. Бу қандай номуссизлик?

Қодиржон. Ота...

Иброҳим. Нега менинг уйимга бостириб кирдинг?

Қодиржон (*бепарво*). Ўғлим блан Гулсарани олиб кетгали келдим.

Иброҳим. Қўл тегизолмайсан, номахрам! (*Гулсарага.*) Гапир, шарманда!

Қодиржон. Ота, Гулсарани ҳақорат қилманг!

Иброҳим. Гапирма, чиқ, чиқ уйимдан!

Қодиржон. Гулсара мендан ажралмайди. Бадалбойга тегмайди! Шўро қонунини поймол қиламан деганинг ўзи поймол бўлади. Кўзингизни очинг!

Иброҳим. Чиқиб кет! Чиқиб кет дейман, сенга, сурбет! Бўлмаса ҳозир бир кори-ҳол бўлади!

Қодиржон. Гулсарани қолдириб кетмайман!

Гулсара талвасаланиб. бир „отажон“, бир „Қодиржон ака!“ деб тўради.

Иброҳим (*болтани олиб*). Чиқмайсанми?! (*Урмоқчи бўлади.*)

Қодиржон (*кўксини дадил тутади*). Чиқмайман Қани, кучингиз бўлса кўрсатинг. (*Болтани Иброҳимнинг қўлидан олиб ташлайди.*)

Рузвон (*орқадан*). Дарров кириб чиқамиз. (*Бир-неча хотинлар блан киради, ҳайрон.*) Хўш? Ўзи нима гап?

Қодиржон. Рузвон хола, Гулсара мендан ажралишни истамайди, бу киши бўлса, Гулсарани мендан ажратиб...

Иброҳим. А? Тавба, ёлгон! Бу тухмат, Рузвон буви!

Рузвон (*Қодирни туртиб*). Биздан илгари борма деб айтмабмидим? (*Қодиржон гапирмоқчи бўлади.*) Боравер, ўзим тўғрилайман.

Қодиржон ноилож кетади. Рузвон хола Гулсара блан кўришади.

Ҳа, қизим, омон-эсонмисан?

Ой с а р а киради.

Вой, Ойсарахон, омон-эсон юрибсизми? Оббо, Иброҳим ака-е, сал нарсага тутақиб, дун'ёни бузасизми? Ахир ҳарқандай масалани шовқин-суронсиз битириш мумкин-ку!

Иброҳим. Э Рузвонбуви, буям сизга ўхшаш шунақа ётиғи блан гапирса экан. Содда уйимга бостириб кириб, дўқ уради.

Рузвон. Биз ҳар ҳафта хотин-қизлар блан мажлис ўтказамиз, тамошалар кўрсатамиз, илму ҳунар ўргатамиз. Сизлар нимага чиқмайсизлар?

Иброҳим. Э, бу ахмоқ, чиқса чиқавермайдими?

Рузвон. Чиқавермайдими дейсиз. Қизингиз-чи? Куёвингиздан нима ёмонлик кўрдингизки, бу бечоранинг қўлидаги боласи блан уйингизга олиб келиб олдингиз?

Иброҳим. Мен олиб келибманми? Афтидан куёвим қизимни ҳафа қилганга ўхшайди, ораларида жанжал бўпти. Куёвим фабрикада ишлайди, қизлар кўп, биронта яхши-ёмон гап қизимнинг қулогига етган бўлса керак...

Рузвон. Нима дейсан? Шу гаплар ростми? Қодиржондан ўзинг ажралдингми? Гапир, Гулсарахон!

Файзихон. Айтинг, ўртоқжон!
Гулсара (*қўрқа-қўрқа, дардини куйлайди*).

Севганим жону дилим Қодиржондир,
Меҳри дар'ё, вафодор, жонажондир.
Юрагимга айрилиғ... ханжар урди.
Отам обод уйимни йиқитди, бузди,
Аяжоним ўргилай, жоним аяжон,
Мен шўрликни қутқаринг, бўлмайин хазон!

Иброҳим. Вой, тавба. Ҳой, оппоқ қизим, ўз отан-
гизга туҳмат қилишга худодан қўрқмайсизми?

Файзихон. Иброҳим ака, Бадалбой, домлалар сиз-
ни ҳам одамгарчиликдан чиқариб қўйиштипти, тил ёгла-
маликка ҳам анча ўрганибсиз.

Иброҳим. Э, жинни бўлганим йўқ, қизим.

Файзихон. Қўйинг-э, гапирманг, уятмасми? Мен
бу уйдаги сирларнинг ҳаммасидан хабардорман.

Иброҳим. Ҳа, ҳа, ўзим ҳам шундайдир деб ўйла-
ган эдим. Хўп-хўп, мана, гапирмадик, тавба қилдик.

Рузвон. Иброҳим ака. ўзингиз камбағал касиб
одамсиз, яхшилаб ўйланг! Хотин-қизлар ҳуқуқини пой-
мол қилиш қонунга сиғмайди. Гулсара севган эри Қо-
диржон блан умр ўтказиши керак. Уни уриб, қўрқитиб,
турмушини бузиш, ажратиб юбориш — қаттиқ жиноят.
Сизни бу ишингиз учун суд жавобгарлигига тортиш
керак. Шуни биласизми?

Иброҳим (*узоқ жимликдан сўнг*). Ҳа, энди но-
донлик. омилик, Рузвонбуви, омилик. Қани энди сизга
ўхшаш шунақа йўл-йўриқларни тушунтирадиган одам
бўлса...

Рузвон. Розимисиз?

Иброҳим. Бўлмасачи.

Рузвон. Бўлмаса Гулсарахонни эртагаёқ уйига
қайтариб юборинг.

Иброҳим. Э, агар арава топсам, шу бугуноқ эл-
тиб қўяман.

Рузвон. Яхши. Мен сизларни тўйга айтгани ке-
лувдим. Сиз ҳам чиқинг.

Иброҳим. Тўй? Қанақа тўй?

Рузвон. Бугун саккизинчи Март ҳам фабрикамиз-
нинг бир йиллик тўйи бўлаяпти. Албатта, боринглар.
Сиз ҳам Ойсарахонни бирга олиб боринг. Нимага ин-
дамайсиз ё бизнинг гапларимиз ма'қул бўлмадими?

Иброҳим. Ҳа, бу тил уқмасга сизнинг гапларингиз ма'қул бўлмади. Шундайми-а? Гапирсангчи гўл... Эй соқовланмай ўл.

Рузвон. Ҳақорат қилманг, ахир...

Иброҳим. Эй, Рузвонбуви, эй куйганимдан дағал гапираман-да. Гапирсаларингчи, паранжиларингни ташлайсанларми? А, а?..

Ойсара (*бўғилиб*). Ҳа, савиллар қолсин паранжи. Бор, ташлайман.

Иброҳим. Ана-ана, айтмадимми, опа!

Рузвон.

Юзни очинглар чимматни йиртиб,
Тор қафасларни ястаб, йиқитиб.

Ҳамма.

Ишлаб, ўқинглар шу'лалар эмиб,
Октябрь сизга йўлни кўрсатгач.

Рузвон хола.

Уқубат чекиб, қақшаб йиғламанг,
Қайғу ғам блан дилни доғламанг,

Ҳамма.

Бас, етар ўзни уйга боғламанг.
Октябрь сизга йўлни кўрсатгач...

Ойсаранинг юзларида шодлик аломатлари сезилади. Гулсарани кучиб Рузвон холага яқин боради. Кўзи Иброҳимга тушиб, орқага тисланади. Рузвон булар блан хайрлашиб, эшик томонга юради. Иброҳим уни кузатади.

Иброҳим (*йўл-йўлакай*). Айтганча, ош қилардик.

Рузвон хола. Йўқ, раҳмат, яхши қолинглар, хайр Гулсарахон.

Иброҳим кузатиб эшикка чиқади.

Гулсара (*онасини кучиб*). Оҳ онажон, қандай яхши бўлди-я?

Иброҳим қайтиб киради, эшик тагида туриб, ўйланади.
Аста босиб ҳовлининг ўртасига боради.

Гулсара. Ойижон!

Ойсара. Қўрқма қизим, қўрқма!

Иброҳим ошхонага бориб, болта олади.

Гулсара. Онажон! Юринг, қочамиз!

Иброҳим болтанинг дамини кўриб, айвон олдида ташлайди.
Гулсаранинг қўлидан ушлаб, айвон олдида олиб боради. Ғазабини
сездирмасликка уринади.

Иброҳим. Менга берган сўзинг, ичган қасаминг
ёдингдими?

Гулсара. Ёдимда, дадажон, ёдимда.

Иброҳим. Бўлмаса, нега бошимни балога қўй-
динг?!

Ойсара. Вой отаси, нима қиляяпсиз? Вой, мен
ўлай, отаси! Жон отаси, раҳм қилинг қизимга. (*Ёпи-
шади.*)

Иброҳим. Овозингни ўчир, товушингни чиқарма,
шартта бошингни оламан. (*Гулсаранинг қўлини қайи-
риб.*) Ҳали сен эринг блан ярашасанми?!

Ойсара. Ҳой-ҳой, ўргилай отаси, мунча қийнайсиз
уни?!

Иброҳим (*Ойсарага*). Овозингни ўчир! (*Гулса-
рага.*) Ҳали сен очиламан дейсанми? Бадбахт?! (*Қий-
найди.*)

Гулсара. Вой қўлим!!

Ойсара (*титраб-қақшаб*). Ҳой отаси, қўлини
синдирасиз қизимнинг.

Иброҳим. Гапир, очиласанми?! (*Гулсаранинг
тобу тоқати тугайди. Иброҳимнинг қўлидан куч
блан чиқади.*)

Гулсара (*қат'ий ва мардона жавоб беради*).
Мен очиламан!

Иброҳим. А?!

Гулсара. Эрим блан ярашаман!

Иброҳим. Ҳой бола, қайт бу сўзингдан! (*Бол-
тани олади.*)

Гулсара. Қайтмайман!

Иброҳим. Сен паранжингни ташлайолмайсан!
(*Болтани кўтаради.*)

Гулсара. Ташлайман! Ўтга соламан!!

Иброҳим (*болтани ташлаб*). Қизим, тавба қил,
қизим! Мен шўрликка раҳм қил, қизим. Мени шарман-
дайи-шармисор қилма! Дўзах ўтларига гирифтор қилма,
жон қизим, ўргилай қизим, тавба қил, очилмасликка
сўз бер, қизим! Сўз бер! (*Йиғлайди.*)

Ойсара. Жон қизим, отанг йиғлаяпти, тавба қил!

Гулсара. Йўқ! Тавба қилмайман!

Ойсара. Отангнинг оёғига йиқил, қизим!

Гулсара. Майли, сиз қолинг шу зиндонда, аммо мен ўлсам ҳам қолмайман.

Иброҳим (*Кўзлари ёнади*). А? Шунақами?

Гулсара. Шунақа!

Иброҳим. Омин! Сени оқ қилдим!

Ойсара. Вой шўрим!

Иброҳим (*қўнжидан пичоқ олиб*). Ўлдирдим! Қурбон қилдим! (*Гулсарага югуради, ўртага Ойсара тушади, оёғига ёпишади.*)

Ойсара. Вой дод, одам борми?! Ёрдам беринг, қизимни ўлдирди!

Иброҳим (*ёниб*). Эҳ! Мана сенга! (*Гулсарага пичоқ уради.*)

Гулсара. Оҳ, золим, ўлдир!

Ойсара. Вой, нега қизимни ўлдирасан? Мени ўлдир! (*Оёғига ёпишади.*)

Иброҳим. Ҳамма айб сенда! (*Ойсарани пичоқлайди, буни кўрган Гулсара „Ёрдам!“ „Ёрдам!“ деб кўчага чопади. Иброҳим „Тўхта!“ „Тўхта!“ деб қичқириб, Гулсаранинг кетидан кетади.*)

Ойсара ҳолсизланиб йиқилади, ерда хансираб, қўлларини чўзиб ётади. Бироздан сўнг кўйлаклари парчаланган, сочлари тарқоқ, кўзлари ёнган ҳолда ҳовлиққанча Гулсара киради, атрофга жовдираб онасини қидиради.

Гулсара. Она, онажон... (*Онасининг жонсиз жасадини кўриб, ўзини унга ташлайди.*) Онажон, онажон, онажон!

Қаттиқ ҳўнграб йиғлайди. Музыка унинг юрагидаги дард, ғазабларини ифдолайди. Гулсара аста бошини кўтаради, куйлайди. Куйлар экан, тобора қаддини мардона кўтаради. Бу сўнги қўшиқ Гулсаранинг озодлик йўлида қурбон бўлган онаси Ойсаранинг жасади устидаги муқаддас ондига айланади.

Гулсара.

Бахтим, қафас жафоларингла бўлди тор-мор,

Эздинг мени, фигонима этмай э'тибор.

Бўлгил, қафас, сен ҳам замон тошила ҳоқисор.

Боқ, келди шум ҳаётингга мангулик завол.

Кўрсатди мен аламзадага офтоб жамол.

Бас-бас, қаро булут, тўсма, кет, дун'ёдан йўқол!

Бўл парча-парча, майдалан, эй кар девол!
Син, парчалан, син эй қафас,
Бўлсин тугал,
Озод нафас!
Бўлсин кушод
Озод нафас!!

Чимматни парчалаб ташлайди.

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

БЕШИНЧИ КЎРИНИШ

8-нчи Март куни. Тикув фабрикасининг ички манзараси. Кенг майдон. Букун буерда, фабрикада ишловчи қиз-жувонлар, маҳалла-қўйнинг хотин-халачлари, келин-қизлари, йигит-яланг, чолу кампирлари тўпланган. Ялла авжига чиқиб, ўртада бир ўйинчи қушдай учмоқда.

Рузвон хола. Келиб қолар, бўлмаса яна ўзим бораман. Қани, ҳа, жим ўтирманглар! (*Уйин қизиб кетади.*)

Кийимлари йиртилган, қўлида пичоқ блан
Иброҳим киради.

Иброҳим (*ҳайқириб*). Қани, қани мени шу кунга солганлар?! Қани менга кўрсатинг, илон, чаёнларни! (*Рузвонхолага тикилиб қарайди.*) Мен аблаҳ, ушланг мени! Боғланг қўлларимни, қаманг, ўлдилинг, отинг мен қотилни!!! (*Хўнграб йиғлайди.*) Мен нима қилдим?! Нима қилиб қўйдим?..

Ҳамма. Нима бўлди, нима қилиб қўйдингиз?

Иброҳим (*қийналиб, оғир*). Гулсара, Гулсарани...

Қодиржон (*бақириб*). Гулсара?! Нима қилдингиз?

Иброҳим (*юзини буриб*). Ўл-дир-димм... (*Бошини тубан солади. Қодир қотиб қолади.*)

Қодиржон. А?.. Гулсара!.. Гулсара... қани Гулсара?! (*Чопганича чиқиб кетади.*)

Иброҳим. Яккаю-ягона қизимни-я... (*Йиғлайди.*) Бечора қизим... ғариб қизим!..

Гулсара (*ўқдай отилиб киради*).

Бас, бас, қора булут тўсма, кет, дун'ёдан йўқол,
Бўл парча-парча, майдалан, эй кар девол,
Бўлғил хароб, бўлғил забун,
Бўлсин тугалозод нафас
Бўлсин кушод озод нафас!!!

(*Ота-боланинг кўзлари бир-бирига тушади*). Ота!..
Йўқ! Жаллод! (*Жимлик*.) Ғариб, бенаво онамнинг
жаллоди!

Иброҳим. Онам?... Онанг... нима гап?

Гулсара. Ўлдирдинг! Онам ўлди...

Рузвон. Қизим, Гулсарахон, ўзингни тут! Файзи-
хон, ичкарига олиб кириб муолижа қилинглар. (*Гул-
сарани ичкарига олиб кирадилар*.) Толибжон, югур,
Гулсарахоннинг уйига бор!

Толиб блан Тошмат ота кетади.

Иброҳим. Она... ўттиз йил бир ёстиққа бош
қўйган, меҳрибон дўст... ўлди... (*Товушини кўтариб*.)
Ўлдирган ким?.. Мен! (*Пичоққа тикилиб*.) Мен шун-
дай гуноҳкорманки... бу гуноҳимни худо ҳам кечир-
майди. (*Товушини пастлатиб*.) Мен энди ла'нати,
дўзахи бир одамман. (*Яна кўзини бир нуқтага тикиб
шивирлайди*.) Мен у дун'ёю бу дун'ёмдан ажра-
дим... (*Ҳайқириб*.) Менинг ўлишим керак! (*Ғазаби
авж олади*.) Йўқ-йўқ! Ҳали мендан илгари ўладиган-
лар бор. Қани улар?! Қани менга шу пичоқни берган
шайтонлар?! Мен уларни топай, сўнг отилсам ҳам ар-
моним йўқ!

Милиционер. Юринг, ҳарқанча гапингиз бўл-
са сўроқда айтарсиз.

Олиб чиқади. Бадалмат блан домлани ҳам олиб ўтадилар.

Рузвон. Кўрдингизми?.. Бу ҳаммаси Бадалматга
ўхшаганларнинг иши!

Ҳамма. А! Бадбахт-эй!

Рузвон. Лекин биз ундай дўқ, пўписалардан
қўрқмаймиз! — Ит ҳуради — карвон ўтади. Биз ундай
газандаларни янчиб ташлаймиз.

Қодиржон (*югуриб кириб*). Рузвон хола!

Рузвон Қодиржонни етаклаб ичкарига киритиб юборади.
Тошмат, Халчахонлар блан киради.

Толиб. Рузвон хола! (*Қулоғига шивирлайди.*) Ҳа,
олиб кетишди!

Жимлик. Рузвон оғир босиб, ичкарига киради. Бироздан сўнг
шўх музика эшитилади. Ҳамманинг руҳи кўтарилади.

Матлуба. Вой, ана Гулсара опам!..
Қодиржон (*чиқиб*). Ўртоқлар, ҳайриятчилик,
Гулсарахоннинг яраи анча енгил!

Овозлар. Вой, оғзингизга ёғ, Гулсарахондан ўр-
гилай!.. Бахтингиз бор экан, қандай яхши...

Гулсара. Онажон, онажон... (*Сўнг мардона.*)

Рузвон.

Битсин паранжи,
Ёнсин паранжи!

Ҳамма. Ёнсин паранжи!..

Хотин-қизлар паранжиларини ўтга отадилар.

Қодиржон.

Очилдинг кулиб азиз меҳмоним,
Паранжисин ташлаган Гулсарам—жоним.

Ҳамма.

Гулсара ўртоқ, қувнанг, кулингиз...
Чаман-чаман гул ойдин йўлингиз...

Асалхон.

Паранжи ташлаб бўлдик бахтиёр,
Шоду хуррамлик бизга бўлди ёр.
Кетди ўртоқжон ҳасратли чоғлар.
Кулар йўлингда чаман-гул боғлар.

Ҳамма.

Гулсара ўртоқ, озод кулингиз
Чаман-чаман гул ойдин йўлингиз.



ГЕНЕРАЛ РАХИМОВ



ҚАТНАШУЧИЛАР:

Каганович Лазарь Моисеевич — Ҳарбий совет а'зоси.
Раҳимов Собир — Шимолий Кавказ фронтидаги 39-нчи шах-
тёрлар дивизиясининг командири, полковник, сўнг генерал-майор.
Кедров Николай Иванович — армия қўмондони, генерал-
полковник.

Лукьянов Захар Захарович — армия штабининг бошлиғи,
генерал-лейтенант.

Санюк Степан Назарович — полк комиссари.

Иван Загоруйко — старший лейтенант, батальон командири

Смирнов Геннадий — лейтенант, Раҳимовнинг ад'ютанти.

Бадридзе Серго — майор, полк командири.

Шаров Борис Васильевич — майор, полк командири.

Надеждина Анна Петровна — 2-нчи ранг ҳарбий врач
госпиталь начальниги.

Марченко Михаил Тимофеевич

Соҳибчангал

Коровин Александр (Саша)

Арам Юз бошиян

Шермат

Дўлон

Швидко — капитан Кедровнинг ад'ютанти.

Паша — медицина ҳамшираси.

Жовид — турк офицери.

Саидбек — қочоқ, босмачи.

Фон Буг — генерал-майор.

Штенгаль — полковник.

Шиль — оберлейтенант.

Телефонисткалар

Жангчилар

} танкка қарши отучи
жангчилар (Пете-
эрчилар).

ПРОЛОГ ЎРНИДА

Минг тўққиз юз қирқ иккинчи йил, сентябрь ойлари. Шимолий Кавказ. Ғуборсиз кенг осмон. Қорли тоғ чўққилари. Ҳаво совуқ, изғирин қўл ва қулоқларни ялаб, ачитиб турипти. Жангчилар ўзбек халқининг тарихий мактубини тингламоқдалар. Мактубни дивизия командири полковник Раҳимов ўқийди. Бир жангчининг қўлида қизил байроқ. Жангчиларнинг руҳида қат'ият, жанговар ирода ҳукмрон, кўзларида ғазаб оловлари чақнайди.

Раҳимов (*босиқ, мардона овоз блан*). „Азиз жи-гарпораларимиз! Ватаннинг ҳарбир сиқим тупроғи биз учун табаррук экан, фашист итваччалари оёғи остида унинг поймол бўлишига бепарво қараб турган кўзлар кўр бўлишга, бепарво эшитиб турган қулоқлар кар бўлишга лойиқдир.

Ҳозир Улуғ Ватан уруши майдонларида, айниқса Сталинград, Шимолий Кавказ ва бошқа фронтларда Совет халқларининг, шу жумладан ўзбек халқининг ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётир. Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ! Ё ҳаёт, ё ўлим! Агар орангизда биронтангиз заррача қўрқоқлик қилсангиз, жанг майдонларидан қочсангиз, ўшандай кишига ла'натлар бўлсин. Ундай фарзандни оқ қиламиз! Унинг ўз ҳовлисига қайтиб келиб, эшигини қоқишга ҳаққи йўқ! Қочоққа шафқат, қўрқоққа ҳурмат бўлиши сра мумкин эмас! Ўзбек халқининг сиздан қат'ий талаби битта: душман йўлини тўсингиз, уни улоқтириб ташлангиз ва тезроқ тор-мор этингиз! Бизнинг ишимиз ҳаққоний иш, биз ғалаба қозонамиз! Яшасин саркардамиз ўртоқ Сталин!“

Жангчилар. Ура! Ура!

Соҳиб (*ўзича шивирлаб*). Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ!

Чироғ аста ўчади.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Блиндаж. Марченко, Саша, Соҳибчангал, Шермат, Арам ва яна бирнеча жангчилар блиндажда. Ҳарқайси бирониш блан машғул. Бири автомат тозалайди, яна бири махорка ўрайди, бири хат ёзади.

Соҳибчангал эса ёнбошлаб ётиб хат ўқийди, хаёл суради.

Марченко. Соҳиб, қалайсан? Ишинг жойидами?

Соҳиб. Михдай!..

Саша. Дядя Миша, сорок!

Марченко. Махорканг соб бўлдими?

Соҳиб. Дивизияда сендақа чекағони йўқ. Йилинг махорка-ю, мучалинг чилимми, билмайман.

Саша. Сен чекмайсан-ку, гапга суқилма. Ўзимнинг та'бим хира бўлиб турипти.

Соҳиб. Биламан, Дўлонгумбирга куясан.

Саша. Йигитнинг гули эди-я. Ўлди, қўлга тушиб кетди билмайсан киши!

Шермат. Саша, йигирмасини узат!

Саша. Ҳозир. Ма, ол! *(Соҳибга.)* Ҳамколхозинг тузук, улфат. *(Пауза.)* Эҳ... Автоматдек чарсиллаган ўктам йигит эди-я, Чангал!

Соҳиб. Саломат бўлса келади, албатта.

Арам. Махоркажон! *(Тортади.)*

Шермат. Мунча чекдинг?

Арам. Бекорчилик. Махорка бўлмаса ёрилиб ўлардим. Оборона...

Шермат. Гап оборонада эмас, йўғасам, мен нимага ёрилиб ўлмайман?

Арам. Сен ёрилиб ўлмайсан, ўлиб ёриласан.

Шермат. Э, Арамжон, нафасинг мунча саратон?
(Пауза.) Бай, бай, бай! Изгирин ҳам роса заптига олди-ку!

Соҳиб. Йўталаяпсан. Ма, бўйнингга ўраб ол!
(Иссиқ рўмол узатади.)

Шермат. Ўзинг-чи?

Соҳиб. Қўявер, мени жин ҳам урмайди. Михдайман. Рангпар, нозиксан, яна тумов бўлиб қолма, ҳам-колхоз. (Рўмолни беради.) Онамдан хат олдим.

Шермат (жонланиб). Хат? Қани? Нима ёзипти?

Соҳиб. Сенга салом айтипти. Зулайхо холам кун ора ойимди ёнига кириб: „Ҳой Зебинисо, хат ёзсанг ўғлингга тайинлагин, Соҳибжон минг қилса ҳам катта йигит, Шерматжон ҳали ёш, тергаб турсин, акалик қилсин“ дер эмиш.

Шермат. Қандай меҳрибон оналаримиз бор-а? Ўзлари ҳам бир-бировига шундай жонкуяр, шундай дўст... Ораларидан қил ҳам ўтмайди.

Соҳиб. Қишлоғимизда тиши ўтса тоғни, тикани бўлмаса янтоғни ейдиган ғаламис бир бой ўтган. Булар шу бойнинг эшигида йигирма йил чўрилиқ қилишган. Қўли косов, сочи супурги эди онамнинг... Ҳе, бизни не-не азоб-уқубатлар ичида катта қилишган бу шўринг қурғурлар. (Хаёлга чўмади.)

Саша (хатни ўқиб туриб). Бирам ширин хат ёзиптики.

Соҳиб. Боягина тутун қайтараётувдинг, бирдан гули қаҳ-қаҳдек очилиб кетдинг... Ўзи нима гап? Ҳа... Катяхондан хат келганга ўхшайди-я?

Саша. Бирданига учта.

Арам. Нималарни ёзипти?

Саша. Нима ёзар эди, „Жоним, сени соғиндим, ҳар кеча тушимга кирасан, душманни енгиб, тезроқ қайт, мен сени севаман, кутаман, ўпаман“, хуллас шунақа гаплар.

Арам. Жавоб ёзсанг мендан ҳам салом де. Ие, суратиям бор дейман, қани бир кўрай. (Кўриб.) Оҳо... бир жаҳон-ку, зап кетиворган қиз экан-да.

Соҳиб. Қани, кўрсат-чи. (Яқин боради, кўради.)

Арам. Кўзини қара, кўзини. Ёнади-я.

Шермат. Ҳой, кўп тикилаверма, киннанг киради. (Қараб.) Бай-бай... Офатижон-ку... Ёру жононинг

блан мурод-мақсадингга бебилиска етворавурмай-санми...

Соҳиб. Тўғри, жиндак пучуқ демасанг... Ҳа... Шошма, ва'даси ҳам ўзига ўхшаган михдаймикан?

Саша. Нега пучуқ дейсан?.. Ўзингизники қанақа? Қуралай кўз, бурунлари ҳам чимдилаб қўйгандайми? Хатида нима депти? Сизга берган ва'дам, чин ва'да, деб ёзиптими, а? Нега даминг ичингга тушиб кетди? Гапир!

Соҳиб. Мен қизлардан хат олмайман.

Саша. А? Шерматни лақиллатаберма.

Шермат. У нима деганинг, Саша?

Саша. Хатни оймидан келди деса ишонаяпсанми? Тўғри, ойсидан хат олади, аммо хат, Шерматжон, кўпроқ сингилчангиз Қумрихондан келади... Ҳа, муҳаббатнома...

Соҳиб. Ёлгонни ҳам ямламай ютасан...

Саша. Ёлгон дедингми? Бўлмаса, хатни кўрсат!

Соҳиб (*кулиб юборади*). Шарманда қилдинг-ку. (*Хатни Шерматга узатади*).

Шермат (*хатни кўздан кечириб*). Хату-саломнинг кўпи синглимиздан келар экану, адресни бизга чатоқ кўрсатиб юрган экансиз-да, почча?..

Соҳиб. Уялдим-да, Шермат... Ахир ўзинг биласан...

Шермат. Аллақачон пайқаганман, менга ёзган хатларидан ҳам ма'лум эди. Майли, почча деса арзигудек йигитсан...

Соҳиб (*кўрсатиб*). Фақат шу ерини ўқи, буёғига ўтма. (*Хатни беради*.)

Шермат (*ўқийди*). „Районимиздаги барча колхозлар...“ (*Пауза*.) „Бизнинг колхозимиз ҳам доҳига берган ва'дани бажариш учун қаттиқ иш олиб бормоқда. Мен звеном блан 40 центнердан пахта беришга ва'да қилдим“... Хўш... „Сиз ҳам аблаҳ душманни йўқ қилиб элу юрт олдида юзимизни ёруғ қиласиз, албатта! Соғ-омон қайтинглар, кўзимиз йўлингизга интизор, балиқ сув блан тирик бўлгандай...“

Соҳиб (*хатни тортиб олиб*). Энди буёғи секрет, дўстим... Ҳа, буёғига аралашмайсан. (*Қўйнига солади*.)

Арам (*Марченкога*). Дядя Миша, мунча хаёл сурдинг?

Саша. Ёна кўмири эсига тушиб кетди шекилли.

Арам. Ҳа, шунинг учун ҳам кўнгли кўмирдай равшан бўлиб турган экан-да.

Марченко (*зарда блан*). Қопқора! Нега куласан? Тўғри, эсимга тушиб кетди. Сра эсимдан чиқаролмайман! Ахир биласанми? Йўқ, билмайсан. Макеевқадаги, Донбассдаги, Шахтидаги кўмир конларини яхши билмайсанлар... (*Пауза.*) Жудаям антиқа қилиб юборган эдик-да. Агар у шахталарни, у техникани Американг кўрса борми, ҳасаддан жиғи-бийрони чиқиб, ваҳмадан суроби тортилиб кетар эди. Ҳа, нима деяпсан... Эй аттанг... Ҳаммаси вайрон бўлди, бузилди, ёнди. (*Пауза.*) Саша, сен Макеевқадансан-а?

Саша. Красний Сулинда ишлар эдим.

Марченко. Шахтёрсан. Дардимни биласан. Э, қўй буларни! Нимани кўрипти, нимани билади? Дарвоқи' комбатимиз Иван Загоруйко, ана у билади... Ҳа, у ҳам бизнинг шахтада ишларди. Донгдор шахтёр эди, азамат...

Соҳиб. Саша, ҳасратга тушиб кетдинг, қани автоматжон, гармонингни ол! Битта михдагини ясаб ташла. Хатдаги ширин гаплар бундай танимизга яйрасин...

Марченко. Бугун тилингга шакар суртиб олганмисан, Чангал?

Саша. Қани, дакан хўроз, заказингни қилавур! (*Гармонни олади.*)

Соҳиб. Ҳў... Хмара дар'ёсидан ўтиб, Егоровка райониға кириб бораётганимизда бир нарса чалувдинг, эсингдами?

Саша. Ҳа, уми? Уни ўзим тўқиганман. Ўшанда ҳам батальонимизнинг командири шу Раҳимов эди. У вақтлар майор эди. Ашулам командирга жудаям ёқувди-да...

Соҳиб. Қани, ўшани бир чал!

Саша гармонни завқ блан чалади, жангчилар тинглайдилар, шу орада Раҳимов, Санюк ва Загоруйко кирадилар.

Саша (*чалишдан тўхтаб*). Ўртоқ полковник!

Жангчилар оёққа турадилар.

Раҳимов. Тўхтаманг, чалинг, чалинг!

Саша чалади.

Сўзи қандай эди? Шундай бошланармиди? (*Куйлайди.*) Буздим-а?

Саша. Боплайсиз... Лекин манави жойини (*куйлайди*) шу хилда, майинроқ қилиб олсангиз ашула анча силлиқ чиқади...

Раҳимов. Раҳмат... кейин ўргатарсиз... Хўш, аҳвол қалай, жангчи ўртоқлар?

Жангчилар. Яхши, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Овқат, ётиш-туриш?

Соҳиб. Михдай, ўртоқ полковник! Фақат ҳалиги томокидан...

Раҳимов. Ҳа, ҳа, томокидан қисилган кўринасизлар. Ўртоқ комбат, старшинага буюринг, ҳарбир жангчига юзтадан папирос берсин.

Загоруйко. Слушаюсь, ўртоқ полковник, юз донадан папирос берилади.

Жангчилар. Раҳмат.

Раҳимов (*Марченкога*). Тетикмисиз, қария?

Санюк. Бу кишини қария деманг, хафа бўлади. Ҳали норғил йигит.

Раҳимов. Бўлмаса узр... (*Енгил кулги.*) Лекин мушукнинг бўйнига қўнғироқ бойлаб келолмайдиган йигитлар ҳам бўлади.

Марченко. Биз унақасидан эмасмиз, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Биламан чайирсиз, Соҳибчангал айтгандай, михдай йигитсиз, шундайми?

Марченко (*хижолат тортиб*). Йўғе... Жудаям мақтаб юбордингиз, ўртоқ полковник.

Раҳимов (*унинг этигини кўрсатиб*). Оҳори тўкилипти-ку?

Марченко. Роса йўл босган, хизмати каттаю, лекин...

Раҳимов. Лекин нима? Ёки бу этик нуқул кетга қараб йўл босган демоқчимисиз?

Марченко. Топдингиз. Шунинг учун ҳам кўзимга совуқ кўриниб қолган-да савил. Қасд қилганман, то маймоқ бўлиб, жағи узилиб тушмагунча шу бланер депсаганим, депсаган!

Раҳимов (*кулимсираб*). Ҳа, ҳа, тоқат қолмади, денг?

Марченко. Бўлди-да, отнинг жиловини энди буюққа буриш керак!

Соҳиб. Бизни Берлин йўлига тўғрилаб: „Қани, ҳа азаматлар!“ деворинг, бизам, бундай ишди михдай қилиб, фашистнинг елкасидан сафар ойини кўрсатиб қўяйлик.

Раҳимов. Иш михдай бўладиган бўлса бўпти! *(Соҳибнинг қўлида китоб кўриб.)* Нима ўқияпсиз? Қани...

Соҳиб *(хижолат)*. Бекорчилик...

Раҳимов. Иш катта-ку... Инглиз тилини ўрганаёпсизми?

Марченко. Балодек гапиради. *(Кулги.)*

Соҳиб. Эй, ёлғонингизни қўйинг, уялтирманг, рус тилига нўноқману... Бу китобни, уч кун бўлди, топиб олдим...

Раҳимов. Тузук, тузук... *(Загоруйкога.)* Қарияга янги этик берилсин.

Марченко. Раҳмат, ўртоқ полковник. Этикни яхши ният блан сақлаб қўяман.

Раҳимов *(Шерматга)*. Хўш, Шермат аския, овоз қалай? Янги афандидан борми?

Шермат. Овоз тобида. Фриц ҳақида бир жуфт навусха афандини тўқиб, пардоздан чиқариб қўйдим, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Э, унақа бўлса эшитайлик.

Шермат. Қиттак чаласи бор. Роса қиёмига етсин. *(Пауза.)* Фрицни бир аския қиб ташлай дейману, сра яқин келмаяпти, хумпар!

Марченко. Бу бола яқинда келди. Ҳали жангга кирганича йўқ. *(Шерматга.)* Шошмай тур, рўдапога дуч келасан.

Шермат. Менга рўпара бўлмаяпти-да.

Раҳимов. Отангиз сизни Шер деб атапти, фриц шердан кўрқади. Бунинг устига, узоқдан дурбин солиб бўйинингиздаги ўқни кўриб, ўзингизни замбарак деб ўйлагандир... *(Кулги.)*

Арам. Хо-хо-хо... боплади-ку, куштомоқ!

Шермат. Аския бўлаяпти чамамда. Опташай дейману, пича андиша қиламан-да, ўртоқ полковник.

Санюк. Қофия келганда ҳечкимни аяма.

Раҳимов. Булар ёмон, рюя қилишмайди. Бир куни Йўлдош ота блан шуларнинг колхозига борганман.

Шермат. Ҳали-ҳали эсингизда экан.

Раҳимов. Бир олишамиз. Аммо айтиб қўяй, Шер, аскияга менам жуда уста бўлганман-да, ёмон оламан. Ҳа!

Марченко. Эҳтиёт бўласан, Шермат.

Шермат. Кўрамиз, ўртоқ полковник.

Соҳиб. Эркақори акаларни ҳам қочирган бола бу, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Арман халқининг қаҳрамони, димоғ чоғми? Уйдан хат келаяптими?

Арам. Раҳмат. Хат масаласида пешонамиз очиқ, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Зериккандирсизлар?

Марченко. Жуда-жуда, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Бўлмаса, ҳуш'ёр бўласизлар, йигитлар. Ўртоқ комбат, пе-те-эрчи группанинг бошлиғи ким?

Загоруйко. Мана шу Александр Коровин.

Раҳимов. Жуда соз. Тунда бўладиган мажлисга шу группадан уч-тўрт кишини олиб борасиз.

Загоруйко. Слушаюсь, ўртоқ полковник.

Санюк. Ўртоқ полковник. Яна бирмунча блиндажлар қолди, шуларни ҳам кўздан кечириб чиқсак.

Раҳимов. Яхши.

Геннадий, унинг кетидан Васька киради. Васьканинг сочи ўсиқ, кир эгида узун, кенг йиртиқ шинель, юзлари очликдан, йўл машаққатидан сўлгин, кўзлари ичига тортиб кетган, қарашлари дардли, газабли.

Геннадий. Ўртоқ полковник, армия қўмондони генерал-полковник Кедровдан... (*Хатни беради.*)

Раҳимов (*ўқиб*). Генерал чақираяпти, тез боришим керак экан, ўртоқ комиссар.

Санюк. Бўлмаса блиндажларни мен ўзим айланиб чиқаман.

Раҳимов. Яхши, жангчилар блан гаплашинг, ҳолаҳволни билинг! (*Васькани кўриб.*) Бу ким? Нима қилиб юрипти?

Геннадий. Бу бола боядан бери кетимга тушиб олиб, менга командирни кўрсатасан деб гиш-гиша қилади, холос. Эшикдан ҳайдасам, тешикдан киради, ҳозирнинг ўзида кўзини шамғалат қилиб машинага ўлтириб қочдим. Аммо бу зумраша, — қаноти борми билмайман, — буерга ҳам мендан илгари учиб келиб,

кўзини лўқ қилиб, яна рўпарамда турипти. Ҳа, нима дейсан? — Командирингни кўрсатасан, бошқа гап йўқ.

Раҳимов. Отинг нима?

Васька (*қовоғи солиқ*). Васька Куркин...

Раҳимов. Ота-онанг борми?

Васька. Икковини ҳам осиб ўлдиришди. Отам шахтёр, коммунист эди.

Раҳимов. Ўлдиришди? (*Пауза.*) Энди нима қилмоқчисан?

Васька (*босиқ ва ҳаяжон блан*). Қасос оламан!.. Аскар бўламан. (*Жимлик.*) Мен уни... (*Қичқириброқ.*) Ўлдираман! Қурол бермасангиз ҳам майли... (*Кир латтага ўралган, кичкина бир ханжарни этигининг кўнжидан чиқариб Раҳимовга кўрсатади.*) Ўзимда ҳам бор, мана. (*Беради.*) Уни танийман. Укки кўз, ўлдирмасдан қўймайман, букридан қасос оламан! (*Жимлик.*)

Раҳимов. Ёш экансан. Хат ёзиб берай, Тошкентга кет. Тўғри уйимга борасан. Яхши парвариш қилишади. Менга ўғил бўласан. Ота-онанг учун биз қасос оламиз

Васька. Йўқ!.. Ҳеч ерга бормайман! Мен уни топмай қўймайман. Мен буларнинг ҳаммасини ўлдираман! Ҳа, ҳаммасини!!!

Раҳимов ерга кўз тиккан Васьканинг руҳига киради, ачинади.

Раҳимов. Қани, жўнадик. (*Чиқабошлайди.*)

Васька (*Геннадийга*). Ҳой амаки, ўртада сўппайиб қолавераманми?

Геннадий (*Васькага*). Тошкентга жўна, хумпар, буерда нобуд бўласан.

Раҳимов (*қайтиб*). Ҳалиги бола қани?

Васька (*жон кириб*). Мана мен!

Раҳимов. Қани, юр! Замбаракнинг тагида бақаларни қўрқитиб юрарсан...

Васька (*гердайиб*). Ким нимани қўрқитади, ҳали кўрамиз.

Раҳимов. Хайр, жангчи ўртоқлар.

Жангчилар. Хайр, ўртоқ полковник!

Раҳимов, Загоруйко, Санюк чиқадилар.

Васька. Хайр, жангчи ўртоқлар.

Геннадий (*тажанг*). Васька!

Васька. Кўзингизни олайтирманг, амаки!

Геннадий. Қараб тур, ташвиш.

Васька. Ҳе...

Геннадий. Ҳай, ҳай Васькажон, шу ердан қайт.

Чиқадилар, жангчилар кулишади.

Марченко. Ўт бола, ўт!

Соҳиб. Михдай йигит бўлади.

Саша. Автомат де, автомат.

Марченко. Ўлмасин командиримиз.

Арам. Ўзи ҳам етимликда ўсган-да, билади.

Шермат. Арам, томокингни узат!

Ҳарқайси яна ўз иши блан овора, Соҳиб Шерматнинг қулогига шивирлайди.

Соҳиб. Шер!

Шермат. Ҳа, Соҳибжон?

Соҳиб. Эшитдингми?

Шермат. Эшитдим.

Соҳиб. Гаплари ма'қул-а?

Шермат. Ҳа.

Соҳиб. Ҳа, ҳеч гапиргинг келмайди, уйқу боса-яптими?

Шермат. Ҳайронман.

Соҳиб. Шу боланинг гапини эшитдим-у кўнглим ҳам бузилиб кетди. Э қўйе... Қани. (*Муштини тугиб.*) Ўша букрини топсаму чириган суяқларини тиззамга қўйиб туриб, тарашадай синдириб ташласам.

Саша. Ишлар михдай бўларди-да.

Соҳиб. Қани чал, Саша.

Саша ҳазин бир куйни чалади.

Марченко (*музика орасида*). Жанг қанча оғир бўлса, ғалабаси ҳам шунча ширин бўлади.

Соҳиб. Дядя Миша, кўпни кўрган одамсиз, қани, бир каромат қилинг-чи.

Марченко. Қандай каромат?

Соҳиб. Нима учун командиримизни бунчалак шитоб блан чақириб қолишди, а?

Марченко. Оборонада ётабериб бўғилиб кетдик. Ишқилиб, янги этик бечиз берилмаган бўлса керак.

Саша чалади, аста-секин табиат манзаралари ўзгаради, булутлар тарқайди, ҳайбатли тоғлар яна яққол кўринадилар. Буларнинг кўзлари узоқларда... Дам-бадам отилган ракеталар атрофни ёритиб туради. Жангчилар музыкага жимгина қулоқ соладилар.

Соҳиб (*ухлаб қолган Шерматнинг устига бир нарса ёзиб*). Совқотиб қолма, иссиғроқ ёт, Шермат-жон, дўстим...

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Генерал фон Бугнинг штаби. Бирнеча офицерлар генерални кутмоқдалар.

Адъютант. Генерал жаноблари.

Фон Буг ва полковник Штенгаль кирадилар.

Фон Буг. Жаноб офицерлар, Кавказ Гитлер оёғи остида. Кавказни ишғол қилишдай зўр бир вазифа фон Клейст жанобларига топширилган.

Офицерлар. Хайль Гитлер!

Фон Буг. Полковник Штенгаль, жаноб офицерлар, мен сизларга жуда кичик ва енгил бир вазифа топшираман. Раҳимов деган аллақандай осийли бир полковникнинг дивизиясига чақмоқдай тез ҳужум қилиб, уч кун ичида тамом янчиб ташлайсиз!

Штенгаль. Янчиб ташлаймиз, жаноб генерал!

Фон Буг. Олампаноҳ ҳазратлари бизни ҳечқачон унутмайдилар. Мана, ўқинг. (*Телеграммани узатади.*)

Штенгаль (*ўқиб*). Фюрердан? Қандай саодат!

Фон Буг. Яна шунча дабдаба, яна шунча техника! Фюрернинг марҳаматлари улуг. Полковник Штенгаль, кўксингиз яна ялтираб қоладиган бўлди.

Штенгаль. Фюрер ҳазратлари аввало жанобингизни...

Фон Буг (*қоғозни ёзиб*). Мана, азизлар, ҳамма нарса мана шу планда кўрсатилган. Бугун учинчи... Бешинчи сентябрь, соат бешу ноль-нольда... Жаноб офицерлар, операция учун мумкин қадар пухта тайёрлангиз. Полковник Штенгаль, саккинзинчи сентябрьда Раҳимов дивизиясининг тор-мор бўлганлиги ҳақида менга хабар берасиз!

Штенгаль. Хабар бераман, генерал жаноблари!
Фон Буг. Сизларга рухсат! Полковник, сиз қолинг!

Офицерлар чиқадилар.

(*Ад'ютантга.*) Меҳмонларни таклиф қилинг.

Ад'ютант чиқади, Жовид ва Сайидбеклар кирадилар.

Жовид ва Сайидбек. Хайль Гитлер!

Фон Буг. Хайль Гитлер! Марҳамат, азиз меҳмонлар! (*Кўришадилар, Штенгальга.*) Меҳмонлар блан танишинг. Империянинг дўсти, Туркия фарзанди Жовид афанди.

Штенгаль. Мамнунман. (*Кўришади.*)

Фон Буг. Бу жаноб туркистонли, Сайидбек афанди.

Штенгаль. Бахтиёрман. (*Кўришади.*) Жовид афанди, Туркияга Фюрер ҳазратларининг алоҳида меҳру муҳаббати бор. Сиз бунга шак-шубҳа қилмасангиз керак.

Жовид. Бу муҳаббат блан биз фахрланамиз. Шунинг учун ҳамки, империя армияси Кавказда, айниқса Боку ҳам Туркистон дарвозаларига яқин турган бир пайтда биз турклар бу воқиаларга бепарво, тамошабин бўлиб қараб туrolмадик. Ғалабангиз бизни ниҳоят даражада шоду хуррам қилди. Биз ҳам қўлимиздан келганча ёрдамлашиб, ғалабангиз хазинасига ўзимизнинг арзимас ҳиссамизни қўшдик.

Фон Буг. Миннатдорман. Ҳаммамизнинг мақсадимиз битта; Кавказ ҳам Туркистонни большевиклар панжасидан озод қилмоқ, Фюрер ҳазратларининг енгилмас қиличи ҳимоясида шу юртларда ҳақ ва адолат ўрнатмоқдир.

Сайидбек. Бизнинг ҳам орзу а'молларимиз, қўлдан кетган бахту давлатимизни Фюрер қиличи ҳимоясида қайтадан тикламоқдир, генерал ҳазратлари.

Фон Буг. Марҳамат, жаноблар, бу энг а'ло томоки, Туркиядан мукофот, бу эса Франциянинг машҳур коньяги, қани, марҳамат. (*Томоки тортадилар.*) Сайидбек жаноблари, сизнинг юртингиздаги боғларда, ҳаётбахш водийларда лазиз узумлар кўп битар эмиш, тўғримми?

Сайидбек. Тўғри... Фарғона водиси, Хоразм, Тошкент, Самарқанд, Бухоро сингари шаҳарлар ўзларининг

бўлиқ ерлари, узумзорлари, айниқса пахталари блан машҳур, генерал жаноблари. Масалан, биргина падари бузрукворимнинг бешта шаҳарда пахта заводлари, жаннатсимон боғлари, юз мингдан ортиқ қоракўл қўйлари бўлган эди. Ҳе, атанг...

Фон Буг. Қоракўл, пахта, нефть! (*Мийиғида кулиб.*) Қани жаноблар, нефть, пахта, қоракўл учун ичайлик! Кавказ бугун ё эртага тамом бизники бўлади. Ўзбекистон виноларини ҳам, албатта, биргаликда ичамиз, Сайидбек афанди.

Ичадилар.

Сайидбек. Иншоолло. Аввал Бухорода, менинг боғимда... Гиждивонда шундай катта боғим бор эдики, унга ҳатто амир ҳам кўз тиккан эди. Ҳозир у боғ... Йўқ, мен бунга чидолмайман, юрагимни куйдирган чўғ йигирма икки йилдан бери ўчмайди. Мен уларнинг пўстларига сомон тикмасам, дун'ёдан армон блан кетаман.

Жовид (*кулиб*). Жаноб генерал, Туркия давлати ҳам анчадан бери Кавказ ва Ўрта Осиёдаги мамлакатларга...

Фон Буг (*айёрлик блан кулиб*). Нима демоқчи эканлигингизни кўзингиздан билиб турибман, ҳа, ҳа!.. Фюрер ҳазратлари ҳам шу ўлкаларни Туркия паноҳига топширишга тантанали суратда ва да қилган, деган сўз бир вақтлар қулоғимга еткандай бўлувди, Жовид афанди.

Жовид. Бу оламшумул марҳамат, шоён таҳсин! Ҳали ҳам кечаги бир воқиадек эсимда; Кавказ ва Шарқий Бухорода Туркия қиличининг кучи блан тартиб ўрнатмоққа киришдик. Аммо бу ўлкаларда ҳокимиятни большевиклар қўлга олдилар. „Қўқон мухторияти“ битирилди, амир салтанати тугатилди. Биз бунга чидаб туrolмадик. Ёрдамга югурдим. Сайидбек афанди блан биргаликда амир салтанатини қайтадан тиклашга уриндик.

Фон Буг. Кечирасиз, Британия давлатининг бево-сита амр-фармони блан ҳам, деб қўйинг, Жовид афанди.

Жовид. Шундай, Черчилль жанобларининг ғайрат ва кўмаклари блан...

Фон Буг. Ҳа, ҳа... энди у киши гўё... Йўқ, Черчилль ҳечқачон русларга дўст бўлган эмас, бундан сўнг ҳам дўст бўлмаса керак, албатта. Хўш, қандай операциялар ўтказдингиз?

Жовид. Босмачилик ҳаракатига ривож бердик.

Сайидбек (*ширакайф*). Тўғри, бир мен ўзим нима ишлар қилмадим. Осдим, кесдим, ёндирдим, қонга ботирдим, коммунист, комсомолларни бўғизладим, айниганларнинг ёстиғини қуритдим. Дин-шариатни рўкач қилдим, ҳар тадбир, ҳар чорани кўрдим, аммо мақсадимга етолмадим. Ниҳоят, ўз жонимни зўрға олиб қочдим. Ҳайрият яна фурсат келди. Яна бораман. Бу гал сизнинг паноҳингизда бораман, мен сизнинг ҳарбир буйруғингизни садоқат ва ихлос блан бажаришга доим тайёрман. Ана шунинг учун ҳам ичаман, генерал жаноблари.

Фон Буг. Чиройлик гапирдингиз, Сайидбек афанди. Юртингизни кўрмагалингизга қанча бўлди?

Ичадилар.

Сайидбек. Бухородан чиқиб кетганимга роппа роса йигирма икки йил бўлди.

Штенгаль (*қадаҳларга май қуйиб*). Чиқиб кетганингизгами, ёки, кечирасиз, чиқариб юборганларигами? (*Кулишади.*)

Сайидбек. Бу пичинг, гарчи аччиқ бўлса ҳамки—ҳақиқат.

Жовид. Яна ҳам тўғрироғи, уриб чиқарилганларига йигирма икки йил бўлди.

Фон Буг. Ўшанда ҳам калтакни, Сайидбек афанди, мана шу генерал Кедров блан Раҳимовдан егансиз.

Сайидбек. Афв этасиз, сиз буни қаёқдан биласиз, генерал жаноблари?

Фон Буг (*папкадан бир варақ қоғоз олиб*). Таржимаи ҳолингиздан маълум. (*Пауза.*) Биз даставвал бошқача ўйлаган эдик. Мулоҳазамиз хато бўлиб чиқди. Совет халқлари ўзаро урушар, жанжаллашар, бўғишар, тарқалиб, бўлиниб кетар, деб умид қилар эдик. Аммо умидимиз сув юзидаги кўпикдай пучга чиқди. Ҳа, ҳа, пучга чиқди! Бу нарса Фюрер ҳазратларини, бутун империяни қайғуга солади. Чунки Совет халқлари бир ёқадан бош чиқариб, якдил, яквужуд бўлиб бизга қарши жанг қилмоқдалар. Уларни ажратиш учун қилаётган барча тадбир, чораларимиз ҳаммаси шамолга учмоқда. Большевизм чорак аср мобайнида булар-

нинг миясида шу қадар чуқур, бақувват илдиз отганки, бу илдизларни фақат калла блан биргаликда қўпормоқ мумкин, холос. Ҳа, ҳа, шундан бўлак чора йўқ. Шундагина биз Фюрернинг янги тартибини жаҳон миқёсида мустаҳкам ўрнатаолурмиз.

Жовид. Бу вазифани бажармоқ учун Туркия давлатининг бир миллион армияси Кавказ чегараларида жанговар бир ваз'иятда ҳозир-нозир турипти, жаноб генерал. Бу армия буюк империя учун қон тўкишга тайёр. Фақат ҳалигидай... (*Дудуқланиб.*) Ўртада... Сталинград масаласи...

Фон Буг (*ранги ўчиб, тажанг*). Биламан, келинг, амалий ишга ўтайлик. Сиз, Жовид ҳам Сайидбек афандилар, оберлейтенант Шиль блан биргаликда иш кўрасиз. Вазифа оберлейтенант Шильга тўла тушунтирилган. Бор кучни ишга солинг. Ҳийла-тадбирлар қуринг, варақалар тарқатинг. Радио орқали Кавказ мусулмонлари ўртасида ташвиқот олиб боринг. Тез кунда полковник Раҳимовни йўқотинг. Бу вазифани мен сизларга топширдим. Керакли ҳужжат ва қурооллар блан таъмин қилинасиз. Бир йўл топиб, ўзингизни Раҳимов штабига етказасиз, уни бартараф қиласиз...

Шиль. Бажарамиз, генерал жаноблари.

Фон Буг (*Шильга*). Асирни олиб келинг.

Шиль чиқади.

Жовид афанди, сиз Фюрернинг янги тартиб ва янги мафкурасини мусулмонлар ичида ташвиқ қилинг. Айниқса ўзингизнинг синалган қуролингиз — пантуркизмни ишга солинг. Империяга ёрдам курсатинг. Полковник Штенгаль, сиз бу жанобларни операциямиз плани блан таништиринг.

Штенгаль. Хўп бўлади, генерал жаноблари.

Фон Буг. Қани, ғалаба учун, жаноблар!

Ичадилар. Шиль, яна бир немис автоматчиси бирга — калтакланган, кўйлаклари йиртилган бир жангчини олиб кирадилар. Жангчи — мағрур, тикка туради. Жимлик.

Штенгаль. Хўш, ҳали ҳам гапирмайдими?

Шиль. Ҳатто инграмайди ҳам.

Фон Буг (*Жовидга*). Разведкачи. Адашиб қўлга тушган.

Штенгаль. Тўртта азаматимизни чавағлаб ташлади, бу аблаҳ.

Жовид. Қийнаб ўлдириш керак!

Штенгаль. Лекин кичкина бир хизмат қилиб, тирик қолиши мумкин. Ўжар, мутаассиб!

Фон Буг. Гаплашиб кўринг, Жовид афанди.

Жовид. Отинг нима? Гапир!

Шиль. Оти Дўлон.

Сайидбек. Дўлон, Раҳимов дивизияси ҳақида нима биласан? Қўрқма, ёрдам берамиз, биласанми, иккимиз ҳам бир одам, бир юртдан.

Жовид. Тўғри, ҳаммамиз бир миллат фарзандимиз.

Дўлон (*бошини кўтаради, узоқ тикилади*). Бир миллат? Бир одам дедингми? Сен одаммисан?! Сен бербурд, бетайин, миллатфурушсан! (*Жовидга.*) Сенчи? Сенинг миллатинг фашист! Касбинг жаллодлик! (*Тепади.*)

Фон Буг. Аблаҳ!

Дўлон. Сен ажалсан!

Жовид. Йўқотинг!

Дўлон. Ўлимга маҳкум алвастилар!

Фон Буг. Олиб чиқинг, осинг!

Дўлон. Тфу!

Дўлонни уриб олиб чиқадилар.

Жовид. Генерал жаноблари, бу мени ҳақорат қилди. Рухсат этинг — ўз қўлим блан, ў... Бадбахт!

Фон Буг. Бўғилманг! Асаб учун энг яхши дори... (*Коньяк қуяди.*) Қани, соғлигингиз учун...

Жовид. Ташаккур, генерал жаноблари.

Фон Буг. Уч кун ичида Раҳимов дивизиясини тормор қилиш учун.

Ичадилар.

ИККИНЧИ ПАРДА

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Армия қўмондони Кедровнинг штаби. Икки бўлмадан иборат уй. Уйнинг этагида парда блан ярим тўсилган кровать. Деразаларнинг пардалари туширилган. Деворда катта харита. Бир бурчакда радио приёмник. Ўртада стол. Стол атрофида бирнеча генераллар, полковниклар ва турли даражадаги офицерлар ўтиришипти. Улар генерал полковник Кедровнинг сўзини тингламоқдалар. Қабулхонада адъютант Швидко.

Кедров. Қўшини ва Гудериан сингари генераллари Москва остонасида тор-мор бўлгандан сўнг Гитлер бўлак йўлга ўтди. У Россияни зўр қисқич ичига олиб, Волгада иккига бўламану, осонгина ютаман, деб ўйлайди. Мана — Қрим, Керчь, Тамань яримороли, Манштейн, Маттенклот, Иянеке каби Гитлер генералларининг панжасида. Гитлер Волгага Паулюсни, Кавказ ва Кубаньга бўлса фон Клейстни юборди. Европани лимондай сиқиб, итальян, румин, венгер группаларини ўтга отмоқда. Тамань — Гитлер армияси учун бир трамплин. Шу ердан туриб у Тбилиси бойликларини, Боку нефтьларини босиб олмоқчи ҳам ўзининг аҳмақона планларини амалга оширмоқчи! Фон Клейст қаттол душман. У блан жанг жуда қаттиқ бўлади. Фон Клейст 198-нчи ва 125-нчи пйёда аскар дивизияларини ва 94-нчи тоғ дивизиясини яна қанча танк, мотомеханиклаштирилган полкларини мана бу Қайнар булоқда, Кохт тоғлари, Кулечовой ҳам Качканов районларида тўплаган. Унинг мақсади қаттиқ зарба блан ёриб ўтиб, Туапсега чиқиб олишдир. Олий Қўмондон Шимолий Кавказ fronti армиялари олдига шундай шарафли вазифани қўяди: душманнинг олдинга силжишини тўхтатиш, жонли кучлари ва техникасига қирон солиш, фурсат келганда буйруққа мувофиқ ҳужумга ўтиб, Шимолий Кавказни,

Кубаньни душмандан тозалаш, Краснодар, Новорос-
сийск, Тамань, Қрим, Одесса орқали Берлинга қараб
йүл олиш. Вазифа оғир, лекин шарафли.

Лукьянов бир қадар ҳовлиққан ҳолда киради, Кедровга қоғоз
узатади. Кедров хатни ичида ўқийди ва сўзида давом этади.

Ҳаммангиз ўз мулоҳазаларингизни, тадбир ва талабларингизни ёзиб тайёрланг. Бугун кечқурун фронт штабда қўмондон ҳузурида менинг докладим бўлади. Саволлар борми?

Офицерлар. Равшан, ўртоқ генерал полковник!

Кедров. Бўлмаса, сизларга жавоб. (*Лукьяновга*).
Рациядан берилдими?

Генерал ва офицерлар хайрлашиб чиқадилар.

Лукьянов. Шундай, тездан бунга қарши зарурий чораларни кўрмоқ керак.

Кедров. Генерал фон Буг офицерларини тўплаб, уларнинг олдида кичкина бир вазифа қўйипти, Ўрта Осиёли бир полковникнинг дивизиясини блиц-натиск блан уч кун ичида тор-мор этиш учун 5 сентябрь соат беш ноль нольда... Шундай... Демак, эрта ўтиб индинга тонг пайтида...

Лукьянов. Шундай, Николай Иванович...

Кедров. Ҳа, ҳа, душман Кавказда ҳал қилучи зарба учун ҳозирлик кўрмоқда. У бу зарбани даставвал Раҳимов дивизиясига бермоқчи бўлади. Сиз уларнинг оператив фикрларини қандай деб ўйлайсиз?

Лукьянов. Клейст ҳар икки флангда бақувват танк группалари тўплаган. Разведканинг кўрсатишича, Клейст армиясига ёрдамчи кучлар қўшилмоқда. Танк дивизияларига материал қисмлари олмоқда. Шунга қараганда, зарба ҳам ғарбдан, ҳам шимолдан бир вақтда берилади. Лекин у илгари Раҳимов дивизиясига зарба бермоқчи. Фон Буг Клейстнинг маккор, танк ҳужумига моҳир генералларидан, бу унинг таржимаий ҳолидан маълум. Клейст шу операция блан Шимолий Кавказни олиб, Туапсегга чиқиб олмоқчи.

Кедров. Демак, полковник Раҳимовнинг зиммасига жуда оғир вазифа тушар экан. Қандай бўлмасин, Раҳимов дивизияси бу ҳужумни тўхтатиши, фон Бугни бир қадам илгари ўтказмаслиги шарт.

Лукьянов. Раҳимов дивизияси бу ҳужумни тўхтатиши керак. Шунга кўра бу тўғрида менинг алоҳида фикрим бор, Николай Иванович.

Кедров (*харитадан кўзини узмай*). Эшитай, Захар Захарович.

Лукьянов. Инкор қилмайман, полковник Раҳимов жангларда чиниққан қобилиятли офицер. Аммо ўртада Кавказ масаласи кўндаланг турипти. Тоғдай бу оғир юкни Раҳимов кўтараолармикан? Борди-ю, Раҳимов фон Бугнинг ҳужумини тўхтатаолмас...

Кедров. Хўш, унда нима бўлади?

Лукьянов. Душман бизни анча овора қилади. Ҳатто Туапсегга ёриб ўтиши ҳам мумкин.

Кедров. Ҳа, ҳа... Тўғри... Тўғри...

Лукьянов. Бу ҳақда чуқурроқ мулоҳаза юритишимиз керак.

Ўртага оғир жимлик чўкади, Кедров уёқдан-буёққа юради.

Кедров. Фон Клейст, бу қари тулки фон Бугни Раҳимов дивизиясига қарши қўйиши бечиз эмас. Шахтёрлар дивизияси Ростов жангларида донг чиқарди. Буни туллак фон Клейст яхши билади. Хўш, қанақа маслаҳат берасиз?

Лукьянов. Раҳимовни бошқа ўринга олиб, у дивизияга тажрибакор генераллардан бирини юборсак дейман.

Кедров (*Лукьяновнинг кўзига қараб*). Захар Захарович, бу қандай маслаҳат? Бу гап менга ҳазм бўлмади, кечирасиз...

Лукьянов. Николай Иванович, Раҳимов ёш, осов отдай тез, тажанг, ғазабини босолмай бирон хатога йўл қўйгудай бўлса, фон Буг уни букиб қўяди, деган хавфим бор, холос.

Кедров. Раҳимов қачон ва қаерда букилипти, ўртоқ генерал-лейтенант.

Лукьянов. Мен генерал фон Бугнинг бутун плюсминусларини ҳисобга олиб гапираяпман, Николай Иванович! Ахир, гап Кавказнинг тақдири устида...

Кедров. Раҳимовни бўшанг, заиф демокчимисиз?

Лукьянов. Йўқ, Раҳимов чиниққан, пишиқ офицер, аммо генерал фон Буг айёр, даҳшатли алвасти.

Кедров. Даҳшат десангиз ҳам, бало десангиз ҳам мана шунинг ўзи!

Лукьянов. Ким?

Кедров. Раҳимов! Раҳимов — фашистлар учун даҳшат. Яқинроқ келинг. Мен Сизга бир план кўрсатай. Мана, Раҳимов тузган. (*Қогоз кўрсатади, шивирлашади.*)

Қабулхонага Раҳимов киради.

Швидко ўрнидан туради.

Раҳимов. Салом, ад'ютант. Нега бормайсан?

Швидко. Фурсат бўлмапти, ўртоқ полковник!

Раҳимов. Бор, Ўзбекистондан совғалар келди, яхши винолар ҳам бор. Меҳмон қиламан.

Швидко. Унақа бўлса борганим бўлсин, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Геннадий, ўтиратур.

Швидко. Марҳамат, ўртоқ лейтенант. Мана стул, ўтиринг.

Геннадий. Раҳмат. Ҳожати йўқ. Битта чексак майлими? (*Ўтиради, чекади.*)

Раҳимов (*кириб*). Ўртоқ генерал-полковник, буйруғингизга мувофиқ келдим.

Кедров. Келинг, Собир Умарович.

Кўришадилар.

Лукьянов. Соғлиқ қалай, полковник?

Раҳимов. Раҳмат, ўртоқ генерал-лейтенант, соғлигим яхши.

Кедров. Гуноҳингизни биласизми?

Раҳимов. Йўқ.

Кедров. Устингиздан шикоят тушди.

Раҳимов. Шикоят?

Кедров. Ҳа, мана Тошкентдан хат олдим... Ўртоқингиздан... Эрим ухламасдан озиб кетипти, уришиб қўйинг, депти. (*Хатни кўрсатади.*)

Раҳимов. Келинингиз менга ҳам шу мазмунда хат ёзипти. (*Кулишади.*)

Кедров. Хўш, нега ухламайсиз? Қани, менга айтингчи, нега ухламайсиз-а?

Раҳимов. Ухлайман, Николай Иванович. Лекин кўпинча уйқим бузилади.

Кедров. Ҳа, ҳа, кўзингизга ҳалигидай душманлар, кўришади, ўшалар блан бўғишасиз, кейин чўчиб уйғониб кетасиз, шунақами?

Раҳимов. Худди шундай, ўртоқ қўмондон.

Кедров. Ана ўша душманлар Собир Умарович, сизни ўнгингизда янчиб ўтишга қасд қилишган. Хўш, бунга нима дейсиз? (*Кўзига тикилиб туради.*)

Луқьянов. Яна қанақаси денг, энг қаттоли.

Раҳимов. Бешинчи сентябрь соат бешу ноль-нольда.

Кедров блан Луқьянов бир-бирларига ма'ноли қарашиб олади.

Кедров. Сиз буни қаердан билдингиз?

Раҳимов (*қабулхонага қараб*). Геннадий!

Геннадий (*кириб, салом беради*). Разведка группасининг бошлиғи лейтенант Смирнов Геннадий эшитди, ўртоқ қўмондон!

Раҳимов (*Кедровга*). Бундан беш соат илгари бу азамат учта жосусни тутиб олган. Бирини қочгани учун жойида отиб ўлдирган, икkitаси тирик қўлга тушган. Мана сўроқ протоколи.

Кедров. Немис эмас-ку?

Раҳимов. Ўзбек, қочоқ босмачи, бири обер-лейтенант, мана буниси турк офицери.

Кедров. Турк? Кавказда... Бу Геббельснинг найрангларидан бири. Бунда сир бор. Раҳмат, сизга рухсат.

Геннадий честь бериб чиқади.

Луқьянов. Хўш, энди ўзингиз нима дейсиз?

Кедров. Фон Буг эртага дивизиянгизга ҳужум бошлайди. Аммо орқага бир қадам силжиш Кавказни душман оёғи остига ташлаш деган сўз. Сиз, ўртоқ полковник, Кавказ дарвозасини қўриқлаб турипсиз. Бу ишончни оқлашингиз керак.

Раҳимов. Партия ва халқимнинг ишончини оқлашга жоним борица ҳаракат қиламан.

Луқьянов. Душман катта куч блан ҳужум бошлайди.

Раҳимов. Кўкрак блан қарши оламин.

Кедров. Кўкрак блан эмас, кўкрак тешилади. Ўт-олов блан қарши олишингиз керак!

Раҳимов. Ўт-олов блан қарши оламин. Техникamız оз, одам кам, шароит оғир, шуни айтишим керак-

ки, ўртоқ қўмондон, қанча оғир бўлмасин, душман ҳужумини тўхтатишга ҳаракат қиламиз, бир киши қолгунча курашиб ўз маррамизда жон беришга тайёرمىз.

Кедров. Жон беришга шошилманг, жонни сақланг. Аввал жанг қилишга урининг. Жанговар мудофаа учун позиция танлаш, батальон, рота, взводлар учун жасур командирлар танлаш ва уларни тарбия қилиш ишининг ҳам аҳамияти зўр. Шуларга эътибор қилинг. Мен сизнинг дивизиянгизга қўмондонлик қилмоқчи эмасман, душманни ўтказманг, қиринг, маҳкам туринг, чекинманг. Қўмондоннинг буйруғи шу!

Раҳимов. Чекиниш йўқ! Вазифани бажаришга рухсат этинг, ўртоқ қўмондон.

Кедров. Солдат — бу улуғ сўз. Уларга ғамхўрлик кўрсатинг, ҳаммамиз ҳам солдатмиз.

Раҳимов. Менга одам ҳам техникадан ёрдам берасизми?

Кедров. Ёрдам берардиму, афсуски, резерв масаласи...

Раҳимов (*жимликдан сўнг*). Бўлмаса яна бир-қанча танк ҳам пе-те-эрлардан беришингизни сўрайман.

Кедров. Ҳозирча сизга танк керак эмас, пе-те-эрдан қанча сўрайсиз?

Раҳимов. Элликта.

Кедров. Бу кўп. (*Қўйин дафтарчасига қараб.*) Йигирмата олиб туринг. (*Ёзиб беради.*)

Лукиянов. Кавказ масаласи, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Мен ҳарбий сан'атни Бокуда ўрганганман. Кавказ менинг иккинчи ватаним. Ҳа, ўзбек халқининг мактубини жангчилар ўртасида ўқиб чиқдик.

Кедров. Жуда яхши. Ўқидим, жуда ўткир ёзилган. Хайр, ўртоқ полковник, сизга ғалаба тилайман.

Раҳимов. Раҳмат. (*Чиқаётиб.*) Қани кетдик, Геннадий. Хайр Швидко. Бор, бўлмаса вино тугаб қолади.

Швидко. Хайр, ризқимизга яраша қолар, ўртоқ полковник.

Раҳимов блан Геннадий чиқиб кетади.

Швидко ичкари киради.

Ўртоқ генерал полковник, сизга ҳечнарсаси керак эмасми?

Кедров. Менга ҳечнарсаси керак эмас.

Швидко. Ахир бу нима? Чой музлаб, колбасаям жаҳлидан кўкариб кетипти-ку.

Кедров (*кулиб.*) Янгилаб келақол, жонинг чиқмасин.

Швидко чиқади.

Хўш Захар Захарович, сиз менга бир нарса демоқчимидингиз.

Лукьянов. Нима ҳам дер эдим, яна ўзингиз биласиз... Ҳар ҳолда кўп оғир участка. Мен Раҳимовни ўз ўғлимдай кўраман, аммо бу фон Буг...

Кедров (*завқ блан*). Кўрдингизми, бургутнинг боласига ўхшайди, — ёвқур, забардаст йигит... Ажойиб... Мен ишонаман! Қани харитани олинг!

Лукьянов столга харитани ёзади, ҳар иккови қўлларида қалам, энгашадилар.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Дивизия штаби. Ярим кеча. Мажлис. Офицерлар состави. Тартибсиз стуллар, тутун.

Раҳимов (*офицерларга*). Мана қаранг... Душмanning асосий техника кучи, майор Бадридзе, сизнинг полкингиз турган шу икки катта йўлдан келади. Демак жанг оқибатини сиз ҳал қиласиз...

Бадридзе. Шундай, ўртоқ полковник. Разведка материаллари ҳамда душмanning сўнгги кунлардаги хатти-ҳаракатига қараганда ҳужум дастлаб Иван Загоруйко батальони турган участкага, мана буерга бўлади. (*Харитадан кўрсатади.*)

Раҳимов. Сизнинг мулоҳазангиз қандай, майор Шаров?

Шаров. Мен ҳам шундай деб ўйлайман, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Сизнинг полкингиз, майор Шаров, чап томондан бўладиган ҳужумни қайтаради. Вазият талаб қилса Бадридзе полкига ёрдам берасиз.

Шаров. Ёрдам бераман, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Мардлик ва жасорат кўрсатинг. Душмanning ҳужуми шиддатли бўлади. Қат'ият ҳамда темирдек ирода блан қарши турингиз!

Шаров. Душман ҳужумига кўкрак блан қарши турамиз.

Раҳимов. Кўкрак блан эмас, кўкрак тешилади, ўт-олов блан қарши олингиз, ўртоқ майор!

Шаров. Ўт-олов блан қарши оламиз, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Вазифа равшанми?

Офицерлар. Равшан.

Раҳимов. Саволлар борми?

Офицерлар. Йўқ.

Раҳимов. Хўп, қолган гаплар жанговар буйруқда айтилган, уруш планида кўрсатилган, ҳаммангизга муваффақият тилайман. Майор Бадридзе блан комбат Загоруйко қолади. Бошқаларга жавоб.

Офицерлар чиқадилар.

Санюк. Қани, ўлтиринг ўртоқ комбат. Айтганча уч-тўртта жасур йигитларни ўзингиз блан бирга олиб келинг деган эдик.

Загоруйко. Улар шу ерда. Чақирайми?

Раҳимов. Бироз тўхтанг. Вазифани аниқ тушундингизми? Душман дастлаб сизга ҳужум қилади, демак ғалабанинг калити сизнинг қўлингизда, ўртоқ комбат.

Бадридзе. Қани, харитангизни олинг. (*Загоруйкодан харитани олиб кўрсатади.*) Мана бу батальон участкаси, буерда батальон артиллерияси бор. Булар қўшни батальонлар, бу ўқ ячейкалари.

Загоруйко. Жанговар пойлоқчилар мана буерда. Саволим ҳам шулар ҳақида, ўртоқ полковник. Сиз ғалаба дейсиз, батальон участкасида бўладиган ўпирилиш ни ўзимдаги бор кучлар блан йўқ қилишга ақлим етмаяпти. Чунки резервда турган биронта ҳам взводим йўқ. Тўсатдан бериладиган қаттиқ зарбани қайтаришга кучим ҳам етарлик эмас. Аммо шуни айтишим керакки, ўртоқ полковник, батальон чекинмайди, керак бўлса ўз маррасида жон беради.

Раҳимов. Жон беришга шошилманг, жонни сақланг, душман блан жанг қилишга, ғалаба қозонишга ўрганинг!

Загоруйко. Душман бизнинг жанговар постда турган йигирма-ўттизга яқин жангчиларимизни уриб ташлаб, ёриб ўтади.

Санюк. Нега уриб ташлаб? А? Нега ёриб ўтади?

Загоруйко (*таажжубланиб*). Ахир ўн-ўнбеш одамдан иборат бўлган жанговар постагилар душман-

нинг жуда катта кучини тўхтатиб туролмайди-ку, ўртоқ комиссар!

Раҳимов. Мен сизга ҳайронман комбат, ахир сиз фашистни савалаган офицерсиз-ку? Ельнида, Оқсойда, Кукуевода, Гончаров, Казатчино районларида, ниҳоят Ростовда.

Загоруйко. Унда ўзимиз ҳужум қилганмиз, ўртоқ полковник.

Санюк. Солдат бир жойда ўтириб ўлим кутмайди, ўлимни душманга рўпара қилиш керак. Сиз, душман уриб ўтиб кетади, дейсиз, ҳолбуки, буерда фақат жанг қилиш шарт, ўртоқ комбат.

Раҳимов. Комиссарнинг гапи ҳақ. Душман, мана буердан келади. (*Харитадан кўрсатади.*) Буерларга бақувват пе-те-эрчи взводлар юборинг. Йўлларга мина қўйинг, енгил миномёт, қўл пулемётлари бўлсин, лекин группа енгил, қаққон бўлиши шарт.

Загоруйко. Ўртоқ полковник, душман буердаги кучларимизни ҳар икки томонидан ўтиб кетаверади.

Бадридзе. Ҳар икки томон жарлик, тоғлик-ку.

Раҳимов. Немис машинасиз буерлардан юрмайди. Фақат шу йўлдан келади, кўрдингизми? Пулемёт, миномёт ҳам танкка қарши отадиган милтиқлар блан қуролланган кичик бир взводни ҳам буерлардан уриб чиқариш қийин. Мана бу тепаликка пистирма қўйиб душманни шу ерда қарши олиш керак. Танклар бостириб келдими, взвод орқага ташланиб, сўнг биқиндан урсин. Яна яшириниб, сўнг мана буерда пайдо бўлиб ўтга тутсин. Кўрасизми, ёвларни неча марта овора қилишингиз, ўтказмасдан тутиб туришингиз, ҳатто улоқтириб ташлашингиз мумкин. Бизнинг вазифамиз, душманни бир қадам ҳам илгарига ўтказмаслик, орқага чекинмаслик!

Загоруйко. Чекинмаймиз!

Раҳимов (*Геннадийга*). Жангчиларни чақир.

Геннадий чиқади. Саша, Соҳиб, Марченко, Арам ва Шерматлар кириб салом берадилар.

Саша. Буйруғингизга мувофиқ келдик, ўртоқ полковник. Пе-те-эрчи группа бошлиғи Александр Корвин.

Санюк. Зогоруйконинг ишонган тоғлари.

Раҳимов. Душман танкларига қирон соладиган довиюраклар! Мана, сизларга ҳам иш чиқиб қолди.

Саша. Вазифани қойил қиламиз, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Тушунтиринг, ўртоқ комбат!

Загоруйко. Фашистлар тонг пайтида бизга қарши ҳужум бошлашади. Душмanning ҳужумини сизлар қарши оласизлар. Сиз мана шу жойда пистирмада ётасиз. Вазифангиз шу. Душмanning автоколонналарини, артиллерия ва танкларини ўтказмайсиз...

Саша. Бир қадам ҳам ўтказмаймиз. Пўлатдай маҳкам турамиз!

Раҳимов. Сизларга жавоб.

Саша. Ўртоқ комбат!

Загоруйко. Ҳозир етаман.

Жангчилар чиқиб, қабулхонада тўхташади.

Раҳимов. Сиз буларнинг ҳаракатидан мени хабардор қилиб турунг.

Загоруйко. Хабардор қилиб тураман, ўртоқ полковник. Кетишга ижозатми?

Раҳимов. Боринг.

Загоруйко. Ўртоқ майор, сиз блан...

Бадридзе. Ҳозир ўзим бораман.

Загоруйко. Слушаюсь, ўртоқ майор.

Загоруйко чиқиб кетади. Раҳимов Бадридзе блан харита устида шивирлашиб қолишади.

Васька. Амаки, мени ҳам бирга олиб боринг.

Геннадий. Эй, қаёққа борасан. Сени мен зўрға топганман. *(Жангчиларга.)* Бу менинг кадрим бўлади.

Саша. Эшитдингми? Сен ҳам кетсанг командир ёлғиз қоларкан.

Геннадий. Хафа бўлма.

Саша. Хайр ука...

Соҳиб. Васькажон, қалайсан?

Васька. Михлайман.

Соҳиб. Баракалла! Ўша укки кўзни тутсам нима қилай? Тириклай чайнаб ташлайми?

Васька. Э, қўйинг! Масхара қилманг!

Соҳиб. Хафа бўлма. Ҳа, Васька, мени Соҳибчангал дейишади, ёдингда тут. Катта бўлганигда эслаб юрарсан. Ўзбек эди, бўтақоралик эди, ўзи ҳам қопқора, келишган, михдай йигит эди, дейсан.

Жангчилар кулишиб чиқишади.

Бадридзе. Хўп, ўртоқ полковник. Ҳамма айтганларингизни бажараман, рухсат беринг.

Раҳимов. Майли, боринг, ҳуш'ёр бўлинг!

Бадридзе кетади. Геннадий киради.

Асирларни олиб кириб.

Геннадий, Васька қўлларида автомат, асирларни киритадилар.
Шиль блан Жовиднинг боши эгилган.

Қани, яширманг, ҳаётдан умидингиз бўлса, тўғриси гапиринг! Охирги марта сўрайман. Ҳужум қайси кунга белгиланган, қанча куч блан ва қайси томондан бошланади? Ҳаммасини гапиринг.

Шиль. Айтганман.

Раҳимов. Ўнинчи сентябрь соат тўртдами?

Шиль. Ўнинчи сентябрь соат тўртда.

Раҳимов (*Жовидга*). Тўғрими, тасдиқ қиласизми?

Жовид. Тўғри, тасдиқ қиламан.

Шиль. Бизга барибир, яширадиган жойи қолгани йўқ, фон Бугнинг буйруғи шу. Ўнинчи сентябрь.

Раҳимов. Ёлгон!

Шиль. Билганимиз шу!

Раҳимов. Ёлгон!

Шиль. Бўлак нарсани билмайман.

Раҳимов. Газанда! (*Ўрнидан шарт туради, уёқдан буёққа юради, газабини босишга уринади, Жовидга.*) Хўш, сен бу фашистларнинг оёғи тагида нима қилиб ўралашиб юрибсан? Ёки ер ва'да қилдимиз?

Васька (*Геннадийнинг қулоғига секин*). Ер керак бўлса ўзимиз икки метр ер берамиз қўямиз.

Геннадий (*секин*). Сайрамай тур, мамадана.

Васька. Слушаюсь, мамадана сайрамай туради.

Раҳимов (*Жовидга узоқ тикилиб*). Бу варақаларни сен тарқатдингми? Бешараф, беномус байроғингни кўтариб келдингми? Фашист байроғини-я! Яна зулм-жафо уруғини сепмоқчимисан? Гитлернинг қонли қўлини ўпасан! Разил! Сен ниятингга етолмайсан!

Жовид. Барибир мен тантана қиламан.

Раҳимов. Бас! Сенлар ҳужум планини мендан яширмоқчи бўласанлар, аммо мен биламан, бешинчи сентябрь соат беш ноль нольда!

Бу сўз Жовид блан Шильни ваҳимага солди.

Шиль. Империя армияси ҳаммангизни мажақлаб ташлайди.

Раҳимов. Юм оғзингни!

Геннадий. Мунча жаврадинг, жағинг тушкур

Раҳимов. Олиб чиқинг, отиб ташланг!

Жовид. Қонунга хилоф! Отолмайсан!

Васька. Қани бўл, кўп гап эшакка юк. (*Геннадий-га.*) Манави бир...

Геннадий. Энди ишинг юришиб кетади, Васькажон, қани ҳайда.

Олиб чиқадилар, жимлик, Раҳимов ғазаб блан Жовид ва Шильнинг изидан қараб қолади.

Раҳимов (*ўзича*). Тантана қилармиш... Чаён!.. (*Яна жимлик.*)

Геннадий (*кириб*). Ўртоқ полковник, ҳамма нарсаси беками-кўст тахт бўлди.

Раҳимов. Фақат ўзингга эҳтиёт бўл! (*Қоғоз бериб.*) Ҳаммаси шу ерда кўрсатилган. Инженерга учра, сапёрларни ишга сол. Шундай қилки, керак бўлган пайтда тоғ ағдарилсин.

Геннадий. Буйруғингизни тугал бажараман, ўртоқ полковник, хайр! (*Чиқади, Васькага.*) Васькажон! (*Сочларини силаб, эркалайди.*) Мана, биз ҳам кетдик.

Раҳимов (*қўлига китоб олиб*). „Война и мир“... (*Ичида ўқийди.*)

Геннадий. Агар биз хафа қилган бўлсак кечир. Командирга парво қил, вақтида ейиш-ичишига қара, зериктириб қўйма. Ба'зан жаҳли чиқиб уришади, кўнглингга олма. Шубҳали одамларни ёнига қўйма, маҳкам бўл! Тушундингми? Васька, Васька, Васькажон! (*Қўл узатиб.*) Хайр, омон бўл!

Васька. Дядя Геннадий, сиз қаёққа борасиз?

Геннадий. Юракка ғусса тўлди, бир ўйнаб келай, яна кўришамиз, хайр Васька, омон бўл! (*Жуда тез чиқиб кетади.*)

Васька (*Геннадийнинг сўзларидан ҳангимаг бўлиб қолади-да, бирдан ўзига келади*). Дядя Геннадий! (*Орқасидан югуради, тўхтайдди.*) Бу қанақа одамлар?

Мени ёш бола, ақли етмайди деб ўйлашади шекилли, йўқ мен ҳаммасини биламан. Мен ёш бола эмасман. Булар ўлимга кетатуриб ҳам, қўшиқ айтишади, қандай ажойиб кишилар! *(Қабулхонага чиқиб Васькадан кўзини узмаган Раҳимовга.)* Ўртоқ полковник!

Раҳимов. Ҳа, Васька, йиғладингми?

Васька. Ўртоқ полковник, мени ҳам дядя Геннадий блан бирга жўнатынг.

Раҳимов. Геннадий кетса, сен кетсанг, мен нима қиламан? Шошма, тонг отиб қолай деди-ю, нега ухламадинг, чарчагансан.

Васька. Дядя Геннадий ўрнига, ад'ютант қилиб, қолдириб кетди. Ўзингиз нега ухламаяпсиз?

Раҳимов. Унақа бўлса, ўртоқ ад'ютант, сен ҳам ухла, мен ҳам ухлай, бор!

Васька ухлашга тайёрланади, Раҳимов бирқанча вақт қимирламасдан тик туради. Дераза ойнасига йирик ёмғир томчилари урилади. Ёмғирга қулоқ солади.

Роса қуйди-ку... *(Уёқдан буёққа юради, бирқадар асабийлашгани, ташвишлангани сезилади, дағал юзида қасос истаги, кўзларида ғазаб ҳис этади. Бирдан орқасига қайрилиб телефонга боради, трубкани олади.)* Катаев, ҳа уруш худоси, тетикмисан? Кайфинг яхшими? Ҳуш'ёр бўптур. Албатта... Сенга ҳам. *(Трубкани қўяди, соатига қарайди, тоқан сизланади. Эшик секин очилиб, уйқисираган Васьканинг боши кўринади.)*

Васька. Чақирдингизми? Сизга бирон нарса керакми, ўртоқ полковник?

Раҳимов. Ҳа, сенмисан?

Васька. Бирон нарса керакми, дейман?

Раҳимов. Ухла, дедим сенга, ухла!

Васька чиқиб кетади. Раҳимов ҳам ётоққа ўтади, саҳна бўш қолади. Ёмғир кучаяди. У яна кўринади. Телефонга келиб трубкани олади, бўғиқ товуш блан гапиреди.

Менга Каймаковни беринг! Ўртоқ инженер, Геннадий Смирновга ёрдам бердингизми? А? Балли! Раҳмат, хайр! *(Трубкани аста қўйиб, яна олади.)* Санюкми? *(Трубкани шинели орасига олади, Васька томонга кўз ташлайди, бўғиқ, аста гапиреди.)* Степан Наза-

рович, Бадридзега айтинг, Загоруйкога кўз-қулоқ бўлиб турсин. Душман томонда нима гап? Жимжитлик?! (*Грубкани аста қўяди. Қўлини ихтиёрсиз узатиб, столдан бир китобни олиб варақлайди*). Тамань... (*Ўқиб.*) Александр Македонский ўзининг шоҳона зиёфатига шу Таманьдан вино олдириб кетар эди. (*Яна варақлаб.*) Тамань Суворов фанагорияси... Александр Васильевич Суворов шу ерда казак корпусига беш йил кўмондонлик қилган. Бу қал'ани мустаҳкамлашда Александр Суворовнинг хизмати жуда катта. (*Китобни ёпиб, ўйланиб.*) Суворов, Генераллиссимус Суворов... Қандай улуғ зот! Рус халқининг шон-шавкати, азамат саркарда... (*Сура тиги тикилиб.*) Юзларидан нур ёғилади. (*Ўйланиб.*) Хўш, шундай оғир танг бир ҳолга тушиб қолганда қандай тадбир кўрарэди у? А? (*Шошиб варақлаб бир саҳифани очиб.*) Тебранмас эди. Ҳар қандай оғир ҳолга тушганда ҳам ғалабага ишонар эди. „Где тревога — туда и дорога!..“ (*Ёпиб.*) Қандай бақувват сўзлар... „Где тревога — туда и дорога...“ (*Астасекин юриб, қабулхонага чиқади, ухлаётган Васька устига шинель ёпади, яна қайтиб киради. Китобни қўйиб, чирогни ўчиради, уй қоронғилашгандай бўлади. Бироз вақт ўтгач, тонг ёришабошлайди. Раҳимов яна дераза ёнида пайдо бўлади. Уйга чўмади, соатига қарайди. Саҳна орқасида товуш эшитилади, эшик тикиллайди.*) Киринг.

Шошилиб Санюк киради.

Санюк. Беш минут қолди... Загоруйко батальони совхоз территориясига мустаҳкам жойлашиб олиб, душманни ўт блан қарши олишга тайёр турипти. Пе-те-эрчи группалар ҳам душманга яқин жойларда пистирмада туриптилар. Буйруғингиз тўла-тўкис бажарилди, ўртоқ полковник. Энди фақат жангга қараб қолдик, холос!

Раҳимов (*соатига қараб*). Уч минут қолди. Бошқа батальонларнинг вазияти қандай?

Санюк. Бадридзенинг бошқа батальонлари, майор Шаровнинг полки ҳам тўла жанговар вазиятда.

Раҳимов. Загоруйко ёвқур командир. Биз уни ташлаб қўймаймиз. Албатта, ёрдам берамиз. Бир минут қолди. Бу азамат комбат, душманнинг жуда катта кучига қарши жанг қилади. (*Соатига қарайди.*) Ана роса беш-у ноль ноль.

Ҳар иккови тоқатсизлик блан қулоқ соладилар. Жимлик. Буларнинг диққати тобора ошади. Санюк тоқатсизланиб юради, гапирмоқчи бўлади, Раҳимов қўли блан, тингланг деган ишора беради. Узоқдан бирдан бўғиқ гумбирлаш эшитилади.

Санюк. Ла'нати. Бошлади.

Раҳимов. Ҳа, бошлади. Роса беш-у ноль нольди. Қани кетдик.

Тез чиқадилар.

У Ч И Н Ч И П А Р Д А

Б Е Ш И Н Ч И К Ё Р И Н И Ш

Кавказнинг юксак қорли тоғлар тизмаси кўриниб турипти. Тонгга яқин. С а ш а, М а р ч е н к о, С о ҳ и б ч а н г а л, Ш е р м а т ва бошқалар пулемёт ва танкка қарши отадиган милтиқлар блан қуролланган ҳолда қулай марраларга жойлашиб олганлар. Отилиб турган ракеталар яқин ўртада фашист окопларининг борлигидан дарак беради.

М а р ч е н к о. Хўш, кўринаяптими, ўртоқ командир?

С а ш а. Кўкат ҳам қимирламайди, дядя Миша.

А р а м. Ла'натининг артподготовкеси тугади-ку.

С о ҳ и б. Қулоқларим батанг келди-я.

Ш е р м а т. Бу жимжитлик нимага аломат? Шитир этган товуш ҳам эшитилмайди. Назаримда ҳозир ҳужум бошланадигандай.

А р а м. Шермат, дукиллаётган нима? Юрагингми?

Ш е р м а т. Суф сенга!..

С а ш а. Соҳиб, тетикмисан?

С о ҳ и б. Михдайман, ўртоқ командир!

Ш е р м а т (*ҳовлиқиброқ*). Нон урсин, ҳозир бошлашади.

С о ҳ и б. Биз ҳам шуни кутиб турибмиз, бошлайвермайдими.

С а ш а (*Соҳибга*). Нима ўқияпсан?

С о ҳ и б. Партияга ариза ёздим. Кираман. Мана, ўртоқ парторг. (*Беради.*)

А р а м. Бизники ҳам тайёр, жангга коммунист бўлиб киришни истайман. (*Чўнтагидан ариза олиб беради.*)

С а ш а. Албатта, кўрамыз.

С о ҳ и б. Коммунист бўлиб жангга кириш катта бахт.

М а р ч е н к о. Ватан учун курашаётган ҳарбир жангчининг олий тилаги — шу!

Соҳиб. Миша амаки, шу Ватан деган сўзни қандай тушуниш керак?

Шермат. Ватанми?

Соҳиб. Тўхтаб тур, Шер!

Марченко. Шошма, қани айтсин.

Шермат. Ватан бу киндик қонинг тўкилган жой, масалан Бўтақора.

Саша. Йўқ, Шермат, Ватан туғилган жойгина эмас, Ватан, бу кенг советлар юрти.

Соҳиб. Бу Москва, Кавказ, Ўзбекистон. Тўғри айтдимми, ўртоқ командир?

Саша. Жуда тўғри айтдинг, Соҳиб.

Шермат. Пахтавонли гапди ҳам михдай қиласан, ҳамколхоз.

Соҳиб. Москванинг азамат кенг кўчаларини, шаҳардек заводларни, қиёмат Метросини, ниҳоят Буюк Қремльни ўйласам, ҳа деб фашистни савалагим келади. Ўзбекистоннинг кўмкўк пахтазорларини, қумурсқабел узумларини эсладимми, фашистни савалагим келади. Кавказ, бу азамат баланд тоғлар, бу кўмкўк увалар, кенг даралар, булар ҳаммаси менга ошна, мен шуларга суқланиб қарайман. Қараган сари душманни савалагим келади. Кавказ осмонидаги юлдузларни кўргананда, Шерматжон...

Шермат (*сўзини кесиб*). Синглим Қумрихоннинг чўлпон кўзлари эсингга тушиб кетадими? Шоир бўпкетей, гапди ҳам роса қиясан-да! Шошма, сен ўзинг Москвада бўлганмисан?

Соҳиб. Йўқ.

Шермат. Тошкент уёқда турсин, Қўқонни кўрганмисан?

Соҳиб. Йўқ, Бўтақорадан тўғри Берлинга бормоқчиман. Кулма! Мен мамлакатимни хаёл кўзи блан кўраяпман. Ғалаба қилиб қайтгандан кейин шаҳарларни бир-бир кезиб чиқаман.

Саша. Балли, Чангал, тўғри айтасан.

Шермат. Китоб кўравериш саводинг ҳам чиқиб қопти. Инглизчаниям хатм қилиб юборган бўлсанг керак?

Соҳиб. Нимага қўл узатсам — қўлим етади, нима деяпсан.

Марченко. Қил блан фил боғлаш, тирноқ блан тоғ қазиш мумкин, аммо Саша, Соҳибчангалга ўхшаш

мард ўғилларни ўстирган Совет Ватанини қул қилиш сра мумкин эмас!

Соҳиб. Биз ҳали бу ла'натининг бошига тоғларни ағдарамиз, нима деяпсан. Мана ше'р ёзиб қўйдим. „Жангчилар“ газетасига юбораман.

Шермат (*эшитилар-эшитилмас*). Сал ўпкангни бос, шоир!

Саша, Марченко, Арам бир ёққа сурилиб кетишади.

Соҳиб. Жигимга тегма! Сени қандай жин урди, фе'линг айнаб қолди!

Шермат (*бўғилиб*). Ҳай, бундай, дўппини олиб қўйиб, ўйлаш керак. Бир сиқим тупроғимиз шу ерларда қопкетмасин дейман.

Соҳиб (*кўзига қаттиқ тикилиб*). Қўрқаяпсанми?

Шермат (*шивирлаб*). Ахир душман зўр. Танклар беҳисоб, ўзиюрар замбараклари бор. Ҳали замон болоқазодай устимизга ёпирилиб келади-ю, ҳаммамизни янчиб ташлайди.

Соҳиб. Гапингнинг сичқон думича қиммати йўқ. Янчиб бўпти! Ҳарнарсани ҳам ҳамқишлоғимга айтсам бўлаверади, деб ўйласанг — аҳмоқсан. Ҳа, ишинг чаппа бўлди, бола!

Шермат. Ёшмиз, ҳали дун'ёга келиб нимани кўрибмиз?

Соҳиб. Ҳа, нима бўпти? Фашистни кўрмаяпман, бир кўрсам аския қилардим, деб қариллаётган сан эмас-мидинг? Гапир! Жон-понинг чиқиб кетдими? Туями-жоз! Мақсадинг нима? Хойна-хой кўзини шамғалат қилиб, носимизни тупириб қолайлик демоқчимисан?! (*Ғазабнок.*) Гапир итвачча!

Шермат. Тилингни тий!

Соҳиб. Хўш, Саша, Марченко, Арамларнинг ҳам жони борми? Ширинми?

Шермат (*ноилож*). Ширин, ширин.

Соҳиб. Бўпти-да! Йигит йигитнинг кўзгуси, шулар нима бўлса биз ҳам шу! Қўрқоқ йигит эмас, тўнгак. Тўнгакни ўзи на сумалакка ярайди, на маҳалланинг ишига! Бўйнида иллоти борнинг оёғи қалтирайди. Қалтирама! Ҳа, ночор қолганда одам эшакни амаки депти, дейсан-да! Фрицни амаки дейликми? Ҳой бола, гапдан гап, чўпдан хас чиқиб яна ишнинг пачавасини чиқара кўрмаки, нариги дун'ени сенга бир қадам қилиб қўяман.

Шермат. Бўлди, бўлди, аравакаш айбдор. Танба қилдим. Мен шунчаки, гапирдим, қўйдим-да, отини тўрт оёғи бўлса ҳам қоқилади. *(Пауза.)* Янглишмасам қаҳрамон бўлмоқчи кўринасан. Биламан, биламан... Орденга қизиқасан... Қўлингда бир пулинг йўғу, туянинг тишини санайсан-а, ҳамколхоз?

Соҳиб. Ўзбек мард, довюррак бўлади. Шуни яхши билиб қўй! Иснод келтиракўрма! Буйруқ шу. Гитлерни ўтказмаймиз. Улар блан тиригимизам, ўлигимизам олишади, тушундингми?

Жимлик.

Булар ҳам жимгина, узоққа тикилишади.

Саша *(саҳна олдига келиб, телефон трубкасини олади)*. Артподготовка тамом бўлган, батальоннинг биринчи марралари қаттиққина зарарланган! Душман ҳужумини кутиб турибмиз. Хўп, албатта. *(Трубкани қўяди.)*

Шермат *(бирдан бақириб)*. Танклар!

Узоқдан танкларнинг гуриллаши эшитилади.

Саша. Тўғри! Итваччалар, орқамизга ўтиб олмоқчи!

Соҳиб. Сезде шекиллик.

Саша. Танк орқасида фашистлар кўринди. *(Телефонга.)* „Орёл“ тўртинчи ариентирда танклар пайдо бўлди. Хўп, ўртоқ комбат, танкларни жонли кучлардан ажратиб ташлашга ҳаракат қиламиз! *(Трубкани қўяди.)*

Шу чоқда буларнинг устидан ўқ учиб ўтади. Ҳамма бошини пастга эгади. Шермат сра бошини кўтармай қолади.

Арам, танкларнинг йўлини қирқинг! Марченко, сиз ҳам боринг!

Арам. Слушаюсь, ўртоқ командир, танкларнинг йўлини қирқаман!

Марченко блан Арам гранаталар олиб, эмаклаб чиқиб кетишади. Танкга қарши отадиган милицяларнинг расчётлари Саша командасида танкларни ўтга тутати. Саша ўз пулемётидан отабошлайди. Бир мина тушиб ёрилади. Соҳибнинг милиця пачоқланади. Ўзи бутунлай тупроқ тагида қолади. Саша Соҳибни кўрмайди, бақиради.

Саша. Соҳиб, Соҳибжон! Соҳиб!!! *(Югуриб бориб, тупроқни кавлайди. Соҳибни тортиб олади.)*

Соҳиб. Нақ ўлай девдим-да, дўстим! (*Қараб.*) О, аблаҳлар, яқин келишиб қопти-ку?! (*Граната иргитади.*) Мана сенга!

Саша. Милтиққа ўт! (*Ўзи пулемётга ёпишади, пулемёт бузилиб қолади.*) Бузилди! (*Тузатабошлайди.*) Соҳиб, Арам шошилманглар, танкларни ёндириб. Володя, Козим, гранаталарни олиб, чап биқинга ўтинглар, танкларни яқинлаштирмай туриблар! (*Ўзи шошилиб, пулемётни тузатмоқчи бўлади, тузатолмайди.*)

Соҳиб. Саша, фрицлар кепқолди.

Саша. Бўлмаяпти.

Шермат. Ана, югуришди.

Танклар табора яқин келади.

Бу қандай бало?! Бостириб келишмаяпти!

Фашист офицерларининг говур-ғувир, командаси эшитилади.

Саша. Барибир ўтолмайсан газандалар!

Марченко. Руҳий атакага ўтишди. Пулемёт... эҳ... бузилганини қара-я! (*Белига гранаталарни боғлаб кетади.*)

Барабан чалиб, ашула айтиб келаётган фашистлар борган сари яқинлашади. Кўзлари чаногидан чиққан Шермат қочиб киради.

Соҳиб. Қаёққа?! Қайт дейман сенга, қайт! Қани, ушла бун! (*Бир боғлам граната тутқизади.*) Юр!

Ўзи олдинга ташланади. Шермат ўзини бошқа томонга уради. Саша тузалган пулемётдан яқинлашиб қолган душманга ўт очади.

Фашистлар орқага чекинишади.

Саша. Аҳа, ана, келавер! Ажалинг етканинг келавер!

Сашага ўқ тегиб йиқилади, Раҳимов, Загоруйко, Геннадий, Васька қўлларида автомат, граната блан кириб келадилар.

Раҳимов. Қаёққа?!

Қочиб кетаётган Шермат тошдай қотади.

Душман ана уёқда, чекинадиган жой йўқ!

Загоруйко. Ўртоқ полковник, танклар бостириб келаяпти!

Раҳимов. Гвардиячи азаматлар. Сталин учун, Ватан учун! Душман йўлини тўсинг, танкларини ёндириб. Мен блан олға!

Ўзи олдинга югуриб кетади. Жангчилар унга эргашадилар.
Шермат бир чуқурликда ваҳима босиб, йиқилиб қолади.

Са ша (*ўзини куч блан тутиб*). Мана бу ёндан фашистлар кўринди. (*Пулемётга келади, кучсизланади*.)

Васька кириб пулемётга ёпишади.

Васька. Қани? Ҳа газандалар! (*Пулемётдан оти бошлайди, ўқ тегиб йиқилади*).

Раҳимов. Васька, Васька! (*Бағрига босади. Бир четга қўяди, ўзи пулемётга югуради*.) Ҳа, санчилдингни?! Кўтар бошингни, илонлар! (*Ўқ ёғдиради*.) Қайтмаганинга қўймайман, қочиб қол! Қочиб қол! У ким?! Марченко?!

Соҳиб. Марченко, ўзини танк остига ташлади, ёндирди!..

Загоруйко (*шошиб-пишиб киради*). Фашистларнинг ҳужуми қайтарилди... Танклари ёндирилди (*Қўли блан кўрсатиб*.) Бир... Икки... Беш... Етти... Қолганлари қочди, ўртоқ полковник. Атака қайтарилди.

Отишмалар тўхтайдди.

Раҳимов. Аросат жанг бўлди. Биринчи атака бос-тирилди. Яша, Марченко! Аммо фон Буг худди шу жойга кечгача жуда кўп атака қилади. Ёриб ўтишга уринади, сиз яна шу жойнинг ўзини мустаҳкамланг, ярадорларни Санитария батальонига жўнатиш. Қаҳрамонлик кўрсатганларни орденга тақдим қилиш. Мен бошқа учаскаларга кетдим. (*Васькага яқин бориб*.) Васька!

Васька (*кўзини очиб*). Ўртоқ полковник...

Раҳимов. Қалайсан... Қўрқма, қўрқма!

Васька. Қўрққаним йўқ... (*Инграйдди*.)

Раҳимов. Дарров машинага ётқизинглар, қон кўп кетди. (*Васькани олиб чиқадилар. Загоруйкога*.) Мен кетдим, айтганларимни бажаринг.

Загоруйко. Ҳаммасини бажараман, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Ҳалок бўлганларни иззат-ҳурмат блан дафн этамиз.

Раҳимов, Загоруйко чиқадилар. Саҳна бўш. Соҳибчангалнинг „Шермат!“ деган ҳайқириғи эшитилади. Бироздан сўнг бош-кўздан қон оққанча кучли изтироб ичида саҳнага отилиб киради.

Соҳиб. Шер, Шер!... (Пауза. Ўртада ўйланиб қолади. Ўзига тасалли берган бўлиб.) Ҳа, ўлган, менинг жонажон дўстим Шер—шердай курашиб ўлган... (Чиқиб, яна гир айланиб келади.) Шермат йўқ! Ўлиги ҳам йўқ, тириги ҳам. (Миясига даҳшатли фикр келади.) А? Наҳотки, Шермат қўлга тушган бўлса, ёинки... Унинг сўзлари... Йўқ, йўқ, бу бадхаёл. Этларим сесканиб кетди. Шер! Шермат! (Қовжираган, йиғи аралаш товуш блан.) Бадбахт бола! Агар хиёнат қилган бўлсанг онанг сути ҳаром бўлсин, яшама, кўзларинг ўйилсин! Мен сени ўлимга ҳукм этдим. Марченко, Марченко! Дядя Миша! (Пауза.) Ҳандай ҳалол, пок одам эдинг, дядя Миша. Қасам'ёд қиламанки, бир қатра қоним қолгунча душманларинг блан курашаман! Қонингга—қон, жонингга—юзлаб жон оламан! Йўқ, ўтолмайсан, ўтолмайсан алвастилар!

Соҳибнинг ғазабли кўзлари ёнади.

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Раҳимовнинг команда пункти. Стереотруба ўрнатилган. Уйнинг бир бурчагига телефонистка блан радист жойлашган. Уч-тўрт жангчи, қўлларида автомат, тикка туришибти. Соҳибчангал ғазабидан тутатиб кетган. Ўртада бошланг, қуролсиз Шермат. Жимлик.

Раҳимов (секин, вазмин). Гапир! (Жимлик.) Нега қочдинг? Дўстларни ўлимга ташлаб-а? (Шермат жим. Ғазаб блан бақиради.) Жавоб бер!

Шермат (кўзлари жовдираб). Тавба қилдим, тавба қилдим, ўртоқ полковник!

Раҳимов. Сен Шермисан? Йўқ, сендан ит ор қилади. Сен иснод келтирдинг! Сен бебурд, ярамас! Қўрқоқ! Сенинг борингдан йўғинг афзал!

Шермат (шафқат сўрагандай бўлиб жангчиларга қарайди, уларнинг ғазаб тўла кўзларидан ваҳимага тушиб бақиради). Войдод! Мени отманг! (Жиниланиб.) Ёшман! Тавба қилдим! Отманг!!!

Раҳимов. Мактубда қўрқоққа шафқат бўлмас дейилган, унутдингми? Сенга ўлим! (Бақиради.) Встать (Шермат тик туради.)

Милтиқлар шарақлайди.

Шермат (талваса блан). А? Ўлим?!.. Соҳибжон... Дўстим! Ахир сен ҳамқишлоғимизсан-ку?!. Онамга нима

дейсан? А? Онамга нима дейсан? Колхозга не деб жавоб қиласан? А? Ўйладингми?! А?!

Соҳиб. Беномус қўрқоқни ўз қўлим блан отиб ўлдирдим дейман. Онанг ҳам берган сутига рози эмас. Сенинг ўлишинг керак!

Шермат. Шундайми? *(Соҳибнинг кўзига тикилиди, нажот кўрмайди, калласи тушиб, кўча томон йўл олади, орқасидан Соҳиб боради.)*

Жангчилар ҳам аста-секин чиқадилар. Раҳимов бир нуқтага тикилганча жим қолади, ҳаяжонланади. Унинг юрагини алланималар тимдалагандай бўлади. Эзилади, лекин тездан ўзини тутиб олади. Милтиқ товуши эшитилади.

Санюк. Душман бутун ўтини Загоруйконинг устига ташлаяпти.

Раҳимов уёқдан буёққа юради.

Яна қаттиқ ҳужум бошланди, биз ҳам жавоб қайтар-сакмикан, ўртоқ полковник?

Раҳимов. Мумкин эмас, ўртоқ комиссар.

Санюк. Чидаб бўлмаяпти, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Биламан. Кўриб турибман.

Санюк. Оғир.

Раҳимов. Солдатнинг иши қачон енгил бўлган экан? Генералнинг айтганларини унутдингизми?

Санюк. Танклар! Танклар совхозга, Загоруйко батальонига яна ҳужум бошлашди.

Раҳимов *(шошиб трубкага боради, кўради)*. Қани? Ҳа, кўрдим, етти, тўққиз, ўнбеш, ўн етти, йигирма уч... Ла'натилар!

Санюк. Танклар блан шердай олишаяпти, азаматлар!

Раҳимов. Қандай ажойиб жанг қилишаяпти, қандай ажойиб! Ҳамаёқни тутун босиб кетди. *(Трубкадан нари кетади, юради, уйланади, тўхтабди. Узи-ча гапирди.)* Ҳозир қат'ий зарба бериш учун энг қулай пайт! Контр ҳужумга ўтиш керак. *(Ичида масалани ҳал қилгандай бўлиб, телефонисткага.)* Менга Бадридзени тўғриланг, қарши атакага ўтамиз.

Телефонистка. „Тўртинчи!“ „Тўртинчи!“

Раҳимов *(айниб)*. Йўқ, керакмас. *(Яна уёқдан-буёққа бетоқат юради.)*

Санюк. Ўртоқ полковник, душман оғир тўплардан отабошлади, Загоруйконинг участкаси дўзахга айланиб

кетди, уни икки томондан ўраб келишяпти. Уни қутқазиш керак.

Раҳимов (*тараддудга тушади, унинг қийин руҳий вазиятда қолганлиги — юзидан, юриш-туришидан сезилиб туради. Юратуриб у бирдан тўхтайди. Телефонисткага*). Бадридзени чақиринг!

Телефонистка (*суюниб*). „Тўртинчи!“, „Тўртинчи!“, „Йигирма“га қулоқ сол!.. (*Раҳимовга.*) Мана, ўртоқ полковник!

Раҳимов (*трубкани олиб*). Ўртоқ майор, а? Нима дейсиз?..

Шу вақтда кўзойнагини тозалаб қўмондон киради. Раҳимовнинг сўзини эшитади. Швидко ҳам бор.

Биламан, аҳвол оғир. Загоруйкога қийин бўлди. Нима? Контратакага рухсат?.. Чидалмаяпсизми? Рухсат йўқ. Чиданг! Буйруқ шу? (*Трубкани қўяди.*)

Санюк, телефонистка ҳайрон. Раҳимов тез чиқиб кетади.

Кедров. Салом, ўртоқ комиссар!

Санюк. Салом, ўртоқ генерал полковник.

Кедров. Хўш, аҳвол нечук?

Санюк. Душман танклари батальон позициясига ҳужум қилаяпти. Загоруйко батальонининг аҳволи танг.

Кедров. Полковник қани?

Санюк. Ҳозир чиқди.

Кедров. Чақиринг!

Санюк тез чиқади. Раҳимов югуриб киради.

Раҳимов. Салом, ўртоқ генерал-полковник! (*Кўришади.*) Эндигина телефон қилиб сўрамоқчи эдим.

Кедров (*қўлини узатиб*). Карпов дивизиясига борувдим. Кириб ўтмасликнинг иложи бўлмади. Сизни табриклаб қўяй дедим. Ҳа, ўткир офицерлар тарбияландингиз. Загоруйко — бургут-а?

Раҳимов. Чинакам бургут.

Кедров. Фон Буг кучанаяпти-ю, лекин Шаров, Бадридзе, Загоруйкодай азаматларни босиб ўтиб бўпти... Хўш?

Раҳимов. Яқиндагина унга танклар қаттиқ ҳужум қилди. Душман унга уч томондан бало-қазодай ёпишди... Агар тездан қат'ий ҳужумга...

Кедров (*сўзини кесиб*). У ялтираган нарса нима?

Санюк. Икки тоғ орасидаги жилға. Душман^{ни} ораликка кириб олиш учун уринаяпти.

Кедров. Бу катта йўлга чиқиб олиш деган га^л.

Раҳимов. Ўртоқ генерал-полковник, шароит^{ни} талаб қиладики...

Кедров (бўлак ёққа қараб). Кавказ, тоғу тош^{ни} иборат. Довон учун бўлган жанглар эсингиздами? Я^{ни} да қўмондон ўртоқ Петров блан ҳам сизни эслаш^{ни} полковник!

Раҳимов. Раҳмат, ўртоқ генерал-полковник, ва^з шуни талаб қиладики...

Кедров. Молодец! Иван Загоруйко пухта офи^{цер} қаранг, душманни анча овора қилди.

Раҳимов. Ўртоқ генерал-полковник!

Кедров. Хўш, полковник?

Раҳимов. Қарши атака қилишга рухсат сўрай^{ми} ўртоқ генерал-полковник?

Кедров. Юрагинг тошиб кетаяптими?

Раҳимов. Қулай пайт.

Кедров. Мумкин эмас!

Раҳимов. Ҳамма нарсa тайёр. Артиллерияни^{ҳам} бир жойга тўплаганман.

Кедров. Рухсат йўқ!

Жимлик. Кедровнинг жаҳли чиққанини Раҳимов пайқади.

Раҳимов. Слушаюсь, ўртоқ генерал-полковник^{ни}.

Кедров. Ҳозирча мудофаани мустаҳкамла. Душ^{ман} маннинг тинкасини қурит, комбатга ёрдам бер, у^{нинг} миномётдан кўпроқ узат. Загоруйко маҳкам туради.

Раҳимов. Бажараман, ўртоқ генерал-полковник^{ни}.

Санюк. Душман атакаси қайтарилди.

Жимлик. Кедров Раҳимовга яқин келади.

Кедров. Мен яна бир гапни аниқлаш учун келдим^{ни}, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Эшитсак, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Биринчи куни ҳужум қаттиқ бўлдим^и?

Раҳимов. Шундай ўртоқ қўмондон.

Кедров. Олдинги маррага бордингми?

Раҳимов. Бордим, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Жангга кирдингми?

Раҳимов (қийналиб). Шундай, ўртоқ генера^л полковник.

Кедров. Жанг қилдим дегин?.. Бу кўрсатган фидокорлигинг учун қандай мукофот берсак-а? Сен туфайли мен қўмондондан катта мукофот олдим. Танбих, уқдингми? Қўмондон мени роса койиб ташлади, ҳа, фақат сен туфайли. Ахир, неча марта айтишим керак? Қачон ташлайсан бу ўзбошимчаликни? Сен кимсан, ўзингни биласанми, дивизия командири! Дивизия командири ҳали траншеяда, ҳали қўл жангига кириб кетган, ҳали танкка қарши югуради, ҳужум қилувчиларнинг тепасига келади, ура-ура! Бу қандай гап!

Раҳимов (*босиқ тозуш блан*). Узр. Айбдорман. Кечиринг, ўртоқ генерал-полковник. Туролмадим, мажбур бўлдим. Узр сўрайман.

Кедров. Узр, узр... Мана шу блан иккинчи марта кечираман, билиб қўй, полковник! Ҳа, газабимни биласан-ку, жаҳлим чиқса отамни ҳам аямайман. Мана ҳозир ҳам шошилаяпсан. Яхшиям келганим, бўлмаса чидаб туролмасдинг, контратакага ўтардинг, ким билсин, ура, деб жангчилар бошида тагин ўзинг кетармидинг?

Раҳимов. Сиздан берухсат ҳужумга ўтмас эдим, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Вақт келганда ҳужумга буйруқ оласан. Шошилма, мудофаани кучайтир. Фон Буг ҳозир кучини бир батальонга қарши солаяпти. Унинг кучини қир, тўхтат. Олий Бош Қўмондоннинг иродаси шу.

Раҳимов. Бажараман, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Хушхабар. Фронтимизга Лазарь Моисеевич Каганович келдилар.

Раҳимов. Ўртоқ Каганович келдилар.

Санюк. Бу қандай бахт!..

Кедров. У киши доҳи Сталиндан Шимолий Кавказ мудофаасида турган жангчиларга салом келтирган. Шу блан яна қанча куч, қанча техника... Ҳа, мана энди ишимиз юришиб кетади, полковник!

Раҳимов. Тўғри айтасиз!

Санюк. Ҳозир кўнглимга чироғ ёққандай бўлди-гиз, ўртоқ қўмондон.

Кедров. У киши армия ҳам дивизияларнинг ҳолаҳволи блан танишиб, уларни мустаҳкамлаб юришгилар.

Санюк. Фон Бугни энди урамиз, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Албатта, Швидко, машинани тайёрла, кетамиз.

Санюк. Икки тоғ орасидаги жилга. Душман шу оралikka кириб олиш учун уринапти.

Кедров. Бу катта йўлга чиқиб олиш деган гап.

Раҳимов. Ўртоқ генерал-полковник, шароит шуни талаб қиладики...

Кедров (*бўлак ёққа қараб*). Кавказ, тоғу тошдан иборат. Довон учун бўлган жанглар эсингиздами? Яқинда қўмондон ўртоқ Петров блан ҳам сизни эслашдик, полковник!

Раҳимов. Раҳмат, ўртоқ генерал-полковник, вазият шуни талаб қиладики...

Кедров. Молодец! Иван Загоруйко пухта офицер, қаранг, душманни анча овора қилди.

Раҳимов. Ўртоқ генерал-полковник!

Кедров. Хўш, полковник?

Раҳимов. Қарши атака қилишга рухсат сўрайман, ўртоқ генерал-полковник?

Кедров. Юрагинг тошиб кетаяптими?

Раҳимов. Қулай пайт.

Кедров. Мумкин эмас!

Раҳимов. Ҳамма нарсa тайёр. Артиллерияни ҳам бир жойга тўплаганман.

Кедров. Рухсат йўқ!

Жимлик. Кедровнинг жаҳли чиққанини Раҳимов пайқади.

Раҳимов. Слушаюсь, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Ҳозирча мудофаани мустаҳкамла. Душманнинг тинкасини қурит, комбатга ёрдам бер, унга миномётдан кўпроқ узат. Загоруйко маҳкам туради.

Раҳимов. Бажараман, ўртоқ генерал-полковник.

Санюк. Душман атакaси қайтарилди.

Жимлик. Кедров Раҳимовга яқин келади.

Кедров. Мен яна бир гапни аниқлаш учун келдим, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Эшитсак, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Биринчи куни ҳужум қаттиқ бўлдим?

Раҳимов. Шундай ўртоқ қўмондон.

Кедров. Олдинги маррага бордингми?

Раҳимов. Бордим, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Жангга кирдингми?

Раҳимов (*қийналиб*). Шундай, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Жанг қилдим дегин?.. Бу кўрсатган фидокорлигинг учун қандай мукофот берсак-а? Сен туфайли мен қўмондондан катта мукофот олдим. Танбиҳ, уқдингми? Қўмондон мени роса койиб ташлади, ҳа, фақат сен туфайли. Ахир, неча марта айтишим керак? Қачон ташлайсан бу ўзбошимчаликни? Сен кимсан, ўзингни биласанми, дивизия командири! Дивизия командири ҳали траншеяда, ҳали қўл жангига кириб кетган, ҳали танкка қарши югуради, ҳужум қилучиларнинг тепасига келади, ура-ура! Бу қандай гап!

Раҳимов (*босиқ товуш блан*). Узр. Айбдорман. Кечиринг, ўртоқ генерал-полковник. Туролмадим, мажбур бўлдим. Узр сўрайман.

Кедров. Узр, узр... Мана шу блан иккинчи марта кечираман, билиб қўй, полковник! Ҳа, ғазабимни биласан-ку, жаҳлим чиқса отамни ҳам аямайман. Мана ҳозир ҳам шошилаяпсан. Яхшиям келганим, бўлмаса чидаб туролмасдинг, контратакага ўтардинг, ким билсин, ура, деб жангчилар бошида тагин ўзинг кетармидинг?

Раҳимов. Сиздан берухсат ҳужумга ўтмас эдим, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Вақт келганда ҳужумга буйруқ оласан. Шошилма, мудрофаани кучайтир. Фон Буг ҳозир кучини бир батальонга қарши солаяпти. Унинг кучини қир, тўхтат. Олий Бош Қўмондоннинг иродаси шу.

Раҳимов. Бажараман, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Хушхабар. Фронтимизга Лазарь Моисеевич Каганович келдилар.

Раҳимов. Ўртоқ Каганович келдилар.

Санюк. Бу қандай бахт!..

Кедров. У киши доҳи Сталиндан Шимолий Кавказ мудрофаасида турган жангчиларга салом келтирган. Шу блан яна қанча куч, қанча техника... Ҳа, мана энди ишимиз юришиб кетади, полковник!

Раҳимов. Тўғри айтасиз!

Санюк. Ҳозир кўнглимга чироғ ёққандай бўлдингиз, ўртоқ қўмондон.

Кедров. У киши армия ҳам дивизияларнинг ҳолаҳволи блан танишиб, уларни мустаҳкамлаб юриптилар.

Санюк. Фон Бугни энди урамиз, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Албатта, Швидко, машинани тайёрла, кетамиз.

Раҳимов. Нима гап?

Самолётларнинг товуши эшитилади.

Санюк. Мессершмитлар! Биз томонга учиб келаяпти.

Кедров. Кетамиз, хайр полковник.

Раҳимов (*югуриб келиб, унинг йўлини тўсиб*). Кечирасиз, мажбурман. Жонингиз биз учун, Ватан учун азиз, Николай Иванович.

Санюк. Тепамизга келди!

Раҳимов. Николай Иванович!

Кедров. Мақсадингни биламан, мени ертўлага ҳайдамоқчисан. Бўлмайди, ишингни қилавер, сенга халақит бермайман, полковник. Швидко, машинани тайёрла.

Раҳимов (*қаттиқ изтироб ичида*). Ўртоқ қўмондон, кечирасиз, мен сизга рухсат бермайман. Бироз туринг, яширининг, сизнинг буерда эканлигингизни билиб қолган бўлса керак.

Кедров. Билса, билар... Мен сенинг қанотингдман, нимадан қўрқаман, Собир.

Санюк. Самолётлар қайтиб кетишди.

Кедров. Ана кўрдингни, сен бўлсанг ваҳима қиласан. Генерални ўлдириш осон гап эмас, полковник. Ҳа, кетдим, фон Буг ҳали сенга кўп осилади. У энди жинни бўлади. Бўш келма. Темирдай маҳкам туравер.

Раҳимов. Сиз бор, темирдай мустаҳкам тураман, ўртоқ генерал-полковник.

Кедров. Хайр! Сенга ғалаба тилайман! (*Чиқади.*)

Раҳимов уни узатиб, қайтиб киради.

Ташқарида машина товуши.

Санюк. Ўртоқ полковник, душман Загоруйко устига яна ҳужум бошлади.

Раҳимов. Загоруйкога қийин бўлди.

Танклар овози.

Телефонистка. Ўртоқ полковник, Загоруйко...

Санюк. Хўш?

Телефонистка. Загоруйко сафдан чиқипти.

Раҳимов. А?

ТЎРТИНЧИ ПАРДА

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Дивизия кўчма госпиталида бир хона. Кроватьда ярадор Раҳимов ётади. Кровать ёнида госпиталь бошлиғи — 2-нчи ранг ҳарбий врач Анна Петровна Надеждина ўтирипти. Паша Раҳимовнинг ҳароратини ўлчаб, қоғозга ёзади.

Надеждина. Уйқуга кетди, бирон кишини қўйманг, ором олсин. Сўнг тинчроқ жойга кўчирамиз. *(Чиқади.)*

Қўлтиғида бирталай қоғоз, папкалар блан Васька киради.

Васька. Салом, Анна Петровна.

Паша. Тссс...

Васька. Тссс... *(Оёқ учида кириб келади, шивирлаб.)* Тузукми? Кайфи жойидами? Иштаҳаси? Гапга тоби, томирининг уриши, ранги-рўйи, хуллас саломатлиги қандай?

Паша. Ол-а... Худо сенинг пешонангдан илгари жағингни очган экан-ку.

Васька. Сенсираманг.

Паша. Ҳой тирранча, жим! Ўзинг кимсан?

Васька. Ана холос! Ҳали сиз Васька Куркинни танитайсизми? Турмушдан минг километр орқада қопсиз. Билмасангиз билинг, мен полковник Раҳимовнинг ад'ютантиман.

Паша кулади.

Надеждина *(қўлида дори шиша, киради. Васькага)*. Хўш, яна келдингизми? Қўлтиғингиздаги нима?

Васька. Анна Петровна, энсангиз қотмасин, нима бўларди, қоғоз, буйруқ.

Надеждина. Қани, дарров туёғингизни шиқиллатиб қолинг!

Васька. Анна Петровна, овора бўласиз. Барибир ҳали замон чақиртириб келади.

Надеждина (*Пашага*). Бу болани қўйманг дедим-ку!

Раҳимов (*кучсиз товуш блан*). Васька...

Васька. Лаббай! Айтмовдимми! (*Югуриб кроватъга яқин келади.*)

Надеждина. Уйғотдингиз, зўрға ухловди-я... (*Кроватъга келиб.*) Безовта бўлманг, ётинг.

Раҳимов. Ие. (*Қўзғолади.*)

Надеждина. Қаёққа?

Раҳимов. Кетаман.

Надеждина. Мумкин эмас.

Раҳимов. Қани, Васька, йиғиштир, кетдик.

Васька (*шошилиб*). Слушаюсь! (*Пашага.*) Таёқ блан попоқ қани?

Надеждина (*аразлаб*), Собир Умарович, нима қилаяпсиз?

Раҳимов. Ётолмайман. (*Бирдан туришга ҳаракат қилади.*)

Надеждина (*ихтиёрсиз қичқиради*). Қўзғолманг.

Раҳимов оғриқ сезади, Надеждинанинг кўзига тикилади, норозилик туяди, жимлик.

Жонингизга куйсангизчи, Собир Умарович!

Васька ҳайрон.

Раҳимов (*хўрсиниб*). Васька... Васька...

Васька. Эшитаман, ўртоқ полковник.

Раҳимов. Иш хуржун-ку, жиян?

Васька. Кўриб турипман. Яхшигина қиймалашипти ноинсофлар...

[Раҳимов. Ишдан чиқибмиз-да энди.

[Васька. Йўқ, сиз ишдан чиқмайсиз, сиздан иш чиқади.

Раҳимов. Ҳали бу оёқ блан Висла, Одердан ўтиб Берлинга кириб бормоқчи эдик-ку!

Васька. Ярадор бўлса оёқ бўпти, сиз бўпсизми?

Раҳимов. Тўғри айтасан, кетамиз...

Надеждина. Мен устингиздан генералга шикоят қиламан!

Зарда блан эшик томонга югуради, Раҳимов ҳайрон.

Раҳимов. Анна Петровна, ҳазил, генералга айта-кўрманг, мана ётдим.

Надеждина. Паша, полковникка дори ичир, мен бошқа касаллардан хабар олай.

Надеждина чиқади, деразадан келиб, полковникка қараб, хотир-
жам бўлиб кетади. Шу вақтда эшик очилиб ярадор жангчилар кў-
ринадилар.

Раҳимов. Салом ўртоқлар.

Ҳархил пойма-пой: „Салом“, „Омонмисиз. ўртоқ полковник“ деган
товушлар.

Қалай, хафа қилишмаяптими? Яхши қарашаяптими?
Саша. Яхши қарашаяпти.

Жангчилар полковникдан қандайдир сўз кутгандай бўлишиб унга
тикилдилар.

Раҳимов (жангчига). Ўтиринг, тик турманг.

Паша табуретка келтириб беради, жангчи ўтиради.

Қани бир танишиб олайлик, сиз қайси полкдан?

1-нчи жангчи. Рядовой Козим, учинчи полк, би-
ринчи батальоннинг учинчи ротасидан.

Раҳимов. Бадридзе полкидан. Комбатингиз Заго-
руйко яхши одам... Оғир ётипти.

2-нчи жангчи. Арслондек йигит...

Раҳимов. Ҳаммаларингиз ҳам бир батальондан-
мисизлар?

Жангчи. Шундай.

Раҳимов. Батальон қаттиқ жанг қилди, лекин
ўзи ҳам анча тўкилди... Нима бўлса ҳамки, маҳкам
турдингиз. Душманни тўхтатдингиз.

Яраси оғрийди, инграйди. Паша унга ёрдамга югуради.

Ҳожати йўқ, ўтиб кетди.

Жангчилар бир-бирларига қарашиб олишади.

Кўриб турибман — сизларга жуда оғир, оғир дўст-
ларим.

1-нчи жангчи. Саволимиз бор эди...

Раҳимов. Сўранг.

Жангчи. Биз шунча ҳаракат қиляпмиз, лекин натижа ҳалигидай... Чамамда фашист жойимдан сра қимирламайман, дейди шекилли.

Раҳимов. Фашист ҳали Ленинградда, Одессада, Киевда, Мурманскда, Қримда ҳам мана шу Кавказда. Фашист буерларга канадай ёпишиб олган.

2-нчи жангчи. Э аттанг... Аҳволимиз мана бундоғ... Краснодарга кирмасдан туриб, майиб бўлиб қолдим, алам қилади...

1-нчи жангчи. Қани энди *(оёғини шапатилаб)* ишкал бўлмаганда-ку, роса тепардим-а!.. Хўш, буёғи нима бўлди, ишни шу ҳолда қолдириб кетабераманми? Йўқ, ўртоқ полковник, кетмайман. Яна жангга кираман.

Раҳимов. Нима учун бундоғ бўлди, сабабини биласизми?

Саша. Тўғрисини гапирсак майлими?

Раҳимов. Гапиринг!

Саша. Машинаси зўр. Машинаси бўлмаса-ку... кунини кўради-я.

Раҳимов. Лекин Совет жангчиси танкдан зўр чиқди... Бунга мисол ўзингиз. Уч ой бўлади, фон Бугга бир қариш ер бердикми?

Саша. Йўқ.

1-нчи жангчи. Бермаймиз ҳам.

Раҳимов. Бермаймиз. Биз ҳали сизлар блан кўп жангларда учрашамиз. Лазарь Моисеевич Кагановичнинг сўзларини хотирлайсизми? У бизга отамиз Сталиннинг саломини топширди, унинг солдатга қандай меҳрибон, қандай жонкуярлигини, бизни улуг ғалаба кунларига олиб бориш учун нималар қилаётганини, ҳаммасини, ҳаммасини сўзлаб берган эди. Мана шунга ҳам икки ойдан ошди, ҳали ҳам кечагидек эсимда, у шундай деган эди: Ғалаба йўли текис бўлмайди, бу йўл жуда оғир, мушкул... Шундай вақтлар ҳам бўладики, орқага чекинасан, шаҳарлар бўшатасан, ҳал қилучи бир жойда куч тўпламоқ учун ёрдам кутасан. Сўнг бутун куч-қувват ғазаб ва даҳшат блан душман устига ёпириласан, тўғри-а? Совет солдати мардликни бировдан қарзга сўрамайди... Ҳаммамиз Улуг Россияни севамиз, керак бўлса жонни ҳам фидо қиламиз. Биласизми, ўзбекларнинг севгили шоири Ҳамид

Олимжон яқинда Россия ҳақида шундай ше'р ёзипти,
мана эшитинг ўқиб берай. (*Ўқийди*):

Россия, Россия, азамат ўлка!
Эй осмон сингари бепоён Ватан!
Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга
Қуёш қучаолмас сени даф'атан.
Россия, Россия, менинг Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон,
Сенинг тупроғингда улғайди таним,
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

1-нчи жангчи. Отасига раҳмат. Роса дилидан чи-
қариб ёзипти.

Раҳимов. Раҳмат, дўстларим.

2-нчи жангчи. Сизга раҳмат, ўртоқ полковник,
кўнглимизни кўтардингиз.

Арам. Тезроқ тузалинг.

Саша. Саломат бўлинг. Хайр, ўртоқ полковник!

Жангчилар хайрлашиб чиқадилар.

Санюк (*киради*). Салом, Собир Умарович! Соғ-
лигингиз яхшими?

Раҳимов. Раҳмат, анча тузукман. Ҳа, яхши кел-
дингиз... Мен бир план туздим. Шу план бўйича фон
Бугни тездан бартараф қилиш мумкин.

Санюк. Қандай қилиб?

Раҳимов. Мана, Сиз ҳам танишиб чиқинг. Мен
буни генерал-полковникка юбордим. Агар план тасдиқ
қилинса, марра бизники. Бу сафар тўхтатибгина қол-
маймиз, ўзимиз ҳам ҳужум қиламиз. Генерал-полковник
планни Шимолий Кавказ fronti қўмондонига юборган.
Ўртоқ комиссар, биз ҳам душманга даҳшатли зарба-
мизни кўрсатамиз.

Надеждина (*бир яшик кўтариб киради*). Собир
Умарович, мана, сизга совға. Сухумидан... Апельсин...
Лимон. Горком секретаридан хат ҳам бор.

Раҳимов. Раҳмат, Анна Петровна. Ўртоқ комис-
сар, ўқинг-чи. (*Санюк ўқийди*.) „Дивизия командири
полковник ўртоқ Собир Раҳимовга ва полк комиссари
ўртоқ Санюкка. Азиз биродарлар! Кавказнинг шонли
ҳимоячилари! Сухуми шаҳрининг меҳнаткашларидан
сизга оташин салом! Сиз жанг майдонларида мардлик

ва жасорат кўрсатиб, душманнинг ҳолини танг қилмоқдасиз. Аблаҳ фашист, сизнинг омонсиз зарбангизни кўриб ваҳимага тушмоқда. Кавказни мудофаа қилаётган ҳарбир жангчи шуни яхши билсинки, унинг орқасида кенг жона-жон юрти ва йўлига кўз тиккан оиласи турипти. Азиз жангчилар, фикру ёдимиз сизда! Сизга ғалаба тилаймиз! Сухуми шаҳар партия комитетининг секретари...“.

Раҳимов. Анна Петровна, илтимос қиламан, лимонларни жангчиларга берсангиз.

Санюк ва Надеждина яшиқни олиб чиқадилар.

Надеждина (*тез қайтиб кириб*). Сизни кўргани ўртоқ Каганович келдилар.

Раҳимов (*ҳовлиқиб*). Ўртоқ Каганович?! (*Ўрнидан туради.*)

Каганович ва Кедров кирадилар.

Каганович. Жойингиздан жилманг, уринманг... Салом, ўртоқ Раҳимов.

Раҳимов. Салом! Хуш келибсиз, Лазарь Моисеевич!.. Ўртоқ генерал-полковник... Келинг отахон...

Келганлар ўлтирадилар.

Каганович. Кайфу ҳолингиз нечук? Эшитиб кўп хафа бўлдик, Собир Умарович.

Раҳимов. Раҳмат, Лазарь Моисеевич! Яхшиман.

Каганович. Собир Умарович, сизни табриклайман, раҳмат, душманни Кавказга ўтказмадингиз. (*Пауза.*) Бу кўрсатган хизматларингиз учун СССР Олий Советининг Президиуми сизни 2-нчи даражали Суворов ордени блан мукофотлади. Буюк саркарданинг порлоқ, ўлмас образи ҳамиша сизни руҳлантирсин, ишингизга мадад берсин. Сизни чин юракдан табриклайман. (*Кўксига орден тақади.*)

Кедров. Табриклайман, Собир Умарович.

Раҳимов (*ҳаяжонда*). Служу Советскому Союзу!

Надеждина. Табриклайман, Собир Умарович!

Раҳимов. Раҳмат, Анна Петровна. Сиздан хурсандман.

Кедров. Аммо Анна Петровна Сиздан хафа, Лазарь Моисеевич, ўртоқ Раҳимов Анна Петровнани хафа

қилармиш, врачларга қулоқ солмас эмиш. Госпитальга ҳам зўрға келтирдик. Шундайми?

Надеждина. Тўғри, агар Николай Иванович бўлмаса, полковникни госпитальга ётқизиш қийин бўларди. Операция яна бир кун кечикса борми...

Каганович. Бирхил одамлар бўладики, сра ҳам жонига ачинмайди, саломатлигини барбод қилади. Ахир, унинг олтин боши, сиҳати, куч-қуввати халқники-ку! Шуни яхши билингки, Собир Умарович, сизнинг жонингиз халқ учун, ҳукумат учун, партия учун керак. Ўртоқ Сталин ҳарбир жангчининг ҳаёти ва саломатлиги ҳақида ўйлайди, ташвиш чекади. Сиз бўлсангиз...

Раҳимов. Кечиринг...

Кедров. Сиз бир нарсa сўрамоқчи эдингиз шекилли?

Раҳимов. Ҳа... Битта саволим бор.

Каганович. Биламан, мушофада туравериш жонга тегди, қачон ҳужумга ўтамиз демоқчимисиз? Ҳаммамизнинг ҳам тилагимиз шу. Улуғ саркардамиз, албатта, ҳужумга буйруқ беради, лекин қачон, қай куни — уни ўзлари биладилар. *(Пауза.)* Фон Клейст бор кучлари блан яна бир марта кучаниб кўрмоқчи. Бутун участкаларда, шу қатори сизнинг участкангизда ҳам бугун-эрта зўр жанглар бошланади. Душманингиз фон Буг ҳам ўлиб-тирилиб тайёргарлик кўрмоқда. Ҳаммасидан ўзингиз хабардорсиз...

Раҳимов. Мен фон Бугни тор-мор этиш ҳақидаги план ва мулоҳазаларимни қўмондонга юборган эдим.

Кедров. Кўрдик. Фикрлашдик.

Каганович. Яна фикрлашамиз. Ўйлайманки, рухсат ҳам этармиз.

Раҳимов. Раҳмат, мен эртадан бошлаб чиқаман.

Каганович. Бу гапни врачлар ҳал қилсин. Тўғри-ми, Анна Петровна?

Надеждина. Тўғри айтасиз, Лазарь Монсеевич. Полковник, яна тўрт-беш кун шу ерда даволаниши керак.

Каганович. Эшитдингизми? Аввал тузалинг. Ҳали зўр жанглар турипти.

Кедров. Бугун-эрта сиз блан биргаликда Берлинга қараб йўл оламиз, ўртоқ генерал-майор.

Бу гапдан ҳамма ҳайратда.

Каганович. Тўғри, таажжубланманг, сиз генерал-сиз, табриклайман. (*Қўлини сиқади.*)

Раҳимов. Лазарь Моисеевич, ахир... мен... мен... ҳали унча хизмат кўрсатганим йўқ.

Каганович. Хизматингиз катта...

Кедров. Табриклайман, ўртоқ генерал-майор.

Раҳимов (*ҳаяжонланиб, Кедровнинг қўлини маҳкам сиқиб*). Раҳмат, Николай Иванович. Фақат сиз...

Каганович. Кечирасиз, безовта қилдик, бизга ижозат, соғ бўлинг. Ҳа, Ўзбекистонда бўлдим. Дарвоқи' иккаламиз ҳам бир юртданмиз-ку, шундайми, Николай Иванович?

Кедров. Шундай, Лазарь Моисеевич. Сиз ўзбек халқининг депутатисиз.

Каганович. Ўртоқ генерал, Ўзбекистон—севган юрту элингиз, сизга кўпдан-кўп салом айтди.

Раҳимов. Раҳмат. Ўзбек халқи сиздек фарзанди ва раҳбари блан ҳарқанча фахрланса арзийди, Лазарь Моисеевич!

Каганович. Демак, иккаламиз ҳам ўзбек халқининг ишончини, улуғ Сталиннинг ишончини оқлашимиз керак. Хайр генерал, сизга ғалаба тилайман!

Раҳимов. Раҳмат, кўп миннатдорман, тамом тузалиб қолдим.

Кедров. Ана, айтмадимми, қочишга баҳона топилди.

Каганович. Йўқ, мусаффо бўлиб соғайганингиздан сўнг, ўшанда ҳам докторларнинг ижозати блан. Хайр, соғ бўлинг!

Хайрлашиб чиқадилар.

Надеждина (*кириб*). Чин юрагимдан табриклайман сизни, Собир Умарович.

Раҳимов. Анна Петровна! Анна Петровна, майли энди дорингиз борми, уколингиз борми опкелаверинг.

Надеждина кулади.

Нима десангиз—хўп. (*Ўзича.*) Наяинки мен... а?! Ҳозир юртим бу хабарни эшитиб қандай суюнаяпти экан. Биласизми, Анна Петровна, ҳа, мен жиндак ҳовлиқаяпман. Хайрон бўлманг, кулманг. Ахир... Революциядан илгари қурул нималигини билмаган ўзбек э...

қўйинг, гапдан адашдим, ишқилиб, Анна Петровна, мен сизга чин юрагимдан ташаккур билдираман.

С а ш а (*эшикдан мўралаб*). Муборак бўлсин, ўртоқ генерал-майор.

Раҳимов. О... Саша... Қуллик, раҳмат.

Жангчилар. Муборак бўлсин, табриклаймиз!

Раҳимов. Мен бу шону шарафга сизлар туфайли сазовор бўлдим, аввало сизларга раҳмат, дўстларим!

Васька (*ҳовлиқиб кириб*). Табриклайман, ўртоқ полковник... йўғе, ўртоқ генерал-майор!

Раҳимов (*Васькани қучиб*). Раҳмат, Васька! Қани энди тайёرمىсан?

Васька (*честь бериб*). Тайёрман, ўртоқ генерал-майор.

САККИЗИНЧИ КЎРИНИШ

Грауденц шахри бўсоғасида бир ўрмонзор. Узоқдан Грауденц шахридаги завод, фабрикаларнинг трубалари, қават-қават иморатлар, вайрон бинолар, мустаҳкам дзот, дотлар кўриниб туради. Шаҳар қамалда. Қиш кунлари, қора совуқ... Ёнгин шу'лалари, тутун. Орачора пулемёт, автомат ва ракеталар отилади. С а ш а, В а с ь к а, А р а м қўлларида автомат, кўкраклари тўла орден, медальлар, шаҳарни тамоша қилмоқдалар.

С а ш а. Ана, йиртқич ҳайвоннинг уяларидан бири — Грауденц шахри. Кўраяпсанми, Васька?

Васька. Кўраяпман, Совет Иттифоқининг Қаҳрамони, гвардия лейтенанти Александр Коровин.

А р а м. Тўрт йилдан бери жанг қила-қила ахир шу ерга етиб келдик.

С а ш а. Фон Бугнинг ҳам зарбимизга тоб бералмай қоча-қоча, охир етган шахри шу бўлди.

А р а м. Шаҳарни ҳам роса маҳкамлапти. Дзот устига дзот қуриб ташлапти, ла'нати.

Васька. Энди қаерга қочар экан?

С а ш а. Берлинга қочади.

А р а м. Яна икки марта сакрасак, Берлинга ҳам етиб оламиз-а, лекин мана бу иш чўзилиб кетди. Шаҳарни қамал қилганимизга ҳам мана — роса бир ойдан ошиб кетди.

С о ҳ и б англиз офицерини бошлаб киради.

С о ҳ и б. Салом, дўстлар, ишлар михдайми?

С а ш а. Салом, бу ким?

Соҳиб. Танимадингми? Англияман дейди.

Арам. Ҳа, кеча лагерда ётган беш мингга яқин асирларни озод қилмовдикми? Бу ўшалардан бўлса керак, офицерга ўхшайди.

Соҳиб. Топдинг. Генерални кўриб унга раҳмат айтишим керак, дейди. Менам: икки „Шуҳрат“ орденининг кавалери младший сержант Соҳиб бўламан, раҳматингни менга айтавур, генералга бориб тегади, дедим, сра кўнмайди.

Васька. Сен унинг юрагидагини қаёқдан билдинг?

Соҳиб. Гаплашдим. Тўрт йилдан бери пашша тутиб юрганим йўқ. Ўқидим, тил ўргандим. Гаплашиб кўрсатайми?

Арам. Имо ишора блан гаплашишга ҳам катта ҳунар керак.

Соҳиб. Гаплашайлик? Бояги француз солдатлари бўлса халоскоримиз сенсан деб ўпишавериб, икки бетимни дўмбира қилиб юборишди. Бунингчи? Сўрагани-сўраган, „Ҳорма!“ — „Бор бўл!“ У, бу, шуноқ-шуноқ гап. Ҳа, сен кимсан!“ — „Ҳа мен Соҳибчангалман. Эшитганмисан?“ — „Ҳа, нима учун сени чангал дейишади“ — „Ҳа, тўртта фрицнинг бўғзини йиртиб ташлаганман“. Бу гапни эшитиб ўзиниям капалаги учиб кетди. „Нимага келдинг?“ — „Ҳа, бу юртларда халқ бесаранжом бўпти, ёмонларнинг таъирини бериб, яхшиларди мундоғ ишини михдай қип қўяй деб келдим“ дейман. „Қаердансан?“ — „Бўтақораликман“ — „Ҳа, Бўтақоранг Москвадан каттами, кичикми? Чироғлари кўпми?“ — „Ҳа, Москвадан кичик, лекин Лондондан ёруғроқ. Чунки, чироғлари кўп“ дейман. Қўйчи, нуқул ташвишнинг ўзи.

Са ша. Демак, бутун Англияга доврўғинг кетиптида, чангал?

Арам. Европани Гитлер чангалидан озод қилган Бўтақоралик Соҳибчангал Миршодиқул ўғли деявер. *(Кулги.)*

Соҳиб. Қани, *(имо қилиб)* гаплашамиз, юрсинлар. *(Офицер блан чиқиб кетади.)*

Жангчилар кулишади. Генерал Раҳимов киради. Жангчилар салом берадилар.

Раҳимов. Салом, жангчи ўртоқлар!

Жангчилар. Салом.

Раҳимов. Кайфларингиз қандай?

Жангчилар. Жуда соз!...

Раҳимов. Мана ниятингизга етдингиз, жангчи ўртоқлар.

Жангчилар аста-секин тўпланиб, саф тортишади.

Сиз Германия тупроғида, қадимги Бранденбург маркграфлигининг ерларидасиз. Прусс юнкерларининг бешиги, немис империализмининг ўчоғи, уруш ва провакациянинг манбаи бўлган зулмат шаҳри Берлиннинг биқинида турибсиз. Душман Орёл, Смоленск, Ленинградда, Миус, Свирь, Днепр дар'ёлаларида, Севастополь, Перекоп, Болтиқбўйларида, Познань, Люблин, Карелия бўйинида жуда ҳам бақувват мудофаа қўрғонлари, қал'алари барпо қилган эди. Сиз буюк саркарда Сталиннинг буйруғи блан ғалаба байроғини баланд кўтариб шу мустаҳкам қал'аларни йиқитиб, парчалаб, ўт ва қон кечиб, шу ергача етиб келдингиз! Сиз Дон, Десна, Днепр, Шимолій Донец, Жанубий Буг, Днестр, Нарва, Неман, Висла дар'еларини орқада қолдириб, бугерга етиб келдингиз. Энди Сиз Одерга яқин турибсиз. Сизнинг қаҳрамонлигингизга, қудратли техникангизга бутун жаҳон қойил. Бир йил илгари бизнинг шиоримиз: „Ғарбга қараб олға!“ эди, энди: „Берлинга қараб олға!“ Ҳа, рус солдати Берлинга мана шу блан учинчи мартаба киради. Лекин бу охиргиси бўлиши керак. Оғзи қон йиртқич ҳайвон фашистни ўз уясида ўлдириб, ғалаба байроғини Берлинга тикамиз. Доҳи Сталиннинг буйруғи шундай. Биз бу вазифани шараф блан бажаражамиз. Даёшь Берлин!

Жангчилар. Даёшь Берлин!

Соҳиб (кириб). Даёшь Берлин!

Раҳимов. Берлинга бориш учун қаршингизда ана шу кичик Берлин — Грауденц шаҳри турипти. Буни бартараф қилмай, муғомбир, ҳийлакор, мақтанчоқ фон Бугнинг жазосини бермай туриб, Берлинга бориш мумкин эмас! Тайёرمىсиз?

Жангчилар. Тайёرمىз, ўртоқ генерал.

Жангчиларнинг сафлари бузилади, ҳарким ўз иши блан овора.

Раҳимов. Хўш, гвардия младший сержанти ўртоқ Соҳибчангал, этик қалай?

Соҳиб. Разришите доложить, ўртоқ генерал. Раҳмат. Этик Берлингача чидайди.

Раҳимов. Совет Иттифоқининг Қаҳрамони, гвардия лейтенанти Александр Коровин, ўқ-доридан қалайсиз?

Саша. Разрешите доложить, ўртоқ генерал. Ўқдори Берлингача етади.

Раҳимов. Балли, хурсанд қилдингиз. Энди мен ҳаммангизни тўй блан табриклайман.

Саша. Қанақа тўй?

Раҳимов. Менинг йигирма йиллик тўйим.

Васька. Йигирмага кирган бўлсангиз икковимиз бир ёшда эканмиз, ўртоқ генерал. *(Кулги.)*

Раҳимов. Ҳа, менга эмас, республикам, мен туғилиб катта бўлган азиз тупроқ, совет Ўзбекистони йигирма ёшга тўлди. Мана. *(Телеграммани баланд кўтарилади.)* Бугун Ўзбекистонда тўй. Мени тўйга чақиришти.

Соҳиб. Ўзбекистонда тўй?

Саша. Тўйинг муборак бўлсин, дўстим! *(Соҳибнинг қўлини сиқади.)*

Соҳиб. Раҳмат, Саша, раҳмат! Яшавурмайдими, иши михдай, ҳаққи бор. Гармонинг қани, автомат, эй кечирасиз, ўртоқ лейтенант.

Васька. Ўртоқ генерал, бир вақт мени Тошкентга жўнатмоқчи бўлган эдингиз, эсингиздами? Ана энди пайти келди, бирга борамиз.

Раҳимов. Биз тўйни шу ерда ўтказамиз. Ўзбекистоннинг тўйига Грауденц шаҳрини тўёна қиламиз, ўртоқлар.

Жангчилар. Ура, ура, ура!

Раҳимов. Қани, Васька, ошпазингга айт, қулинг ўргилсин палов, кавказча кавоб тайёрласин...

Васька. Слушаюсь, ўртоқ генерал, Соҳиб акам айтгандай ҳаммаси михдай бўлади!

Раҳимов. Саша, гармонингни торт. Тўй, юртимизда тўй, кўнглимизда тўй!

Саҳна қоронгилашиб ёришганда стол атрофида генерал Кедров, Лукьянов, Шаров ва бирнеча офицерлар ўлтирган бўлишади. Зиёфатнинг авжи қизиган пайти. Саша чалиб куйлайди.

Кедров *(қўлида стакан)*. Қани, яшнаб турган пахтакор республикамиз Ўзбекистон учун яна ичамиз. Ўзбекистон Совет байроғи остида тобора гулласин, равноқ топсин.

Ичадилар. Ашула давом этади. Гурунг, кулги, музыка.

Раҳимов (*қўлида қадаҳ, ўрнидан туради*). Ўзбек халқи Ленин — Сталин партияси раҳбарлигида, кўнгли дар'ё азамат рус халқининг ёрдами туфайли, қўллик занжирларини парчалаб, мана шундай бахту саодатга етишди, рўёбга чиқди. Мен бу қадаҳни буюк рус халқининг шону шарафи учун ичаман!

Қадаҳни уриштирадилар.

Николай Иванович, Захар Захарович — сизлар учун, соғ-омон бўлингизлар!

Ичадилар.

Лукьянов. Собир Умарович, Ўзбекистондан делегация келаётган эмиш. Хабарингиз бўлса керак?

Раҳимов. Хабарим бор, Захар Захарович.

Лукьянов. Уларни яхшилаб кутиб олинг. Мен ҳам бўламан.

Раҳимов. Албатта, сизга хабар бераман, Захар Захарович.

Лукьянов. Ишонаманки, делегация Сизнинг ғалабангиз, шуҳратингизни кўриб, ниҳоят даражада хурсанд бўлади. Сиз, ўртоқ генерал-майор, юксак баҳо ва олқишга лойиқсиз.

Раҳимов. Раҳмат, ўртоқ генерал-лейтенат.

Лукьянов. Собир Умарович, сизнинг соғлигингиз ва бахт-саодатингиз учун шу қадаҳни кўтаришга ижозат беринг.

Раҳимов. Раҳмат!

Ҳамма чўқиштириб ичади. Кедров блан Раҳимов бир четга ўтади. Лукьянов, Шаров, Бадридзе иккинчи томонга ўтиб, ўзаро суҳбат-лашадилар.

Кедров. Хўш, ўртоқ генерал-майор, вазият қандай?

Раҳимов. Грауденц шаҳари ўзингизга ма'лум, бир ойдан бери қамолда.

Кедров. Аммо шаҳарни душман дўзахга айлантириб юборган. Бу шаҳарнинг мудофаасига Гитлер ўзи аралашаётган эмиш. Разведканинг хабар беришига қараганда „Герман Геринг“ номидаги мотомеханика-

лаштирилган дивизия ёрдамга юборилган. Фон Бугга мадад бериш учун Европада танилган жаллод генерал Фрике келган. Шунинг учун ҳам фон Бугнинг ўзи Грауденц шаҳрида экан. Гитлер фон Буг Кавказдан қочгандан кейин Грауденц шаҳри мудофаасини унга топширган.

Раҳимов. Жуда тўғри.

Кедров. Хўш мудофаа системаси қандай?

Раҳимов. Ҳаммасини игнасида-ипигача билдик, разведканинг хабар бериши шундай: шаҳар неча қатор траншеялар, сим тўсиқлар, танкка қарши қазилган чуқурлар блан ўралган. Мина далалари, дзот, дотлар жуда ҳам кўп. Ҳарбир уй, том-тош вайрона, кўприклар мудофаа учун фойдаланилган. Ҳамма ерда пулемёт, минамёт уялари бор. Ҳатто соқчи батальонлар, полиция бригадалари, фольксштурм отрядлари ҳам шаҳар мудофаасига ташланган. Бу нарса кўрсатадики, Гитлер осонликча жон беришни истамайди. Лекин шуни айтишим керакки, ҳечқандай куч йўлимизни тўсолмайди, биз Олий Бош Қўмондоннинг фармонига мувофиқ ғалаба байроғини Берлинга ўрнатамиз, ўртоқ қўмондон.

Кедров. Раҳмат, тўғри айтдингиз. Гитлер жон бериш олдида қаттиқ талвасага тушаяпти, янгидан-янги дивизиялар, полкларни келтириб бизга қарши сола-япти. У осонгина жон бермайди, Берлинга яқинлашган сари шиддатли, оғир, қонли жанглар бўлади. Лекин ишонаманки, гвардиячи Сталинград қаҳрамонлари Олий Бош Қўмондоннинг буйруғини сўзсиз бажарадилар.

Раҳимов. Албатта, сўзсиз бажаради, ўртоқ генерал-полковник!

Кедров. Сиз Грауденц шаҳрини ўз кучингиз блан штурм қилиб оласиз. Мен маршал буйруғига мувофиқ Данцигга жўнайман. Данциг катта порт шаҳри. Буерга Шарқий Пруссиядан, Болтиқ бўйларида, Помераниядан чекинган саноқсиз фашист армияси тўпланган. Душман Данцигга маҳкам ёпишмоқда. Аммо Олий Бош Қўмондон ўртоқ Сталин ердаги, ҳаводаги, денгиздаги барча кучларни ишга солиб, зўр жангларни бошлаб юборишга буйруқ берди. Сиз Грауденцни олгандан сўнг тездан Данциг томон йўл олинг.

Раҳимов. Ўзбекистоннинг йигирма йиллик тўйи шарафига бугун тонг чоғи шаҳарни штурм қиламан.

Кедров. Майли, рухсат. Душманни яксон қилинг,

аммо жангчилар ҳаётини сақланг. Шунинг учун энг аввал яхшилаб артподготовка ўтказинг. Ўртоқ Сталиннинг буйруғи шундай, ҳарбир жангчининг ҳаёти... Ҳа шуни унутманг. Зиёфатингиз учун раҳмат, ўртоқ генерал-майор. (*Хайрлашади.*)

Лу къянов (*яқин келиб*). Раҳмат, ўртоқ генерал-майор. Чин кўнгилдан сизга ғалаба тилайман. Тезроқ етиб боринг, Данцигда кутамиз сизни.

Раҳимов. Кўп миннатдорман. (*Генералларни уза-тиб қайтади.*) Васька!

Васька. Эшитаман, ўртоқ генерал-майор.

Раҳимов. Полк ва батальон командирларининг ҳаммасини чақир. Айт, команда пунктими шу жойга кўчирсинлар!

Васька. Слушаюсь, командирларни чақираман, команда пунктини шу ерга кўчираман, ўртоқ генерал-майор.

Чироғ ўчиб, ёнганда команда пунктини шу жойда кўрамиз. Радист, телефонисткалар ишга киришган. Бирнеча офицерлар хизматга ҳозир туради.

Загоруйко. Ўртоқ генерал-майор, полк жангга тайёр.

Раҳимов. Сизчи, ўртоқ Бадридзе?

Бадридзе. Тайёрман, ўртоқ генерал-майор.

Раҳимов. Полковник Шаров?

Шаров. Полк жангга тайёр, ўртоқ генерал-майор.

Раҳимов. Сизларга ишонамиз.

Офицерлар. Ишончингизни оқлаймиз.

Раҳимов. Жангга киришинг, сизга ғалаба тилайман.

Чиқадилар.

Васька. Ўртоқ генерал, менга ҳам жангга киришга рухсат беринг.

Раҳимов. Рухсат.

Васька кетади.

Телефонистка. Ўртоқ генерал-майор, барча қисмлар блан алоқа боғланди.

Раҳимов. Балли! (*Радисткага.*) Хўш, сен тайёрмисан?

Радистка. Тайёрман!

Раҳимов. Бузилиб қолмайдими?

Радистка. Асло, ўртоқ генерал-майор.

Раҳимов. Қани, „Чақмоқ“ни чақир.

Радистка. Ҳозир! „Чақмоқ“, „Чақмоқ“, сен блан „Ўттиз“ гаплашади.

Раҳимов. „Чақмоқ!“ Тайёрмисан? Қани бўлмаса еру кўкка бир ларза сол! Огонь! (*Трубкини қўяди, дурбин блан кузатади.*)

Бирдан зўр канонада бошланади. „Катюша“ларнинг бўғиқ, даҳшатли товушлари юзларча узоққа отар тўпларнинг ҳайқиригига қўшилиб кетади. Ҳавода узлуксиз гумбирлаш. Ёнғинлар, алангалар кўринади, атрофни тутун босади.

Раҳимов. Қани „Куч“ни чақир, „Куч“ни!

Телефонистка. „Куч“, „Куч“, сени „Ўттиз“ чақиряпти. Мана! (*Трубкини беради.*)

Раҳимов (*трубкага*). Пўлат айиқларни олиб чиқ! Батареяларни янчиб ташла. Дадил олдинга бос! (*Трубкини қўйиб яна олади.*) Шаров, тайёрмисан, полковник? Қани, полковник, жангчиларни кўтар! Фашистларга қирон сол! Дзот, дотларини, траншеяларини янчиб ташла! (*Иккинчи трубкини олади.*) Артиллерия тайёргарлиги яхши бўлди. Ҳа, полковник Бадридзе, кўтар, дадил кўтар! К бою!

Танкларнинг гуриллаши, тўп овозлари эшитилади.

Галаба тилайман! (*Телефонисткага.*) „Лочин“ни чақир!

Телефонистка. „Лочин“, „Лочин“, сени „Бургут“ сўрайди. (*Раҳимовга.*) Мана, ўртоқ генерал-майор.

Раҳимов (*трубкага*). „Лочин“, юрагинг тошиб кетаяптими? „ИЛ“ларингни осмонга учир, ёғдир, аяма!!! (*Трубкини қўяди. Шу чоқ ўнлаб самолёт моторларининг гуриллаши эшитилади. Трубкини олади.*) Аҳвол қалай? Яқинлашдингми? Боравер! К бою! Нима! Чап томондан, контратака қилаяпти?!

Санюк. Ҳужум қилаётган қисмимизга орқа томондан зарба бермоқчи.

Раҳимов (*телефонисткага*). Резервни чақир!

Телефонистка. Резерв штабининг бошлиғи телефонда.

Раҳимов. Андрей Никифорович, чап томондан

томоки фабрикасига контратака қилаяпти, батальонни чапга ташла. Бешинчи ротани Загоруйко ихтиёрига юбор. Шаҳарга ёпиш. А? (*Ҳаяжонланиб.*) Бу қандай гап? (*Санюкка.*) Контратакани тўхтатиб бўлмаяпти, вазият огир. Комиссар, сиз қўмонда беринг, ўзим бора-ман!

Санюк. Ўртоқ генерал, борманг, бормаисиз! Ахир, яхши эмас.

Раҳимов. Хавф туғилиб қолди, душман фабрика-ни қўлга олса, дивизияни икки қисмга бўлиб қўяди. Қўмонда беринг! (*Югуриб чиқиб кетади.*)

Санюк. Ўртоқ генерал! Оббо, яна кетди, бу қан-дай одам?

Радист. Армия генерали!

Санюк (*трубкани олиб*). Салом, ўртоқ армия генерали. Ҳа, мен командир ўринбосари Санюк. Яхши, Грауденцни штурм қилаяпмиз... Ҳозир шу ерда эди. Хўп, раҳмат ўртоқ қўмондон! (*Трубкани қўяди. Бош-қа трубкани олади.*) Загоруйко, яқинлашдингми? (*Трубкани қўяди, дурбин блан қарайди.*) Генерал бир группа автоматчиларни олиб кетди. Ана, бу қандай одам? Яша, бошлаб урди. Контратакаси ҳам барбод бўлди. (*Пауза. Трубкага.*) Нима, полковник Шаров, биринчи траншеяларни эгалладим дейсанми? Балли, ўлма, олдинга бос! (*Иккинчи трубкани олиб.*) Майор Загоруйко шаҳар деворига ёпишмаяпти? Яша, азамат майор, яша!

Хорган, чарчаган ҳолда Раҳимов киради.

Раҳимов (*трубкага*). Нима? Одам оз қолди? Ҳо-зир учта рота сизга ёрдамга боради. Полковник Бад-ридзе, шаҳар қопқаларини бузиб ташла, босиб кир! Впе-ред, вперед! (*Чуқур нафас олади, харитага белги қўяди.*)

Санюк (*кириб, ҳаяжонли*). Ўртоқ генерал-майор, Загоруйко, Бадридзе, Шаров полклари Грауденц шаҳ-рини олдилар. Крепостъга байроқ ўрнатилди. Генерал фон Буг таслим бўлди.

Раҳимов (*секин*). Ура, ура, полковник!

Санюк. Ура, ура, ўртоқ генерал-майор!

Раҳимов (*трубкага*). Николай Иванович, Грау-денц шаҳри олинди, буйруғингиз бажарилди, генерал

фон Буг таслим бўлди. Ҳа, генерал Фрике ҳам бирин. А, ким блан?.. *(Санюкка секин.)* Маршал... *(Трубкага)* Мен Раҳимовман, салом ўртоқ Маршал! *(Пауза.)* Раҳмат, Ватанимнинг ҳарбир амри-фармониға ҳозирман! Служу Советскому Союзу! Раҳмат. Албатта! *(Трубкани аста қўяди, кулади.)*

Санюк. Табриклайман, Собир Умарович!

Раҳимов. Сизни ҳам табриклайман, Степан Назарович.

Ҳовлиқиб Васька киради.

Васька. Разрешите доложить, ўртоқ генерал-майор. Топшириқ бажарилди. Шаҳар олинди. Тўнғизнинг энг каттаси — фон Буг блан генерал Фрике ҳузурингизга бош эгиб келди. Мана документлари. *(Папка узатади.)*

Фон Буг ва Фрикени Соҳиб, Арам, Сашалар олиб кирдилар. Уларнинг қўлларида фашист байроқлари. Байроқларни келтириб Раҳимовнинг оёғи остига ташлайдилар.

Раҳимов. Зулмат, ажал байроғи. *(Жангчиларга.)* Раҳмат, мен тўртталангизни СССР Олий Совети Президиуми номидан Қизил Юлдуз ордени блан мукофотлайман. *(Байроқларни босиб ўтади.)*

Васька. Ўртоқ генерал, менга яна қандай хизмат бор?..

Раҳимов. Ўртоқ Васька, энди Берлинга!

Васька. Есть, Берлинга! *(Чиқади.)*

Асир тушган солдатларнинг соялари кўринади, шаҳар қўрғонига илинган қизил байроқ ҳилпирайди. Бундан руҳланган Раҳимов жангчиларига мурожаат қилади.

Раҳимов. Ботир жангчилар! Ғалаба блан табриклайман! Ана, балолар, мусибатлар, оҳу фар'ёдлар келтирган қора шаҳар оёғингиз остида! Берлинга томон олға!!! Олға!!!

МУНДАРИЖА

Тор-мор	3
Нурхон	73
Ёндирамиз	127
Гулсара	187
Генерал Раҳимов	237

На узбекском языке

Я Ш Е Н

П Ъ Е С Ы

*Госиздат УзССР
Ташкент — 1954*

Редактор *М. Исломов*
Рассом *А. Ременник*
Технический редактор *Я. Пинхасов*
Корректор *Ш. Қўшбоева*

Теришга берилди 4/IX 1954 й. Босишга рух-
сат этилди 18/XI-1954 й. Формат $84 \times 108^{1/32}$.
9,5 босма л. 15,58 шартли б. л.
Нашр. л. 16,0. Тиражи 10000. Р09345.
Индекс: н/а. Ўзбекистон ССР Давлат
нашриёти. Тошкент, Полиграф к., 74.
Договор № 479-1953 й.

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиз-
датининг 1-нчи босмахонаси.
Тошкент, Ҳамза кўчаси 33. 1954.
Заказ № 828.
Баҳоси 9 с. 50 т.